215

БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ТАРБИЯЧИСИНИНГ ҚУТУБХОНАСИ

Н. П. САКУЛИНА
Т. С. КОМАРОВА

Болалар боғчасида тасвирий фаолият

Хр2012

Книга должна быть возвращена не позже указанного здесь срока

Количество предыдущих выдач

Jc

74.1
С15

БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ТАРБИЯЧИСИНИНГ КУТУБХОНАСИ

Н. П. Сакулина,
Т. С. Комарова

БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТ

ТАРБИЯЧИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

283294
Сурхандарьинская ОБЛБИБЛИОТЕКА им. Гоголя
2
ADIB
SURXO
21013
283294 7

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ
Тошкент — 1976

РСФСР Маориф министрлигининг мактабгача
тарбия Бошқармаси нашр этишга
тавсия қилган

© Издательство «Просвещение», 1973 г.
© Ўзбек тилига таржима, «Ўқитувчи», 1976 й.

С $\frac{60402-№\ 75}{353\ (06)\ 76}$ 204—76

АВТОРЛАРДАН

«Болалар боғчасида тарбия программаси»га тасвирий фао-ят буйича методик қулланма биринчи марта яратиляпти. лланмада болалар боғчасининг ҳамма группаларидаги иш-р мазмуни ва усуллари очиб берилади.

Тақдим қилинаётган методиканинг энг муҳим хусусиятлари-н бири шундан иборатки, унда бола ижодини ўстириш ўқитиш тарбиялаш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади. Болалар стақиллигини ўстиришга, ўз фикрларини ифода этиш ва шах-й тажрибаларини акс эттириш учун кенг имкониятлар яра-шга катта эътибор берилади.

Болаларнинг тасвирлаш ижодини ўстиришнинг муҳим шарти никма ва малакаларни эгаллаш, расм чизиш, лой ёки пласти-ндан нарсалар ясаш, аппликация (ҳар хил шаклларни ёпиш-риш) машғулотларида фойдаланиладиган турли хил матери-лар, улар билан ишлаш усуллари ҳақидаги билимларни аштиришдир. Шунинг учун ҳам мазкур қулланмада бу салалар ҳар бир ёшга оид группалардаги ишларни таъриф-шда очиб берилади.

Болалар зеҳнини ўстирмасдан, уларнинг борлиқ ҳақидаги саввурларини бойитмасдан туриб, уларнинг ижодини шакл-нтириш мумкин эмас. Барча группа тарбиячилари бу ҳақда м ғамхўрлик қилишлари керак.

Қўлланма авторлари расм чизиш, лой ёки пластилиндан рсалар ясаш, аппликация машғулотларини ўзаро ва тарбия ининг бошқа томонлари билан боғлиқ деб қарайдилар. Маш-лотлар тематикасининг ижтимоий йўналишига алоҳида аҳа-ят берилади. Баён қилинган машғулотларда, план ва конс-ктларда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги воқеалар, яъни рилиш, космик кемалар парвози, совет кишиларининг меҳна- шанбаликларда иштирок этишлар ва бошқа кўп воқеаларни с эттириш имконини берувчи болалар ишларининг темалари рилади.

Тарбиячиларнинг кўпчилиги тасвирий фаолиятга ўргатиш-нг қандай метод ва усуллари мавжуд эканлигини биладилар, роқ уларни машғулотларда татбиқ қилишни ҳаммалари ҳам лавермайдилар. Шу сабабли авторлар текстда машғулотлар

баёнини, айрим методик усуллардан фойдаланиш йўлларини очиб беришни зарур деб ҳисоблайдилар.

Қўлланма мактабгача ёшдаги болаларнинг тасвирий фаолияти соҳасида кейинги ўн йил ичида ўтказилган барча текширишларни, шу жумладан, ўқитиш методикасини бойитган, болаларнинг буюмлар ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш мақсадида машғулотларга буюмларни текширишни киритишга ёрдам берган сенсор тарбияга оид ўтказилган текширишларни ҳисобга олиб ёзилган. Расм чизиш техникаси юзасидан ўтказилган текширишлар тасвирлашда бола қўли ҳаракатининг ролини, расм чизишда турли материаллардан фойдаланишни ўзлаштириш зарурлигини аниқлаш имконини берди, болалар боғчасида ишлатилиб келинган бадиий материалларнинг анъанавий наборини кенгайтиришга ёрдам қилди.

Авторлар СССР Педагогика фанлари Академияси мактабгача тарбия илмий текшириш институтининг эстетик тарбия лабораторияси томонидан болаларнинг тасвирлаш ижоди юзасидан ўтказилган текширишларга, болаларни лой ёки пластилиндан нарсалар ясашдаги тасвирий ижодга ўргатиш ва уни ўстириш юзасидан ўтказилган текширишларга (Н. Б. Ҳамзова, Москва) таяниб иш кўрдилар.

Программага болаларни тасвирий санъат билан таништириш бўлими киритилиши туфайли тасвирий фаолият методикаси бойиди. Тасвирий санъатнинг баъзи турларининг болаларга тушунарли бўлиши текширишлар ва болалар билан олиб борилган кенг кўламдаги ишлар билан исботланган эди.

Қўлланмани ёзишда авторлар расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш, аппликация машғулотлари болаларни мактабга тайёрлашда самарали воситалардан бири деб қарашга имкон берадиган материалларни ҳисобга олганлар.

Қўлланмада тавсия этилган машғулотлар мазмуни ва методлари тажриба машғулотларида ҳам, оммавий болалар боғчасида ҳам, шунингдек тарбиячилар билан ўтказиладиган семинарлар (қисқа муддатли ва доимий ҳаракатдаги семинарлар) да ҳам бир неча марта текшириб кўрилган.

Китоб беш бобдан иборат бўлиб, уларда болалар боғчасининг турли ёшдаги группаларида тасвирий фаолият бўйича болалар билан ишлаш методикаси изчил равишда очиб берилади. Ҳар бир бобда тасвирий фаолиятнинг барча турлари юзасидан перспектив планлар ва машғулотлар конспекти берилади. Планлар формаси расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш, аппликация тарбиявий ишларининг ҳамма томонлари: ўқиш, ҳикоя қилиш, теварак-атроф билан танишиш, музика машғулотлари ва бошқалар билан ўзаро боғлиқ эканлигини кўриш имконини беради. Бу ишнинг барча томонларини ҳали тўла-тўкис қамраб ололмайдиган, уларни ўзаро боғлиқ эканини тасаввур қила олмайдиган, болалар фаолиятининг турли соҳаларида тарбиялашнинг барча масалаларини мумкин қадар тўла ҳал қилиш-

ни таъмин қила олмайдиган ёш педагоглар учун айниқса муҳимдир. Аммо мазкур форма ҳар бир тарбиячи учун мажбурий эмас: бу перспектив планлаштириш имкониятларини кўрсатиш учун келтирилган.

Биринчи бобда биринчи кичик группада расм чизиш ва лой ёки пластилиндан нарса ясаш бўйича машғулотлар ўтказишнинг хусусиятлари очиб берилади. Бу группада тасвирий фаолият биринчи марта киритилиши ва асосий вазифа болаларни расм чизиш ва лой ёки пластилиндан нарсалар ясашга жалб этиш бўлганлигини ҳисобга олиб, авторлар асосий эътиборни машғулотларни ташкил этишга ва бу ёшдаги болалар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятига қаратадилар.

Иккинчи кичик группадаги тасвирий фаолиятнинг, олдинги группадагидан фарқи (асосий вазифаларидан бири болаларни юмалоқ ва тўғри тўртбурчак нарсаларни тасвирлашга) шакл ҳосил қилиш ҳаракатларига ўргатишдир. Бунинг натижасида болалар нарса ва теварак-атрофдаги борлиқни тасвирлаш малакасини эгаллайдилар. Шунинг учун ҳам нарсаларни тасвирлашдан олдин улар болалар кўз олдида текшириб кўрилади, бу эса болалар аналитик (кўриш ва сезиш) идрокининг ривожлана бошлашига ёрдам беради.

Бу группага буюмларни текшириб кўришнинг киритилиши ва бу процессда болаларни активлаштирилиши нарсаларни тасвирлашда болаларнинг кўпроқ мустақил ишлашига, тарбиячининг тасвирлаш усулларини ва намуна кўрсатишни соқит қилишга имкон берганлигини авторлар конкрет мисоллар билан кўрсатишга интиладилар. Бу группада тасвирий фаолиятнинг уч тури (расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясаш, аппликация) ажратиб кўрсатилиб, улар якка ва бир-бирига боғлиқ ҳолда машғулотларнинг тахминий (октябрь ва март ойлари) планида ўз ифодасини топади.

Ўрта группада шакл ҳосил қилиш ҳаракатларига ўргатиш давом этади, бироқ теварак-атрофдаги нарсаларнинг ташқи кўриниши ҳақида болалар тасаввури кенгайганлиги муносабати билан бу ҳаракатлар бирмунча дифференциялашган (мутаносиблик, катта-кичиклик, бўшлиқда турган ҳолатидаги тафовути) ҳолда давом этади. Бу группага киритиладиган декоратив фаолиятдан эстетик ва сенсор тарбия: рангни, композицияни ҳис этишни ўстириш, ранглар, катта-кичиклик, геометрик шакллар ҳақидаги тушунчаларни кенгайтиришда фойдаланиш лозим. Теварак-атрофдаги ҳаётнинг акс эттирилиши болаларда фазога оид тушунчаларни ўстириш заруратини туғдиради.

Бу группада қирқиш ишлари бажарилади, шу сабабли болаларни улар учун янги асбоб — қайчидан фойдаланишга ўргатилади.

Катта группа болаларини ўргатишда муҳим ўринни нарсаларнинг мутаносиблиги, уларнинг катта-кичиклиги ва бўшлиқдаги нисбати билан боғлиқ бўлган бўшлиқ ҳақидаги тушунча-

ларни аниқлаш ва мураккаблаштириш эгалламоғи керак. Нарсалар тузилишини баён қилиш кўникмасини эгаллаб олгач, болалар одамларнинг, ҳайвонларнинг ҳаракатдаги ҳолатини тасвирлаганда, тана аъзолари, гавда ҳолатини ўзгартириш имкониятига эга бўладилар. Тарбиячилар рангни ҳис этиш қобилиятини ўстиришга алоҳида эътибор беришлари зарур, чунки бу сюжетли, шунингдек декоратив расм чизиш расм учун ҳам жуда муҳимдир. Болаларни тасвирий ва декоратив-амалий санъат асарлари билан таништириш жараёнида эстетик ҳисни ўстириш ва у асарни баҳолашга ўргатиш зарур.

Тайёрлов группаси якунловчи группадир. Болаларни мактабга тайёрлаш олдинги группаларда ҳам амалга оширилади, аммо бу группада у бирмунча яққол кўзга ташланади. Бу группада тасвирий фаолият учун ҳам катта имкониятлар мавжуд, чунки ҳар бир машғулот якунида натижа (расм, лой ёки пластилиндан ясалган нарса, аппликация) бўлиб, уни таҳлил қилиш ва баҳолаш мумкин. Расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясаш, аппликация машғулотлари керакли материалларни тайёрлаш билан боғлиқ, ҳар бир боладан диққат-эътиборни, мустақилликни, ҳаракатни мақсадга мувофиқ йўналтирилишини, бошланган ишни охирига етказишни, ўз иши ва ўртоғи бажарган ишни баҳолай олишни талаб қилади. Катта болалар билан ишлаганда педагог шахснинг ана шу томонларини тарбиялашга алоҳида эътибор бериши керак.

Тайёрлов группасида катта группа олдига қўйилган тасвирлашга оид вазифалар: жой ва рангларнинг бир-бирига нисбатини, нарсаларнинг ўзига хос формаси ва тузилишини, сюжет мазмунини ифодалаш масалаларини ҳал қилишда давом этиши керак. Шу билан бирга мактаб томонидан қўйиладиган вазифалар: натуранинг конкрет хусусиятларини акс эттириш, декоратив санъатнинг элементар хусусиятлари билан танишиш масалалари қисман ҳал этилади. Тасвирий ва декоратив санъат асарлари билан, айрим рассомлар билан болаларни системали ва планли равишда таништириб бориш бу группада муҳим аҳамиятга эга.

Етти ёшга қадам қўйган болаларнинг ижоди бирмунча индивидуал характерга эга бўлади ва уни қўллаб-қувватлаш, тасвирий фаолиятнинг барча турларида, ҳамма машғулотларда рағбатлантириш лозим.

Болаларнинг тасвирий фаолияти эстетик тарбиянинг энг муҳим воситаларидан биридир. Бу болалар билан ишлаш методикасининг мазмуни ва тузилишида: гўзалликни кўра олиш ва тушуна билиш кўникмасини ўстиришда ҳам, тасвирлаш учун мазмун танлаб олишда ҳам, расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш, аппликация машғулотларида эстетик туйғуни ўстиришда ҳам, мазмунли тасвирга эга бўлиш имконини берувчи машғулотлар учун материал танлашда ҳам ўз ифодасини топади.

БИРИНЧИ КИЧИК ГРУППА

Расмга бўлган қизиқиш болаларда барвақт пайдо бўлади. Ота-оналари, акалари, опалари ручка, қалам билан қандай ҳаракат қилаётганларини кузата бориб, кичкинтойлар ҳам қўлларига қалам олиб, уни қоғоз бетида юргизишга уринадилар. Бунда икки ёшлик болалар учун хос бўлган катталарнинг ёрдамисиз ҳаракатни бажаришга актив интилиш ўз ифодасини топади. Аммо бошланишда уларда ҳеч нарса чиқмаслиги табиий: қўл итоат этмайди, расмни қандай қилиб чизиш кераклиги оилада камдан-кам ўргатилади.

Боланинг тасвирий фаолиятга уюшган ҳолда аралашуви болалар боғчасида, биринчи кичик группада (уч ёшда) бошланади.

Бу группада ўргатиш программаси унча катта эмас. Энг аввало болаларни қоғоз билан таништириш, уларнинг эътиборини қаламнинг (агар у очилган учи билан юргизилса) из қолдиришига жалб этиш зарур.

Болани қоғозга чизилган штрихлар ва чизиқларни пайқашга, қалам (мўйқалам)ни қоғоз устида юритишни кузатиб боришга ўргатиш керак. Болаларни ҳосил бўлган штрихлар ва чизиқларнинг атрофдаги нарсаларга ўхшашлигини топишга аста-секин ўргата бориш лозим.

Сўнгра болаларни илгари ҳосил бўлган штрихларнинг нимага ўхшашлигини англаб, уни қайтадан чизишга ундаш керак. Тасвирлашни эгаллашда бу босқич жуда муҳим: келгусида болалар (тарбиячининг кўрсатмаси билан ёки кўрсатмасисиз) унча мураккаб бўлмаган нарсалар ва ҳодисаларни: ёмғир томчилаяпти. қор ёғяпти, барглар учяпти, арикчаларда сув оқяпти ва шу кабиларни расмда акс эттира оладилар.

Программада кўрсатилган энг муҳим вазифалардан бири болаларни қалам ва мўйқаламни муштумчаларида эмас, балки бармоқлари билан тўғри ушлашга ўргатишдир.

Болаларни расм чизишга ва лой ёки пластилиндан нарса ясашга ўргатиш йил давомида қандай амалга оширилади?

«Болалар боғчасида тарбия программаси» ҳафтада бир марта расм чизиш ва бир марта лой ёки пластилиндан нарса ясаш машғулоти ўтказишни тавсия қилади. Демак, лой ёки пластилиндан нарса ясаш ва расм чизиш машғулотлари миқдори бир

хил бўлиши керак. Аммо уларнинг алмашиниб туришида бузилиш бўлиши, яъни биринчи ҳафтада расм чизишдан икки машғулот ўтказилса, иккинчи ҳафтада лой ёки пластилиндан нарса ясаш бўйича икки машғулот ўтказилиши мумкин. Бундай тартиб фаолиятнинг у ёки бу тури бўйича бола олган кўникмани мустаҳкамлаш зарурлиги туфайли юзага келади: бир ҳафта ёш бола учун жуда катта муддат бўлиб, у олдинги машғулотда билиб ва ўрганиб олган нарсаларини эсидан чиқариб юборади.

Ўкув йили бошланишида тасвирий фаолият машғулотлари группадаги ҳамма болалар билан бирданига эмас, балки уларни группачаларга бўлиб ўтказилади. Педагог ҳар бир боланинг ҳаракатини кўриб туриши, ҳар бир болага ёрдам бериши, ҳар бирига тўғри йўлланма кўрсатиши учун шундай қилинади. Бола эндигина расм чизишни, лой ёки пластилиндан нарса ясашни ўргана бошлаётганида унинг қалам, бўёқ, лой билан ишлашнинг тўғри усулларини ўзлаштириб олиши жуда муҳимдир. Группада болалар кўп бўлса, улар тарбиячи кўрсатмаларини тушунишда қийналадилар. Чунки болалар коллектив ҳаётига ўрганиб, эндигина тасвирий фаолият билан шуғуллана бошлаган (болаларнинг асосий қисми болалар боғчасига оиладан келган) бўладилар. Бундай кичик болалар педагог билан индивидуал муомалага жуда муҳтож бўладилар.

Тарбиячи бир неча столлар устида, тахминан группанинг ярмиси учун материал тайёрлайди. У биринчи навбатда мустақил ҳолда ўзларига иш топа олмаган ва ўйин билан қизиқмаган болаларга иш билан шуғулланишни тавсия қилади. Бу болаларга ўз хоҳиши билан яна бир неча бола қўшилади. Қолган болалар ўйнайдилар; улар билан энага бирга бўлади. Бунда болаларни жим ўйнашга ва шуғулланаётганларга халақит бермасликка ўргатиш муҳимдир.

Агар бола ўйин билан банд бўлса-ю, машғулотларга кўникмаса, шуғулланишни қатъий талаб қилиш унда инжиқлик, ҳатто йиғини пайдо қилиши ва натижада, расм чизишга, лой ёки пластилиндан нарса ясашга нисбатан салбий муносабат узоқ вақтгача ўрнашиб қолиши мумкин. Педагог томонидан ташкил қилинадиган машғулотларга болалар аста-секин кўника бошлагач, бу ўтиш жараёни енгилроқ амалга оширилади.

Болалар тахминан 10 минут расм чизадилар, лой ёки пластилиндан нарса ясайдилар: баъзи бирлари ишни олдинроқ, бошқалари бир оз кечроқ тугатадилар. Бошқа расм чизишни ёки лойдан нарса ясашни хоҳламаган болага тарбиячи ўрнидан туришга рухсат беради (бу группада ҳали машғулотларни тугатишнинг қатъий тартиби йўқ). Биринчи группачадаги болаларнинг ҳаммаси шуғулланиб бўлганларидан кейин энага уларни сайрга олиб чиқиш учун кийинтира бошлайди (агар лойдан нарса ясаш билан шуғулланган бўлсалар, уларни қўлларини ювгани олиб боради, сўнгра кийинтиради). Тарбиячи бу вақтда иккинчи группача билан машғулот ўтказади. Сўнгра у кийиниб бўлган бола-

ларни сайрга олиб чиқади, энага эса қолган болаларни кийинтиради.

Бора-бора болалар маълум вақтда машғулотлар бўлишига кўникадилар; уларнинг кўпчилиги дарров ўз жойига ўтиради. Шуғулланувчи группачалар тенг бўлмаслиги мумкин, бу нарса педагогни хижолатга солмаслиги керак, аммо столлар ҳамма учун етарли бўлиши керак.

Группачалар билан шуғулланиш тарбиячига ҳар бир болага эътибор қилиб туриши: унинг қаддини тўғрилаши, материаллардан тўғри фойдаланишга эришиши, агар бирор нарсанинг уддасидан чиқа олмаётган бўлса, унга ёрдам қилиши учун имконият беради. Бу айниқса расм чизиш ва лой ёки пластилиндан нарса ясашга ўрганишнинг бошланғич босқичида жуда муҳим аҳамиятга эга. Болалар кўп бўлса, тарбиячи улардан бирортасини ўз назаридан четда қолдириши мумкин ва агар бола шу вақтда нотўғри ҳаракат қилаётган бўлса, ана шу кўникмалар ўрнашиб қолади.

Йилнинг иккинчи ярмида ҳамма болалар қизиқиш билан шуғулланадилар. Энди улар баъзи бир қоидаларни ўзлаштириб олган бўладилар, бу эса тарбиячининг барча болаларни бир вақтнинг ўзида бошқаришини енгиллаштиради. Уларни группачаларга бўлиб ўтиришнинг энди ҳожати йўқ.

Машғулотнинг давом этиш муддати илгаригидек турлича бўлиб қолаверади; баъзи болалар расм чизиш ва лой ёки пластилиндан нарса ясашни олдинроқ тугатишлари, бошқалари бир оз кейинроқ тугатишлари мумкин. Ишни тугатганлар қўлларини ювиши, сайрга чиқиш учун кийинишлари мумкин; бунда уларга энага ёрдамлашади.

Биринчи кичик группада машғулотлар ўтказаётганда ҳамма болаларга бир хил талаб қўйиб бўлмайди. Муҳими уларда тасвирий фаолиятга қизиқиш, ўз кучини синаб кўриш истагини тарбиялаш, машғулотлар жараёнида маълум ахлоқ қоидалари ва материаллардан тўғри фойдаланиш кўникмаларини сингдиришдир.

Биринчи машғулотларданоқ болаларни столга ортиқча энгашмай тўғри ўтиришга, ўнг қўли билан расм чизишга, чап қўли билан эса қоғозни босиб туришга ўргатиш зарур. Бироқ кичкинтой учун айтишнинг ўзи етарли эмас: аввало ҳар бир боланинг тўғри ўтиришига, қўлини тўғри қўйишига ёрдам бериш керак. Боланинг мускуллари, айниқса букувчи мускуллар ҳали яхши ривожланмаган, шунинг учун ҳам бир оз ўтиргач, ёнбошлай бошлайдилар, педагог эса уларнинг қаддини такрор ва такрор тўғрилаб туриши лозим. Кейинги машғулотларда ҳам болаларнинг тўғри ўтиришини кузатиб туриш зарур, аммо кўпчилик болалар учун бир оғиз сўз билан тўғри ўтириш кераклигини эслатиб қўйишнинг ўзи етарли бўлади.

Биринчи кичик группада тасвирий фаолият юзасидан ишни ташкил қилишда бу ёшдаги болаларнинг эмоционал таъсирчанлигини эътиборга олиш зарур. Кичкинтойлар билан юмшоқ муо-

малада бўлиш керак, кўрсатмани қатъий талаб шаклида эмас, балки илтимос тарзида ифодалаш керак. Масалан, тарбиячи болаларга қора қоғоздан қирқиб олинган уйлар силуэтини беради ва «Қаранглар, уйларнинг ичи қандай қоронғу. Келинглар чироқларни ёқамиз. Чироқларни мана бундай қилиб ёқамиз», дейди. Қандай қилиб мўйқаламни бўёққа ботиришни, мўйқаламни қоғоз устига босиб олиш йўли билан ёруғ доғчалар — чироқлар ҳосил қилишни кўрсатиб беради.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, кичкинтой ҳали болалар коллективига қўшилмай, болалар муассасаси режимига ўрганмай, маълум вақтгача шуғулланишдан бош тортади ёки тарбиячи топшириғини бажармайди. Бунга осойишталик билан қараш керак: болага таъна қилмаслик, балки машғулотларга кўникиши учун имконият бериш керак. Шундай қилиш кераккн, машғулотлар болаларга қувонч берсин, етарли ҳушёрлик кўрсатмаслик, вазифанинг бажарилишини (бола кайфияти ва ҳолатини ҳисобга олмасдан) талаб қилиш эътирозни, баъзида эса умуман фаолиятга салбий муносабатни юзага келтиради.

Машгулотларни лой ёки пластилиндан нарсалар ясашдан ҳам, расм чизишдан ҳам бошлаш мумкин. Ҳар иккаласида ҳам педагог ўз группаси болаларининг кўникма ва малакаларини эътиборга олади. Расм чизиш кўпчилик учун бирмунча таниш бўлиши мумкин, аммо лой ёки пластилиндан нарса ясаш материалнинг янгилиги билан ўзига тортади (оилада одатда болалар лой ёки пластилин билан ўйнамайдилар); бундан ташқари, қўлга олиб сиқилган лой дарров бирор нарсани эслатиши, у билан ўйнаш истагини ҳосил қилиши мумкин. Икки ёшлик бола учун бирор асбоб билан ҳаракат қилишдан кўра бевосита қўллари билан иш қилиш осон: у мамнуният билан лойни муштлайди, кафтлари билан эзади, уни бармоқлари билан босади; расм чизиш учун эса қалам ушлаган қўли билан ҳаракат қилишни ўрганиши керак. Бироқ бир ёшдан икки ёшгача бўлган болаларни кузатиш шуни кўрсатадики, айни шу пайтда улар овқатланишда қошиқ билан ҳаракат қилишни, нарсага етиш учун таёқчадан фойдаланишни ўрганаётган бўладилар. Овқатни қошиқ билан олиб ейиш маълум қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиб, уни тўғридан-тўғри қўли билан олиш осон бўлса-да, боланинг қўллари кучсиз ва унга итоат этмаса ҳам, у ўз ҳаракатларини овқатни қошиқ билан олишга мослаштиради. Қалам ва мўйқалам ушлашни ҳам болалар дарров ўрганиб олмайдилар. Бола эндигина фойдалана бошлаётган қошиқ ушлаган қўлининг ҳаракати (бошқа бирор нарсани ушлаганда ҳам шундай) олдинлари қовушмайди: бола қаламни қўлида ё ҳаддан ташқари сиқиб ушлайди, натижада қўлга зўр келиб эркин ҳаракат қила олмайди, ёки бармоқлари орасида уни тутиб туришни билмай, тушириб юборади. Аммо аста-секин бу ҳаракат дадиллашиб боради.

Қалам билан расм чизиш бир қатор техник кўникмаларни эгаллашни, яъни қаламни тўғри (уч бармоқ билан) ушлашга

ўрганишни, уни ташқи томондан кўрсаткич бармоқ билан босиб, катта ва ўрта бармоқлар орасида ушлашни ва у билан тўғри ҳаракат қилишни талаб қилади. Тўғри ўтиришга ўргатилганидек, уларга қаламдан фойдаланиш усулларини ҳам биринчи машғулотлардан ўргата бориш керак.

Кўпинча тарбиячи қаламни қандай ушлашни кўрсатиб, баъзи болалар уни бармоқ учида, икки бармоқ билан, муштум орасида ёки чап қўлида ушлаётганини пайқамайди. Агар қаламнинг нотўғри ушланганига дарров эътибор берилмаса, бола бунга ўрганиб қолади ва кейинчалик тўғри ушлашни ўрганиши қийин бўлади. Бунда фақат «Аня, қаламни тўғри ушла!» каби сўзлар билан чекланиб бўлмайди. Боланинг ўзи, қалам юргизиш тажрибасига эга бўлмай туриб, нима қилиш кераклигини билмайди. Бу ишни амалда кўрсатиш, яъни унинг қўлига қаламни ушлатиб қўйиш лозим. Машғулот процессида ҳам ҳамма вақт болалар қаламни қандай ушлашларига эътибор бериб бориш ва зарур бўлган тақдирда тўғрилаб бориш лозим.

Бу биринчи машғулотлардан кейин болаларга дарров бўёқ беришга шошилмаслик керак: болалар қалам билан расм чизиш усулини бир оз эгаллаб олишлари жуда муҳим.

Кичкинтойларнинг биринчи расмлари — бу одатда, тартибсиз чизиқлар; етарли даражада босилмасдан бўлиб-бўлиб, баъзан дуч келган томонга қараб чизилган штрихлардир. Бироқ икки-уч марта чизиб кўрилгач, ҳаракат бирмунча тартибли характерга эга бўлади.

Айрим чизиқларни чизишда кўз ҳали ҳаракатни тартибга сола олмайди, фақат уни кузатиб боради. Штрихларни чизишда бола ҳаракат нуқтаи назаридан қоғоз бетидаги бўш жойни аниқлашни ўрганади. Штрихлар йўналишини (тўғри чизиқ, ёйсимон чизиқлар) характерини ўзгартира бориб, бола ўз мақсадига эришгандек бўлади. Аста-секин ҳаракатлар хилма-хил бўлиб боради: ёйсимон чизиқдан айлана пайдо бўлади, кейин бир жойда йиғилиб, калавачалар ҳосил қилади ёки қоғоз юзаси бўйлаб ёйилиб спиралга ўхшаб боради. Расм чизишнинг ушбу табиий йўлига таяниб, уларни эркин ва қайта осон чизишлари учун болаларга тушуниб такрорлаш имконини яратиш керак. Қайта чизиш механик тарзда бўлмаслиги учун ҳаракатни образ билан боғлаш керак: болаларга «ипни юмалоқ қилиб қандай ўралади», «пирилдоқ қандай айланади», «мўридан тутун чиқяпти» ва шу кабиларни чизишни таклиф қилиш керак. Бундай расм чизиш учун бола фақат ўқитувчи кўрсатганини такрорламаслиги, балки у тасвирланадиган ҳодисаларни олдиндан кузатган бўлиши лозим.

Узлуксиз ҳаракатдан бола айрим-айрим ҳаракатга ўтади. Айрим чизиқлар хилма-хилроқ характер касб этади: юмалоқ, илон изи чизиқлар чизилади, бурчаклар ҳосил қилинади. Бола кесишадиган чизиқларни чизишни ўрганади. Бироқ чизиқларнинг бу хили кўпинча тасодифан пайдо бўлади: ҳар бир чизиқни ҳам бола катталар таклифига кўра такрорлай олмайди, қўл ҳа-

ракатини йуналтиришга, уни маълум мақсадга буйсундиришга ҳамма вақт ҳам эришавермайди. Расм чизиш процессида кичкинтойда маълум натижа олиш билан боғлиқ булмаган, мақсадни кузлаб қилинмаган яна купгина ҳаракатлар кузатилади: масалан, у маълум узунликдаги чизиққа эга булиш учун керак булган нуқтада онгли равишда тухтай олмайди, балки қандай чиқса, шундай чизади.

Тасвирнинг таниб булмас даражада эканлиги тарбиячини ажаблантирмасин. Қоғоз бетини тулдириш мақсадида чизилган расм, қалам ва муйқалам билан қилинган ҳаракат бола учун жуда фойдали. Мана шундай эркин расм чизиш учун биринчи 3—4 машғулот ажратилиши керак. Бу тарбиячига болаларни расм чизишда иштирок этишга, машғулотларда туғри утиришга ва қаламни туғри ушлашга, уни қулида ҳаддан ташқари қаттиқ сиқмасликка, қоғоз бетидан чиқиб кетмасликка, қулни уз вақтида тухтатиб қолишга ургатиш имконини беради.

Шу группанинг узидаёқ болаларда туғри техник куникмаларнинг ҳосил булиши муҳимдир. Тарбиячининг доимий эътибор бериши, курсатмаларни сабр-тоқат ва қунт билан такрорлаб туриши, керакли усулларни, бола қули билан қилинадиган ҳаракатларни курсатиш натижасида болаларда зарур булган куникма ва малакалар таркиб топади. Бу куникмаларни олдиндан ургатилиши қулнинг қалам билан дадил, енгил ва ишончли ҳаракат қилишига ёрдам беради. Аста-секин ҳаракат хилма-хил була бошлайди. Шу билан бирга бир хил ҳаракатлар ҳам болага катта мамнуният беради. Машқ қилиш туфайли у ҳаракатларни тезроқ узлаштириб олади.

Болаларнинг кичкиналиги ва эндигина расм чиза бошлаганларига қарамасдан, расм чизиш ҳаракатларини эгаллашларида катта индивидуал тафовутлар сезилади:баъзи болалар қаламни қаттиқ босишга қизиқадилар, бошқалари зурға куринадиган чизиқлар тортадилар, баъзилари узун чизиқлар чизишга ботинмайдилар, бошқалари йуғон чизиқлар чизиб, эркин ҳаракат қиладилар. Бу тафовутларни бутунлай йуқ қилиш керак эмас, аммо аста-секин барча болаларга қаламни расм куринадиган қилиб чизиш, кенг ҳаракатни талаб қилувчи узун чизиқларни ҳам, калта чизиқларни ҳам чизиш кераклиги ҳақидаги куникмани сингдириш лозим. Бунинг учун узун йуллар, оқаётган сувлар, шунингдек ёғаётган қор-ёмғир расмини чизиш тавсия этиладиган машғулотлар хизмат қилади.

Болаларнинг туғри утиришини ҳамма вақт кузатиб бориш керак. Машғулот вақтида боланинг ҳолати ҳаракатсиз булмаслиги керак: бола фақат қулини ва оёғини эмас, балки гавдасининг ҳолатини ҳам узгартиради. Қийшайиб, стол устига ҳаддан ташқари энгашиб утиришига, оёғини тагига йиғиштириб олишига йул қуймаслик лозим.

Болалар 3—4 машғулотда қалам билан расм чизганларидан сунг буёқ билан расм чизишга утишлари мумкин. Биринчи маш-

ғулотдаёқ болаларга мўйқалам ва бўёқни кўрсатиш керак. Мўйқалам — бу учида юмшоқ мўйи бўлган ёғоч таёқча эканлигини тушунтириш лозим. Мўйқаламнинг юмшоқлигини билиб олишлари учун уни кафтлари устида юргизиб кўрсинлар. Болаларга уч бармоқ билан темир қисмнинг юқорироғидан қандай қилиб ушлаш, эҳтиётлик билан мўй қисмини бўёққа қандай ботириш кераклигини (мўйқалам олдин сувда ҳўлланиши керак, бўлмаса мўйқалам бўёқни яхши олмайди — бу ишни педагог олдиндан бажариб қўйиши ва болаларга нам мўйқалам бериши керак), бўёқ қоғозга томмаслиги учун мўйни бўёқли банкача четига қандай сиқиб олиш ва шундан кейингина расм чизиш кераклигини кўрсатиш лозим. Кейинги машғулотда ҳам болаларга мўйқаламни қандай ушлаш, бўёқни қандай олиш, ортиқча бўёқни мўйни идиш четига тегизиб олиш йўли билан тушириш ва шу кабиларни яна кўрсатиш лозим. Бўёқдан фойдаланишнинг бу барча усулларини бир неча марта кўрсатиш ва буни энг аввало керакли кўникмаларга қийинчилик билан ўрганаётган болаларга эслатиб ўтиш керак. Тўғри ҳаракат қилаётган болаларга (уларни мустақилликдан маҳрум этмаслик, фақат кўрсатмага биноан иш кўришга ўрганиб қолмаслик учун) эслатишнинг ҳожати йўқ. Аммо уларда ўз ҳаракатларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун, уларни мақташ керак. Икки ва уч ёшли болалар катта ёшли кишилар мақтовини тез ва ҳаяжон билан қабул қиладилар. Бу хурсандчилик ишнинг тўғри усулларини мустаҳкамловчи восита бўлиб хизмат қилади.

Биринчи машғулотда болалар диққатини мўйқалам билан ишлаш ва бўёқдан фойдаланиш усулларига жалб этиш учун уларга бир хил рангдаги бўёқ берилса, яхши бўлади. Кейинги машғулотда бошқа рангдаги бўёқни бериш мумкин, бироқ яна ҳамма болаларга бир хил рангли бўёқ бериш керак. Болалар мўйқалам ва бўёқ билан ишлашни бир оз эгаллаб олганларидан кейингина столларга ҳар хил рангдаги бўёқни, йил охирига келиб эса бир стол устига икки хил рангдаги бўёқни қўйиш мумкин. Бундай қилинганда маълум вақт давомида расмлар унчалик яхши чиқмаслигидан қўрқмаслик керак; тарбиячи раҳбарлигида болалар икки-уч рангли бўёқ билан расм чизишга аста-секин ўрганадилар, уларнинг чизган расмлари рангли ва чиройли бўлади.

Биринчи кичик группада нарса ясаш учун болаларга пластилин эмас, балки яхши қориштирилган, пишитилган лойни бериш керак. Расм чизиш учун қора, қизил, яшил ва кўк рангли юмшоқ қаламлар бериш тавсия қилинади. Олти рангли қаламлар тўпламидан аввал қизил ва қора қаламларни ва сўнгра яшил ва кўк қаламларни олиш маъқул: булар қоғозда очиқ ва аниқроқ кўринадиган ранглардир (сариқ ва жигар ранг қаламлар умуман берилмагани маъқул). Қоғоздан ёйилиб кетмаслиги учун гуашь бўёқни қуюқроқ қориштириш керак. Бу группа олдига ҳали нарсаларнинг ҳақиқий рангини бера олишга ўргатиш

вазифаси қўйилмайди. Биринчи машғулотларда камида икки хил рангдаги қаламларни, сўнгра эса тўртталасини бериш керак. Агар бола ҳамма вақт, бошқа рангларни кўрмагандек бўлиб, бир хил рангдаги қалам ёки бўёқни олаётган бўлса, унга бошқа ранг билан расм чизишни таклиф қилиш мумкин, лекин талаб қилмаслик керак. Тарбиячи бирор маълум вазифа бераётганида қандай бўёқни ишлатиш кераклигини кўрсатиб бериши зарур, кейин эса болаларга яна ҳар хил рангдаги бўёқ ва қаламлардан фойдаланиш имконини бериш керак.

Болалар қўллари билан лойни эзиб ёки бармоқлари билан босиб лой шаклини ўзгартиришни, қоғозга ҳар хил штрихларни, чизиқларни ва доғларни чизиш кўникмасини эгаллаб олишлари биланоқ уларда бирор нарсани тасвирлаш истаги пайдо бўлади. Баъзи болаларда бу истак жуда кучли бўлади: улар лойни ғайрат билан эзадилар, қоғозга штрихлар чизадилар, ишларининг натижаси қандай бўлаётганига разм соладиган ва «билгач», тарбиячидан улар нимани ясаганлари ёки чизганларини кўришни илтимос қиладилар. Бола ишлаган тасвир тугатилмаганлиги учун катта киши у расм болага нима бўлиб кўринаётганини ҳамма вақт ҳам била олмайди. Бундай вақтда болага у ҳеч нарса тасвирламай, фақат чизиб ташлаганини гапирмаслик керак. Бола биз сезмаётган ўхшашликни пайқаётган бўлиши мумкин ва уни тасвирлаш учун унда пайдо бўлган истак жуда қимматлидир. Аста-секин бола тасвирнинг нарсага ўхшаш ерларини, гарчи бу ўхшашлик унда тасодифан юз берса ҳам, пайқаб олади.

Шу билан бир қаторда тарбиячи болалар эътиборини тасвирнинг болалар ҳам, катталар ҳам била оладиган ерига жалб этади. Биринчи образлар теварак-атрофда бўлиб турган ҳаракатлар — баргларнинг учиши, ёмғир, қор ёғиши, тутуннинг юқорига кўтарилиши, боланинг йўлкадан юриб кетиши ва оёқ изларининг қолиши билан боғлиқ бўлади.

Тарбиячи мўйқаламни бўёққа ботириб олиб, уни қоғозга босиб олиш йўли билан бир неча барг ҳосил қилиш мумкинлигини болаларга кўрсатади ва улар дарахтлардан мана шундай тушади, деб айтади.

Бунда мўйқаламни бўёққа тўла ботириб ва яхшилаб босиб олишларини кузатиб туриш керак. Кўпинча болалар ўз вақтида мўйқаламни бўёққа ботиришни унутадилар ва нима учун мўйқалам «расм чизмаётганини» тушунмасдан, уни қоғозга суртиб ётадилар; натижада мўйқалам ҳам, чизилган расм ҳам ишдан чиқади. Бу болани хафа қилади. Аммо унинг ўзи бу муваффақиятсизликнинг сабабини тушуна олмайди ва уни тўғрилаш йўлини билмайди. Тарбиячининг ўз вақтида эслатиб туриши боланинг нотўғри ҳаракатининг ва хафа бўлишининг олдини олади.

Машғулот давомида болаларга мўйқаламни вақт-вақти билан бўёққа ботириб туришларини эслатиш лозим.

Болалар ҳозирги вақтда нимани кузатаётганларига қараб мўйқаламни босиб олиш йўли билан расмда ифодаланиши мум-

кин бўлган мазмун бошқача бўлиши ҳам мумкин (олинаётган таассурот билан расм ўртасида яқин алоқа ўрнатиш кичкинтойлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга). Кузда болалар дарахтлардан тўкилиб тушаётган сариқ, тўқ сариқ — қизил баргларни, қиш келиши билан улар қор қандай ёғаётганини кўрадилар. Тарбиячи илгари мўйқаламни қоғозга босиб олиш йўли билан расм чизганликларини болаларнинг ёдига туширади ва улар ҳаво ранг ёки кул ранг қоғозга оқ бўёқ билан ёғаётган қор парчасининг расмини чизадилар.

Кейинчалик, янги йил арчасида ярқираган чироқлар ёқилганида, болаларга тарбиячи кўк қоғоздан (оддий ёзув қоғози катталигидаги) қирқиб берган чироқчалар билан арчани безатишни таклиф этиш мумкин.

Бу машғулот учун столлар устига 2—3 хил (қизил, сариқ, оқ) бўёқ қўйиш мумкин. Иккита катта арча қирқиб тайёрланса яхши бўлади, шунда ҳар бир группача ўз арчасини безатади (коллектив иш). Бир вақтнинг ўзида арча ёпиштириб қўйилган доскага икки болани чиқариш ва уларга шу арчада бир нечта чироқчалар ёқишни таклиф қилиш мумкин. Қолган болалар қараб турадилар. Сўнгра тарбиячи бошқа болаларни доска ёнига таклиф этади. Доска ёнига чиқишни хоҳламаган болани мажбур қилиш керак эмас. Расм чизишда мўйқаламни босиб олиш усулидан фойдаланиш кўникмасини мустаҳкамлай бориб, тарбиячи болаларга қўғирчоқ кўйлагини, дастрўмолчани ёки кўлкопчаларни

Тарбиячи томонидан мўйқаламни босиб олиш усулининг кўрсатилиши.

Расмни чизиб бўлгач, мўйқалам учи юқорига қаратиб қўйилади.

«Қор ёға бошлади».

безатишларини айтади. Бу топшириқларни болалар мамнуният билан бажарадилар; уларнинг ҳаракатлари борган сари эркинроқ, дадилроқ бўлиб боради.

Болалар мўйқаламни қогозга босишни ўрганиб олганларидан кейин уларга турли хил· мазмунни ифодалаш учун шу усулдан мустақил фойдаланиш имконини бериш керак.

Ҳар гал машғулотлар тамом бўлиши билан расмлар стендга қўйилади ва болаларга қанчалик кўп расм чизганликлари, қандай чиройли бўлганлигини кўриш таклиф этилади. Болалар эришилган натижадан завқланадилар; баъзи болалар бир неча марталаб стенд олдига келадилар.

Шундай воқеа юз бериши ҳам мумкинки, болалардан биттаси бошқалар билан биргаликда, масалан, йўлдаги излар расмини чиза бошлаб, доғлар чизиш билан қизиқиб, бутун варақни тўлғазиб юборадилар. Берилган мазмундан бундай чекиниш айниқса биринчи ярим йилликда табиийдир (болага унинг расмида оёқ излари кўп, чунки кўп болалар югурган, деб айтиб қўйиш

223294

мумкин). Йил охирига келиб эса ҳамма болалар тарбиячи айтган топшириқни бажаришга ўрганиб қоладилар.

Мазмуни тарбиячи томонидан белгиланадиган расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш машғулотлари тахминан болаларнинг ўзлари ижод қилиб тасвирлаши бўйича ўтказиладиган икки машғулотдан сўнг ўтказилади. Албатта, бу машғулотларни туб маъноси билан ижод қилиш деб бўлмайди: кичкинтойлар нима хоҳласалар шуни чизадилар, бунда кўплари қоғоз бетида қалам юргизадилар холос, лой (пластилин) бўлагини юмалоқлайдилар ва эзадилар ёки илгари ўзлаштирилган тасвирни такрорлайдилар.

Умумий топшириқ билан бир қаторда тарбиячи айрим болаларга (бола пассив бўлиб, расм чизишга киришмаса ёки у бирикки марта қалам юргизиб қўя қолса) бирор нарсани алоҳида бажаришни топшириши мумкин. Буни қалам ёки мўйқалам ва лой билан қилинадиган ҳаракатларга уларда қизиқиш уйғотишга уриниб, майинлик, ширин сўзлик билан амалга ошириш, сўнгра нима ҳосил бўлганлигини бола билан биргаликда кўриб чиқиш керак.

Биринчи кичик группа программасида болаларни нарсалар шаклини тасвирлай олишга ўргатиш вазифаси қўйилмайди, шўнинг учун болалардан лой ёки пластилиндан думалоқ шаклларни ясашни ва расмини чизишни билишларини талаб қилмаслик лозим: ўргатишдаги ҳар қандай шошма-шошарлик тасвирий фаолиятни эгаллаш процессидаги нормал оқимнинг бузилишига олиб келади.

Бироқ болаларнинг пайдо бўлган чизиқни туташтириш ва юмалоқ шакл ҳосил қилишга бўлган интилишини рағбатлантириш керак. Туташган шакллар ҳосил бўлгач, болалар ўз ишларига турли ва мураккаб маъно бера бошлайдилар: машиналар, пароходлар, одамлар, ҳайвонлар пайдо бўла бошлайди. Кўпинча боланинг расмда кўра олгани у айтган нарсани жуда кам эслатади. Аммо болада пайдо бўлган образни бузишга шошилманг, «ўхшамайди» деманг. Бола ҳали қўл ҳаракатини маълум нарсани ясаш вазифасига бўйсундира олмайди, ҳосил бўлган расмга катта одамнинг салбий муносабати болада ишончсизлик ҳиссини, хафачиликни ва расм чизишдан бош тортишни пайдо қилиши мумкин.

Туташган шаклни чизишга ўргангач, гарчи у нотекис, бурчакли бўлса ҳам, бола расм чизишнинг янги имкониятига эга бўлади. Бундай шаклнинг ҳар бири кўзга илғамас белгилар ёки арзимас қўшимчалар (чизиқчалар ёки штрихлар тарами) туфайли гоҳ бир нарсани, гоҳ бошқа нарсани ифодалаши, бола учун муҳим бўлиши ва уни ўхшашлик ҳақидаги фикрга олиб келиши мумкин. Ҳосил бўлган шаклларни кўп марталаб такрорлаш натижасида бола уларни ўз хоҳишича чизиш қобилиятига эга бўлади.

Лойдан нарсалар ясашда умумий лой парчасидан нарсани

Сурхандарьинская ОБЛБИБЛИОТЕКА

ажратиб олиш процесси одатда расм чизишдагидан олдинроқ содир бўлади. Шунинг учун конфет ясаш, сўнгра олма, тухум ва бошқа нарсалар ясашни биринчи кичик группадаёқ вазифа қилиб топшириш мумкин. Бунда нарса шаклини аниқ тасвирлашни тарбиячи болалардан талаб қилмаслиги керак. Болалар лойнинг умумий бўлагидан кичик бўлакчаларни чимдиб оладилар, холос. Келгусида болалар тушуниб, ҳаракат қилишлари учун уларда лой бўладиган турли катта-кичикликдаги бўлакларни чимдиб олиш кўникмасини ҳосил қилиш лозим. Сўнгра болаларни лой бўлагини бармоқлари билан эзиб ёки кафтлари орасида эшиб, унга аниқроқ шакл беришга ўргатиш керак. Бунинг учун лой юмшоқ бўлатидан турли катта-кичикликдаги бўлакларни чимдиб олиш лади.

Кўпинча кичкинтой лой бўлагини кафтлари орасига олиб, уни керакли шаклга келтира олмайди, чунки у бунинг учун лойни кафтлар орасида бир оз сиқиш кераклигини билмайди. Тар-

«Ҳалқачалар».

биячи бола кафтларини ушлаб, бола керакли ҳаракатни ва унга қанча куч сарфланишини сезиши учун, лой булагини қандай сиқиш кераклигини курсатиши керак (ҳаракати суст тараққий этган баъзи болалар билан бундай ҳаракатларни то кичкинтойнинг қуллари дадиллик ва кучга эга булмагунга қадар бир неча марта такрорлаш мумкин).

Иш тажрибаси мураккаб нарсалар (масалан, одам, ҳайвонлар) расмини болалар олдида чизиш мақсадга мувофиқ эмаслигини курсатди. Икки ёшли болалар узларининг қулларидан нима келиши, нима келмаслигини жуда яхши биладилар. Катта киши чизган расмни куриб бола «Мен бундай қила олмайман, мен расм чизмайман!» деб расм чизишдан бош тортади. Бола учун уйда катталар расм чизиб бериш ҳоллари юз берганда ҳам тарбиячи боланинг расм чизишдан бош тортишига дуч келиши мумкин; кичкинтой бунга урганиб қолиб тарбиячидан: «Менга уйнинг расмини чизиб беринг, мен чизишни билмайман», деб сурайди. Болаларга лой, қалам, буёқ билан қилинадиган оддий ҳаракатларни курсатиб бериш керак, шундагина улар бу ҳаракатларга таклид килишлари ва сунгра уз хохишларича қуллашлари мумкин. Масалан, тарбиячи арча ёки уй деразаларидаги чироқларни «ёқади», қор қандай ёғиши, арикчаларда сув қандай оқиши ва ҳоказолар расмини чизади.

Баъзида, уйиннинг бориши тақозо этган вақтларда, тарбиячи болалар учун расм чизиб, лой ёки пластилиндан нарсалар ясаб бериши мумкин, масалан, уйинчоқ машина учун шофёр ясаши, қуғирчоқ столининг устига ёпиш учун дастурхонга гул солиши ёки қуғирчоқлар учун гилам расмини чизиб бериши мумкин. Болалар қалам ва буёқ билан расм чизиш, лой ёки пластилиндан қизиқ уйинчоқлар ясаш мумкинлигига ишонч хосил қиладилар. Шундан кейин болалар мамнунлик билан машғулотларга қушиладилар.

2—3 ой утгач, болаларни нарса ва ҳодисаларни: ёмғир ёғиши, таёқчалар, йулкалар, ариқчалар, ленталар ва ҳоказоларни чизиқлар билан ифодалашга ургатиш мумкин.

Кичкинтойлар туғри чизиқларни чиза олмайдилар ва улардан буни талаб қилиш ҳам керак эмас. Боланинг туташ (масалан, калавалар, ёйлар) чизиқлар чизишдаги ҳаракатлари эмас, балки узун ҳаракатлар қилиши муҳим. Биринчи галда чизилган бундай расмлар ухшовсиз булади. Баъзи болалар қулларини тухтата олмайдилар ва чизиқлар қоғоз бетидан чиқиб кетади; бошқаларнинг ҳаракати, аксинча, дадил булмай, чизиқлар ҳам қисқа, ҳам кузга зурға куринадиган булади. Аста-секин ишончли, узлуксиз ҳаракат қилишга, чизиқларни охиригача тухтамасдан чизишга ургатиш лозим. Ургатишнинг қуйидаги усули фойдали: тарбиячи бола қулини ушлаб, у билан биргаликда йулка, лента ва шу кабилар расмини чизади. Бола бунда ҳаракат характерини, унинг узунлигини сезади. Шундан сунг унинг узи дадил ҳаракат қила бошлайди.

МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТАХМИНИЙ ПЛАНИ

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот утказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғланиши
			Ноябрь		
1	Лойдан нарсалар ясаш. Ким нима ясайди ва қандай ясайди	Лойдан батартиб фойдаланишга ўргатиш	Лой ва тахтачадан қандай фойдаланишни кўрсатиш ва тушунтириш. Гавда ҳолатининг тўғрилигини текшириш	Лой, тахтача	
2	Қалам билан „узун йўлкалар“ чизиш	Исталган томонга кенг силлиқ ҳаракат қилишга ўргатиш, ҳаракатнинг эркинлигини, дадиллигини ўстириш, қаламни тўғри ушлашга ўргатиш	Катта қоғоз варағида қора бўр билан ҳаракат усулини кўрсатиш. Харакатнинг кенглигини, дадиллигини рағбатлантириш. Гавда ҳолатининг тўғрилигини ва қаламни тўғри ушлай билишини кузатиш	Турт хил рангдаги қалам, ёзув қоғози катталигидаги оқ қоғоз	Уйинчоқлар уйнаш. Болалар диққатини уни қуршаб турган нарсаларга жалб этиш
3	Қалам билан расм чизиш. Ким нима чизади ва қандай чизади	Тўғри ўтиришни ва қаламни тўғри ушлашни ўргатиш. Нима чизганлиги ҳақида ўйлаб кўришга ўргатиш	Гавда ҳолатининг тўғрилигини, қаламни тўғри ушлай билишини кузатиш, ҳали ўргатиб олмаганларни тўғрилаш, ким нима чизганини сўраш	Турт хил рангдаги оқ қоғоз	
4	Лойдан нарсалар ясаш. Ким нима ясайди ва қандай ясайди	Лой билан қилинадиган турли қўл ҳаракатларини машқ қилиш. Ясаган нарсасидан бошқа нарсаларга ўхшаш ерларини топишга, лойдан батартиб фойдаланишга ўргатиш	Машғулотларда қандай ўтириш кераклигини эслатиш, текшириш. Янги ҳаракатларни ўрганиб олганларни, нарсага ўхшаш томонларини топганларни рағбатлантириш. Лойдан батартиб фойдаланишни кузатиш	Лой, тахтача	Уйинчоқлар ўйнаш, турли дидактик ўйинлар
5	„Қор ёға бошлади“ темасида буёқ билан расм чизиш	Буёқлардан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш. Енгил ҳаракат қилиб мўйқаламни қоғоз юзасига суркаш, нуқталар қўйиш ва босиб олишга ўргатиш	Бўёқлардан фойдаланиш ҳақида кўрсатма бериш, бўёқ суркашдаги ҳаракатни кўрсатиш. Мўйқаламни бўёққа ботириб туриш кераклигини эслатиш	Оқ буёқ, мўйқаламлар кўк кул ранг ёки тўқ ҳаво ранг қоғоз	Сайр вақтида ёғаётган қорни кузатиш. Қиш ва қор ҳақидаги қушиқларни айтиш
6	„Болалар йўлкадан югуриб излар қолдирадилар“ темасида буёқ билан расм чизиш	Буёқлардан фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлаш, мўйқаламни қоғоз юзасига бир текис босиб олишга ўргатиш	Бўёқлардан фойдаланиш ҳақида кўрсатма беришни такрорлаш, мўйқаламни тўла босиб олишни кўрсатиш. Мўйқаламни тўғри ушлаш кераклигини эслатиш	Оқ қоғоз, икки хил буёқ, мўйқаламлар. Кўрсатиш учун катта қоғоз	Майдончада уйинлар уйнаш, янги ёққан қор, устидан юриш, изларни томоша қилиш
7	Лойдан кулча ясаш	Бир бўлак лойни узиб олиш ва кафтлари билан яссилаш, лойдан батартиб фойдаланиш кўникмасини мустаҳкамлаш	Лойни қандай узиб олиш ва яссилашни кўрсатиш. Кулча билан ўйин ўйнашни киритиш. Болаларнинг лойдан батартиб фойдаланишини, уни фақат тахтача устига қўйишларини кузатиб бориш	Лой, тахтача	
8	Лойдан нарсалар ясаш. Ким нима ясайди ва қандай ясайди	Илгари ўзлаштирилган ҳаракатлар такрорини рағбатлантириш. Харакатнинг эркин ва дадиллигини ўстириш. Лойдан батартиб фойдаланиш кўникмасини мустаҳкамлаш	Илгари ўзлаштирилган ҳаракатларни эсга тушириш, янги ҳаракатларни эгаллаган, шунингдек нимага ўхшашлигини топган болаларни рағбатлантириш	Лой, тахтача	

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғланиши
			Апрель		
1	„Сумалаклар осилиб турибди, улардан сув томчилаяпти" темасида расм чизиш	Юқоридан пастга қараб чизиқлар чизишга ва мўйқаламни босиб олишга ўргатиш. Мўйқаламни тўғри ушлаш, уни бўёққа ботириб олиш кўникмасини мустаҳкамлаш	Сайрда нима кўрганликлари, сумалаклар қандай осилиб турганн, улардан сув қандай томиб тушаётганини болаларга эслатиш. Сумалак ва томчи расми қандай чизилишини кўрсатиш. Мўқаламни қандай ушлаш ва уни бўёққа қандай ботириш кераклигини эслатиш. Расм чизишнинг тўғри усулидан фойдаланишларини кузатиб бориш	Оқ гуашь ва мўйқаламлар. Ҳаво ранг ёки кул ранг қоғоз	Сайр вақтида кузатиш. Китоб ўқиш
2	Лойдан ёнғоқлар ясаш	Лойдан кичик бўлакни узиб олиш кўникмаларини мустаҳкамлаш. Кафтлар орасида эшишни ўрганиб олган болаларни рағбатлантириш	Лойдан кичик бўлакни қандай узиб олишни кўрсатиш ва уларни ёнғоқчалар деб тушунтириш. «Ёнғоқчаларни» тахтача устига қўйишни эслатиш. Машғулот процессида болалар ҳаракатини кузатиш. Уларни рағбатлантириш	Лой, тахтача	Ёнғоқларни болалар билан кўриб чиқиш, уларни болаларга ўйнаш учун бериш
3	Бўёқлар билан истаган нарсанинг расмини чизиш	Мўйқаламни керагида бўёққа ботириб туришни ўргатиш. Мўйқаламни тўғри ушлаш кўникмасини мустаҳкамлаш. Расмларни кўриб чиқиш истагини тарбиялаш	Болаларга, улар бўёқ билан бир неча марта расм чизганларини эслатиш. Истаган нарсанинг расмини чизишни таклиф қилиш. Улар мўйқаламни қандай ушлашларини текшириб кўриш. Чиройли расмлар чизилаётганлигини айтиш	2—3 хил бўёқ, оқ қоғоз	
4	„Қор эриди, ариқчалардан сув оқа бошлади" темасида бўёқ билан расм чизиш	Мўйқаламни тўғри ушлашга, унинг учи билан чизиқ чизиш, мўйқаламни керагида бўёққа ботириб туришга ўргатиш	Болалар билан биргаликда ариқчалардан сув қандай оқишини эслаш ва биргаликда ҳавода қўли билан кўрсатиш. Ариқчалардан сув қандай оқишини чизиб кўришни таклиф қилиш. Тўғри ўтиришларини, мўйқаламнинг учи билан чизиқ чизишларини кузатиб бориш.	Оқ қоғоз, ҳаво ранг бўёқ	Сайр вақтида кузатиш, баҳор ҳақидаги қўшиқларни айтиш
5	Лойдан ким нима истаса шуни ясаш	Лойдан кичик бўлакни узиб олиш кўникмасини мустаҳкамлаш, батартиблик билан ҳаракат қилиш	Болаларга истаган нарсаларини ясашларини айтиш, лойдан батартиб фойдаланишларини, уни тахтача устига, қўйишларини эслатиш ва улардан нима ясаётганини сўраш	Лой, тахтача	
6	„Қуёш ёритмоқда" темасида расм чизиш	Мўйқалам билан доира шаклида ҳаракат қилишни мустаҳкамлаш, керағида мўйқаламни бўёққа ботиришни, мўйқаламни тўғри ушлашни ўргатиш	Болалар билан қуёшнинг чарақлаб нур сочиб турганн ҳақида суҳбатлашиш. Қуёш расмини чизишни уларга таклиф қилиш. Шакл ҳосил қилиш ҳаракатини, доғдан бошлаб спираль шаклида ҳаракат қилишни кўрсатиш. Бунда бўяшдагидек ҳаракат қилинмайди. Керак бўлганида мўйқаламнинг бўёққа ботирилишини кузатиш	Оч сариқ бўёқ, оқ қоғоз	Сайр вақтида кузатиш, баҳор ҳақидаги қўшиқларни айтиш, эртак ва шеърларни ўқиш
7	Лойдан таёқчалар ясаш	Лойдан бир бўлак узиб олиб, уни кафтлар орасида эшишга ўргатиш. Лойдан батартиб фойдаланиш кўникмасини мустаҳкамлаш	Лойдан бир бўлак узиб олишни ва уни кафтлар орасида эшишни кўрсатиш. Лойдан батартиб фойдаланишни кузатиб бориш	Лой, тахтача	Сайр вақтида таёқчаларни йиғиш ва уларни кўриб чиқиш

Расм чизиш ва лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш машғулотларини планлаштиришда, уларнинг кўпчилигини илгари педагог томонидан кўрсатиб берилган, у ёки бу тасвирлаш ҳаракатларини бола томонидан мустақил эгаллаб олиниши учун ажратиш лозим. Аммо ана шундай машғулотларда ҳам тарбиячи тасвирлаш процессига фаол раҳбарлик қилади: у кичкинтой ҳаракатини йўлга солади, боланинг материалдан тўғри фойдаланишини кузатади, зарур бўлиб қолганда боланинг ишини тўғрилайди, қандай расм чизиш, лойдан қандай нарса ясаш кераклигини эслатиб туради.

Ноябрь ва апрель ойларидаги машғулотларнинг қуйида келтирилган планларида болаларни тасвирий фаолиятга қатнаштиришга катта эътибор берилади. Бу группада болаларнинг ўзлари қаламлар, бўёқлар билан расм чизиш, лойдан нарсалар ясашнинг элементар усулларини эгаллашлари муҳим аҳамиятга эга. Бу берилаётган машғулотларнинг программа мазмунида ўз аксини топади. Уларнинг ҳар бирига болаларни қалам ва мўйқаламни тўғри ушлашга, мўйқаламни бўёққа ботиришга, лойдан батартиб фойдаланишга ўргатиш вазифаси қўйилади.

Кичкинтойлар қўл ҳаракатини бир тасвирни ифода этишга бирданига бўйсундира олмайдилар, шунинг учун кўп машғулотлар қўлнинг табиий ҳаракатини ўстиришга, аста-секин эркинлик ва дадилликка эга бўлишга, чизаётган расмини реал нарсага ўхшашлигини топишга ёрдам берувчи қалам ва мўйқалам билан эркин ҳаракат қилишга ажратилади. Шу билан бирга болаларни теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида олган таассуротларини ифодалашга ўргатиб борилади, бунда болалар тасвирлай оладиган воқеалар танлаб олинади. Масалан, ноябрда расм чизиш бўйича «Йўлкалар», «Қор ёға бошлади», «Излар» каби темалар лойдан нарса ясаш бўйича эса «кулчалар» темаси тавсия этилади. Апрель ойида эса болалар ўз ҳаракатларини эркинроқ бошқарадиган бўлиб қоладилар, илгари чизган штрих чизиқларни онгли равишда такрорлай оладилар, шунинг учун тасвирий фаолият мазмуни мураккаблашади. Планда лойдан ёнғоқлар, таёқчалар ясаш, сумалаклар, ариқчалар расмини чизиш каби машғулотлар кўрсатилган.

Қалам, мўйқалам ва лой билан ишлашни эгаллашга имкон берувчи машғулотларни ўтказиш давом этаверади. Кўпчилик болалар қаламни, мўйқаламни қандай ушлашни, нарсалар ясашда лойдан қандай фойдаланишни билсалар ҳам, тасвирлаш процессида улар кўпинча ҳаракатларга берилиб кетиб буларни унутадилар. Шунинг учун программа мазмунида қалам ва мўйқаламни тўғри ушлаш кўникмасини мустаҳкамлаш, машғулот процессида болаларга бу ҳақда эслатиб туриш зарурлиги кўрсатилади.

Мактабгача тарбия муассасаларида болалар билан хилма-хил тарбиявий ишлар олиб борилади. Тасвирий фаолият юзасидан ўтказиладиган машғулотларни планлаштиришда болалар-

нинг атрофдаги нарсалар билан танишаётганда, музика, она тили машғулотларида олган билимларини, таассуротларини ҳисобга олиш ва шу билимларга таяниш керак. «Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғланиш» графасида болалар олган қайси билим ва тажрибалар тасвирий фаолият учун асос қилиб олиниши кўрсатилади. Масалан, ёғаётган қор, йўлдаги излар, сумалакларнинг расмини чизишдан олдин сайр вақтидаги кузатишларни, музика машғулотларида айтган ёки эшитган қўшиқларини, она тилидан ўтказилган машғулотларда ўқилган шеър ва эртакларни эсга олиш керак. Бундай ўзаро боғланиш болалар томонидан ўзлаштирилаётган билим ва кўникмаларни бирмунча чуқурроқ, онглироқ бўлиши учун зарур. Тарбиянинг бошқа томонлари билан боғланиш олдинги графада кўрсатиб ўтилган (кейингиларига ўхшаш) бўлса, бу графа бўш қолади.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Қалам билан расм чизиш. Ким нима чизади ва қандай чизади

Программа мазмуни. Болаларга илгари ўрганган штрихлар, чизиқлар ва шаклларни чизишни машқ қилишлари учун имкон бериш ва уларни янгиларини топишга ўргатиш. Қоғоз бетини тўлдириб расм чизган болаларни рағбатлантириш. Болаларнинг ўзлари чизган расмидаги нарсалар тасвирини кўра олишларини, гарчи бу ўхшашлик зўрға кўзга ташланса ҳам, қуллаб-қувватлаш.

Болаларни чизилган штрихларнинг бирор ҳодисага ухшашлигини топишга ўргатиш. Ҳар хил штрихлар чизган, турли рангдаги қаламлардан фойдаланган болаларни рағбатлантириш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Болалар стол ёнига келиб ўтирганларидан сунг уларнинг гавда ҳолатини текшириш. Тўрт хил рангдаги қаламларни, бола расм чизиб бўлгач, уз жойига қайта солиб қуйиши учун, очиқ қутичаларни стол устига қуйиш

Машғулот процессида индивидуал раҳбарликни амалга ошириш: шу штрихларнинг ўзини қайта чизиш ёки бошқа бирор нарса чизишни маслаҳат бериш, ҳар хил рангли қаламлардан фойдаланишни таклиф қилиш ва ҳоказолар, аммо таклифларнинг амалга оширилишини қатъий туриб талаб қилмаслик керак. Болалар расмни чизиб бўлганларидан кейин, уни стендга қуйиш ва болалар эътиборини ана шу расмларга жалб этиш. Машғулотлардан сунг болаларга расмларни кўриш ва бошқа расмлар орасидан ўзи чизган расмни топиш имконини бериш.

Машғулотга тайёрланиш. Ёзув қоғози катталигидаги қоғозларни, агар бирор бола яна расм чизмоқчи булса, унга ҳам етадиган миқдорда тайёрлаш; яхши учланган тўрт хил рангдаги қалам.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Биринчи марта бўёқлар билан расм чизиш

Программа мазмуни. Болаларни улар учун янги булган материаллар — бўёқлар ва муйқаламлар билан таништириш. Муйқалам ва бўёқлардан фойдаланишнинг оддий усулларига ўргатиш. Болаларга расм мазмунини мустақил топиш ёки бўёқлар билан расм чизишни машқ қилдириш, тарбиячи томонидан кўрсатилган усулларни ўзлаштириб олиш учун имкон яратиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Тарбиячи ўз столини ҳаракатлари ҳамма болаларга яхши кўриниб турадиган қилиб қўяди. У нимаики қилмасин, ҳаммаси: «Қаранглар, мана бу идишчадаги қизил бўёқ қандай чиройли. Мана бу мўйқалам. Мен уни бўёққа ботираман, сўнгра ундаги ортиқча бўёқни идишча четига суртиб тушираман. Энди мен мўйқалам билан расм чизаман» тушунтиришлар билан қўшиб олиб боради. Доскага ёпиштириб қўйилган қоғозга тарбиячи бир нечта чизиқлар чизади, доғчалар ҳосил қилади ва нуқталар қўяди. Ҳар бир бола олдида бир варақ қоғоз ва мўйқалам солинган идиш бўлади. Тарбиячи столлар устига бўёқ солинган идишчаларни қўяди ва «Қаранглар, сизларда ҳам қизил бўёқ солинган идишча бор. Мўйқаламни ўнг қўлингизга олиб, уни бармоқларингиз билан мана бундай ушланг» (кўрсатади, болалар, мўйқаламни қандай олганликлари ва ушлаганликларини кўриб чиқади). «Мўйқаламни бўёққа ботириб, сиқиб олинг ва расм чизинг. Чап қўлингиз билан қоғозни босиб туринг».

Баъзи болаларнинг расмларида ўзларига таниш нарсаларни кўриш, билиш истагини рағбатлантиради. Қоғоз варағини расмлар билан тўлдириб яна расм чизиш истагини билдирган болаларга иккинчи, баъзиларига эса учинчи варақни ҳам беради. Болалар қоғозни бўёқ билан чапламасликлари, қўл ва кийимларини ифлос қилмасликларини кузатиб туради. Расм чизишни тугатган болаларнинг варақларини стендга қўяди ва ҳаммага улар қандай очиқ ва чиройли расмлар эканлигини кўришни таклиф қилади.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Қўғирчоқларга лойдан конфетлар ясаш

Программа мазмуни. Машғулот вақтида болаларни тўғри ўтиришга, лойдан ясаладиган нарсаларни фақат тахтача устида ясашга, стол устини ва кийимларини ифлос қилмасликка, полга нарса ташламасликка ўргатиш. Кичик лой бўлакларини узиб олиб, уларни идишга солиш — қўғирчоқлар учун конфет ясашга ўргатиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Болаларнинг тўғри ўтиришини текшириш. Ҳар бир боладан олдидаги тахтачада нима борлигини ва нима қилмоқчи эканлигини сўраш. Лойдан болалар нарсалар ясаши мумкинлигини такрорлаш. Қўғирчоқлар учун конфетчалар ясашни таклиф қилиш (машғулот бошланиши олдидан қўғирчоқлар чеккадаги стулчаларга ўтқазиб қўйилади). Қўғирчоқлар уларни қачон конфетлар билан меҳмон қилишларини кутиб ўтиришганлигини айтиш. Столлар устига рангли пластмассадан ясалган товоқчалар қўйиш ва улар ичига конфетларни солиш кераклигини айтиш. Лойдан қандай қилиб кичик бўлакчаларни узиб олиш ва товоқчаларга солиш кераклигини болаларга кўрсатиш. Агар бирор бола «конфетни» юмалоқламоқчи бўлса, уни рағбатлантириш ва қўллар билан қандай ҳаракат қилиш кераклигини (ҳаммани мажбур қилмасдан) кўрсатиб бериш. Товоқча тўлгач, конфетларни қўғирчоқларга элтиб беришни, сўнгра қўлларини ювишни таклиф қилиш.

МАШҒУЛОТ ҚОНСПЕКТИ

«Уйда чироқлар ёқилди» темасида расм чизиш

Программа мазмуни. Болаларни бўёқ билан маълум тартибда — қаторлаб доғлар чизишга ўргатиш, шу усулда уларда «чироқлар ёқилди» қувонч ҳиссини пайдо қилиш, болалар учун қизиқарли бўлган ҳодисани тасвирлаш.

Мўйқаламни тўғри ушлаш, уни бўёққа ботириш, эҳтиётлик билан қоғозда доғчалар ҳосил қилиш кўникмаларини мустаҳкамлаш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Бир кун олдин, кечқурун болалар билан биргаликда уй деразаларида аста-секин чироқлар ёқилишини кузатиш. Машғулот учун бир варақдан тўқ рангдаги қоғоз, оч-тўқ сариқ рангли бўёқ бериш. Катта қоғоз варағини доскага илиб ва унда «чироқларни қандай ёқиш» кераклигини болаларга кўрсатиш. Бўёқ билан бир неча доғчалар ҳосил қилгач, болаларга «чироқ ёқиш»ни таклиф этиш. Болаларнинг расмларида «чироқлар» пайдо бўла бошлаши билан:. «Мана болалар, уйларда қанча чироқлар ёқишди. Ҳаммаёқ ёруғ бўлиб кетди!» деб, уларни рағбатлантириш.

Болалар ўтиришини, мўйқаламни қандай ушлаётганларини, бўёққа қандай ботираётганлари ва ҳоказоларни кузатиб бориш. Расм чизишни тугатгач, уларни стендларга қўйиш. Машғулотдаң сўнг болаларга ўзлари чизган расмларини томоша қилиш учун имкон бериш.

Эслатма. Йил давомида машғулот такрорланиши мумкин. Бунда қоғоз рангини (уй учун), бўёқ рангини (деразалар учун) ўзгартириш керак.

Болалар икки хил бўёқлар билан (икки мўйқаламдан фойдаланиб) расм чизишни ўрганиб олганларидан кейин, бир уйда ҳар хил чироқлар «ёниши» мумкин.

ИККИНЧИ КИЧИК ГРУППА

Расм чизишга, лой ёки пластилиндан нарса ясашга, аппликация (ҳар хил шаклларни қирқиб ёпиштириш)га ўргатиш вазифаси иккинчи кичик группада мураккаблашади.

Тўрт ёшга қадам қўйган болаларда кўп психологик процесслар: идрок, фикрлаш, хотира такомиллашади ва ривожланади. Аста-секин болаларда асосий ранглар, баъзи бир шакллар ҳақида тушунчалар таркиб топа боради. Буларнинг барчаси тасвирлашнинг янги вазифаларини олдинга суриш имконини беради. Болаларни расм чизишда, лой ёки пластилиндан нарса ясашда турли шаклдаги нарсаларни: юмалоқ, тўғри тўртбурчак, учбурчакларни, шунингдек тўғри чизиқ ва кесишган чизиқлар чизишга ўргатилади. Болалар турли катталикдаги бир ёки бир неча қисмлардан иборат бўлган нарсаларни тасвирлашни ўзлаштириб оладилар.

Нарса шаклини тасвирлаш учун болаларни шакл ҳосил қилиш ҳаракатларига ўргатиш зарур[1]. Программа болаларни олдин оддийроқ, ундан сўнг мураккаброқ шаклларни тасвирлашга ўргатишни назарга олиб тузилган. Бу болаларга кўплаб турли хил теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларни тасвирлаш имконини беради. Иккинчи кичик группада бола шакл ҳосил қилиш ҳаракатларини қанчалик яхши ўрганиб олса, у кейинчалик шу шакллардан иборат бўлган ҳар қандай нарсалар тасвирини шунчалик осон ва эркин чизади.

Маълумки, ҳар қандай мақсадга қарата йўналтирилган ҳаракат у ҳақида мавжуд бўлган тушунча асосида амалга оширилиши мумкин. Қўл билан бажариладиган ҳаракат ҳақидаги тушунча кўриш, шунингдек кинестетик (ҳаракат — сезиш) идрок этиш процессида таркиб топади.

Расм чизиш ва лой ёки пластилиндан нарса ясашда қўлнинг шакл ҳосил қилиш ҳаракатлари турлича бўлади: тасвирланаётган нарсаларнинг бўшлиқдаги хусусиятлари расмда контур чизиғи билан, лой ёки пластилиндан нарса ясашда эса масса билан, ҳажми билан ифодаланади. Расм чизишда қўлнинг ҳаракатлари

[1] Шакл ҳосил қилиш ҳаракатларини кичкинтойлар аппликация вақтида ўрганмайдилар, чунки улар тайёр шакл оладилар.

характери (босиш кучи, кенглиги, давом этиш муддати) билан фарқ қилади.

Тарбиячи болаларни нарсанинг шакли билан уни тасвирлашдан олдин (шу нарсани текшириб чиқиш йули билан) таништиради. Бу процессга нарсанинг контури, шакли буйлаб қулни ҳаракатлантириш киради. Қул ҳаракатининг характери нарса шаклининг хусусиятларига боғлиқ. Расмда бирор нарса шаклини чизиш, уни лой ёки пластилиндан ясаш учун зарур булган ҳаракат, маълум даражада уни текширилаётганда қулланиладиган ҳаракат билан ухшашдир. Масалан, юмалоқ шаклдаги нарсаларни атрофини чизиб чиқиш аста-секин, бир текисда доира буйлаб айланадиган узлуксиз ҳаракатни талаб қилади. Туғри туртбурчак контурга эга булган нарсаларнинг томонларини қул билан курсатиш, бурчакларга келганда ҳаракатни тухтатиш ва йуналишни узгартириш билан амалга оширилади. Бир йуналишдаги ҳаракат муддати нарса томонларининг узунлигига боғлиқ.

Бирор нарсани тасвирлашга қаратилган ҳаракатларни узлаштира бориб, бола уларнинг шу нарсаларни текширишдаги ҳаракатга ухшаш эканлигини тушуна бошлайди. Болаларда бир хил шаклдаги нарсаларни текширишдаги ҳаракат билан тасвирлашдаги ҳаракат ҳақида умумий тасаввур ҳосил булади.

Иккинчи кичик группада айлана ва туғри чизиқ буйлаб ҳаракатлар йуналишини сақлаш куникмалари такомиллаштириб борилади. Айлана шаклидаги нарсаларни, туғри чизиқлар ва улардан иборат булган туғри чизиқли контурга эга нарсалар расмини чизиш, шунингдек тасвирларни буяш шуни талаб қилади.

Кичкинтой ифодалашида дуч келадиган биринчи ва бирмунча оддий шакл — бу юмалоқ шаклдир. Болаларни юмалоқ шаклдаги нарсаларни тасвирлашга ургатиш турли мазмунда булиши мумкин.

Тарбиячилар программа мазмунини ва машғулот тематикасини купинча чалкаштирадилар: агар программада намуна тарзида курсатилган бирор нарсанинг расми чизилмаган ёки лой (пластилин)дан ясалмаган булса, ургатиш программаси бажарилмаган деб ҳисоблайдилар. Болаларни юмалоқ шаклдаги нарсаларнинг расмини чизишга ургатиш учун уларга ҳалқачалар, ғилдиракчалар, совун пуфаклари, ҳаво шари, арчага илинадиган шарчалар, коптоклар, тешиккулчалар, олмалар, мевалар, апельсинлар, ёнғоқлар ва бошқа куп нарсаларнинг расмини чизишни таклиф қилиш мумкин. Тарбиячи расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш ва аппликация учун болаларга яқин, бирмунча таниш, улар купроқ уйнайдиган нарсаларни танлаб олади.

Болаларни бир неча қисмлардан иборат булган нарсаларни тасвирлашга ургатишда, шунингдек, маржонлар, найзонгул уйинчоғи, қорбобо, гуллар, ип боғланган шарлар, турли тузилишга эга булган шақилдоқлар, жужачалар ва шу кабилардан фойдаланиш мумкин.

Шундай машғулотдан намуна келтирамиз. Бу машғулот март ойининг ўрталарида ўтказилган.

Тарбиячи болаларга, улар яқинда оналарига совға қилиш учун чиройли гулни ёпиштирганликларини эслатади. «Бугун эса—дейди у,—гуллар расмини чизамиз».

Группа хонасида гуллар солинган ваза турибди, кечагина болалар бу гулларни кўздан кечирганлар. Тарбиячи, шунингдек, тузилиши унча мураккаб бўлмаган бир неча йирик гуллар (мойчечаклар, сариқ гулли декоратив ўсимликлар, лолақизғалдоқлар) тасвирланган расмларни танлаб олди ва эрталаб уларни болаларга кўрсатди. Тарбиячи гулнинг ўрни бор ва унинг атрофида гул барглари жойлашганлигини айтди. Лолақизғалдоқнинг гул барглари йирик доира шаклида, мойчечакда энсиз гул баргчалар кўп; танаси гулдан пастга қараб тушади, унда барглар бўлади, деб айтди.

Тарбиячи «Қайси гулнинг расмини чизмоқчи эканлигини ким кўрсатади?»— деб сўрайди ва Катяни чақиради. Катя доскага қадаб қўйилган қоғозга катта доира чизиб, гул ўрнининг, унинг атрофига майда гул баргчалар расмини чизади. Педагог болалар диққатини қандай чиройли гул ҳосил бўлганлигига жалб этади. Сўнгра ҳамма болаларга қўлларига мўйқаламни олиб, уни қандай ушлаганларини кўрсатишни таклиф қилади, группага яқинда келган, ҳали тўғри ушлаш кўникмасини ҳосил қилмаган болаларга алоҳида эътибор бериб текширади; уларнинг ёнига келиб қўл, бармоқлар ҳолатини тўғрилайди (бундай текширишни, ҳамма болаларни тутиб қолмаслик учун тез бажариш керак, баъзи болалар ёнига бир оз кейинроқ, ҳамма расм чиза бошлагач, бориш мумкин).

«Энди расм чизинглар»— дейди тарбиячи. Болаларнинг столига беш хил бўёқ: қизил, сариқ, кўк, оч қизил, ҳаво ранг, ёзув қоғози катталигидаги оқ қоғоз қўйилган бўлади. Баъзи болалар Катя қилганидек, катта, бутун қоғоз сатҳига расм чизадилар, бошқалари (Павлик, Валя) кичикроқ, қоғоз бетига икки-уч гул расмини чизадилар. Топшириқни тез бажариб, яна расм чизиш истагини билдирган болаларга тарбиячи яна қоғоз беради.

Ляля доира шаклини яхши чизишни била олмаганлиги сабабли гул ўртасига доғча қўяди, ундан эса ҳар томонга тўғри чизиқлар — баргчалар чизади (бу қиз болалар боғчасига яқинда келган, тарбиячи уни расм чиза олгани учун рағбатлантиради).

Миша доира шаклини тасвирлашни ҳали ўрганиб олгани йўқ. Тарбиячи унинг қўлини ушлаб, бошқа қоғозда катта қилиб доира расмини чизади. Шундан сўнг Миша ўз қоғозига гулнинг ўртасини чизади. Аммо қўлининг ҳаракати ҳали дадил эмас, шакл текис чиқмайди.

Қолган барча болалар топшириқни яхши бажардилар, баъзилари бир нечтадан расм чиздилар. Расмлар бирин-кетин доскага қўйилади. Тарбиячи болалар диққатини кўп ва чиройли гуллар расмини чизганликларига жалб этади ҳамда гуллар расмини ҳамма ҳар хил чизганини айтади. Сўнгра болаларга рангига, катта-кичиклигига, баргчаларининг шаклига кўра гулларни кўрсатишни айтади.

Болалар ўзлари чизган расмларидан хурсанд бўлдилар.

Болалар олдин берилган нарсалар шаклини тасвирлашни билиб олмагунларича уларга янги шаклдаги нарсаларни тасвирлаш учун беришга шошилманг. Болаларни тўғри тўртбурчак шаклидаги нарсаларни тасвирлашга баҳор яқин қолганда ўргата бошлаш яхшироқ. Болалар ўзлари ўйнайдиган кубиклар, байроқчалар, деразалар, прянниклар, стол устида ўйналадиган қуриш комплектидан оддий қурилишлар (деворча, дарвоза, минорача), пиёз ёки сули солинган яшик, аравача, вагонча ва бошқаларни қоғоздан қирқиб ёпиштиришлари ва расмини чизишлари мумкин. Тўғри тўртбурчак шаклидаги нарсаларни тас-

«Чиройли шарчалар чизяпмиз».

вирлашга ўргатиш тарбиячи шу вақтда юмалоқ шаклдаги нарсалар расмини чизиш ёки қирқиб ёпиштиришни болаларга топшира олмайди, деган маънони билдирмайди. Теварак-атрофдаги воқеа ва ҳодисалар болаларда катта қизиқиш пайдо қилади. Баҳор келди, дарахтларда япроқчалар, биринчи гуллар пайдо бўлди. Буларнинг расмини болалар мамнуният билан чизадилар ва уларга чизиш учун имконият яратиш керак (тўғри тўртбурчак шаклидаги нарсаларни болалар лой ёки пластилиндан ясамайдилар, бу шакл пластилин хусусиятига мос келмайди).

Тўғри тўртбурчак шаклидаги нарсаларнинг расмини чизиш ҳаракатни ўз вақтида тўхтатиб қолишни ва уни бурчаклар келганда ўзгартиришни талаб қилади. Бошланишда бу болалар учун қийин: улар ҳаракатни ўз вақтида тўхтата олмайдилар, чизиқни бошқа йўналишда олиб бора олмайдилар, тўғри бурчак ҳосил қила олмайдилар. Болаларнинг тўғри тўртбурчак чизишни ўрганиб олишларига ёрдам бериш учун ҳар бир чизиқни алоҳида чизиб олиш усулини қўлланиш мумкин. Масалан, олдин болаларга горизонтал чизиқ чизилган қоғоз берилади. Машғулотларнинг бирида шу чизиқ устига қатор қилиб терилган ғиштчалар расмини чизиш таклиф қилинади. Ҳар бир ғиштча расмини чизишда бола юқоридан пастга қараб горизонтал чизиққача чизиб тушади ва уларнинг тепасини бирлаштиради. Тўғри тўртбурчак — ғиштча ҳосил бўлади. Бир оз жой қолдириб бола яна иккинчи тик турган ғиштчани чизади ва ҳоказо. Бошқа машғулотда тарбиячи томонидан тайёрланган горизонтал чизиқ байроқчалар илинган тизимчани билдиради. Болалар тизимчадан пастга қараб иккитадан тўғри чизиқ чизадилар ва уларни бирлаштириб, тўғри тўртбурчак шаклдаги байроқчаларни ҳосил қиладилар.

Кейинчалик таянч чизиғини, масалан, ер чизиғини болаларнинг ўзлари чизиб, унинг устига уй расмини чизадилар: деворнинг бир ва иккинчи томони чизилади ва уларнинг тепасини бирлаштирувчи чизиқ тортилади. Бироқ болалар тўғри тўртбурчак шаклини чизишда тўғри ҳаракат қилишни билиб олишлари учун чизиқни бурчакларга келганда қўлни тўхтатиб юргизишга ўргатиш керак. Бунга тарбиячининг масалан, «тўхтадик» ёки «тўхтанг» ва шу каби сўзлари ёрдам беради.

Шу тариқа таёқчага ўрнатилган байроқча расмини чизишни таклиф қилиш мумкин. Байроқча узлуксиз ҳаракат билан: тепа чизиқ — чапдан ўнгга, ён томони — юқоридан пастга, пастки чизиқ — ўнгдан чапга, чап ёни — пастдан юқорига қараб чизилади. Байроқча расми чизилгандан сўнг болалар байроқча ўрнатилган таёқчани чизадилар.

Кўпчилик болалар бурчак ҳосил қилишдаги ҳаракатларни ўрганиб олганларидан сўнг, оғзаки тушунтиришни айрим болаларгагина қўллаш мумкин.

Бу ёшда болаларнинг активлиги ошади, улар мустақил ҳаракат қилишга, атрофдагилар қилаётган ишни катталарнинг ёрда-

мисиз бажаришга ҳаракат қиладилар. Бу фазилатни қўллаб-қувватлаш, ўстириш керак ва расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарсалар ясашда унга таяниш керак.

Тарбиячи керакли ҳаракатларни болалар мумкин қадар активроқ ўзлаштириб олишларига интилиши керак. Шунинг учун бирор шаклдаги нарсани биринчи марта тасвирлашда тарбиячи қўл ҳаракатини аниқ кўрсатиб беради, сўнгра бир нечта болаларни расмни қандай чизишларини ва лой ёки пластилиндан нарсани қандай ясашларини кўрсатиб бериш учун доска олдига чиқаради; ҳамма болаларга қўллари билан ҳавода ҳаракат қилиб кўрсатишни таклиф қилади. Болаларда мазкур нарсани тасвирлаш учун қилинадиган ҳаракат ҳақида тушунча ҳосил бўлади. Худди шу шаклдаги нарсаларни кейинчалик тасвирлашда болаларга қўллари билан қандай ҳаракат қилганликларини эсга олиш айтилади. Тарбиячи энди ҳеч нарса кўрсатмаслиги керак. Кичкинтойларни шакл ҳосил қилиш ҳаракатларига ўргатишнинг бундай йўли мазкур нарса болаларга биринчи марта учраган ҳолдагина тўғридан-тўғри кўрсатишга мурожаат қилиш имконини беради; қолган барча бошқа ҳолларда болалар тажрибасига таяниш керак.

Масалан, тарбиячи болаларга кубиклар расмини чизишни айтади. Бунга қадар болалар байроқчаларни ёпиштирган, сўнгра таёқчага ўрнатилган байроқчалар расмини чизган эди. Демак, уларга тўғри тўртбурчак шакли ва уни расмда тасвирлаш усули таниш бўлади. «Қаранглар,— дейди тарбиячи стол устида қандай чиройли кубиклар турибди. Сиз улар билан ўйнашни, нарсалар қуришни яхши кўрасиз. Бугун сиз уларнинг расмини чизасиз». Уларни диққат билан кўриб чиқиш ва улар қандай шаклда эканлигини айтиш таклиф қилинади. Жавоб беришга қийналганликлари учун болалар индамай турардилар. Тарбиячи бу қандай шакл эканлигини айтишга шошилмайди, балки бир болани доскага чақиради ва кубикни олиб, унинг атрофидан бармоқни юргизиб чиқишни буюрди. Бунда унинг ўзи: «Томон, бурчак, яна томон ва бурчак... Бундай шакл нима деб аталади?» Баъзи болалар қўл кўтаришади. «Тўғри тўртбурчак»— дейди Катя. «Тўғри тўртбурчак»— аниқлайди Валя. Тарбиячи жавобларнинг тўғрилигини тасдиқлайди, болаларга илгари тўғри тўртбурчак шаклини ёпиштирганликлари ва расмини чизганликларини эсга олишларини айтади. Болалар байроқчалар чизишганини айтишади.

Тарбиячи доскага Ваняни чақиради (бу бола шакл ҳосил қилиш ҳаракатларини тез ва пухта ўзлаштириб олади) ва унга кубиклар расмини қандай чизиш кераклигини ҳаммага кўрсатиб беришни айтади. Ваня расмни эркин, узлуксиз ҳаракат қилиб, бурчакларида тўхтаб ва ҳаракат йўналишини ўзгартириб чизади. Тарбиячи болалар эътиборини Ванянинг қандай, тўғри чизаётганига қаратиб туради. Шундан кейин барча болаларга улар кубикни қандай чизишларини ҳавода қўллари билан ҳаракат қилиб кўрсатишларини айтади.

Шакл ҳосил қилиш ҳаракатларини бўш ўзлаштираётган болаларга алоҳида эътибор беради, улардан яна бир марта, қўллари билан қандай ҳаракат қилишларини кўрсатишни илтимос қилади. Шундан кейингина уларга (хоҳлаган рангдаги қаламни) олиб расм чиза бошлашга рухсат беради. Болалар расм чизадилар, тарбиячи эса биринчи навбатда қийналаётган болалар олдига боради.

Оля узлуксиз ҳаракат қилиб расм чизади. У чизаётганида битта бурчак яхши чиқди, иккинчида эса қалам билан ҳаддан ташқари тез ҳаракат қилиниб, тўхталмай ўтиб кетилди ва бурчак тўғри чиқмади. Тарбиячи кубикни олади ва қизнинг бармоғи билан ҳар бир бурчагида тўхтатилиб, контур бўйича



«Кубиклар сочилиб кетди».

айланиб чиқади ва ҳар бир бурчакда тўхташ кераклигини сўз билан тушунтиради. Шундан кейин Оля ҳар бир бурчакда тўхтаб, расмни тўғри чизади.

Лена, Таня, Аня — группада энг кичкина қизлар, улар боғчаға яқинда келишган. Улар ҳали қаламни ҳам тўғри ушлашни билмайдилар. Тарбиячи ҳар бирининг ёнига келиб қалам ушлашини тўғрилаб қўяди. Улар расм чизишга киришмайдилар: Таня ва Лена хижолат ва ночорлик билан атрофга қарайдилар, Аня эса жойида у ёқ-бу ёққа қараб, гапириб ўтирибди. Тарбиячи уларнинг диққатини алоҳида жалб этади (бошқалар бу вақтда расмларни чизадилар), қўли билан кубик шаклини кўрсатади ва ҳар бирига шундай ҳаракат қилишни буюради, қўллари билан қандай ҳаракат қилган бўлсалар, шундай ҳаракат қилиб расм чизиш кераклигини айтади. Аня шундан кейин расм чиза бошлайди, аммо ортиқча шошқалоқлик ҳар бир бурчакнинг тўғри чизилишига халақит беради, баъзи бурчаклари тўғри чиқмайди. Таня ва Лена аввалгидек, расм чизмасдан ўтиришади. Кейин педагог керакли ҳаракатни ҳар бир қизнинг қўлидан ушлаб, қилиб кўрсатади (алоҳида қоғоз устида). Шундан кейингина қизлар чиза бошлайдилар, аммо бу ишни секин ва уқувсиз бажарадилар. Бироқ шакл ҳосил бўлади. Кўпчилик болалар бир неча кубикларни чизиб бўлишганини кўриб тарбиячи уларга кубиклар очиқ, чиройли бўлиши учун, бўяшни таклиф қилади. Бир томонга (юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга) қараб бўяш кераклигини ва чизиқдан чиқиб кетмаслик учун, қўлни қаттиқ силкимаслик кераклигини эслатади.

Тарбиячи машғулот бошланишида бўяш ҳақида ҳеч нарса гапирмайди: болалар ўзлари учун мураккаб бўлган шакл ҳосил қилиш ҳаракатини ўрганадилар ва бирданига берилган бир неча кўрсатмаларни яхши ўзлаштира олмайдилар. Шунинг учун

машғулот бошида педагог болаларга расм чизиш имконини берадиган тушунтириш ўтказади, сўнгра, расм чизилгач, болалар диққатини бошқа вазифани бажаришга — бўяшга жалб этади.

Агар тарбиячи баъзи болалар расм чизишга кириша олмаётганларини кўрса, қўшимча индивидуал ўргатишни қўллашга ўтиши мумкин. Боланинг қўли жуда ожиз бўлгани учун у керакли ҳаракатни ҳавода қилиб кўрсата олмаслиги, расм чиза олмаслиги ва лой ёки пластилиндан нарса ясай олмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда бола қўлини ўз қўлингизга олиб ва алоҳида қоғозда биргаликда расм чизинг ёки лойни юмалоқланг. Бунда ҳаракатни англаб етиши учун унинг характерини «Лойни мана бундай қилиб, айлана бўйлаб юмалатамиз, астагина эзамиз» — деб тушунтириш фойда беради. Бунинг фойдаси бор. Бола керакли ҳаракатни «ҳис этади», ундан қолаётган натижани кўради ва қандай ҳаракат қилиш кераклигини тушунади.

Масалан, бир куни тарбиячи болаларга шарчалар расмини чизишни таклиф қилди. Юмалоқ шаклдаги нарсалар расмини болалар илгари чизишган, шунинг учун нарсани текшириб бўлишгач, юмалоқ шар қандай бўлишини ва уни қандай қилиб чизишларини ҳавода қўллари билан кўрсатишларини уларга айтади. Болалар кўрсатишди, шундан кейин қаламларни олиб расм чиза бошладилар. Бироқ группага яқиндагина келган Алёнушка: «Расмни қандай қилиб чизиш керак?» — деб сўради. «Ўзинг бармоғинг билан ҳавода қандай кўрсатган бўлсанг, шундай чизгин», дейишнинг ўзи қизчанинг расм чиза бошлаши учун кифоя қилди.

Шундай қилиб, қандай қилишни бирданига кўрсатишга шошилмаслик керак: аввало болага ўзи уриниб кўриш учун имкон бериш, боланинг уринишидан ҳеч нарса чиқмаётганига ишонч ҳосил қилингач, кўрсатиб бериш фойдалидир.

Болалар билан ишлаш тажрибасидан шу нарса маълумки, тасвирлаш учун бериладиган нарса болалар илгари расмини чизган нарсадан бирор детали билан фарқ қиладиган бўлса, тарбиячилар ҳамма вақт уни кўрсатиб беришга интиладилар. Масалан, болалар юмалоқ шаклдаги нарсалар (тешиккулчалар, олмалар, шарчалар ва шу каби нарсалар) расмини кўп чизишган. Мана энди уларга турли катталикдаги шарчалардан иборат найзонгул ўйинчоғи расмини чизиш таклиф қилинади. Тарбиячилар, ҳар хил катталикдаги қисмларни бирлаштириш вазифани мураккаблаштиради ва болалар уни мустақил ҳал қила олмайдилар, шунинг учун найзонгул ўйинчоғининг расми қандай чизилишини кўрсатиб бериш керак, деб ўйлайди. Бу тамомила нотўғри бундай ҳолда юмалоқ шаклдаги нарсалар расмини чизиш тажрибасига таяниш ва найзонгул ўйинчоғи танаси қисмларининг жойлашувидаги изчилликни тушунтириб, болаларни расмни қандай чизиш усулини доскада кўрсатиб бериш учун чақириш керак эди.

Бошқа ҳолда тарбиячи ўтлар орасида қоқигуллар қандай очилгани расмини чизишни таклиф қилади. Бироқ болалар қоқигул расмини ҳали ҳеч чизмаганлари учун, тарбиячи уларга бу гулнинг кўм-кўк банди ва юмалоқ бошини қандай чизиш кераклигини кўрсатиш лозим, деб ҳисоблайди.

Барча ҳолларда болалар ўзларида бор бўлган тажрибага таянишлари ва таниш шаклларни тасвирлаш усулини мустақил ҳолда излаш, илгари ўзлаштирилган кўникмаларни эслаш, уларни янги вазиятда қўллаш имконидан маҳрум бўладилар. Ҳар гал тарбиячи кўрсатувига амал қилиб, болалар идрок қилинганини илгари ўзлаштирилган тасвирлаш усуллари билан ўзаро таққосламасдан, пассив равишда такрорлайдилар. Бундай ҳолларда болалар чизган расмлар бир-биридан кам фарқ қилади. Доимий кўрсатиб беришга ўрганиб қолган болалар, катталарнинг ёрдамисиз ҳаракат қилишдан бош тортиб: «Қандай чизишни кўрсатиб беринг, мен билмайман», деб туриб оладилар.

Ҳар бир машғулотда болаларда актив ҳаракат қилиш истагини уйғотиш, уларни мустақил тасвирлаш юзасидан изланишларга йўналтириш ва шу билан бирга болаларга индивидуал ёндашишни, ҳар бир бола билан индивидуал ишлашни амалга ошириш керак.

Болалар томонидан оддий шакл ҳосил қилиш ҳаракатларининг ўзлаштириб олиниши, тасвирлаш усули илгари ўзлаштириб олинган шакллардан иборат ҳар қандай нарсани тасвирлаш имконини беради. Шунинг учун юқорида баён этилганга ўхшаш ҳолларда нарсани қандай чизиш керак-



«Найзонгул» ўйинчоғи.

«Группамизда пиёз ўсиб чиқди».

лигини кўрсатмаслик, балки қўл билан унинг шакли ва қисмлари (гул банди, дарахт новдаси, шохи ва бошқалар) ҳолатининг йўналишини аниқлагач, мазкур нарса расмини қандай чизиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришни, керакли ҳаракатни ҳавода қилиб кўрсатишни таклиф қилиш керак. Агар нарса мураккаб тузилишга эга бўлса (турли катталикдаги бир неча қисмлардан иборат, масалан, найзонгул ўйинчоғи, аравача), доскага қадаб қўйилган қоғозда унинг расмини чизишни таклиф қилиш мумкин. Бунинг учун энг яхшиси икки-уч болани чақириш, улардан бири шаклнинг бир қисмини, бошқаси эса иккинчи бир қисмини чизишни давом эттиргани маъқул. Болалар томонидан доскага чизиб кўрсатилган тасвирнинг мукаммал бўлишига ҳамма вақт ҳам интилавермаслик керак. Унинг энг муҳим томонини тасвирлашнинг ўзи етарли, майда қисмлари ва деталларини (масалан, найзонгул ўйинчоғининг қўллари, аравачанинг тизимчаси ёки таёқчаси ва бошқаларни) фақат уларнинг жойлашувини аниқлаб, ҳар бир болага ҳеч қандай кўрсатмасиз расм чизиш имконини бериш керак.

Бундай ўқитишда болалар олдида турган тасвирлаш вазифасини ижодий ҳал қилиш имконини берувчи активлик ва мустақиллик тарбияланади: мустақил қилинган ҳаракатлардан болалар роҳатланадилар, уларнинг дадиллиги ўсади.

Бола тажрибасига таяниш, уларни барча процессларда активлаштириш уларда тасвирлашнинг умумлашган (битта эмас, балки шаклан бир хил бўлган бир қанча нарсалар группасини тасвирлаш учун ярайдиган) усулларини ҳосил қилиш имконини беради. Бола томонидан ҳаракатнинг умумлашган усулининг эгалланиши бора-бора атрофдаги нарса ва ҳодисаларни бирмунча мустақилроқ тасвирлашга ва расм чизишда, лой ёки пластилиндан нарса ясашда, аппликацияда теварак-атрофдан олган ўз таассуротини эркин ифода этишга имкон беради. Идрок этилган нарсаларнинг шакли ва тасвирлаш усулини таққослаш, ўз тажрибасини ишга солиш болаларда ақлий активликни тарбиялайди, мустақилликии ўстиради, яъни шундай сифатларни ўстирадики, уларсиз ҳеч қандай ижодий фаолият бўлиши мумкин эмас.

Расм чизишда, лой ёки пластилиндан нарса ясашда, шаклни бера олиш усулини ўзлаштириш натижасида ижобий ҳис пайдо бўлади, яхши кайфият туғилади. Болалар ҳамма учун тушунарли бўлган тасвирнинг расмини чиза олишлари ва лой ёки пластилиндан ясай билишлари мумкинлигидан хурсанд бўладилар, машғулотларни сабрсизлик билан кутадилар, бўш вақтларида ҳафсала билан расм чизадилар, лой ёки пластилиндан нарсалар ясайдилар. Болаларнинг бу эмоционал таъсирчанлиги тасвирлаш кўникма ва малакалари эгаллаб борилган сари кучаяди. Айни бир вақтда, агар уринишдан бирор нарса чиқмаётган бўлса, бу таъсирчанлик тезда сусаяди ва бутунлай йўқолади.

Топширилган вазифани бошқалардан бирмунча ёмонроқ бажарадиган болалар группада ҳамма вақт топилади. Бундай бо-

лалар муваффақиятсизлигининг сабаби нимада эканлигини тушунишга ҳаракат қилиш керак.

Расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясаш, аппликация бўйича программанинг бу ёшдаги болалар учун тушунарлилиги текшириб кўрилган ва уни ўзлаштирилиши учун ҳам етарли вақт ажратилган. Шунинг учун бундай болаларни улар қандай қулоқ солаётганини, ишга қандай киришишини, сайр вақтда қандай ҳаракат қилишини, қандай ўйнаши ва ўзини қандай тутишини диққат билан кузатиб бориш жуда муҳимдир.

Бир хил болаларга улардаги диққатнинг тарқоқлиги, фикрни бир жойга тўплай олмаслик, қулоқ сола билмаслик, айтилганларнинг ҳаммасини бирданига қабул қила олмаслик халақит беради. Бошқаларида тушунтиришни охиригача эшитиш учун сабр-тоқат етмайди: улар лой ёки пластилиндан нарса ясашга, расм чизишга шошиладилар. Ҳаракат қилиши яхши ривожланмаган болалар ҳам бор. Баъзилари эса катта киши ёрдамини кутишга ўрганганлар, уларга журъатсизлик, сусткашлик халақит беради. Бундай болаларга ёрдам бериш керак, сўнгра эса илгари ўзлаштирилганни эсга олишни айтиб, ундаги ишончни мустаҳкамлаш, бошқа болаларга кўрсатиб бериши учун уни доскага чақириш керак.

Вова ҳар бир ишда ёрдам сўраб катталарга мурожаат қилишга ўрганган. ...Бу одат фақат машғулотларда эмас, балки кийинишда, овқатланишда, ўйинда ҳам намоён бўларди. Бутун машғулот давомида бирор иш қилишга ҳатто уриниб ҳам кўрмасдан ўтириши мумкин эди. Дастлаб тарбиячи Вовага ёрдам берди. Агар тасвирлаш усули эндигина ўрганилаётган бўлса, айрим қоғоз устида бирга расм чизар, айрим лой бўлагидан биргалашиб нарса ясар эди. Бироқ тасвирлаш усули таниш бўлса, унга шу усулни эсга олишни айтар эди, баъзан болада ўзи расм чиза билиши, лойдан бирор нарсани ясай олиши мумкинлиги ҳақидаги ишончни мустаҳкамлаш учун болаларга аллақачон маълум бўлган усулни кўрсатиб бериши учун уни доскага чиқарар эди. Кейинчалик унда қизиқиш пайдо бўлди, ҳамма қилганидек қилиш истаги туғилди, аммо қатъиятсизлик, ортиқча сусткашлик ҳали ҳам унга халақит берарди. Фақат аста-секинлик билан умумий тезлик даражасида ишлашга ўрганди.

Болалардаги камчиликни тарбиячилар кўпинча уларнинг ёши билан оқлайдилар. Бироқ маълумки, бир ёшдаги болалар программани турлича ўзлаштирадилар, турлича ҳаракат қиладилар.

Шундай болалар борки, улар ҳамма вақт диққат қилиб ўтирадилар, педагог ва болаларнинг доскада кўрсатганини актив идрок этадилар, ўзлаштирилган тасвирлаш усулини ўзлари кўрсатиб беришга тайёр турадилар, машғулот давомида диққат билан расм чизадилар. Улар учун ўзлаштирилган ҳар қандай шаклдаги нарсанинг расмини чизиш қийинчилик туғдирмайди. Аммо бошқача болалар ҳам бор.

Аня, масалан, диққат билан эшита олмас, ҳатто қисқа вақт давомида ҳам тикилиб ўтиролмас эди. Кўпинча, тушунтиришни охиригача эшитмай, топшириқни бажаришга киришар, ҳеч нарсани тўғри қила олмас, унинг устига шошқалоқлик исқиртликка олиб келар эди. Ифлос расм қизда норозилик туғдирар ва у расмни яна баттар бўярди.

Ҳар қандай вазифани ҳал қилиш Аня учун катта қийинчилик туғдирарди. Умумий ҳаракатланиш тажрибасининг йўқлиги ҳам яққол кўриниб турарди. Шу билан бирга, Аянинг диққатини тушунтиришга жалб қила олинган, ундан нима талаб қилинаётганини охиригача эшитиб, тушуниб етмагунича расм чизишни бошлашига йўл қўйилмаган, тасвирлашдан олдин қўл ҳаракатини активлаштиришга муваффақ бўлинган вақтларда қиз расмни бирмунча яхшироқ чизарди.

Қизнинг илгари ўрганилган шакл ҳосил қилиш ҳаракатларини, унга кўрсатиб берилмаса ҳам, татбиқ қила олишига тарбиячи ишонгач, Аянинг активлигини йўналтиришга ҳаракат қилди, ундан тез-тез сўраб турадиган, доскага чиқарадиган, керакли тасвирий ҳаракатларни машқ қилдирадиган бўлиб қолди.

Ҳар бир боланинг орқада қолиш сабабларини диққат билан ўрганишга асосланган ҳолда, улар билан алоҳида-алоҳида ишлаш ва дифференциялаштирилган педагогик таъсир кўрсатиш болаларга тасвирлаш кўникмаларини эгаллашларида ёрдам беради.

Ҳар бир машғулотда болалар топшириқни қандай бажараётганларини диққат билан кузатиб бориш, болалардан бирортаси қийналаётганини, берилган вазифани эсидан чиқариб қўйиб, керак бўлмаган ишни қилаётганини кўра билиш керак. Бажарилган иш сифати паст бўлса, ҳамма вақт бунга болада қобилият йўқлигини ёки уни яхши қилгиси келмаётганлигини сабаб қилиб кўрсатмаслик керак.

Расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарсалар ясашда бола кўпинча объектив қийинчиликларга дуч келади. Масалан, у ҳамма вақт ҳам вазифанинг барча қисмларини, тарбиячи тушунтиришларини хотирасида ушлаб қола олмайди. Эсидан чиқариб у ёки бу ишни бутунлай ташлаб қўяди ёки керак бўлмаган ҳаракатлар қилиб, уни буза бошлайди. Агар педагог бола қийналаётганини ўз вақтида сезса ва унга расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясаш қандай изчилликда бориши кераклигини эслатиб, унга ёрдам қилса, бола ўз олдига қўйилган вазифани уддалай олади ва ўз ишидан мамнун бўлади.

Баъзида машғулотнинг текис бориши ва вазифанинг бажарилишига қўлда узоқ вақт юмалоқланишдан қуриган лой халақит беради: лой юмшоқлигини йўқотиб, увалана бошлайди. Агар қуриган лойни ўз вақтида юмшоғи билан алмаштирилса ва болага у нима учун вазифани бажара олмагани сабаби тушунтирилса, у ўйлаган нарсасини ясай олиши мумкин. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, кичкинтойга шуғулланиш учун бирор арзимаган нарса халал бериши мумкин.

Леночканинг қўлига қизил бўёқ тегиб кетди; кайфияти бузилди, расм чизиш истаги ҳам йўқолди. Тарбиячи бунга аҳамият бермасдан ишни давом эттиришни талаб қилганида қизча йиғлаб юборди. Тарбиячи унга бориб қўлини ювиб келишини айтганидан кейингина у тинчиди ва рангли шарчалар расмини чизиб тугаллади.

Болалар томонидан шакл ҳосил қилиш ҳаракатларининг бўш ўзлаштирилишига баъзи вақтларда тарбиячиларнинг болалар

имкониятига етарли аҳамият бермаслиги сабаб бўлади. Уч ёшли болаларни ҳали жуда кичкина деб ўйлаб, педагог улардан аниқ тасвирлашни, расм қандай чизилган бўлса, шу билан қаноатланиб, уни тугаллашни талаб қилмай: «Ҳали кичкина, кейинги группаларда ўрганиб олар», деб қўя қолади. Болаларда эса «Расм қандай чиқиши муҳим эмас, ҳаракат қилмаса ҳам бўлаверади!», деган фикр ўрнашиб қолади. Аммо элементар кўникмаларни кичик группада ўзлаштирмаса, бола кейинги группаларда ҳам орқада қолиб кетади, бунинг устига педагог фақат расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясашни ўргатишга эмас, балки боланинг иш натижасига бўлган муносабатини ўзгартиришга ҳам куч сарф қилишига тўғри келади.

Иккинчи кичик группа учун мўлжалланган тасвирлаш программасининг ўзлаштирилиши кўп техник кўникма ва малакаларни талаб қилади.

Болаларни қалам ва мўйқаламни тўғри ушлашга ўргатишни давом эттириш зарур. Қаламнинг бола қўлидаги тўғри ҳолати тасвирлаш вазифаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган эркин ва енгил ҳаракатларни таъминлайди. Имконият бўлган ҳолларда болаларга фломастер бериш лозим: улар ранги очиқ йўғон чизиқлар чизиш имконини беради; у билан расм чизиш қаттиқ босишни талаб қилмайди — қогозга сал теккизилса изи қолаверади. Фломастерлар билан чизилган расмлар ўзининг равшанлиги, ёрқинлиги билан болаларни қувонтиради.

«Мўйқаламни мана бундай ушлаймиз».

Болаларни мўйқаламни бўёққа тўғри ботиришга, бир ҳаракат билан мўйқалам учини банка четига суртиб, ортиқча томчини тушириб юборишга ўргатинг. Бу группада болалар ҳар хил бўёқлар билан расм чизишганлиги учун уларни мўйқаламни бошқа бўёққа ботиришдан олдин, уни сувда ювиб олишга, мўйини салфетка қоғозига секин теккизиб олиш билан қуритишга ўргатиш керак. Мўйқаламни салфетка ёки латта билан (тажрибада ҳали ҳам бундай ҳол учраб туради) артмаслик керак: бундай артиш натижасида мўйқаламнинг мўйи чиқиб кетади, униг шакли ўзгаради (у яссиланиб кетади); бундан ташқари салфеткани қўлга олиш, сўнгра уни яна жойига қўйиш учун бекорга вақт сарф қилинади; баъзи вақтда ифлос томчи салфеткадан томиб расм устига тушади.

Энг бошидан мўйқаламни ортиқча ювишнинг олдини олинг. Кўпинча болалар мўйқаламни бошқа бўёққа ботиришдан олдин эмас, балки янги расм ва ҳатто расмнинг янги қисмини чизишдан олдин ювадилар[1]. Мўйқаламни фақат бошқа рангдаги бўёққа ботиришдан олдингина ювиш кераклигини, бўлмаса бўёқ бузилиши мумкинлиги, кўп вақт бекорга сарфланишини болаларга эслатиб қўйинг. Агар сиз болаларни бўёқлардан тўғри фойдаланишга мунтазам суратда ўргатиб борсангиз, йил охирига келиб бир машғулотда олти хил ранггача бўёқлар бериш мумкин.

Болаларни чизиқлар ва юмалоқ шаклдаги нарсалар расмини қалам ва мўйқаламни қоғоздан узмасдан чизишга ўргатинг. Мўйқаламни фақат унинг мўйи билан юргизиш мумкин, шундай қилинмаса мўй ишдан чиқади, чизиқлар эса бир текис чиқмайди. Болалар чизиқни бир неча мартадан чизишларига йўл қўйманг, чунки бундай қилинганда қуримаган бўёқ ўчиб кетиб, доғ бўлиб қолади, расмни яратиш учун эса бекорга кўп вақт кетади.

Болаларда енгил ҳаракат қилишни машқ қилдириш муҳим аҳамиятга эга. Бола эркин, ҳаддан ташқари куч сарф қилмасдан қалам ва мўйқаламни бутун машғулот давомида қўлида тутиб туришини кузатиб боринг.

Ҳаракат енгиллигини сезишга ва қўл ҳамда бармоқлар ҳолатини англашга мана бундай машқ ёрдам беради: бола (аввал бошда тарбиячи ҳам) ўнг қўлининг уч бармоғи билан қалам ёки мўйқаламни ушлаб, чап қўли билан асбобни тепа учидан ушлайди ва уни бармоқлари билан юқорига ва пастга юргизади. Агар бармоқлар қалам ёки мўйқаламни қаттиқ сиқиб ушласа, унинг бундай ҳаракат қилиши мумкин бўлмайди ва бола буни сезиб, бармоқларини бўшаштиради.

Ҳаракат енгиллигини, эркинлигини шакллантиришга топшириқни аста-секин мураккаблаштириб бориш ёрдам беради.

Тўрт ёшга қадам қўйган болаларни ҳаракатни ўз вақтида тўхтатиб қолишга ўргатиш керак. Қўл ҳаракати, биринчи кичик группада талаб қилинганидек, фақат қоғоз чети билан эмас, балки расм томонидан белгиланадиган бошқа нуқталар билан ҳам чекланади. Масалан, нарвонча расмини чизишда ҳаракатнинг давом этиши нарвончанинг катталиги, поғоналарининг узунлиги билан белгиланади.

Расмларни бўяш — бирмунча кўникмаларни ва ҳаракат сифатини, чунончи, бир текисда ҳаракат қилишни, қўлни эркин юргизишни, енгил, ҳаддан ташқари куч ишлатмасдан ҳаракат қилишни, керакли нуқтада эркин равишда тўхталишни, тўғри ҳаракат йўналишини ушлай олишлик (бир йўналишда штрихлар чизиш)ни, қаламни босиш вақтидаги кучни тартибга солишни талаб қилувчи бир-бирига боғлиқ бўлган мураккаб малакадан иборатдир. Бу малакаларнинг ҳаммаси предметларни тасвирлаш вақтидаёқ машқ қилина бошланилган.

---

[1] Масалан дарахт танаси расмини чизиб, бола мўйқаламни ювади, яна ўша бўёққа ботиради ва дарахт баргларини чизишда давом этади.

Иккинчи кичик группа болаларини расмларни контур чизиғидан чиқармасдан, бир жойнинг устидан бир неча мартадан юргизмасдан, чизиқ ва доғларни бир йўналишда (юқоридан пастга, чапдан ўнгга ёки қия қилиб) контур оралиғини бўяшга ўргатиш керак.

Қалам ва муйқалам билан бўяш хусусиятларини ҳисобга олиб, турли ҳаракатларни бирданига машқ қилиш зарур. Масалан, расмларни қалам билан бўяшда у ёққа-бу ёққа қўл узилмасдан ҳаракат қилинади (юқоридан пастга, чапдан ўнгга ёки ётиқ чизиқлар чизилади). Бўёқ билан бўяшда чизиқларни бир йўналишда, ҳар гал бир томондан (юқоридан, чапдан) қўлни узиб ҳаракат қилинади. Қўлни узмасдан ҳаракат қилинганда расмнинг усти текис чиқмайди, муйқаламнинг муйи титилиб кетади.

Кичик группаларда болаларга қалам ва муйқаламни каттиқ ёки юмшоқ босишни ўргатиш вазифаси қўйилмайди, бироқ уларни қаламни қаттиқ босишдан тийиб туриш лозим, чунки бундай қилинса қоғоз йиртилади, қалам синади, муйқалам ишдан чиқади, агар қалам ҳаддан ташқари секин босилса, расм аниқ кўринмайди.

Агар сиз болаларни ишнинг тўғри техник усулларига ўргатсангиз, улар турли хил тасвирий топшириқларни эркинроқ ва осон ўзлаштириб оладилар. Иккинчи кичик группадаёқ болаларда турли хил ҳаракатлар, маълум қўл эркинлиги ривожланиши муҳим аҳамиятга эга. Нарсаларнинг у ёки бу группасини қандайдир бир усул билан тасвирлашга ўргатмаслик керак. Бир қолипда («бу нарсани фақат мана шундай чизиш керак») расм чизишни талаб қилиш бола имкониятларини чеклаб қўяди. Масалан, доира шаклини чапдан ўнгга ва ўнгдан чапга чизиш мумкин, ҳаракатлар бирмунча аниқлангач — икки қарама-қарши томонлардан ҳам чизиш мумкин.

Расм чизиш усулларини ўсиш қонуниятлари билан боғламаслик керак. Агар дарахт ердан ўсиб чиқадиган бўлса, бу мутлақо уни пастдан юқорига қараб чизиш керак, агар шохчалар дарахт танасидан ўсиб чиқса, уларни аксига эмас, балки танадан бошлаб чизиш керак, деган сўз эмас. Шунга интилиш кераккки, болалар чизиқларни турли томонларга: юқоридан пастга, пастдан юқорига, чапдан ўнгга ва ўнгдан чапга эркинлик билан чиза олсинлар.

Ўз қўлини яхши бошқара олмайдиган ёш бола учун чизиқни юқоридан пастга қараб чизиш осон. Бунда қўл пастга қараб ҳаракат қилса, муйқалам унинг кетидан боради. Ҳаракат бирмунча табиий ва эркин бўлади. Пастдан юқорига қараб чизиқ чизиш эса қўлнинг панжа ҳолатини (ҳаракат муй билан бирга бўлиши учун) ўзгартиришни талаб қилади. Ҳали муйқаламни қўлда қандай тутишни билмаган бола пастдан юқорига чизиқ ўтказиш учун қўл ҳолатини онгли равишда ўзгартира олмайди, албатта ва одат бўйича муйқаламнинг муйини олдинга итариб юргизади.

Бундай қилишдан мўй ораси очилади, мўйқалам ишдан чиқади, чизиқ эса ёйилиб кетади. Бола мўйқаламни қўлида эркин ва ишонч билан тўғри тута олганидан кейингина унинг ҳолатини ўзгартиришни ўрганиб олади.

Расм чизиш усулини чекламанг, ҳар қайси бола ўзи учун қулай усулда расм чизаверсин. Бола турли усулда расм чизишни ўрганса яхши бўлади. Бунда унинг қўли эгилувчан ва ҳаракатчан бўлади, расм эса — ифодалироқ ва қизиқроқ бўлади.

Болаларни расм чизишга, лой ёки пластилиндан нарсалар ясашга, аппликацияга ўргатишда, тасвирлаш усулларини кўрсатишда педагог айтиб турадиган сўзи катта аҳамиятга эга. Кўрсатманинг сўз билан бирга қўшиб олиб борилиши кўникма ва малакаларни онгли равишда ўзлаштириш, уларни бошқа шароитга кўчириш (фақат шуларни эмас, балки бошқа нарса ва воқеаларни ҳам тасвирлашни қўллаш) имконини беради.

Бола нима қилмоқчи эканлигини ўзи олдиндан тушунтириб бериши ҳаракат кўникмаларини бирмунча муваффақиятли ва пухта эгаллашга ёрдам беради. Шунинг учун у ёки бу усулни кўрсатгач ва тушунтиргач, бирор болани (аввал вазифани яхши тушуниб оладиганларни) доскага чақиринг ва қандай расм чизиш кераклигини кўрсатиши ва тушунтириб беришини сўранг. Болалар буни жуда қизиқиб бажарадилар (аммо, албатта, тушунтирилганни тўла такрорлашни фақат катта группа болаларидан талаб қилиш мумкин).

Тарбиячининг тушунтириши аниқ ва қисқа бўлиши керак. Масалан, расмни қандай бўяш кераклигини болаларга кўрсатишда тарбиячи: «Мўйқаламни юқоридан пастга олиб тушяпман; яна юқоридан пастга; яна юқоридан пастга» дейди. Бошқа машғулотда бу инструкция (йўл-йўриқ кўрсатиш) кенгайтирилиши мумкин: «Бўяётганда мўйқаламни юқоридан пастга охиригача, тўхтамасдан олиб тушяпман».

Тасвирий фаолият эстетик тарбиянинг муҳим воситасидир. Шунинг учун топшириқни тушунтиришда нарса ва ҳодисаларни характерлаш учун образли, аниқ сўзларни танлаш зарур. Шундай қилинганда расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясашни таклиф қилиниши бола қалбида жўшқин ҳаяжон пайдо қилади. Тушунтиришда таниш шеър, қўшиқлар текстидан фойдаланиш манфаат келтиради. Масалан, ҳаво шарларининг расмини чизишни таклиф этиб, тарбиячи: «Турли-туман, ҳаво ранг, қизил, сариқ, яшил ранг, менинг ҳаво шарларим» шеърини ифодали қилиб айтади.

Тушунтиришда қўлланилаётган сўзлар болаларга фақат таниш, тушунарли бўлиши ҳақидагина ўйламасдан, балки болалар расм чизишда, лой ёки пластилиндан нарсалар ясашда тасвирлашлари керак бўлган образларни эсга туширишлари ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Агар қандай тушунтириш ўйлаб кўрилмаса, бу болаларда қўшимча қийинчиликлар пайдо қилиши мумкин.

Болалар боғчаларидан бирида тарбиячи янги йил байрами ўтгач, болаларга ясатилган арча арсмини чизишни таклиф қилди. У арча турли хил ўйинчоқлар билан безатилганини бир неча марта таъкидлаб ўтди. Болалар вазифани бажаришга киришдилар. Улар арча расмини чизишни тезда уддасидан чиқдилар, бироқ уни ясатишга ўтганларида вазифа аниқ ифодаланмаганлиги равшан бўлиб қолди. Болалар ўйинчоқлар расмини (ким қуёнчани, ким қўғирчоқни, ким петрушкани) чизишга уриниб кўрдилар, аммо бунчалик мураккаб нарсаларни тасвирлаш учун керак бўлган кўникма ва малакаларга ҳали эга бўлмаганликлари сабабли, улар чизган ўйинчоқлар йирик, шаклсиз доғлар бўлиб қолди. Бундай муваффақиятсизликка сабаб шу эдики, тарбиячи томонидан қўлланилган «ўйинчоқлар» сўзи болаларда қўзиқоринлар, қуёнчалар, айиқчалар, самолётчалар образини пайдо қилди, турган гапки болалар бундай ўйинчоқларни, яна уни арча устида осилган ҳолда, тасвирлашнинг уддасидан чиқа олмас эдилар.

Тарбиячи ўз хатосини тушунди ва кейинги галда у арчани турли рангдаги чироқчалар, шарчалар, иплар билан безатишни таклиф қилди (буларнинг ҳаммаси тасвирлаш усулига кўра болаларга тушунарли эди). Болалар ўз олдиларига қўйилган вазифани яхши бажардилар. Расмлар очиқ, ифодали чиқди, кичкинтойлар ўз ишларидан мамнун бўлдилар.

Мактабгача ёшдаги кичик болалар композицион кўникмаларга эга эмаслар (программада бундай вазифа қўйилмаган): болалар расмни қоғоз бетига қандай жойлаштиришни ўйлаб-нетмай чизаверадилар. Бинобарин, расм, аппликациянинг қанчалик чиройли чиқиши уларнинг қоғоз бетига қандай жойлаштирилишига боғлиқ. Тарбиячи ана шуни ҳисобга олиши, вазифа тематикасини танлашда қандай формадаги қоғозни беришни, унда расмни, аппликацияни қандай жойлаштиришни ўйлаб кўриши ва сўнгра тўғри келадиган вариантини болаларга таклиф қилиши керак. Масалан, найзонгул ўйинчоғи расмини чизиш учун тўғри тўртбурчак қоғоз тайёрлаш ва болаларга уни вертикал ҳолатда («вертикал» сўзини айтмасдан, қоғоз стол устида расм чизаётганда қандай ҳолатда ётишини кўрсатишнинг ўзи етарли эканлиги табиийдир) қўйишни маслаҳат бериш керак. Қорбобо расмини чизаётганда ёки ёпиштираётганда ҳам қоғознинг ҳолати худди шундай бўлади. Аравача расмини чизаётганда ёки ёпиштираётганда эса қоғозни горизонтал ҳолатда қўйиш яхши. Ана шунда қоғоз формати расми чизилаётган нарса шаклини таъкидлаб туради, расм ва аппликациянинг эстетик таъсир кўрсатиши кучаяди.

Болаларни аппликацияга ўргата бориб, тарбиячи асосий эътиборни ёпиштириш учун бериладиган шаклларнинг болалар томонидан ўзлаштирилишига қаратади.

Турли рангдаги қоғозлардан фойдаланар экан, тарбиячи болаларни бу рангларни фарқлашга ва тўғри аташга ўргатади. Аппликация учун рангларни яхши ўйлаб танлаш жуда муҳим: шу группаданоқ болаларда яхши дидни тарбиялаш керак.

Аппликация машғулотларида иккинчи кичик группа болалари елимлаб ёпиштириш техникасини ва энг аввало шакл орқасига елим суртиш усулларини ўрганиб олишлари керак. Болаларни клеёнкача устида ишлашга, мўйқалам учига озгина елим олишга, ортиқча елим сингиши учун тасвирни салфеткача билан

босишга ўргатиш лозим. Агар буларга энг бошидан эътибор берилмаса, аппликация ишлари пала-партиш, ифлос чиқади.

Иккинчи кичик группадаги машғулотлар мазмуни жуда мураккаб эмас. Болаларни доира, квадрат шаклида қирқиб қўйилган оддий шакллар билан таништирадилар, бу шаклларни аввал қоғоз устига (йўл, квадрат шаклида) тўғри териб қўйиб, уларни рангига қараб навбатма-навбат ёпиштиришга ўргатадилар. Масалан, болаларга шарчаларни, маржонларни ёки байрам вақтида кузатиладиган ҳар хил рангдаги чироқларини ёпиштиришни тавсия қилиш мумкин. Болалар «чироқчаларни» қизил ва сариқ (ҳаво ранг ва сариқ ёки сариқ ва яшил) доирачаларни рангига қараб галма-гал қўйиб ёпиштирадилар. Бу машғулотда тарбиячи болаларни доира шакли ва ранглар номи билан таништиради ёки агар илгари, бошқа машғулотларда, ўйинларда улар бу рангларни учратган бўлсалар, болалар буларни қанчалик билиб олганликларини аниқлайди.

Айтиб ўтилган шаклларни йўл, доира, квадрат шаклида турлича жойлаштиришга болаларни ўргатиш керак. Шу мақсадда галма-галдан майда ва йирик тайёр шаклларни ранги, шакли ва катта-кичиклигига қараб йўлкани, рўмолчани, талинкачани безатиш топширилади. Қоғоз устида турли шаклдаги аппликацияларни жойлаштириш бўйича болалар кўникмасини мустаҳкамлаш учун ҳар бир шакл (йўл, тўғри тўртбурчак, доира шакли)ни ёпиштириш юзасидан камида икки марта машғулот ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунда аппликация ёпиштириладиган қоғоз рангини ёки ёпиштириладиган қисмлар (шаклига, рангига, катта-кичиклигига қараб)ни ўзгартириш мумкин. Масалан, аввал «талинкачани» (катта доирани) рангини галма-гал алмаштириб айланачалар билан безатиш, ундан сўнг бошқа рангдаги «талинкача» рангига қараб катта ва кичик айланачалар чизиб безатишни тавсия қилиш мумкин. Айланачалар «тарелка»нинг умумий рангига мос бўлмаслиги, аммо ранги жиҳатидан чиройли чиқиши, масалан, оч-сариқ «тарелкачага»— тўқ зангори мос тушиши мумкин.

Декоратив характеридаги аппликациялардан ташқари бу группада қисмлардан иборат нарсаларни тузиш ва ёпиштириш ҳам берилади. Бу нарсалар оддий, болаларга яхши таниш бўлиши, уларга ёқиши керак. Булар асосан бир хил шаклдаги, аммо турли катта-кичикликка эга бўлган қисмлардан (минорача, қорбобо, найзонгул, гул, жўжа) ёки икки хил шаклдаги (аравача, вагонча, уйча) ўйинчоқлардир[1].

Болаларга нарса расмини чизиш топширилганида ҳамма вақт унинг тузилиши, шакли ва қисмларининг катта-кичиклигини аниқлаб, олдиндан текшириб чиқиш керак. Сўнгра болалар-

---

[1] Айтиб ўтилган ўйинчоқлар бўлмаса, тарбиячи уларни бошқа унчалик мураккаб бўлмаган ва болалар учун қизиқарли ўйинчоқлар билан алмаштириши мумкин.

дан қисмлар қайси тартибда жойланиши ҳақида сўраш ва олдин тасвирини қоғозга жойлаштиришни, сўнгра уни ёпиштиришни таклиф қилиш керак. Ҳар гал ёпиштириш процессининг ҳаммасининг кўрсатиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Агар бирор нарсани бола унутса ва ноаниқ тасвирласа, унинг диққатини яна ана шу нарсага жалб қилиш мумкин. Ёпиштириш (бўлакларга елим суртиш, қоғоз устига қўйиш ва латта билан устидан босиш) ни бола биринчи машғулотлардаёқ ўрганиб олган, бу машғулотларда тарбиячи, албатта қандай қилишни кўрсатиб берган. Кейинги машғулотларда эса ҳар бир бола тўғри усулни қўлланиши учун уни кўрсатиш шарт эмас, балки эсга солиш (болаларни ўзидан сўраш мумкин) керак.

Аппликация учун берилаётган нарса ҳар хил рангга эга бўлса, болаларга бир неча хил рангли қоғоз берса яхши бўлади. Болалар яратган тасвир чиройли, ранг-баранг бўлади. Масалан, турли столларда ўтирган болаларга гул барглари учун кўк, пушти, ҳаво ранг, қизил доирачалар тайёрлаб қўйиш мумкин. Стендга қўйилган ишлар кутилмаган хилма-хиллиги билан болаларни қувонтиради. Бу эстетик ҳиссиётнинг ўсишига ёрдам беради,



«Аравача».

жонли ҳис-туйғуни уйғотади. Шунингдек вагончалар учун ҳам турли хил қоғозлар тайёрлаш мумкин, шунда тахтача устига териб қўйилган ишлардан қувноқ ва чиройли поезд ташкил топади.

Группадаги барча болалар программада кўрсатилган ранглар (қизил, сариқ, яшил, кўк, оқ, қора) ни ва шунингдек ранг туслари (пушти, ҳаво ранг, кул ранг ва ҳоказолар) ни фарқлай

олишлари ва айта билишлари керак. Ранг билан танишув бутун йил давомида расм чизиш машғулотларида ҳам тасвирлаш вазифаси билан бирга (болалар нимани тасвирлашларига қараб) олиб бориладиган аппликация машғулотларида ҳам амалга оширилади. Биринчи машғулотлардаёқ болаларга бир-биридан кескин фарқ қилинадиган очиқ рангларни бериш мақсадга мувофиқдир. Бундай рангларни болалар бир-биридан осон фарқ қиладилар ва эсда яхши сақлаб қоладилар. Сўнгра уларни ранг-тусларининг номини айтишга ва фарқ қила билишга ўргатиш керак.

Биринчи машғулотлардан бошлабоқ болаларга олти хил рангли қалам наборини бериш мумкин, бироқ улардан бу қаламларнинг ранги қанақа эканлигини дарров билиб олишлари ва айтишларини талаб қилмаслик керак. Тарбиячи мунтазам суратда уларнинг эътиборини тасвирланаётган нарсалар рангига жалб этади (масалан, «яшил ўт расмини, қизил шарчалар расмини чизамиз», «сариқ ва кўк доирачаларни ёпиштирамиз»), ранглар номини машғулот охирида болалар ишини кўриб чиқаётганида аниқлайди («мана биз қандай чиройли сариқ гул расмини чиздик» ёки «Жуда кўп чиройли ҳалқачалар расмини чиздик», «уларнинг ранги қанақа?») ва аста-секин болалар ҳамма рангларни билиб оладилар.

Рангни идрок этишни ўстиришни, рангларни фарқлай олиш ва айта билишга ўргатишни, шунингдек ранглар ҳақидаги билимни мустаҳкамлашни фақат расм чизиш ва аппликация машғулотларидагина эмас, балки дидактик ўйинларда, кундалик ҳаётда ҳам амалга ошириш мумкин.

Эстетик тарбия ва машғулотларни муваффақиятли ўтказиш учун уларга пухта тайёргарлик кўриш катта аҳамиятга эга. Тарбиячи болаларга расм чизиш, аппликация учун қандай рангларни беришини, қоғознинг ҳажми ва формати қандай бўлишини, болаларга расм чизиш учун нима беришини (қалам ёки бўёқ) олдиндан ўйлаб кўриш керак. Материал танлаш темага боғлиқ бўлади. Масалан, агар болаларга совун пуфагини чизиш топшириладиган бўлса, унда яхшиси қаламлар берилгани маъқул, дарахт расмини эса бўёқлар билан чизиш мақсадга мувофиқ, бундай қилинганда тасвир бирмунча гўзал, ифодалироқ чиқади. Шуни эсда тутиш керакки, қаламлар билан расм чизиш учун бериладиган қоғоз варағи бўёқлар билан расм чизиш учун бериладиган қоғозга қараганда кичикроқ бўлиши лозим, чунки қалам билан расм чизганда бола тезроқ чарчайди, варақни тасвирлар (улар бўёқ билан расм чизгандагига қараганда майдароқ бўлади) билан тўлдиришга улгурмайди ва қоғоз бети бўшроқ кўриниб, қизиқарли бўлмайди.

Тарбиячи бирор нарса бузилиб қолиши ёки кутилмаганда янги бола келиб қолишини ҳисобга олиб, запас материал сақланиши кераклигини назарда тутиши керак. Машғулот вақтида кўпинча қаламлар синиб туради, шунинг учун ҳамма вақт болалар

олдида турган қутичалардан ташқари керакли рангдаги учланган қаламлар ҳам бўлиши керак. Қоғоз варақлари ҳам (агар бирор бола ўз ишини бошқалардан олдинроқ бажариб яна расм чизишни истаб қолса), буёқлар ҳам мўлжалдан ортиқроқ тайёрланган бўлиши керак. У ёки бу рангдаги буёқдан қанча керак бўлишини ҳамма вақт ҳам ҳисоб қилиб бўлмайди. Талинкачага бирданига тўлдириб буёқ қуймаслик керак, биринчидан, бунча кўп миқдорда буёқ сарфланмаслиги мумкин, иккинчидан, бола яхши ювилмаган мўйқаламни буёққа, айниқса очиқ рангдаги буёққа ботириб, уни бузиб қўйиши мумкин. Яхшиси, керак бўлганида қуйиб туриш баъзи вақтларда эса ранги айниганини ўзгартириб туриш маъқул.

Тасвирий фаолият машғулотларда болаларнинг тўғри ўтиришини доимо кузатиб туриш зарурлигини эсда сақланг. Бола ўтирганда унинг қадди тўғри, қўл ҳаракати эркинлигига халақит бермайдиган бўлиши керак. Машғулотларда болалар икки қўлини стол устига қўя олиши учун уларни эркин ўтқазиб қўйинг. Болаларни ҳаддан ташқари энгашмасликларини, кўкракларини столга тирамасликларини текшириб туринг, чунки шундай ўтирганда уларнинг гавда ҳолати бузилади, қўллари ва кўзи зўриқади.

Расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясаш, аппликация вақтида хона қандай ёритилганини ҳам кузатиш керак. Ёруғлик етарли бўлиши ва у чап томондан тушиши лозим.

Иккинчи кичик группа программасида тасвирий фаолиятга ажратилган барча машғулотларнинг камида ярми ижод қилиш бўйича ишлашга ажратилиши кераклиги ҳақида кўрсатма бор. Программадаги бу қонунни қандай тушунмоқ керак? Тасвирлаш усулларини эндигина ўзлаштира бошлаган, қалам, мўйқалам ушлашни ва кафтчаларида лой бўлагини эшишни ҳали яхши ўзлаштириб олмаган 3—4 ёшли болалар ҳақиқатан ҳам ўзлари ижод қилиб тасвир ярата олармиканлар? Ахир, ижод расмда, лой ёки пластилиндан ясалган нарсада қачонки бола тасвирни яратиш усулларини эгаллаб олганидагина чинакамига ўз ифодасини топиши мумкин-ку.

Программадаги бу кўрсатма болаларга ўзлари ўзлаштирган кўникмаларидан фойдаланиб, ифода этишда уларга катта эркинлик беришни ва уларни ўз расмлари, лой ёки пластилиндан ясаган нарсалари мазмунига илгари машғулотларда расмини чизмаган ва пластилиндан ясамаган нарсалар ва воқеаларни ижод этиш имкониятига аста-секин яқинлаштиришни назарда тутади. Шунинг учун ҳам болаларга нимани ва қандай қилиб тасвирлаш кераклигини, бунинг учун қандай қалам ва буёқлардан фойдаланишни аниқ кўрсатиб берадиган машғулотлар билан бир қаторда, болаларни олдиндан таниш бўлган нарсаларни эркин тасвирлашга йўналтирувчи, тасвирга ўзлари истаганича ўзгаришлар киритишига имкон берувчи машғулотлар ўтказилиши керак.

Ижод қилиш машғулотларида болалар фақат ўзлари ўрганган нарсаларни лой ёки пластилиндан ясашни ва расмини чизишни такрорламасдан, балки бирмунча мураккаб мазмунга эга бўлган нарсаларни ҳам тасвирлашга киришадилар: баъзилари автомобиллар, поездлар, бошқалари одамлар расмини чизишга; ҳайвонлар ёки самолётлар, ракеталарни лой ёки пластилиндан ясашга ҳаракат қиладилар.

Лой ёки пластилиндан нарса ясашда ва расм чизишда турли шаклларни ифодалаш кўникмаси болаларни қизиқтирувчи нарсаларни тасвирлаш усулларини мустақил излаш, бир қанча воқеаларни баён қилиш имконини беради.

Янгиликка ҳамма болалар ҳам дадиллик билан киришавермайдилар. Кўплари тарбиячилари кўрсатмалари асосида лой ёки пластилиндан ясаган ва расмини чизган нарсаларнинг оддий шаклларни мамнуният билан такрорлайдилар. Аммо унисини ҳам, бунисини ҳам фойдали деб ҳисоблаш, болаларни рағбатлантириш, турли хил ишларга қизиқиш билан қараш керак.

Мустақиллик, дадиллик, ташаббус кўрсатилишини ҳамма вақт маъқуллаш, буларга бошқа болалар эътиборини жалб этиш керак. Бироқ бола расм чизиш усулини, масалан, автомобиль расмини чизишни, мустақил ўрганиб олиб, дастлаб топган шаклини йўқотиб қўйганини сезмасдан бу тасвирни жон дили билан кўп марта такрорлайди ва тасвир борган сари кам таниб бўладиган шаклга айланадиган ҳоллар ҳам кўп бўлади. Тарбиячи бу камчиликни осойишта ва дўстона кўрсатиши, агар иложи бўлса, биринчи, муваффақиятлироқ чизилган тасвирни топиши, болага олдинги чизгани яхшироқ чиққанлигини секин айтиб қўйиши лозим.

Анча аниқ тасвирлар расмини чизиш билан бир қаторда тўрт яшар болалар расмга олдиндан маълум мазмун бермасдан чизиқлар, шакллар чизиш процесслари билан шуғулланишлари мумкин. Бундай хил расмлар юзасидан тарбиячи ҳамманинг олдида ўз мулоҳазасини айтмаслиги керак. Бундай расмларни болаларнинг ўзи ҳам «чизма-чизиқ» («каляка-маляка») деб атайдилар.

Баъзи вақтларда бола расм чиза бошлаб бирор аниқ нарсани тасвирлашни мўлжалламайди, расм чизиш процессида қулай чиққан шаклни онгли равишда ажратиб, ўз хоҳишича унга бирор нарса қўшиб муваффақиятли расм чиқаради. Болалар нима чизмасинлар ва қандай чизмасинлар уларга бу нарса ҳузур бахш этиши, лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш ва расм чизиш истагини уйғотиши керак. Ўхшаш расмлар чизишни, лой ёки пластилиндан бир хил нарсалар ясашни такрорлаш бу ёшдаги болаларда катта ўринни эгаллайди ва болаларга чуқур мамнунлик беради.

Болаларнинг ўзлари ижод қилган нарсаларини ифодалашга бағишланган машғулотларни болаларга тасвирлаш мазмунини танлашда ёрдам берадиган қилиб планлаштириш керак. Бошла-

нишда болалар томонидан ўзлаштирилганларга таянган яхши. Масалан, тарбиячи болаларга чизиқчалардан ташкил топган нарсаларни чизишни (ким нимани хоҳласа) тавсия қилади. Бунда у машғулотларда берилмаган, бироқ болалар биладиган, кўрган нарсаларининг ҳам расмини чизиш мумкинлигини уларга эслатиб ўтади.

Доира шаклидаги нарсаларни тасвирлашга ўргата бошланилганда тарбиячи болаларга доира шаклида хоҳлаган нарсасининг расмини чизишни буюради. Мазмунни болаларнинг ўзи ижод этадиган ва ҳал қиладиган машғулотлар учун тарбиячи томонидан таклиф қилинган «Найзонгул ҳақида расм чизинг». «Найзонгул қандай қилиб сайрга чиқди» деган темалар ва шунингдек табиат воқеалари билан боғлиқ бўлган «Қиш ҳақида расм чизинг», «Баҳор ҳақида расм чизинг» темалари бўйича ўтказилган машғулотлар мисол бўлиши мумкин. Баъзи вақтларда тарбиячи темани бир оз очиб бериб, болаларга расм мазмунини ўйлашда ёрдам беради: «Қуёш исита бошлади, дарахтлар ва шохчаларда барглар кўринди, кўм-кўк ўт ўсмоқда, у қуёшга интилмоқда. Қуёш ҳароратидан чиройли гуллар очилмоқда. Мана энди баҳор ҳақида ким нимани истаса ана шунинг расмини чизсин».



«Рўмолчани безадик» (йўл ва нуқталардан ҳосил қилинган нақш).

Лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш машғулотлари ҳам худди ана шундай усулда ўтказилади. Тарбиячи «Ким қандай юмалоқ нарса ясашни истаса, шуни ясасин», «Қўғирчоқларни меҳмон қилиш учун истаган нарсангизни ясанг», «Хоҳлаган ўйинчоғингизни ясанг» (бунда у болалар ясаган ўйинчоқларни ҳамда ҳали ясаб кўрмаган шаклларини, масалан, шариклар, минора, турли хил тузилишдаги шақилдоқларни танлаб олади ва кўзга кўринадиган жойга қўйиб қўяди). Истаган нарсангизнинг расмини чизинг ёки ясанг каби топшириқлар бериладиган машғулотлар ҳам бўлиши мумкин.

Машғулотлар изчиллигини белгилашда мазмуни тарбиячи томонидан бериладиган машғулотларни болалар ижоди асосида олиб бориладиган машғулотлар билан аниқ алмашинишига риоя қилиш шарт эмас. Болалар томонидан тасвирланадиган нарсани тарбиячи белгилаб берадиган 2—3 машғулотларни кетма-кет ўтказиш, қандайдир бир давр ичида мазмунни танлаш эркинлиги болаларга бериладиган бир қанча машғулотларни қаторасига ўтказиш ҳам мумкин. Бундай машғулотларни ўқув йили охирида, болалар ўзларининг теварак-атрофларида нимани кўраётганларини, нима билан ўйнаётганлари ва уларни нима қувонтириши ва қизиқтиришини расмда ва лой ёки пластилиндан нарсалар ясашда акс эттириш имконини берувчи бутун бир қатор кўникма ва малакаларни эгаллаб олганларидан кейин ўтказиш айниқса яхши бўлади.

Аммо бу хилдаги машғулотларда тарбиячи тасвирлаш, бирор кўникмаларни мустаҳкамлаш (масалан, лойни яхшилаб эшиш кўникмаси ёки бўёқдан ва мўйқаламдан фойдаланиш, мўйқаламни сувда ювиш кўникмалари ва ҳоказолар) процессини кузатиб туриш заруратидан озод бўлади, деб ўйлаш хато бўлур эди.

Бу машғулотлар ҳам тасвирлаш фаолиятини янада ўстиришга ва такомиллаштиришга ёрдам бериши керак.

Иккинчи кичик группа программаси бир ҳафта ичида битта расм машғулоти, битта лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш машғулоти ўтказишни, аппликация ва қуриш-ясаш машғулотларини эса икки ҳафтада бир марта навбатма-навбат ўтказишни тавсия қилади. Шундай қилиб, агар машғулотлар мунтазам равишда ўтказилмайдиган ёзги ойларни ҳисобга олмаганда (кўп болалар ота-оналари билан дам олгани кетишади ва болалар боғчасига қатнамайди) ўқув йили давомида расмдан 35 тадан 40 тагача машғулот, лой ёки пластилиндан нарсалар ясашдан ҳам шунча машғулот ва аппликациядан 20 та яқин машғулот ўтказилиши мумкин.

Болалар тасвирлаш бўйича маълум малака ва кўникмаларни эгаллаб олишлари учун бу машғулотларни қай йўсинда тақсимлаш керак?

Машғулотларнинг кўп қисми доира шаклидаги нарсалар ва шу шаклдаги бўлаклардан иборат бўлган нарсалар расмини ва

шунингдек, доира шаклидаги бўлаклардан ва тўғри чизиқлардан иборат бўлган нарсалар расмини чизишни ўрганиш учун ажратилиши керак. Бу шунинг учун ҳам мақсадга мувофиқки, доира шаклидаги нарсаларни тасвирлашга қаратилган шакл ҳосил қилиш ҳаракатларини эгаллаб олиш иккинчи группада амалга оширилади. Кейинги группаларда бу фақат такомиллаштирилади, бироқ махсус мустаҳкамланмайди, айни бир вақтда тўғри тўртбурчак шаклидаги нарсаларнинг расмини чизиш учун шакл ҳосил қилиш ҳаракатларини ўзлаштириш ўрта группада ҳам давом этади (бу ҳаракатлар квадрат ва чўзиқ тўғри тўртбурчак шаклдаги расмларни чизишда дифференциаллашади). Шунинг учун 10 тага яқин машғулотларни тўғри чизиқ ва чизиқлар бирикмасидан иборат бўлган нарсалар расмини чизишга бағишлаш мақсадга мувофиқдир. Бу миқдорга қатъий белгиланган тема юзасидан олиб бориладиган машғулотлар ва расм темаси ҳар бир боланинг ўзи томонидан белгиланадиган машғулотлар киритилади.

15—20 га яқин машғулотларни доира шаклидаги нарсаларни тасвирлашни ўзлаштиришга, шу жумладан болалар ижоди асосида ўтказиладиган ва коллектив ишлар бажариладиган машғулотлар учун ажратиш керак. Ва ниҳоят, 10 ёки ундан бир оз камроқ машғулот болаларни тўғри тўртбурчак шаклдаги нарсалар расмини чизишга ўргатиш учун ажратилади. Албатта, бундай тақсимлаш жуда ҳам шартлидир. Программа мазмуни болалар томонидан қандай ўзлаштирилаётганини эътиборга олиб, қанча машғулот ажратилиши кераклигини тарбиячиларнинг ўзлари ҳал қилишлари керак. Агарда болалар айрим шаклларни, масалан, доира шаклини ёмон ўзлаштираётган бўлсалар, бу программа мазмунига оид бўлган машғулотлар сонини кўпайтириш, бошқа машғулотлар сонини, турган гап, камайтириш лозим. Бунда шуни эсда тутиш керакки, тўғри чизиқларни, доира ва тўғри тўртбурчак шаклларини тасвирлаш юзасидан олиб бориладиган машғулотлар қатъий чегараланмаслиги ва улар навбатма-навбат олиб борилиши мумкин. Масалан, тарбиячи болаларни доира шаклидаги нарсалар расмини чизишга ўргатяпти, аммо янги йил байрами яқинлаша бошлагач, болалар тўғри чизиқлардан арча расмини чизадилар, кейин эса шарчалар ва ҳоказолар билан безалган арча расмини чизадилар.

Лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш машғулотларида аввал болаларни кафтлари орасида тўғри ҳаракатлар қилиб лой парчасини эшишга ўргатиладилар, натижада чўзиқ шаклдаги нарсалар (таёқча, колбаса, конфетчалар ва шу кабилар) ҳосил бўлади; сўнгра таёқчадан ҳалқача, ўрама (бублик, ҳалқача булочка ва шу кабилар) ясашга, таёқча учларини бирлаштиришга ўргатилади. Лой ёки пластилиндан нарсалар ясашда эшиш усулларини ўзлаштириш учун 15 га яқин машғулот ажратиш мумкин. Қолган машғулотларни болаларни доира шаклдаги нарсаларни ясашга, доира шаклидаги бўлаклардан ва таёқча-

лардан иборат бўлган ва шунингдек доира шаклидаги ва япалоқ (пучқоқ шар) нарсалар: мевалар, шарчалар, ёнғоқлар, найзонгул қўғирчоғи, шақилдоқлар, қўзиқоринчалар, қушчалар ва шу каби нарсаларни ясашга ўргатиш учун ажратиш лозим.

Тасвирий фаолият юзасидан ёзда ўтказиш учун қандай машғулотларни тавсия қилиш мумкин?

Ёз болаларни ўзининг қуёшли, илиқ кунлари билан, табиатга бевосита яқин бўлишлик билан қувонтиради: улар барра ўтлар устида югурадилар, ҳашаротлар, ўсимликлар, қушлар ҳаётини кузатадилар, япроқлар шовқинига, қушларнинг сайрашига, сувларнинг жилдирашига қулоқ соладилар. Буларнинг ҳаммаси болаларга ором бахш этади ва улар кўкаламзорда кўрган ва терган чиройли гулларининг, ўзларини қизиқтирган қўнғизчаларнинг, ўрмонда терган мевалар ва қўзиқоринларнинг расмини чизиш учун жон-диллари билан қўлларига қалам, мўйқалам оладилар. Бунинг учун эса уларга имкон яратиш керак.

Расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш, аппликация машғулотларини ўтказиш ёз вақтида қатъий системага эга бўлмайди. Болаларга янги программа мазмуни ҳам берилмайди.

«Биргалашиб чиройли расм чизамиз» (коллектив бўлиб ишлаш).

Болаларга ёз ҳақида расм чизишни, ўрмонда кўрганлари (қўзиқорин, мевалар)ни лой ёки пластилиндан ясашни таклиф қилиш мумкин. Бироқ расм чизиш ёки нарсалар ясаш ҳамма вақт шу тарзда баён этилаверса, унда болаларнинг бир қисми тасвирлаш вазифасини мустақил равишда танлай ола билмасдан ўз ишларида бир мазмунни такрорлайверадилар. Шунинг учун болалар диққат-эътиборини қандайдир маълум таассуротларни акс эттиришга йўналтириш, масалан, чиройли гуллар қанчалик кўп очилганининг расмини чизишни таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир.

Расм чизиш учун болаларга оқ ёки рангли (кўк) қоғоз бериш мумкин. Болалар тасаввурини аниқлаш учун машғулотга унчалик мураккаб бўлмаган дала гулларидан бир нечтасини олиб келиш ва уни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Қандай тасвирланишини ҳаммага кўрсатиб ўтиришнинг кераги йўқ; буни айрим қоғозда топшириқни бажаришда қийналаётганларгагина чизиб кўрсатиш мумкин. Чизилган расмлардан фриз

(твитли матога расм ёпиштириш) тузиб группа хонаси ёки айвонча безатилса яхши бўлади.

Ҳашаротлар болаларда катта қизиқиш пайдо қилади. Қўнғизчалар ўтлар орасида қандай ўрмалаб юрганининг расмини чизишни таклиф қилинг, кичкинтойлар жон деб бу ишга киришадилар. Расмлар чиройли чиқиши, болалар қўнғизчалар расмини яхши чиза олишлари учун расм чизишдан олдин қўнғизчалар расмини ёпиштиришни таклиф қилиш мумкин. Ҳар бир болага тайёр ҳолда доирача ёки овал (қўнғизча танаси) ва боши учун қора ярим доира шакли берилади. Қўнғизчалар ёпиштириб бўлингач, уларга қора қалам билан қўнғизча мўйловининг ва панжаларининг расмини чизишни таклиф қилиш мумкин. Расм машғулотлари олдидан қўнғиз танаси шакли, унинг боши, мўйлови, панжалари қандай жойлашганлигини аниқлаб олиш лозим. Бир варақ қоғозга болалар бир неча қўнғизчаларни катталарини ҳам, кичкиналарини ҳам, хоҳлаган рангида расмини чиза қолсин.

Ёзда кузатувчанликни ўстириш, таассуротларни бойитиш учун катта имкониятлар мавжуд. Турли-туман таассуротлардан тарбиячи ҳамма вақт болаларни ҳаммадан кўпроқ ўзига жалб этадиганини ва кичкинтойлар учун расм чизишда, лой ёки пластилиндан нарса ясашда, аппликацияда акс эттириш учун қулайларини танлаб олиши мумкин.

Барча ҳолларда болаларда активлик уйғотиш, тасвирларни бажаришда уларга кўпроқ мустақиллик бериш муҳим аҳамиятга эга, тўғридан-тўғри кўрсатмалар, тасвирлаш усулларини кўрсатиб беришдан бола ишга киришмаган ҳоллардагина фойдаланилади.

Тасвирий фаолият процессида таълим-тарбия вазифалари ҳал қилинишининг муҳим шарти унинг болалар боғчасининг ҳамма иши билан алоқада бўлишидир. Тасвирий фаолият пировард мақсад эмас. Борлиқдаги воқеа-ҳодисалар ва нарсаларни кузатиш уларни тасвирлаш кераклиги учун амалга оширилмайди, теварак-атроф билан танишиш программаси иккинчи кичик группада бирмунча кенг. Расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясаш ва аппликация учун тасвирлаш қулай бўлган мазмун танлаб олинади. Тасвирий фаолият нутқ ўстириш ишлари ва музика машғулотлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилишини таъминлаш ҳам зарур. Масалан, болалар қишда «Санки» («Чаналар»), М. Красев музикаси «Зима пришла» («Қиш келди»), Н. Метлов музикаси ашулаларини айтадилар. И. Суриковнинг «Первый снег, пушистый» («Момиқдек биринчи қор») шеърини ёдлайдилар ва ҳоказолар. Табиийки қиш темасида болалар расм чизишлари керак бўлган машғулот олдидан улар билан биргаликда йилнинг бу фасли тўғрисида нималарни кўрганлари, эшитганлари ва билганларининг ҳаммасини эсга олишлари мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинганда таассуротлар анча тўлиқ, чуқур, расмлар эса хилма-хил, ифодали бўлади (тахминий план-

ларда «Тарбиявий ишнинг бошқа томонлари билан боғлиқлиги» бўлими фақат тарбиячилар диққатини тасвирий фаолият вазифаларининг ўзига хос хусусиятларига жалб этиш учунгина энг охирги устунда турибди).

Октябрь ойи планида асосий ўринни қалам ва мўйқаламдан, лой ва елимдан фойдаланишнинг дастлабки кўникмалари эгаллайди.

Одат бўйича октябрь ойида группа шаклланган бўлади ва мунтазам машғулотлар бошланади. Кўпчилик болалар тасвирий фаолиятга биринчи марта қўл урадилар. Тарбиячи болаларни юмалоқ шаклларни: шарчаларни, обинон (диск)ларни лой ёки пластилиндан ясашга ва шунингдек доира шаклидаги нарсалар расмини чизишга ўргатади. Болалар ноаниқ бир текис доира ва овал шаклини чиза оладилар, шунинг учун ҳам бу шаклни юмалоқ шакл деб аташ лозим. Аппликация машғулотидагина болалар қоғоздан кесиб, тайёр қилиб қўйилган доирачаларни оладилар ва уларни ёпиштираётганларида доиранинг аниқ шакли билан танишадилар. Юмалоқ шаклларни чизаётганда болалар бир текис, қўлни узмасдан ҳаракат қилиш машқини бажарадилар. Бундан ташқари, улар маълум йўналишда тўғри чизиқлар тортишни, юқоридан пастга ва чапдан ўнгга ҳаракат қилишни ўрганадилар. Бунда машғулотларнинг эстетик аҳамиятга эга эканлигини эсда сақлаш керак. Машғулот вазифасини тушунтириш ва анализ қилиш процессида болалар бажарган ишларни баҳолашни ўйлаб кўришда болалар тасвирлаган нарсалар гўзаллигини расмлар, аппликацияларнинг ранг-баранглигини, образли ҳал қилинганлигини таъкидлаб ўтиш зарур (планнинг қисқа бўлиши буни батафсил баён қилиш имконини бермайди).

Программа талабларининг болалар томонидан муваффақиятлироқ ўзлаштирилиши учун тарбиячи хилма-хил ва қизиқарли мазмун танлайди, нарса ва ўйинчоқларни кўрсатади.

Тарбиячи кўрсатмасига қараб болалар аввал нарсалар шаклини тасвирлаш учун керак бўлган ҳаракатларни бажарадилар, сўнгра ўзлари шу ҳаракатларни қилиб кўрсатадилар, мустақил расм чизиш ва лой ёки пластилиндан нарса ясашни ўрганадилар.

Планда бир ой ичида топшириқли машғулотлар ўтказилиши мумкин бўлганидан кўпроқ берилади: ахир машғулотларнинг бир қисми болаларнинг ижоди бўйича ўтказилиши керак-да. Тарбиячи ўз фикрига кўра топшириқли машғулотлардан бирини болалар ижоди бўйича ўтказиладиган машғулот билан алмаштириши мумкин, аммо программани ўтишдаги изчилликни бузмаслиги керак. Мазкур ҳолда болаларга юмалоқ шаклдаги нарсалар расмини чизиш ва лой ёки пластилиндан ясаш топшириладиган машғулотларнигина алмаштириш мумкин.

МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТАХМИНИЙ ПЛАНИ

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғлиқлиги
		Октябрь			
1	Тешиккулчалар ясаш	Бир бўлак лойни кафтлар орасига олиб эшиш, таёқчаларни доира шаклига келтириш, учларини бармоқлар билан бирбирига ёпиштириш, лойни бўлакларга бўлиш, доира шаклини таниш ва номини айтиш. Ишни охирига етказганидан мамнун бўлиш ҳиссини тарбиялаш	Тешиккулчаларнинг шакли бўйича қўл юргизиб, уни «доира» шаклида эканлигини аниқлаш, лой бўлагини қандай узиб олишни, уни қандай эшишни ва тешиккулча ясашни кўрсатиш. Сўнгра ҳамма болаларга бир бўлак лойни узиб олишни ва тешиккулча ясашни таклиф қилиш. Машғулот вақтида болаларнинг қўл ҳаракатини кузатиб туриш. Уддасидан чиқмаган болалар қўлини ўз қўлига олиб, у билан баравар ҳаракат қилиш, агар керак бўлса, алоҳида лой парчасини олиб, уларга қандай ясаш кераклигини кўрсатиш	Лой ёки пластилин, тахтача	Ўйинлар давомида болаларни доира шаклидаги нарсалар билан таништириш
2	„Қоғоз бетини ҳалқачалар билан безатамиз" темасида расм чизиш	Болаларни доира шаклини қаламни узмасдан ҳаракат қилдириб, чизишга ўргатиш қаламни тўғри ушлашга, қоғоз бетини расм билан тўлдиришга, расм чизиш процессида рангли қаламларни алмашлаб туришга ўргатиш. Бирор нарсани безаш эҳтиёжини, ранг-баранг расмларни кўриб қувонишни тарбиялаш	Болаларга тарбиячи чизган ранг-баранг ҳалқачалар расмини кўрсатиш. Чиройли ҳалқачаларнинг кўплигини таъкидлаш. Ҳалқачалар қандай шаклга эга эканлигини болалардан сўраш, икки-уч болага ҳалқача номини айтиб, унинг устидан қўл юргизишни таклиф қилиш. Доира шаклини чизиш усулини доскада кўрсатиш учун болаларни чақириш, доирачаларни илгари қандай чизганликларини эслаш. Сўнгра барча болаларга доира шаклидаги ҳалқачаларни қандай чизишларини ҳавода қўллари билан	Тарбиячи чизган расм, қаламлар	Ўйин процессида болаларни доира шаклидаги турли хил нарсалар билан таништириш

Давоми

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғлиқлиги
			кўрсатишларини айтиш. Ҳаракатларнинг тўғри бўлишини кузатиш. Болалар қаламларни қандай ушлашларини текшириш. Болалар билан биргаликда ҳамма расмларни кўриб чиқиш, варақлар расм чизилганида қандай чиройли бўлганини таъкидлаш		
3	Лой ёки пластилиндан ёнғоқлар ясаш	Ҳар хил катта-кичикликка эга бўлган доира шаклидаги нарсаларни ясашга ўргатиш, қўлнинг доира ҳосил қилиш ҳаракатини ўстириш. Лойдан батартиб фойдаланишга, лойни ва ундан ясалган нарсаларни тахтача устига қўйишга ўргатиш	Турли катталикка эга бўлган ёнғоқларни болаларга кўрсатиш, уларни қўлда юмалатиб кўриш, уларнинг шаклини айтишни таклиф этиш. Болалардан юмалоқ ёнғоқлар ясашни биласизларми, деб сўраш. Агар ҳеч ким айта олмаса, яна қандай юмалоқ нарсалар ясаганларини ва уни қандай ясаганларини эсга олишларини айтиш. Катта ёнғоқ ясаш учун қанча лой олиш, кичик ёнғоқ ясаш учун эса қанча лой олиш кераклигини сўраш. Ясаш процессида болаларнинг ҳаракатини кузатиб туриш, ясаш усулларини эгаллашларида уларга ёрдам бериш	Лой ёки пластилин, турли катталикка эга бўлган ёнғоқлар	
4	Рангли лентачалар расмини чизиш	Болаларни тўғри (вертикал) чизиқларни рангини галма-галдан ўзгартириб чизишга: юқоридан пастга қўл узмасдан туширишга, бошқа рангга ботиришдан олдин мўйқаламни сувда яхшилаб ювиш, латтага артиб қуритишга; мўйқаламни тўғри ушлашга ўргатиш. «Қизил», «сариқ» ранглар номини айтишга ўргатиш. Рангларни фарқлаш хусусиятини ўстириш	Қоғоз варағига маҳкамлаб қўйилган энсиз лентачаларни болаларга кўрсатиш. Икки-уч болага доскага чиқишни ва ранглар номини айтиб, олдин сариқ ранг, сўнгра қизил ранг устидан қўли билан юқоридан пастга тушишларини таклиф қилиш. Мўйқаламни узмасдан, тўхтатмасдан лента расмини юқоридан пастга қараб қандай чизиш кераклигини, мўйқаламни қандай ювиш, латтага қандай артиб қуритишни кўрсатиш (расм чизишни сариқ бўёқ билан бошлаган маъқул, чунки ҳали болалар мўйқаламни яхши юва олмайдилар). Мўйқаламни болалар қандай ушлашларини, расм чизишда уни қандай тутишларини текшириб кўриш. Шундан сўнг мўйқаламни бўёққа ботиришни ва аввал бир хил рангли лентани (бир-бирига яқин бўлмасин), кейин мўйқаламни ювиб, расми чизилган ленталар орасига бошқа рангли ленталарни чизиш. Ёрқин ранглар билан чизилган расмларни завқ билан томоша қилиш	Лентачалар, ёзув варағи ҳажмидаги қоғоз	
5	„Йўл шаклидаги қоғозни доирачалар билан безатамиз“ темасида аппликация	Доира шаклини айта билиш кўникмасини мустаҳкамлаш. Йўл шаклидаги қоғозга рангларни галма-галдан ўзгартириб доирачалар ёпиштиришга, сариқ ва кўк рангларни айтишга ўргатиш; доирачаларнинг орқа томонига яхшилаб елим суртишга, шаклни салфетка билан босиб ёпиштиришга; мўйқалам, елим, салфеткадан тўғри фойдаланишга ўргатиш	Болаларга доирачалар ёпиштирилган йўл шаклидаги қоғозни кўрсатиш. Доирачаларнинг шакли ва рангининг номини, улар қоғозда қандай жойланганлигини улардан сўраш. Шаклга елимни қандай суртиш ва уни қандай ёпиштиришни кўрсатиш. Кейинги доирачани ёпиштириш учун болалардан бирортасини чақириш. Сўнгра ҳаммага доирачаларни қўлга олиб, унинг рангли томони билан клеёнка устига қўйиш ва елим суртиш устига салфетка қўйиб, эҳтиётлик билан ёпиштиришга рухсат бериш. Ишни бажариб бўлгач, ўз ишларини завқ билан томоша қилиш	5×18 *см* ли қоғоз варағи, диаметри 1—3 *см* ли сариқ ва ҳаво ранг доирачалар	Болаларни шакл билан таништириш бўйича дидактик ўйинлар
6	„Катта ва кичик шарчалар“ темасида расм чизиш	Болаларни доира шаклидаги нарсалар расмини қўлни узмай бир текис чизишга; турли катта-кичикликдаги шаклларни тасвирлашга; тасвирларни кон-	Турли катта-кичикликдаги шарчаларни кўрсатиш, уларнинг шакли ва катта-кичиклигини айтиб, контури бўйлаб қўл юргизишни таклиф этиш. Болаларга шарчани қандай чизиш кераклигини ҳавода қўли билан кўр-	Гуашь бўёғи ёзув варағи катталигидаги қоғоз	„Шарчани дарвозагача юмалатиб кўр!“ дидактик ўйини

Давоми

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғлиқлиги
7		тур чизиғидан четга чиқмасдан юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга чизиқлар ўтказиб бўяшга, мўйқаламни тўғри ушлашга ва у билан тўғри расм чизишга ўргатишни давом эттириш. Қоғоз варағини расм билан тўлдиришга, ўзи чизган расмдан завқланишга ўргатиш	сатишни таклиф этиш, болалардан бирортасини катта шар расмини доскада чизиб кўрсатиш учун чақириш. Сўнгра кичик шарни қўлни унчалик қаттиқ силтамасдан қандай чизиш кераклигини кўрсатиш. Ҳаммага шарчаларни қандай: юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга бўяш кераклигини кўрсатиш. Машғулот охирида ҳамма билан биргаликда жуда кўп чиройли шарчалар чизишганини кўриб чиқиш	Пластилин ёки лой	
	Лой ёки пластилиндан печенье ясаш	Болаларни япалоқ шаклига эга бўлган нарсаларни лой ёки пластилиндан ясашга, лойни кафтлар орасида айланма ҳаракат қилиб яссилашга материалдан батартиб фойдаланишга ўргатиш	Печеньени кўрсатиш, болалардан унинг қандай шаклда эканлигини сўраш. Печеньени қандай ясаш кераклигини кўрсатиш. Иш жараёнида лой ёки пластилиндан нарсалар ясашнинг тўғри усулларидан қандай фойдаланилаётганини кузатиш. Ясалган печеньеларнинг ҳаммасини пластмассадан қилинган талинкачага (ёки бир неча талинкачаларга) солиб, ҳамма болалар биргалашиб қанча печенье ясашганини, у билан қўғирчоқларни меҳмон қилиш мумкинлигини айтиш		
8	„Маржон" аппликацияси	Болаларнинг доира шакли ҳақидаги билимларини аниқлаш; доирачаларни рангига қараб навбат билан маълум тартибда жойлаштиришни; елимни эҳтиётлик билан суртишни ва	Қоғоздан қилинган маржонларни кўрсатиш. Доира шаклидаги маржонларни контури бўйича қўл юргазишни, уларнинг шакли ва рангига қараб қандай жойлашганлигини айтиб беришни, сўнгра худди шундай	Ип расми чизилган қоғоз варағи, рангли ҳалқачалар	

		ёпиштиришни ўргатиш. Ранглар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш, рангларни ҳис этишни ўстириш	чиройли маржонларни ўзлари ёпиштиришларини таклиф қилиш. Иш давомида эҳтиётлик билан ёпиштириш кераклигини эслатиб туриш. Ишнинг охирида ҳамма қандай чиройли маржонлар ясаганлигини айтиш		
9	„Доира шаклида билган нарсангни расмини чиз" темасида расм чизиш	Болаларни ўзлари чизадиган расм мазмунини ўйлаб топишга, нарсаларни шаклига қараб ажратишга, доира шаклидаги нарсалар расмини чизишга, қаламни тўғри ушлашга ва у билан тўғри расм чизишга ўргатиш	Болалардан доира шаклдаги қандай нарсаларни билишларини, уларнинг расмини қандай чизиш кераклигини сўраш. Ҳаммага қўллари билан ҳавода шу расмни қандай чизилишини кўрсатишни айтиш. Доира шаклдаги қандай нарсанинг расмини чизишини ўйлаб кўриш; қаламни тўғри ушлаш ва расм чизиш. Иш давомида болалардан ниманинг расмини чизаётганларини сўраш. Машғулот тугагач, чиройли расмларни завқ билан томоша қилиш	Рангли қаламлар	Ўйинлар давомида болаларга доира шаклидаги нарсаларни топишни, уларнинг номини айтишни таклиф қилиш
10	„Кичкинагина қўғирчоқ" темасида лой ёки пластилиндан нарса ясаш	Турли катталикда бўлган доира шаклидаги икки қисмдан иборат нарсани ясаш. Кафтлар орасидаги лойни айланма ҳаракат билан юмалоқлаш, икки қисмини бир-бирига зич қилиб бирлаштириш кўникмасини мустаҳкамлаш	Икки шарча (катта ва кичик)дан иборат қўғирчоқни кўриб чиқиш. Болаларга унинг қисмлари, шакли ва катта-кичиклиги қандай эканлигини аниқлашни, ясашни нимадан бошлаш кераклигини ўйлаб кўришни, қандай ясаш кераклиги қўллари билан ҳавода кўрсатиб беришларини таклиф қилиш. Ясаш вақтида қисмларнинг нисбатан катта-кичиклигини ифодалашга эришиш. Болалар жуда кўп чиройли қўғирчоқлар ясаганларини, «Мана найзонгул қўғирчоқлар қанчалик кўп!» деб таъкидлаш	Пластилин ёки лой	Найзонгул қўғирчоқлари билан ўйнаш. Шакл ва катта кичиклик ҳақида болалар тасаввурини аниқлаш мақсадида дидактик ўйинлар ўйнаш

Давоми

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғлиқлиги
		Март			
1	„Қорбобо" темасида аппликация	Доира шакли ҳақидаги билимни мустаҳкамлаш; бир хил шаклдаги нарсаларнинг катта-кичиклигини фарқ қилишга, тасвир қисмларини катта-кичиклигига қараб тўғри жойлаштиришга, тасвирни турли деталлар билан тўлдиришга ўргатиш. Қисмларга эҳтиётлик билан елим суркаш ва эҳтиётлик билан ёпиштириш кўникмаларини мустаҳкамлаш	Пахтадан ясалган қорбобони синчиклаб кўриб чиқиш. Сайрга чиққанда қандай қорбоболар ясаганликларини эслаш. Қорбобо танаси қисмларининг шакли ва катта-кичиклигини аниқлаш (қўллари учун овал қисмларнинг шаклини белгиламаслик). Биринчи, энг катта доирани қаерга ёпиштиришни аниқлаш. Болалар уқувига қараб қорбобони ёпиштириш учун 2 ёки 3 доира бериш мумкин. Барча ҳолларда, қорбобонинг танаси, боши ва қўллари ёпиштирилиб бўлингач, унга шапка, таёқча ва ким нима истаса, шуни ёпиштиришни тавсия қилиш. Кўз ва бурунни ким қандай рангда истаса, шундай рангли қалам билан чизишни таклиф қилиш (майда қисмларни ёпиштириш болаларга қийинлик қилади). Иш тугагач, уларни тахтача устига териб қўйиш, жуда кўп турли хил қорбоболар ясалганини кўриб чиқиш, улар қанчалик қизиқарли эканини таъкидлаб ўтиш	Турли катта-кичикликдаги доиралар, қорбобо қалпоғини, таёқча ва бошқаларни тасвирловчи деталлар	Сайр вақтида қорбобо ясаш
2	„Найзонгул қўғирчоғи" расмини чизиш	Доира шакли ҳақидаги билимни мустаҳкамлаш. Қисмлар катта-кичиклигини ва уларнинг бир-бирига нисбатан жойлашувини аниқлашга ўргатиш. Бир хил шаклдаги, аммо турли катталикдаги икки қисмдан иборат бўлган нарсани тасвирлаш. Тасвирни бўяшга ўргатиш. Мўйқаламни тўғри ушлаш ва бўёқлардан фойдаланиш кўникмасини мустаҳкамлаш	Болалар билан биргаликда найзонгул ўйинчоғини кўриб чиқиш, бунда болалар қўлини қисмлар контури устида (ҳавода) юргизиш, қисмларнинг катта-кичиклигини аниқлаш; найзонгул расмини чизиш усулини кўрсатиш учун иккита болани доскага чақириш (навбат билан тана ва бош расмини чизиш учун). Болалар эътиборини мўйқаламни қандай ушлашга, бўёқдан қандай фойдаланишга жалб этиш. Сўнгра ҳаммага мўйқаламни тўғри ушлаб, найзонгулни қандай рангда чизиш кераклигини ўйлаб кўришни, мўйқаламни бўёққа ботириш ва расм чиза бошлашни таклиф қилиш. Тасвирни эҳтиётлик билан бир томонга (юқоридан пастга ёки чизиқдан ташқарига чиқмасдан чапдан ўнгга) қараб бўяш кераклигини эслатиш. Ранг-баранг расмларни завқланиб томоша қилиш, болаларга жуда кўп очиқ, чиройли найзонгуллар расмини чизганликларини айтиш.	Гуашь бўёғи (3—4) рангда стол-лар устига ҳар хил рангларни қўйиш, оқ қоғоз, мўйқаламлар, икки шардан иборат найзонгул қўғирчоғи	Ўйин бурчагида қўғирчоқлар билан ўйнаш
3	„Қишда дарахт" темасида расм чизиш	Болаларни қиш ҳақидаги тассуротларини тасвирлашга ўргатиш; вертикал ва қия чизиқлардан иборат бўлган нарсалар расмини чизиш. Мўйқаламни тўғри ушлаш, уни сувда ювиш ва бошқа бўёққа ботиришдан олдин уни латта билан артиб қуритиш	Участкада қандай дарахтлар кузатилганини эслаш, болаларга қўллари билан ҳавода қандай қилиб дарахт танаси расмини чизишни, ундан шохчалар ҳар тарафга қандай ёйилганини кўрсатиб беришни таклиф қилиш. Доскада кўрсатиш учун икки-уч болани чақириш. Тўғри усулда расм чизишларини кузатиб туриш. Дарахт расмини чизиб бўлганларга мўйқаламни сувда яхшилаб ювиш ва латта билан артиб қуритишни, оқ бўёқ олиб қор расмини чизишни таклиф қилиш. Машғулот тугаши билан ҳамма расмларни доскага қўйиш, болалар эътиборини улар қанчалик кўп, хилма хил дарахтлар расмини чизганликларига жалб этиш	Ёзув варағи катталигидаги қоғоз (оч кул ранг ёки оч ҳаво ранг), гуашь бўёқ (тўқ жигар ранг ва оқ)	Сайр вақтида кузатишлар

Давоми

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материа	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғлиқлиги
4	Лой ёки пластилиндан шақилдоқ ясаш	Болаларни бирмунча мураккаброқ шаклдаги ўйинчоқларни ясашга ўргатиш. Пластилинни кафтлар орасига олиб тўғри ва айланма ҳаракатлар билан эшиш усулларини мустаҳкамлаш. Ўйинчоқ қисмларини бирбирига зич қилиб бирлаштиришга ўргатиш	Шақилдоқни кўриб чиқиш, унинг қисмлари шаклини аниқлаш, илгари ясалганлари билан таққослаш. Улар бир-биридан нима билан фарқ қилишини аниқлаш. Шақилдоқ қисмларини қандай бирлаштириш мумкинлигини ҳавода қўли билан қилиб кўрсатишларини айтиш. Машғулот давомида тўғри усулда ясалишини кузатиб бориш. Машғулот охирида барча ишларни кўздан кечириб чиқиш	Ҳалқача ва унга кийгазилган шарчадан иборат бўлган шақилдоқ, лой ёки пластилин	
5	„Найзонгул қўғирчоқлари сайр қилмоқда“ темасида расм чизиш	Турли катталикдаги доира шаклига эга бўлган нарсалар расмини чизиш малакаларини мустаҳкамлаш. Бир варақ қоғозга бир неча тасвирларни жойлаштиришни, мўйқаламни яхшилаб ювиб, ҳали қуримаган бўёқ ёнига бошқа рангли бўёқни сурмасдан (бўёқ қуришини кутиб туриб) бўёқларнинг бир неча хилидан фойдаланишни ўргатиш	Найзонгуллар тўғрисида қандай чиройли расм чизиш мумкинлиги ҳақида болалар билан сўзлашиб олиш: найзонгулларнинг ҳаммаси турли хил кўйлаклар кийиб, ўтлоқ ёки ҳовли бўйлаб сайр қилмоқдалар, теварак-атрофда эса дарахтлар, ўтлар, гуллар усмоқда. Болалардан улар найзонгулнинг расмини қандай чизишларини, уни нимадан бошлашларини сўраш. Иш жараёнида расмга қўшимча деталлар киритган болаларни рағбатлантириш. Машғулот охирида барча расмларни доскага териб қўйиш, уларнинг чиройли эканлигини кўриб чиқиш, энг ажойибларини танлаб олиш	Турли рангдаги гуашь бўёғи	
6	„Катта ва кичик коп-	Болаларни катта-кичиклигига қараб қисмлардан бир бутун	Икки хил рангга (ҳар бир палласи) бўялган иккита — катта ва кичик коптокни бо-	Иккитадан катта ва ки-	

	ток“ аппликацияси	нарса тасвирини тузишга ўргатиш. Елимни қоғозга яхшилаб суриш, эҳтиётлик билан ёпиштириш кўникмасини мустаҳкамлаш	лаларга курсатиш. Коптоклар шакли ва катта-кичиклигини аниқлаш. Болалар конвертида бор бўлган ярим доираларни кўрсатиш, бу икки ярим доиралардан коптоқ ясаш мумкинми, йўқми эканлигини сўраш, коптоклар тасвирини ясаш, кейин ёпиштириш. Ишни батартиб бажарилишини кузатиб туриш	чик ярим доирачалар ёзув варағи ярмиси катталигидаги қоғоз	
7	Лойдан жужача ясаш	Болаларни шаклан бир хил, аммо қисмларининг катта-кичиклиги, ҳар хил булган тасвирларни тузиб, унчалик мураккаб бўлмаган ҳайвонларни ясашга ўргатиш. Лойни кафтлар орасига олиб айланма ҳаракатлар қилиш усулларини мустаҳкамлаш	Ўйинчоқ жужани кўздан кечириш. Қисмларининг шакли ва катта-кичиклигини, бирбирига нисбатан жойлашиш ҳолатини аниқлаш. Жўжанинг танаси ва бошини қандай ясашларини қўллари билан ҳавода қилиб кўрсатишларини болаларга айтиш	Лой, ўйинчоқ	К. Чуковскийнинг „Цыпленок“ („Жўжача“) китобини уқиш, ундаги расмларни томоша қилиш
8	„Чиройли байроқчалар“ аппликацияси	Болаларни тўғри тўртбурчак шакли билан таништириш, унда нечта бурчаклар борлигини таъкидлаш. Рангли байроқчаларни навбатма-навбат ёпиштиришга ўргатиш. Асосий ранглар ҳақидаги билимларини, ёпиштириш кўникмалари (клеёнка устида байроқчанинг орқа томонига елим суртиш, латта ёки салфетка билан босиб ёпиштириш)ни мустахкамлаш	Қоғоз байроқча терилган ипни болалар билан кўриб чиқиш, тўртта бурчакка эга бўлган шаклни «тўғри бурчакли», «тўртбурчак» деб аталишини тушунтириш. Бир неча болалардан бармоқлари билан байроқча контурини айлантириб чиқишларини ва айни бир вақтда «бурчак»ни айтишларини илтимос қилиш. Шундан сўнг улардан бундай шакл қандай аталишини яна бир марта сўраш. Рангларга қараб байроқчаларни навбатма-навбат ёпиштиришни айтиш. Иш давомида боладан у қандай рангдаги байроқчани ёпиштираётганини сўраш, барча материаллардан тўғри фойдаланаётганликларини кузатиб бориш. Машғулот охирида ҳамма ишларни доскага қўйиш ва жуда кўп чиройли байроқчалар тайёр бўлганини таъкидлаш	3×5 *см* ли қоғоз варағи, сариқ, яшил, қизил ва кўк рангли байроқчалар	Шакл билан танишишга оид дидактик ўйинлар утказиш

Давоми

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот утказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғлиқлиги
9	Пластилин ёки лойдан ижод қилиб хоҳлаган ўйинчоғингни яса	Болаларни таниш нарсаларга асосланиб ўз тасвирлари темасини белгилашга; бошланган ишни охирига етказишга ўргатиш. Лой ёки пластилиндан нарсалар ясашнинг тўғри усулларини мустаҳкамлаш	Болаларга ўз қўғирчоғи учун хоҳлаган уйинчоғини ясаб беришни таклиф қилиш. Ким нима ясамоқчи эканлигини сўраш. Тасвирлаш учун қийин ўйинчоқни танлаганларга ёки нима ясашни танлашда қийналаётганларга ёрдам қилиш. Машғулот давомида боладан нимани ясаётганини ва энди қандай ҳаракат қилмоқчи эканлигини сўраш. Машғулот охирида ясалган ўйинчоқларнинг ҳаммасини битта стол устига тўплаш. Уларни болалар билан кўриб чиқиш, қизиқарли мазмунга эга бўлганлари ва яхши ясалганларини кўрсатиб ўтиш	Лой ёки пластилин	Шакл жиҳатдан оддий бўлган ўйинчоқлар—найзонгул, турли хил шақилдоқлар ва бошқаларни танлаб олиб, „Ажойиб халтача" ўйинини ўтказиш
10	Хоҳлаган расмингни чиз	Бўёқлар билан расм чизиш кўникмасини мустаҳкамлаш. Расмни катта қилиб чизишга, турли хил бўёқлар аралашиб кетмаслиги учун эҳтиётлик билан бўяшга ўргатиш. Расм мазмунини ўйлаб топишга ўргатиш	Болаларга группада ҳар хил ўйинчоқлар (шарчалар, найзонгуллар, кубиклар) борлигини айтиш. Кўча ва дарахтлар қор билан қопланганн, аммо энди қуёш яркираетгани, сумалаклар эрий бошлаганини эслатиш. Буларнинг ҳаммасини болалар ўз расмларида тасвирлашлари мумкин. Ким нимаиинг расмини чизмоқчи бўлса шу нарса ҳақида ўйлаб кўрсин. Хар бир бола ёнига келиб ниманинг расмини чизаётганини сўраш; тема танлашда қийналаётганларга тема танлашда ёрдам бериш ва уларни йўлга солиш	Гуашь бўёғи, оқ ёки ҳар қандай юмшоқ тондаги қоғоз	Сайр вақтида кузатишлар

Март ойида тарбиячи болаларга бир неча қисмлардан иборат бўлган нарсаларни лой ёки пластилиндан ясаш ва расмини чизишни топширади. Юмалоқ шакл ва вертикал ҳамда горизонтал йўналишдаги чизиқларни лой ёки пластилиндан ясаш ва расмини чизиш усулларини болалар илгари ўзлаштириб олган эдилар. Энди улар ҳар бир қисмнинг, масалан, қўғирчоқнинг боши ва тана қисмларининг шаклини; дарахт танаси ва шохини чизишда чизиқлар йўналишини белгилашга ўрганадилар. Болалар шунингдек, нарса қисмларининг, гарчи унчали аниқ бўлмаса-да, нисбатан катта-кичиклигини фарқлай олишга ўрганишлари керак. Аппликацияда улар турли хил рангдаги икки ярим шардан катта ва кичик коптoк тасвирини бажарадилар.

Тўғри тўртбурчак шакли билан болалар биринчи навбатда аппликацияда танишадилар. Группа етарли даражада тайёрланган бўлса, тарбиячи болаларга тўғри тўртбурчак нарсанинг расмини чизишни ҳам топшириши мумкин. Машғулотларнинг бирида болаларга ўз хоҳишлари ва танлашларига кўра юмалоқ шаклдаги нарсаларнинг расмини чизиш таклиф этилади. Бироқ бошқа машғулотлар ҳам ўтказилиши мумкин, бундай машғулотларда маълум талаблар доирасида лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш ёки расм чизиш учун мазмун танлаш имкони берилади. Хоҳишнинг бир оз чекланиши болаларни яхши ўзлаштирилганинигина эмас, балки янги топшириқларни ҳам фаол ва мустақил равишда бажаришга мажбур қилади.

Берилаётган тахминий планларда лой билан бир қаторда пластилин ҳам кўрсатилади. Албатта энг яхши материал, айниқса ҳали қўллари кучсиз бўлган кичкинтойлар учун, лойдир. Имкони бўлган жойда нарсаларни фақат лойдан ясаш керак. Аммо, афсуски, лой ҳамма ерда ҳам бор эмас, ана шундай ҳолларда пластилиндан фойдаланиш лозим. Машғулот бошланишидан олдин уни иситиш керак (агар шундай қилинмаса бола уни ишлата олмайди). Бунинг учун пластилинни қутичалар ичига ёки нарсалар ясаладиган тахтачалар устига териб илиқ жойга қўйиш мумкин. Вақт-вақти билан уни қанчалик юмшаганлигини, ҳаддан ташқари исиб ва эриб кетмайдиган бўлишини текшириб туриш зарур.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Тўғри йўлкачалар расмини чизиш

Программа мазмуни. Расм чизишга қизиқиш тарбиялаш, қўл ҳаракатни (тўғри чизиқ бўйича) ўстириш, чизилган чизиқларда таниш нарсаларга ўхшашликни топиш. Болаларни қаламни тўғри ушлашга, қўлни узмасдан туташ чизиқлар чизишга ўргатиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Ўйин вақтида болалар эътиборини копток пол устида қандай юмалаб кетганлигига жалб этиш, қўл билан тегишли ҳаракатларни бажариш.

Машғулотда болаларга қалам олишни (қаламни қандай олиш кераклигини кўрсатиш, нотўғри ушлаганларни тўғрилаш) ва копток қанчалик узоққа юмалаб кетганининг расмини чизишни илтимос қилиш ва айни бир вақтда қўли билан тўғри чизиқ бўйича чапдан ўнгга ҳаракат қилиб, «Мана бундай думалаб кетди!» деб айтиш. Бу ҳаракатга барча болалар тақлид қилиб қалам билан қоғоз бўйлаб чизишларини текшириш, сўнгра текис тўғри йўлкачалар пайдо бўлганини кўриб чиқиш. Машғулот процессида болалар қаламни тўғри ушлашларини кузатиб бориш.

Агар баъзи болалар чизиқни қия қилиб чизаётган бўлсалар уларни тўхтатмасдан, балки қўлни узмасдан қалам билан дадил ҳаракат қилишларигагина эришиш. Агар бирорта бола копток расми (штрихлар ўрами)ни чизишга ҳаракат қилса, уни рағбатлантириш.

Машғулотга тайёрланиш. Катталиги ёзув қоғозининг ярмича келадиган қоғозни, расм чизишни ҳаммадан олдин тугатиб, яна расм чизиш истагини билдирган болаларга қўшимча бериш мумкин бўлган миқдорда, тайёрлаш. Ҳар хил рангли (сариқдан ташқари) юмшоқ қаламларни тайёрлаб қўйиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Лойдан «печеньелар» ясаш

Программа мазмуни. Лойни кафтлар орасида айланма ҳаракатлар қилиб эшишга, лойни япалоқлашга ўргатиш, қўл ҳаракатини ўстириш, шакл номи «япалоқ»ни аниқлаш.

Лойдан қилинадиган нарсани тахтача устида ясашга, иш олдидан енгни шимариб олишга ўргатиш, саранжом-саришталикни тарбиялаш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Болаларга печеньени кўрсатиш, унинг шаклини (япалоқ) аниқлаш, «Лойдан қандай қилиб печенье ясаш

мумкинлигини ким билади?» деб сўраш. Агар бирор бола билса, болаларга кўрсатиб беришини таклиф қилиш. Агарда ҳеч ким билмаса, чиройли япалоқ печеньени қандай ясашни кўрсатиш ва тушунтириш: бир булак, лойни узиб олиш ва уни юмалоқлаб айлантира бошлаш, сўнгра уни кафтлар орасига олиб япалоқлаш.

Машғулот охирида болалар кўп печеньелар ясаганларини ва улар япалоқ, чиройли чиққанини таъкидлаш.

Машғулотга тайёрланиш. Япалоқ печенье, лой, ясаш учун тахтача тайёрлаш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Бўёқлар билан «Қор қоплаган деворча» темасида расм чизиш

Программа мазмуни. Болаларни тўғри чизиқлардан иборат нарсалар расмини чизишга, вертикал ва горизонтал тўғри чизиқлар чизишга, «оқ», «яшил» ранглар номини аниқлашга ўргатиш. Мўйқаламни ювишга, салфеткадан фойдаланишга ўргатишни давом эттириш. Саранжом-саришталикни тарбиялаш. Имкони бор воситалар билан қишни тасвирлашга ўргатиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Майдончада қандай деворча борлигини эслашни таклиф этиш. У қандай қурилганини сўраш. Агар болалар жавоб беришга қийналишса «Икки узун тахтача ва бирмунча калта тахтачалар, узунлари чапдан ўнгга (қўл ҳаракатлари билан таёқчалардан ясалган макетни кўрсатиш) териб борилган деб тушунтирилади. Қисқалари-чи? Жойланишини қўл ҳаракатлари билан кўрсатиб беришлари учун болаларни чақириш. «Олдин биз ниманинг расмини чизамиз? (Қорнинг.) Қор мана бундай чизилади (мўйқаламни қўлни узмасдан қандай юргизиш кераклигини кўрсатиш ва тушунтириш). Мана энди деворча расмини чизамиз». Бутун варақ бўйлаб узун-узун таёқчалар расмини чизиш учун битта болани чақириш. Боланинг кўл ҳаракатига эътибор бериш (қоғоз варағини ушлаб турган чап қўлдан бошлаб чизиқ чизиб боради). Бошқа болани калта таёқчалар расмини чизиш учун чақириш, унга мўйқаламни бўёққа қандай ботираётганини ва қандай ушлаётганини ҳамма болаларга кўрсатишини таклиф қилиш. «Бу таёқчаларни биз юқоридан пастга, қоргача чизамиз. Энди ҳаммамиз деворчани ҳавода чизишга уриниб кўрамиз». Болалар ҳавода иккита узун ва кўп калта чизиқлар чизадилар.

Сўнгра болаларга мўйқаламларни қўлларига олишларини таклиф қилиш, уларни тўғри ушлаётганларини текшириш, мўйқаламга оқ бўёқ олиш ва қор расмини чизиш.

Иш давомида болалар қандай расм чизаётганларини кузатиб бориш, расм чизиш усулларини эслатиб туриш. Машғулот охирида ҳамма расмларни тахта устига териб «Қандай чиройли узун деворчанинг расмини чиздик. Қанчали кўп қор-а!» деб айтиш.

Машғулотга тайёрланиш. Тасвир яхши кўриниши учун узун варақалар тайёрлаб қўйиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Лойдан тешиккулча ясаш

Программа мазмуни. Болаларни тешиккулча ясашга ўргатиш: лойни қисмларга бўлиш, бир бўлагини кафтлар орасида эшиш, лой таёқчалари учларини бармоқ учлари билан босиб ёпиштириш.

«Юмалоқ» шакллар ҳақидаги тушунчани мустаҳкамлаш. Нарсаларни фақат тахтача устида ясашга, ишга киришишдан олдин енгларни шимариб олишга ўргатишни давом эттириш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Болаларга тешиккулчани кўрсатиш ва у қандай эканлигини сўраш. Қўл билан айлантириб чиқиш—юмалоқ, мана шундай юмалоқ тешиккулчани лойдан қандай ясашни кўрсатиш: бир бўлак лойни кафт орасига олиб, тўғри ҳаракатлар қилиб эшиш. Узун таёқча ҳосил бўлгач, унинг учларини бирлаштириб ёпиштириш. Лойдан нарса ясаш қоидаларини эслатиш. Болаларга қандай қилиб лойдан бир бўлагини узиб олишни ва узун таёқчани эшишни кўрсатишларини таклиф қилиш. Иш процессида лойни бўлиш ва эшишда болаларга ёрдамлашиш. Ҳаракати ҳали унчали ишончли бўлмаган болалар қўлини ўз қўлига олиб, қандай қилишни унга кўрсатиш. Машғулот охирида болалар томонидан ясалган ҳамма тешиккулчаларни тўплаб «Бугун сизлар жуда кўп юмалоқ тешиккулчалар ясадингиз. Тешиккулчалар турли хил — катта ва кичик бўлибди!» деб айтиш.

Машғулотга тайёрланиш. Юмалоқ тешиккулча, лой (ёки пластилин), лойдан нарса ясашда фойдаланиладиган тахтачалар тайёрлаш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

БЎЁҚЛАР БИЛАН ҲАЛҚАЧАЛАР РАСМИНИ ЧИЗИШ

Программа мазмуни. Болаларни юмалоқ шаклдаги нарсалар расмини чизишга ўргатишда давом этиш, шакл (юмалоқ), ранглар номини аниқлаш. Бўёқлар билан расм чизишда болаларни мўйқаламни қаттиқ босмасликка, мўйқаламга етарли миқдорда бўёқ олишга, бошқа рангдаги бўёқни олишдан олдин мўйқаламни ювишга ўргатиш. Қўлларнинг шакл ҳосил қилиш ҳаракатларини ўстириш. Тасвирлаш процессига қизиқиш тарбиялаш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Чиройли ҳалқачаларни болалар билан биргаликда завқланиб томоша қилиш, болаларга контур бўйлаб қўл юргазишни, уларнинг қандай шаклда ва қандай рангда эканлигини айтишни таклиф қилиш. Болалар жавобидан сўнг «турли рангда» деб таъкидлаш. Болалардан яна қандай юмалоқ нарсалар расмини чизганликлари ва улар уни қандай бажарганликларини сўраш. Бир болани доскага чақириш. Ҳамманинг диққат-эътиборини бу бола мўйқаламни қандай ушлаб турганига, уни қандай қилиб бўёққа ботираётганига ва бўёқнинг ортиқчасини қандай қилиб сиқиб олаётганига жалб этиш. Мўйқаламни қўлларига олиб уни қандай ушлаётганларини кўрсатишни болаларга айтиш. Машғулот процессида ҳалқачалар турли рангда бўлиши кераклиги; бунинг учун мўйқаламни сувда ювиб, латтага артиб

олиш ва бошқа буёққа ботириш кераклигини эслатиш (қатор машғулотларда қатнашмаган болаларга кўрсатиб бериш). Расмларни тахта устига териб қўйиб «Қаранглар, биз қанчали кўп турли хил ҳалқачалар расмини чизибмиз. Расмларимиз қандай чиройли чиқибди-я» деб айтиш.

Машғулотга тайёрланиш. Уч-тўрт хил гуашь бўёғини, ёзув қоғози ҳажмидаги қоғозни, ҳар хил ҳалқачаларни тайёрлаш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

ЛОЙДАН КИЧКИНА ҚЎҒИРЧОҚ ЯСАШ

Программа мазмуни. Болаларни юмалоқ шаклдаги икки қисмдан иборат нарсаларни ясашга ўргатиш, айланма ҳаракатлар қилиб лойни эшишга, қисмларни бир-бирига босиб бирлаштиришга ўргатишда давом этиш. Шакл номини («юмалоқ»), катталигини («катта, кичик») аниқлаш. Саранжом-саришталикни тарбиялаш. Лойдан нарса ясашда қўғирчоқ образини ифодалашга ўргатиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Болаларга қўғирчоқчани кўрсатиб, уларга бугун худди ана шундай қўғирчоқни ясашларини айтиш. Болалар билан биргаликда қўғирчоқни кўриб чиқиш, қисмлар номини (танаси, боши) айтиш, «Танасининг шакли қандай? (Юмалоқ.) Боши-чи? (У ҳам юмалоқ.) Танасининг катталиги қандай (Катта.) Бошининг катталиги-чи? (Кичкина.) деб сўраш. «Тана ва бошни қандай ясаш керак, ким билади?», деб сўраш. Қўллар ҳаракатини ҳавода қилиб кўрсатишни, сўнгра аввал бошни, кейин эса танани ясай бошлашни таклиф қилиш. Иш процессида болаларга қўғирчоқ ясашдаги изчилликни эслатиб туриш. «Энди бош ва танани бирлаштиринг, фақат қаттиқроқ босинг»,— дейди тарбиячи. Тайёр бўлган қўғирчоқларни катта қоғоз устига айлана шаклида териб, уларнинг бошига чиройли хилма-хил рўмоллар (бурма қоғоздан қилинган учбурчак рўмолчалар) ўратиш. Бунда ўз қўғирчоғи учун рўмолчалар танлаш ва ўратиб қўйишни болаларнинг ўзларига таклиф қилиш. Ўйинчоқ қўғирчоқни айлана ўртасига қўйиш ва «Қўғирчоқ, қара, болалар сенга қандай чиройли дугоналар ясаб беришди-я» деб айтиш.

Машғулотга тайёрланиш. Қўғирчоқни танлаш, лой ёки пластилин, ясаш учун тахтачаларни тайёрлаб қўйиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Юк ортилган арава» темасида аппликация

Программа мазмуни. Нарсадаги асосий қисмларни ажратиш, уларнинг шаклини аниқлаш. Тайёр қисмлардан иборат бўлган нарсанинг тасвирини мустақил равишда ёпиштириш, уларни тўғри жойлаштириш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Болалар эътиборини тарбиячининг столи устида турган аравачага жалб этиш. Аравачанинг болалар томонига қараган корпусини таёқча билан айлантириб чиқиш ва у қандай

шаклга эга эканлигини сўраш. Болалардан бирортасини стол ёнига чақириш, бармоғи билан ғилдирак атрофини айлантириб чиқишини ва қандай шаклда эканлигини айтиб беришини сўраш.

Аравачани ёпиштиришни таклиф қилиш, сўнгра кесиб конверт ичига солиб қўйилган (кимда кубиклар, кимда олмалар ва ҳоказолар) нарсалар билан уни «юклаш». Узун қилиб қирқиб қўйилган қоғоз ерни тасвирлаш учун тайёрлаб қўйилганини, унинг устига аравачани ёпиштириш кераклигини тушунтириш.

Машғулотга тайёрланиш. Тўрт ғилдиракли тўғри туртбурчак шаклига эга бўлган аравачани топиб қўйиш. Аравача ҳаммага кўринадиган бўлиши учун тарбиячи столининг қаерига қўйилиши кераклигини аниқлаш. Ёзув қоғозининг ярмича келадиган қоғоздан фон танлаб қўйиш. Ҳар хил ранг-даги қоғоздан шакллар наборини: аравача кузови учун тўғри тўртбур-чак, ғилдираклар учун иккита доирача, юк учун майда шаклларни тайёрлаб қўйиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Бўёқлар билан дарахтлар расмини чизиш

Программа мазмуни. Расмда нарсанинг тузилишини — катта-кичиклик нисбатини ва қисмларнинг жойланишини ифодалаш. Турли йўналишларда чизиқлар чизишни, мўйқаламни тўғри ушлаш, бўёқлардан батартиб фойдаланиш малакасини машқ қилдириш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Машғулот бошланишида болаларга бутун катта чиройли дарахт расмини чизишларини айтиш. Сайрга чиққанларида дарахтлар куртак ва баргларни қандай чиқара бошлаганини кузатганликларини эсларига солиш.

Япроқсиз дарахт тасвирини илиб қўйиш. Дарахт қисмлари (танаси, шох-лари)нинг номини сўраш. Расмдан ана шу қисмларни кўрсатишларини айтиш: танаси баланд, тўғри; шохлари тананинг энг пастидан ўсмайди, улар юқорига, қуёшга чўзиладилар; шохлар тананинг ўнгидан ҳам, сўлидан ўсади; йўғон шохларидан ингичкароқ шохчалар тарқалган; дарахтнинг ҳаммаси майда шох-чалар билан қопланган.

Қоғоз варағини вертикал (кўрсатилади) қўйишни, қуруқ мўйқалам билан чизишни ер чизиғидан бошлаш кераклигини, сўнгра тўғри, баланд тана расмини ва танадан шохлар тарқалгани расмини чизиш кераклигини кўрсатиб бериш.

Дарахт танаси ва шохлари расмини чизиб бўлганларга баргларни чизиш учун яшил бўёқ бериш.

Бажарилган ишларни баҳолашда дарахтда кўп шохчалар бўлиб, улар турли томонларга тарқалган расмларни қайд қилиш, дарахтнинг тик ва чирой-лилигини таъкидлаб ўтиш.

Машғулотга тайёрланиш. Сайр вақтида дарахтларни кузатиш, болалар диққатини уларнинг тузилишига жалб этиш, умумий белгиларини сўнгра айрим дарахтлар ўртасидаги фарқлар (баландроқ, пастроқ, танаси йўғонроқ ва ингичкароқ ва ҳоказолар)ни айтиб ўтиш.

Ёзув қоғози катталигидаги оқ, ҳаво ранг ёки кул ранг қоғоз, тўқ жигар ранг ёки қора, оч яшил бўёқлар тайёрлаш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Ўрмон қишда» темасида коллектив бўлиб расм чизиш

Программа мазмуни. Таниш нарсаларни тасвирлаш кўникмасини мустаҳкамлаш, коллектив бўлиб ишлашда тасвирни қоғоз бетидан жой топиб уни жойлаштиришга ўргатиш. Бўёқ ва мўйқалам билан расм чизишнинг тўғри усулларига ўргатиш. Расмда ўрмон қишда образини ифода этишга ўргатиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Тарбиячи доскага катта қоғоз варағини қадаб қўяди ва болалар бугун қишда ўрмон расмини чизамиз дейди. «Ҳозир қиш, кўчада қор кўп, ўрмонда эса қор ундан ҳам кўп», — дейди педагог ва оқ қоғоз варағини кўрсатиб: «Бу гўёки қор» деб қўшимча қилади. Арчалар ва бошқа дарахтлар расмини чизинг, шу билан «ўрмон қишда» расми ҳосил бўлади.

Арчани, дарахтларни, уларнинг тузилишини эслаш, болаларга дарахт танаси ва шохлари қандай жойлашганлигини қўл ҳаракатлари билан кўрсатиб беришларини таклиф қилиш. Болаларга, улар арча ёки бошқа дарахтлар расмини (истаганини) чизишлари мумкинлигини айтиш.

Агар группада болалар кўп бўлмаса, уларни доска яқинига ярим доира шаклида ўтказиш, битта-иккитадан уларни доскага чақириш ва бир [illegible] катта қоғоз бетига расм чизишини илтимос қилиш мумкин. Агар болалар кўп бўлса, уларни одатдагидек ўтказиб қўйиш ва уларнинг ҳар бирига унчалик катта бўлмаган қоғоз варағи бериш керак. Бу қоғозга бола дарахт расмини чизади. Секин-аста (биттадан ёки иккитадан) болаларни доскага чақириш. Машғулот процессида болалар қандай расм чизаётганларини кузатиб бориш, мўйқаламни тўғри ушлашга, бўёқдан фойдаланишга, қоғоз варағига тасвирни чиройли жойлаштиришга ўргатиб бориш.

Машғулот охирида ҳамма болалар билан биргаликда улар [illegible] қандай расм чизганликларини, қандай чиройли ўрмон эканлигини кўриб чиқиш.

Машғулотга тайёрланиш. Сайрга чиққанда дарахтларни кузатиш, уларнинг тузилишига эътибор бериш, бу ерда жуда кўп дарахтлар ўсгани, теварак-атрофда эса қор ёғганини таъкидлаб ўтиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Қалам билан ғиштчалардан қурилган дарвоза расмини чизиш

Программа мазмуни. Тўғри тўртбурчак ҳақидаги билимни мустаҳкамлаш. Чўзиқ тўғри тўртбурчак шаклининг расмини чизиш кўникмасини машқ қилдириш. Қурилишда қисмлар ҳолатини (вертикал ва горизонтал) ифодалашга, сўнгра тасвирни бояшга ўргатиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Учта катта ғиштчадан дарвоза ясаш ва иш давомида: «Битта ғиштчани қўяман, иккинчисини биринчисидан сал нарироққа, учинчисини эса уларнинг устига қўяман. Дарвоза ясалди»— деб тушунтириш.

Болаларнинг тўғри тўртбурчак (ғиштча) шакли ҳақидаги билимларини аниқлаш. Учта ғиштнинг контури бўйича бирор болага қўл юргизиб чиқишини, кейин дарвоза қурилган ғиштларнинг расмини қандай чизишларини ҳавода қилиб кўрсатишларини ҳамма болаларга айтиш.

Дарвоза қуришни — олдин битта ғиштни, кейин иккинчисини, уларнинг устига эса учинчисини «қўйиш»ни айтиш. Кейин ҳамма ғиштчаларни бир текисда бўяш. Болалар диққатини ҳамманинг қоғози устига чизиқ тортилганлигига жалб этиш. Худди ана шу чизиқ устига дарвоза «қуриш» керак. Расмларни болалар қурилиш рангига мувофиқ қилиб бўяшлари керак.

Расм чизиш процессида дарвоза таёқчалардан эмас, балки ғиштчалардан қурилганлигини ва ғишт расмини чизиш кераклигини болаларга эслатиб туриш керак. Қаламдан тўғри фойдаланиш ва бир текис бўяшни кузатиб туриш.

Машғулотга тайёрланиш. Бир хил рангдаги учта ғиштчани танлаб олиш, ёзув қоғозининг ярми ҳажмидаги қоғознинг пастига горизонтал чизиқ чизиб қўйиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Бўёқлар билан жўжалар расмини чизиш

Программа мазмуни. Расмда жўжалар образини ифода этишга ўргатиш.

Юмалоқ шакл ҳақидаги билимни, нарса қисмларининг асосий шаклини, уларнинг нисбий катта-кичиклигини аниқлаш ва уни расмда ифодалашни, шунингдек баъзи деталларни тасвирлаш кўникмаларини мустаҳкамлаш. Мўйқалам билан енгил ҳаракат қилиб, туташ ҳолда юмалоқ шаклларнинг расмини чизишни ва уларни контур ичида бир томонга қаратиб бўяшни машқ қилдириш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Расм чизишдан олдин болаларга жўжа тасвирланган расм ва фотосуратларни кўрсатиш (улар момиқдек, юм-юмалоқ, кичкинагина).

Ўйинчоқ жўжачани (овози чиқарадиганини) чўнтакка беркитиб қўйиб болалар жойларига ўтиргач, уларга нима чийиллаётганини эшитишни таклиф қилиш. Болалар ўз тахминларини айтиб бўлгач, жўжани чўнтакдан чиқариб, болаларга кўрсатиш ва «Қаранг у қандай кичкина!», «Унинг ранги қандай?» деб сўраш. Болаларни стол ёнига чақириш, жўжа бошининг, танасининг шакли қандай эканлигини, айтилган қисмлар номини айтиб қўл юргазишни илтимос қилиш. Ундан кейин болалар диққатини жўжанинг думига, тумшуғига, кўзларига жалб этиш.

Болаларга мўйқаламни қўлга олиб, уни қандай ушлаганларини кўрсатишларини айтиш. Мўйқаламни нотўғри ушлаганларни тўғрилаб қўйиш. Қуруқ мўйқалам билан, гўё бўёқ билан расм чизгандек, қоғоз устида доира (жўжа танасини) чизиш.

Машғулот охирида расмларни кўриб чиқиш ва момиқдек, юм-юмалоқ, оёқлари калтагина жўжаларни мақтаб қўйиш. Болаларга расмлардаги жўжалар нима қилаётганини ўйлаб кўришлари ва айтишларини таклиф қилиш.

Машғулотга тайёрланиш. Уйинчоқ жужани ва жужалар тасвирланган расмларни танлаб қуйиш. Ёзув қоғози ҳажмидаги кул ранг қоғозни. сарик, лимон ва сарик рангдаги охра, қора буёкларни (кора рангни жужа расмини чизиб булиб, унга куз ясамоқчи булганларга бериш) тайёрлаб қуйиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Гуллар расмини чизиш

Программа мазмуни. Нарсанинг асосий қисмлари шакли (юмалоқ)ни белгилаш; расмда шу қисмларнинг шаклини, жойланишини ва тусини ифода этишга ўргатиш. Муйқалам ва буёқлардан туғри фойдаланиш куникмаларини мустаҳкамлаш. Расмда турли хил рангларни ишлата билишга ўргатиш. Теварак-атрофга ва расмларга нисбатан эстетик муносабатни ўстириш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Учта турли хил йирик гулларни болаларга курсатиш ва уни куринадиган жойга ўрнатиб қуйиш. «Қаранглар-а, қандай катта, чиройли, ҳар хил гуллар!» дейиш.

Болаларни чақириб улардан гул ўрнини, гулбаргини, баргларини, бандини курсатиб номини айтишларини сўраш; қуллар билан контур буйича харакат қилиб, бу қисмлар шаклини аниқлаш, сўнгра ҳар хил рангдаги иккита чиройли гулнинг расмини чизиш.

Гуллар қоғоз устига сиғиши учун қоғозни қандай қуйиш кераклигини, биринчи гул расмини қаерга чизиш, нимадан бошлаш кераклигини сўраш.

Биринчи гулнинг гул ўрнини қаерга, иккинчи гулнинг гул ўрнини қаерга чизишларини бармоқ билан курсатиб беришларини сўраш. Муйқаламни қулга олиб уни қандай ушлашларини курсатишга рухсат бериш. Аввал қайси рангли буёқни олиш кераклигини ўйлаб кўриш. Ҳамма расмларни териб қуйиш, уларни завқ билан томоша қилиш, улар чиройли ва очиқ рангда эканлигини таъкидлаш.

Машгулотга тайёрланиш. Рангли қоғоз ёки матадан иккита, масалан, ўртаси сариқ, четлари қизил ва ҳаво ранг йирик гуллар ясаш (гулбаргларининг катталиги 10 *см*). Катталиги альбом варагидек келадиган қогозни тайёрлаб қуйиш. Қизил, ҳаво ранг, оч қизил, сариқ, яшил (ёки натурага мос келадиган бошқа буёклар) рангли буёқлар.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Нима тузиш ва қирқиб ёпиштириш мумкинлигини ўйлаб топ» темасида аппликация

Программа мазмуни. Нарса қисмларини ажрата олиш ва уларнинг шаклини белгилай олиш куникмаларини мустаҳкамлаш. Нарса қисмларини аппликация орқали ифодалаш учун геометрик шаклларни мустақил танлаш. Тафаккур, ижод қилишни ўстириш.

Нарса қисмларини туғри жойлаштириб, улардан нарса тасвирини ясаш малакасини машқ қилдириш.

М а ш ғ у л о т ў т к а з и ш м е т о д и к а с и. Болаларга, уларнинг олдидаги конвертлар ичида шакллар борлиги, ана шу шакллардан бирор нарса тузиш ва ёпиштириш мумкинлигини айтиш. Шакллар хар хил, шунинг учун нарсалар ҳам турли хил бўлади.

Конвертлар ичидан шаклларни олишни ва у қандай нарса, ундан нима ясаш мумкинлигини, қоғоз устига уни чиройли қилиб қандай жойлаштириш кераклигини ўйлаб кўришни ва сўнгра уни ёпиштиришни таклиф этиш. Машғулот охирида ҳамма ишларни доскага қўйиш. Қандай чиройли расмлар ҳосил бўлганини кўриб чиқиш. Уларни завқ билан томоша қилиш. Улардан фриз ясаш.

М а ш ғ у л о т г а т а й ё р л а н и ш. Болалар машғулотларда илгари ёпиштирган нарсалар (масалан, найзонгул ўйинчоғи, минорача, аравача, уйча) ни, ясаш мумкин бўладиган шакллар тўпламини тайёрлаш ва конвертлар ичига солиб қўйиш. Бир стол атрофида ўтирган болаларга турли хил шаклдаги тўпламларни бериш. Альбом варағининг ярми катталигидаги қоғозларни тайёрлаб қўйиш.

Э с л а т м а: Кўрсатиб ўтилган методика бўйича машғулотлар ўтказиб бўлингач, уни мураккаблаштириш мумкин. Таниш нарсалар билан бир қаторда конвертлар ичида янги шакл тўпламлари ҳам берилади. Бу тўпламлардан нималар ясаш мумкинлигини болалар фаҳмлаб олишларида уларга ёрдам қилиш учун шунга ўхшаш нарсаларни уларнинг кўзи тушадиган жойга қўйиш ёки машғулотдан бир кун олдин болаларга шу нарсалар тасвирини кўрсатиш. Намуналарни машғулот вақтида бериш керак эмас.

ЎРТА ГРУППА

Бир йил ичида, уч ёшдан тўрт ёшгача бўлган бола ривожланишнинг катта йўлини босиб ўтади: фақат унинг бўйи ва вазни ўсмасдан, балки барча руҳий процесслари ҳам такомиллашади. Боланинг диққати бирмунча уйғун характер касб этади, кўриш, эшитиш, сезиш қобилияти аниқланади, дифференциаллашади. Болалар нарсаларнинг бирмунча мураккаб шаклларини, хилма-хил рангларни ажрата билишга ўрганиб оладилар. Уларнинг эстетик ҳиссиётлари ва муносабатлари ривожланади. Болаларнинг қўшиқлар, эртаклар, шеърлар, суратлар мазмунига эътибор бериш қобилияти ўсади. Улар расмда, лой ёки пластилиндан ясалган нарсаларда, аппликацияда образларнинг таъсирли хусусиятларини акс эттиришга ҳаракат қиладилар. Буларнинг барчаси тасвирий фаолият вазифаларини ҳам мураккаблаштиришга имкон беради.

Ўрта группада болалар турли хил шаклдаги (олдинги группада ўзлаштирилган) нарсалар, чунончи бир қисмдан, шунингдек бир неча қисмдан иборат нарсаларни ҳам тасвирлаш кўникмаларини мустаҳкамлайдилар, қисмлар жойлашувини, нарсалар рангини, баъзи бир характерли деталларни ифода этишга ўрганадилар. Кейинги ўргатиш юмалоқ (доира ва овални фарқлаш) ва тўғри тўртбурчак шакллар (ҳар хил тенгликка, узун ва қисқа, тор ва кенг тенгликка эга бўлган квадрат ҳамда тўғри тўртбурчаклар)ни дифференциялашга қаратилган йўл билан боради. Расмда, аппликацияда болалар нарсаларнинг учбурчак шаклини ўзлаштирадилар.

Болаларни нарсаларни уларнинг катта-кичиклиги ва ҳолатини (вертикал ва горизонтал ҳолатини) фарқ қилиб тасвирлашга, турли йўналишда тўғри чизиқ ва ёй расмини чизишга ўргатиш керак. Бу шакл ҳосил қилиш ҳаракатларини дифференциялашни, уларни аниқлашни талаб қилади: фақат оддийгина юмалоқ шакл эмас, балки доира ёки овал шаклга эга бўлган нарсалар расми чизилади.

Масалан, болалар шарча ва тухумлар расмини чизиш ёки уларни лой ёки пластилиндан ясаш вазифасини оладилар. Бунга улар дарров эриша олмайдилар: доира шаклидаги нарсаларни

улар чўзинчоқ қилиб, овал шаклдаги нарсаларни эса доира қилиб тасвирлайдилар.

Аниқ шаклни ифода этиш айниқса расм чизишда қийин булади, чунки унда лой ёки пластилиндан нарса ясашда ва аппликацияда (яхши ўхшамаган қисмини ажратиб олиш, уни қайтадан қирқиш) қилинганидек ҳеч нарсани қайта ясаб, тузатиб бўлмайди. Шунинг учун энг яхшиси аввал расм чизишда шакл ҳосил қилиш ҳаракатидаги фарқни (масалан, олмалар ва бодринглар) англаб етишлари учун бир-биридан кескин фарқ қиладиган нарсаларни тавсия қилиш маъқул. Овал шаклини чизишда болалар учун янги бўлган ҳаракатнинг ўзлаштирилишига аввал нарсани (бодрингни) текшириб кўриш, сўнгра унинг расмини чизиш процессида педагогнинг олиб борадиган тушунтириши ёрдам беради. Бодринг контури бўйлаб бармоқ билан ҳаракат қилишда «Юмалоқ, узунчоқ, яна юмалоқ ва яна узун томони» дейиш керак. Шу сўзларни тасвирлаш усулини кўрсатаётганда ҳам айтиб туриш керак.

Ўргатишнинг бундай изчиллик билан олиб борилишида ҳаракатлар онгли равишда бажарилади. Бир машғулотда болалар ўзлари учун янги бўлган нарсанинг бир неча тасвирини бажаришлари мақсадга мувофиқдир. Бу айниқса шакл ҳосил қилиш ҳаракати (лой ёки пластилиндан нарса ясашдаги ҳаракатга қараганда) катта қийинчилик билан ўзлашириладиган расм чизишда зарурдир.

Агар овал шаклни аввал кўрсатиб, сўнгра уни бошқа бирор доира шаклига эга бўлган нарсага таққослаб расмини чизиш таклиф қилинса, болалар ўзлари учун янги бўлган шакллар хусусиятини ва унинг илгари ўзлаштирилган шаклдан фарқини тезроқ англаб оладилар.

Мисол тариқасида лой ёки пластилиндан нарса ясаш машғулотини келтирамиз.

Тарбиячи болаларга бодринг, лавлагини курсатиб «Биз бугун шу сабзавотларни ясаймиз. Қани ким айтади, булар қандай сабзавотлар?»— дейди.

Болалар «Лавлаги ва бодринг», — деб жавоб берадилар.

Тарбиячи, «Қаранглар-чи, улар бир-биридан қандай фарқ қилади»,— деб давом этади.

Болалар: «Лавлаги юмалоқ, бодринг эса чўзинчоғроқ. Лавлагининг думи бор, бодрингда эса дум йуқ», деб жавоб берадилар.

Болалар нарсалар шакли ўртасидаги фарқни (улардан бирининг шакли болаларга таниш) фаҳмлаганликлари ва айтганликларига ишонч ҳосил қилгач, педагог диққатни болалар учун янги бўлган шакл — бодрингга жалб этади. «Бодринг ҳақида нима дейиш мумкин, у қандай шаклга эга?»

Лена: «Чўзинчоққина», «Ва юмалоққина»,— деб қўшиб қўяди Олег.

Тарбиячи уларнинг фикрини аниқлаб: «Ҳа, чўзинчоқроқ ва ҳар икки томони юмалоқроқ. Шундай шаклни овал шакли дейилади» дейди ва ҳамма болаларга бармоқлари билан ҳавода бодринг атрофини айлантириб чиққандек ҳаракат қилишларини айтади. Барча болалар ҳавода овал шаклини тасвирлайдилар.

Кейин тарбиячи: «Ўйлаб кўринглар-чи, лавлаги ва бодрингни қандай ясаш керак», дейди.

Катя: «Лавлагини шарчани юмалоқлагандек юмалоқлаш керак».

Тарбиячи ҳавода кафтлари билан қандай ҳаракат қилишини кўрсатишини сўрайди. Кейин думини қандай ясаш кераклигини ўзи кўрсатиб беради.

«Бодрингни қандай ясаш керак?»— сўрайди педагог.

Таня: «Олдин шарча юмалоқлайман, сўнгра колбасадек қилиб эшаман.»

Овал шаклдаги нарсани болалар биринчи марта ясаётганларига қарамасдан, улар, олдинги тажрибаларидан фойдаланиб керакли усулларни топадилар. Ҳамма болаларга қандай ясашни кўрсатишни ҳожати йўқ, бу нарса қўл ҳаракатларини етарли даражада эркин эгалламаган, олдинги тажрибасини ишга сола олмаган болаларгагина керак бўлади.

Машғулот охирида тарбиячи бодринг шакли, номи (овал)ни, яна бир марта такрорлайди.

Расм чизиш машғулотларида болаларга пуфлаб катта қилинадиган юмалоқ ва чўзинчоқ шарларни тасвирлаш таклиф қилинди.

Бу шарларни машғулот бошланишида кўрсатиб, тарбиячи болалар эътиборини шарларнинг ранги ва шакли турли хил эканлигига жалб этади, ҳавода қўл билан юмалоқ шарни, ундан сўнг чўзинчоқ (овал) шарни кўрсатишларини ва бундай шакл нима деб аталишини сўрайди. Болалар «Бодрингга ўхшайди», «Таёкчага ўхшайди» деб жавоб берадилар.

Тарбиячи: «Овал. Унинг икки томони юмалоқ ва бир оз чўзиқроқ—бундай шаклни овал шакл дейилади»— деб эслатади. Тарбиячи Аняга бу шакл қандай шакл дейилишини такрорлашни айтади. Сўнгра Қатяни доскага чақириб, ундан «колбаса» расми қандай чизилишини ҳавода кўрсатиб беришни сўрайди.

Машғулот охирида болалар расмларни кўриб чиқадилар. Тарбиячи ҳаво шарларининг шакли нима деб аталишини сўрайди. Болалар унинг номини тўғри атайдилар.

Юмалоқ ҳаво шари овал шаклидаги «колбасадан» қандай фарқ қилади деган саволга болалар «Овал шаклининг икки томони юмалоқ, ўзи эса узунчоқ бўлади» деб жавоб берадилар.

Шундан сўнг тарбиячи болаларга юмалоқ шаклдаги нарсаларни аташларини сўрайди. Болалар: «Олма, гилос, олча, тарвуз, узум, олхўри, мандарин ва лимонлар» деб жавоб берадилар. Баъзи болаларда ҳали етарли тасаввур бўлмаганлиги сабабли, улар фақат юмалоқ нарсаларни эмас, балки юмалоқ шаклга яқин бўлган овал шаклдаги нарсалар номини ҳам айтадилар.

Тарбиячи овал шаклига эга бўлган нарсалар номини айтишларини сўраганида болалар аввал жим бўлиб қолиб, кейин «Бодринг, колбаса, балиқча» деб айта бошлайдилар.

Жавоблар болалар тажрибаси ҳали жуда ҳам чекланганлигидан овал шаклдаги нарсаларни кам билишларидан, теварак-атрофдаги нарсалар орасидан уларни ажрата олишга ўрганмаганликларидан далолат беради. Бу соҳада олиб бориладиган иш, болалар тасвирлайдиган нарсалар доирасининг кенгайиб боришиши, шаклни аниқроқ белгилаш, нарсаларнинг шу белгисига қараб дифференциялаш (фарқлаш)да уларга ёрдам беради.

Болаларда юмалоқ нарсалар билан бир қаторда овал шаклидаги нарсалар ҳам бор эканлиги ҳақида тушунча ҳосил бўлгач, бу нарсалар нима билан фарқланишини ва уларни қандай тасвирлаш кераклиги аниқлангач расм чизишда, лой ёки пласти-

линдан нарса ясашда, кейинчалик аппликацияда ҳам тасвирлаш учун юмалоқ нарсалар билан таққослаб ўтирмасданоқ, овал шаклидаги нарсаларни олиш мумкин.

Кейинги машғулотларда болаларга «Ола-чипор товуқча» эртагидан фойдаланиб, оддий ва олтин тухумлар расмини чизишни вазифа қилиб топшириш тавсия қилинади. Бунда болаларнинг ҳаммаси аввал анча оддий тухумлар расмини чизишади, сунгра эса шакли (овал) бирмунча аниқроқ чиққан энг яхшисини, энг чиройлигини сариқ буёқ билан буяб, олтин тухум ҳосил қиладилар.

Болаларни ўз иши натижасини баҳолашга, тасвирланаётган нарса чиройини муваффақиятли ифодаланган шаклда кўришга ана шундай ўргатиб борилади.

Юмалоқ ва овал шаклдаги нарсаларни тасвирлашга йўналтирилган шакл ҳосил қилиш ҳаракатлари борган сари эркинроқ ва ишончлироқ бўла бошлайди. Бу болаларга шу шакл (ва уларнинг қисмлари)га эга бўлган нарсаларнинг турли бўшлиқдаги ҳолатини тасвирлаш имкониятини беради.

Бирмунча мураккаброқ шаклга эга бўлган нарсаларни тасвирлашга ўргата бориш билан биргаликда техник кўникма ва малакалар ҳам такомиллашиб боради. Бу эса тасвирлаш вази-



Овал шаклидаги нарсаларни чизиш (оддий ва бир дона олтин тухум).

фаларини фаолиятнинг ҳар хил турларида бирмунча эркинроқ ҳал қилишга имкон беради.

Қалам ва мўйқаламни тўғри ушлашга ўргатиш давом этади, асбобларни ҳар хил ушлаш кўникмаси шаклланади: йўғон чизиқлар бўёқ олинган мўйқалам учини тўла босиб, қоғозга нисбатан қия ушлаб чизилади; нуқталар ва майда деталлар расмини чизиш мўйқалам учи билан амалга оширилиши мумкин, бунда мўйқаламнинг дастаси тик ушланиб, қоғозга фақат мўйнинг учигина теккизилади.

Қаламнинг қўлдаги ҳолати ҳам ўзгармасдан қолмайди: вертикал чизиқларни чизишда қалам ушлаган қўл чизиқ ёнидан бориши, горизонтал чизиқларни чизишда эса бутун чизиқ бўйлаб ҳаракат қилишни кўз билан кузатиб борилишини таъминлаш учун чизиқ тагидан бориши керак. Бу чизиқларни бўёқ билан чизишда мўйқаламнинг мўйи юмшоқ бўлгани учун қўл ҳаракати усули бошқача бўлади, мўйқалам дастасини расм тепасида тик ҳолатда ушлаб, мўйқаламни мўйи бўйлаб юргизиш керак, агар шундай қилинмаса чизиқлар нотекис чизилади.

Бу кўникмалар тўғри чизиқлар ва турли хил тўғри чизиқли шакллар расмини чизиш маҳоратига тааллуқлидир. Уларни мустаҳкамлаш катта группада ҳам давом этиши лозим.

Ўрта группада декоратив расм чизишга ўргатишнинг киритилиши нақшнинг бир хил элементларини такрорлашда ҳаракат уйғунлигини машқ қилишга ёрдам беради. Бу кўникмаларни мустаҳкамлаш болалар боғчасининг катта группасида ҳам, тайёрлов группаларига ҳам бўяш процессида, декоратив расм чизишда ва шунингдек тасвирлаш элементларини такрорлашда ҳам давом этади.

Болаларнинг иккинчи кичик группада олган кўникмаларини мустаҳкамлаб ва бир текисда бўяш, контур чизиғидан четга чиқмаслик каби янги талабларни киритиб, нарсаларни бўяшга ўргатиш муҳимдир.

Тасвирланаётган нарсанинг шаклига қараб қўл ҳаракати йўналишини ўзгартириш кўникмаси тўғри чизиқли шаклга (тўғри тўртбурчак, квадрат, учбурчак) ва шунингдек турли характердаги юмалоқ шакл (доира, овал)га эга бўлган нарсаларни тасвирлаш вазифаси муносабати билан мураккаблашади. Овал расмини чизишдаги қўл ҳаракати доира расмини чизишдаги қўл ҳаракатидан йўналишга қараб фарқ қилади: овал шаклдаги нарса расмини чизиш учун ҳаракат йўналиши (бир ёй бўйлаб қилинаётган ҳаракатдан бошқа ёй бўйлаб қилинадиган ҳаракатга ўтиш)ни ўзгартириш кўникмасини эгаллаш зарур.

Болаларни тўғри чизиқли шаклларни квадрат, тўғри тўртбурчак, учбурчак шакллардан фарқ қилишга ўргатишни болалар улардаги умумийлик нимадан иборат-у, фарқ қиладиган жойи нимада эканлигини кўришлари учун шу формаларни таққослаш йўли билан олиб бориш лозим.

Бу шаклларнинг барчаси билан болалар тўқнашадиган биринчи машғулот стол устида қурилиш материалларидан қуриладиган қурилишни аппликация орқали ифода этиш машғулоти бўлиши мумкин. Болалар қоғоздан қирқиб, тайёрлаб қўйилган тўғри тўртбурчак ва квадратларни оладилар (учбурчакларни болалар тўғри тўртбурчакни иккита квадратга бўлиб, сўнгра квадратни бурчакдан бурчакка диагональ бўйича қирқиб, ўзлари ясашлари мумкин).

Шаклни мустақил равишда ўзгартириш ва бир шаклни қирқиш орқали бутунлай бошқа шакл ҳосил қилиш боланинг сенсар (ҳиссий) ва ақлий жиҳатдан ўсиши учун муҳим аҳамиятга эга. Бу келгусида болага нарсалар шаклини ва уларнинг қисмларини тезроқ белгилаш ва уни тасвирда аниқроқ ифодалаш имконини беради. Бу момент болаларнинг математик тасаввурини ўстириш учун ҳам муҳимдир.

Машғулотлар шундай тартибда ўтказилади: болалар тайёр қурилишни кўздан кечирадилар, унинг қисмлари номларининг бир-бирига нисбатан фазода жойланишини айтадилар; сўнгра тарбиячи қурилиш қисмларига тегишли шаклларни тайёрларининг ичидан (етишмаганларини эса қирқиб тайёрлайнади) топишни, уларнинг номини аташни ва ўз варағи устига кейинчалик ёпиштириладигандай қилиб териб қўйишини топширади.

Ёпиштириш иши тугагач бажарилган ишлар доскага қўйилади, кўриб чиқилади, қурилиш билан таққосланади; айни бир вақтда қисмлар шаклининг номлари аниқланади, қурилиш гўзаллиги шаклларнинг аниқлигида, қоғоз устида тўғри композицияга эга бўлишида эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Тўғри чизиқли шаклларни қирқиш, улардан конструкциялар ёпиштириш машғулотлари йил давомида такрорланиши мумкин, бироқ бирмунча мураккаброқ қурилишларни олиш керак. Бунда болалар олдинги машғулотларда қандай шакллардан фойдаланган бўлсалар, худди шундай шакллардан фойдаланишлари лозим: тўғри тўртбурчаклар, квадратлар, учбурчаклар, аммо булар кўп миқдорда ва турли катта-кичикликда бўлади.

Машғулотларнинг бирида болаларга хоҳлаган қурилишни қирқишни ва ёпиштиришни ҳамда уни безатишни вазифа қилиб топшириш мумкин. Болаларга тўғри тўртбурчак шаклида катта қилиб қирқилган ҳар хил рангли қоғозлар берилади.

Қурилиш қисмларини ва уларнинг безакларини болаларнинг ўзлари қирқадилар, сўнгра аппликация қисмларини мустақил ёпиштирадилар. Агар болалар қирқиш кўникмаларини «Программа» талабига мувофиқ равишда ўзлаштирган бўлсалар, иш ранг-баранг, чиройли чиқади. Безатиш ишини тугатишга улгурмаган болаларга аппликацияни бўш вақтда тугатиш учун ижозат бериш мумкин. Бундай ишлар маълум вақтгача группани, вестибюлни безатиб туришга хизмат қилиши мумкин.

Бу машғулотларнинг ҳаммасини бирданига, бирин-кетин ўтказмасдан, камида бир ой оралатиб ўтказиш лозим: машғулотнинг такрорланаётган темаси бир хиллик туйғусини ҳосил қилиши мумкин; бунинг устига қурилишлар тасвири бойроқ, ранг-барангроқ, қизиқроқ чиқиши учун болалар қайчи билан қирқиш тажрибасига эга бўлишлари зарур.

Машғулотларга тайёргарлик кўришда қурилиш қисмлари учун қоғоз танлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Ранглар бир-бирига мос келадиган бўлиши, болалар ёпиштирган тасвир чиройли кўринишга эга бўлиши керак, акс ҳолда машғулотларнинг эстетик қиммати пасайтирилган бўлади: ранги жиҳатидан чиройли бўлмаган ишлар болаларда эмоционал туйғуни уйғотмайди. Кўпроқ ўринни ўқув топшириғи (шаклларни ўзгартириш, уларнинг бўшлиқда жойлашуви) эгаллаган машғулотлар ҳам эстетик характерга эга бўлиб, бажарилган ишлар шаклларининг аниқлиги, бажарилиши ва чиройли бўёқларнинг турли-туманлиги билан болаларни қувонтириши муҳим аҳамиятга эга.

Тўғри чизиқли шаклга эга бўлган нарсани тасвирлашни аппликациядан бошлаган яхши. Лой ёки пластилиндан нарса ясашда, одатда, тўғри чизиқли шакллар тасвирланмайди, чунки конструктив шакллар пластик материаллар хусусиятига зид келади.

Бошланғич машғулотларнинг бирида тарбиячи шундай темани таклиф қилади: «Она кир ювди ва уни қуритиш учун илиб қўйди (чойшаблар, сочиқлар, дастрўмоллар). Топшириқни тушунтирар экан, педагог дастрўмоллар квадрат шаклда — ҳамма томони бир хил—уларнинг расмини бир хил чизиш керак, шунда улар чиройли бўлади; чойшаблар катта ва узун, сочиқлар эса энсиз ва узун, аммо ҳаммаси тўғри тўртбурчак шаклида эканлигини таъкидлаб ўтади.

Расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясаш, аппликация машғулотини ўтказаётганда ўрта группада ҳам болаларга нарсалар шакли ҳақида, уларни тасвирлаш усули ҳақида болаларга саволлар билан мурожаат қилиб, кўпроқ уларни активлаштириш, тасвирлаш учун расм чизишда қўлнинг қалам ёки мўйқалам билан ҳаракат қилишини, лой ёки пластилиндан нарса ясашда ва бошқаларда икки қўл билан қандай ҳаракат қилишни кўрсатиб бериш учун болаларни доскага чақириш керак.

Бу методик усуллар болаларга шакл ҳосил қилиш ҳаракатларини яхши ўзлаштириб олишларига, илгари ўзлаштириб олинган тасвирлаш усулларини эсга солишга ва ишлатишга, тарбиячи томонидан кўрсатилиши ва унинг ёрдамини доимо кутиб ўтирмасдан, фикр юритиб, янгилик қидиришга имкон беради.

Болалар овал шаклдаги оддий нарсаларни тасвирлашни ўрганиб олганларидан сўнг бир неча қисмлардан иборат бўлган нарсалар, масалан, овал қисмлардан ва тўғри чизиқлардан ибо-

рат (гул), овал ва юмалоқ шакллардан иборат (балиқлар, қушлар) расмини чизишга ва лой ёки пластилиндан ясашга ўтиш мумкин.

Ҳайвонлар расмини чизиш тасвирлаш жиҳатдан оддий бўлган балиқлардан бошланади. Балиқлар расмини чизишни таклиф қилишдан олдин уларнинг тана шаклини, қисмлари (сузғичлар, дум)ни лой ёки пластилиндан ясаш орқали ифода этишни ўрганиб олишлари фойдалидир. Болаларга турли катта-кичиклик ва мутаносибликдаги балиқларни: узун ва йўғон, узун ва ингичка ёки йўғон ва калта ва шу каби балиқларни лой ёки пластилиндан ясаш имконини бериш керак.

Лой ёки пластилиндан нарса ясаш ҳайвон шакли ва мутаносиблиги ҳақидаги тушунчаларни яхши ўзлаштиришга, шакл ва катта-кичикликни кинестезик ҳис этишнинг ўсишига ёрдам беради. Болалар балиқчалар расмини чизишга ўтганларида, улар энди балиқларни турли хилда тасвирлашни биладилар.

Тасвирни такрорлаш имконини яратиш учун битта машғулотда бир хил нарсаларнинг бир нечтасини бериш лозим. Масалан, биринчи машғулотнинг ўзидаёқ болаларга аквариумда турли хил балиқлар қандай сузиб юргани расмини чизишни маслаҳат бериш керак. Балиқча танасининг овал шаклини тасвирлаш болалар учун нисбатан осон: овал шаклининг расмини чизишни болалар ўзлаштириб олганлар; қийинчилик турли йўналишда сузаётган балиқчалар расмини чизишдадир: балиқнинг боши қаерда бўлиши, думи қаерда бўлишини болалар ўзларича тасаввур қила олишлари керак: вертикал, горизонтал, диагональ бўйича сузаётган балиқни тасвирлашда қўл ҳаракатини ўзгартириш зарур.

Машғулот балиқлар ҳақида, улар қанчали чиройли, хилма-хил (катта ва кичик) эканликлари ва турли томонларга (юқорига, пастга, чапдан ўнгга ва ўнгдан чапга) сузаётганлари ҳақида гапиришдан бошланади. Тарбиячи шу вақтда ўйинчоқ балиқча қандай қилиб турли томонларга «сузаётганини» кўрсатиши мумкин. Болалар билан биргаликда балиқча танаси қандай шаклга эга эканлигини эслаш, уларга қўллари билан унинг расмини қандай чизиш кераклигини кўрсатиб беришларини айтиш керак. Шундан сўнг доскада кўрсатиш учун болалардан бирортасини чақириш мумкин. Балиқчанинг танаси тангачалар билан қопланганлигини, фақат тангачаларинигина бўяш мумкинлигини аниқлаб олиш; буни қандай қилиб бажаришни кўрсатиш керак. Балиқчанинг ҳамма ерини бир хил ранг билан бўяш шарт эмаслиги ҳақида, думи ва сузғич қанотлари бошқа ранг билан бўялиши мумкинлигини болаларга айтиш фойдалидир. Балиқча, шунингдек йўл-йўл, хол-хол ва шунга ўхшаш бўлиши мумкин. Расмни турли хил контур билан тўлдириш унга алоҳида таъсирчанлик бахш этади.

Шаклни ранг билан тўлғазиш усуллари турлича бўлиши мумкинлигини болалар шу группадаёқ тушуниб олишлари му-

химдир. Ҳар бир янги балиқча расмини чизишда боланинг қўл ҳаракати борган сари эркинроқ, дадилроқ бўла бошлайди. Расмни жуда катта чиза бошлаган ва шунинг учун бир варақ қоғозга фақат битта расм жойлаштира олган болаларга бир нечта балиқчалар расмини чизишлари учун қўшимча варақ бериш керак.

Машғулот охирида болалар ишини таҳлил қилганда уларга жуда кўп хилма-хил чиройли балиқчалар расми чизилганлигини айтиш, балиқчалар хилма-хил рангларга бўялганлигига улар диққатини жалб қилиш, энг чиройли балиқчаларни топишни уларга таклиф этиш керак. Тарбиячи битта яхлит саҳифага расмларни ёпиштиради ва бир неча кунга группа хонаси ёки вестибюлга болалар ҳамда ота-оналар бу чиройли расмларни завқ билан томоша қилишлари учун илиб қўяди.

Бир неча вақт ўтгач, яна шундай машғулот ўтказиб, болаларга қўшимча қилиб, аквариумдаги ўтлар, тошчалар расмини чизишни таклиф қилиш мумкин. Балиқчалар танаси, шакли ҳақидаги тасаввурни аниқлаш лозим, бироқ унинг тасвирлаш усулини энди кўрсатмаслик керак. Мазкур машғулотда тарбиячи диққатни шунга жалб этадики, турли ҳолатдаги балиқчалар расмини ҳамма болалар чизишлари керак, агар ўтган машғулотда бирор бола расмни чиза олмаган бўлса (бола ҳамма балиқчаларни бир томонга сузиб кетаётганини тасвирлаган эди), бола қўлидан ушлаб ҳавода ёки бармоғи билан қоғоз устида (мўйқалам ва қаламсиз) турли томонга ҳаракат қилдириб, болага ёрдам бериш керак.

Бундай машқ қилиш овал шаклидаги нарсаларни тасвирлаш бўйича ўтказилган олдинги машғулотларнинг бирида тарбиячи берган тушунтириши билан изоҳлаб борилиши мумкин.

Шакли ва қисмлари оддий бўлган балиқчани тасвирлашни ўзлаштириб олгач, болалар шакли ва тузилиши анча мураккаб бўлган қушларни лой ёки пластилиндан ясашга ва расмини чизишга ўтишлари мумкин: боши танасидан алоҳида ажратилиб ясалади, оёқлари ва қанотлари бор; қуш парвоз қилганида қанотларини ёзади, ерда юрганда ёки шохда қўниб турганида эса қанотларини йиғиштириб олади. Сайр қилиб юрганда, жонли бурчакда, китобдаги расмларни томоша қилганда кўп марталаб кузатишлар натижасида орттирилган бу билимлар болаларга қушлар тасвирини лой ёки пластилиндан ясашда, расмини чизишда ёрдам беради.

Болалар юмалоқ ва овал шаклдаги нарсаларни лой ёки пластилиндан ясай оладилар ва расмини сола оладилар. Энди асосий эътиборни қушча танаси қисмларини бўшлиқдаги ҳолатига ва бир-бирига нисбатан қандай ҳолатда эканлигига қаратиш керак. Қушчанинг танаси, у тинч ўтирганида, ернинг горизонтал текислигига нисбатан ётиқ, бурчак ҳосил қилиб, боши балиқчаникидек тана олдида эмас, балки тепада, оёқлари думига сал яқинроқ жойлашган бўлади. Ҳамма қушларда тана бош томонга



«Йул-йул баликчалар».

қараб йуғонлашиб, дум томонига қараб эса торайиб боради. Болалар қисмларнинг тўғри жойланишини ва уларнинг катта-кичиклик нисбатини (боши танага нисбатан кичик) тасвирлай олишлари керак.

Болалар олдига аввал қушчани лой ёки пластилиндан ясаш, сўнгра кейинги машғулотда унинг расмини чизиш вазифасини қўйишда фақат уларнинг дастлабки кузатишлар натижасида олган билим ва тасаввурларигагина ишониш керак эмас. Болаларни жуда активлаштирган ҳолда, ўйинчоқ қушча ёки унинг расмини кўриб чиқиш натижасида бу тушунчаларни аниқлаб олиш зарур.

Қушлар расмини чизиш ва уларни лой ёки пластилиндан ясаш циклига сувда сузаётган ўрдакчани тасвирлаш ҳам киради. Унинг танаси шакли ҳам худди бошқа қушларникидек; думчаси майда қушчаларникига қараганда бошқачароқ: у жуда ҳам кичкина бўлиб, тепага кўтарилган; боши овал шаклида бўлиб, тана билан унчали қўшилиб кетмаган, бўйни кўриниб туради.

Ўрта группа болалари тана шакли овалга яқинроқ, гавдаси ерга нисбатан горизонтал жойлашган баъзи бир тўрт оёқли ҳайвонларни лой ёки пластилиндан осонлик билан ясайдилар

Энг яхшиси болаларга ҳайвоннинг умумий (ортиқча деталларсиз) тасвирини ўйинчоқда кўрсатишдир. Тасвирлаш процессидан олдин бу ўйинчоқни қўл билан айлантириб чиқиб, текшириб кўрилади, болалар шу ўйинчоқни қандай қилиб лой ёки пластилиндан ясаш ёки доска олдига чиқиб, унинг расмини қап-

дай чизиш усулларини кўрсатиб берадилар (бунда чақирилган болаларнинг ҳар бири бирор қисмни лой ё пластилиндан ясайди ёки расмини чизади). Доскада бажарилган тасвирни таҳлил қилишда тарбиячи нима яхши чиққан-у, нима унчали яхши чиқмагани ва нима учун шундай бўлганини кўрсатиб ўтиш имконига эга бўлади.

Биз йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб болаларни одам гавдасини бирмунча батафсил тасвирлашга яқинлаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бундаги қийинчилик шундан иборатки, инсон гавдаси бир неча қисмлардан иборат бўлиб, уларни тўғри жойлаштириш ва шунингдек нисбий катта-кичиклигини ифода этиш керак.

Аниқ уйлаб чиқилган топшириқлар изчиллиги болаларга одам расмини чизишни ва уни лой ёки пластилиндан ясашни ўрганишда ёрдам беради. Уларга Қорқиз ёки ўзи севган қўғирчоғи ёки бўлмаса, эртак қаҳрамони образини ифода этиш топширилади. Бир қатор машғулотлар натижасида болалар гавда қисмларининг шаклини улардаги мутаносибликни, тузилишини ўрганиб оладилар. Расмлар, аппликация ишлари, лой ёки пластилиндан нарса ясаш машғулотлари турли хил персонажлар билан бойитилади.

Қўлланилиши мумкин бўлган машғулот циклларидан бири тўғрисида сўз юритамиз.

Биринчи машғулотларда, болалар вазифасини енгиллаштириш учун кам қисмдан иборат бўлган персонажни, масалан, оёқларини ёпиб турувчи узун пўстин кийган кичкинагина қўғирчок қизчани танлаш керакки, бунда бола пастга қараб кенгайиб борадиган пўстинни лой ёки пластилиндан ясайди, сўнгра гавданинг юқори қисмига бош ва қўлларни бирлаштиради. Тайёр бўлган тасвир болани қувонтиради, ясалган қўғирчоқ унинг қўлларида жонланади, бола у билан шуғуллана бошлайди.

Шу билан биргаликда бола одам гавдасини мустақил равишда тасвирлаш тажрибасига эга бўлди. Тўғри, шакл мутаносиблиги бу ерда фақат элементар кўринишда ҳал этилган, чунки бош, тана ва қўллар ўртасидаги катта-кичиклик нисбатини акс эттириш вазифаси қўйилиб, шаклни оёқларга ўрнатиш керак эмас эди; унинг тузилиши оддий (кенг пўстин) ва мустаҳкамдир.

Узун пўстинли қизча (ёки қўғирчоқ) ясалгач, бирорта қўғирчоқни: узун сарафан кийган матрёшка ёки узун пўстиндаги Қорқиз расмини (болаларга қайси образ анча танишроқ ва яқинроқлигига, кўрсатиш учун қайси ўйинчоқ ёки суратни танлаб олишга эришиш мумкинлигига, образ ҳақидаги болалар тасаввурини аниқланишига қараб) чизишни таклиф қилиш мумкин.

Масалан, тарбиячи болаларга узун пўстин кийган Қорқизни кўрсатади ва шундай дейди: «Биз сизлар билан узун пўстин кийган қизчани ясаган эдик, бугун эса сизлар Қорқизнинг расмини чизасизлар. Унда ҳам шундай узун пўстин бор, оёқчалари деяр-

ли кўринмайди. Қаранглар-чи, унинг пўстини қандай: юқориси торроқ, пасти эса кенгроқ. Қани, қўлларингиз билан ҳавода кўрсатинг-чи, Қорқизнинг пўстини қанақа экан».

Болалар икки қўллари билан кафтларини аста-секин бир-биридан узоқлаштириб, пўстин пастга қараб қандай кенгайиб боришини кўрсатадилар. Муҳими шундаки, пўстин контурининг ён чизиқларини курсата бориб, болалар кўзлари билан қўллари ҳаракатини кузатиб борсинлар: фақат шундагина ҳаракатнинг кўриш образи мустаҳкамланади.

Сўнгра тарбиячи пўстин «расмини» қоғоз варағи устида бармоқлари билан чизишларини таклиф қилади. Болалар ҳозиргина ҳавода бажарган ҳаракатни қоғоз устида такрорлайдилар. Бу ҳаракат бирданига ҳаммада ҳам яхши чиқмаслиги мумкин. Болаларни ҳаракатни бир неча марта такрорлашга ундаш ва «пўстин мана бундай: юқориси торроқ, пасти эса кенгроқ. Биз уни мана шундай қилиб чизамиз», деган сўзлар билан уларга ёрдамлашиш керак.

Болалар ҳаракатни ҳавода қилиб кўрсатганларидан сўнг, қоғозда бармоқлари билан «расм» чизганларидан кейин, Қорқиз расмини мўйқалам билан чизиш қийин бўлмайди. Бир болани доскага чақириш ва унга Қорқиз пўстинини бўёқ билан қандай чизишини (бу энг қийини, чунки бошни (юмалоқ шаклни) болалар чиза оладилар, чизиқ чизиш усулини эгаллаб олгач, қўлларнинг расмини ҳам чиза оладилар) кўрсатиб беришини таклиф қилиш мумкин, аммо бундай қилмаслик ҳам мумкин, расм чизиш бармоқлар билан кўрсатиб бўлингач, бирданига қоғозга расм чизишни бошлаш мумкин. Қорқиз расмини унинг бошини чизишдан бошлаш керак (қўл ҳаракати билан бош қаерда бўлишини кўрсатиб бериш керак) шунда бутун тасвир қоғоз устига яхши жойлашади.

Болалар Қорқиз расмини чизиб бўлганларидан сўнг унинг пўстинини безатишларини илтимос қилинг. Расм чизиш процессида пўстин бир текис, чиройли чиқиши учун уни қандай қилиб бўяш кераклигини эслатиб туриш лозим, аммо буларнинг ҳаммасини айтишга шошилмаслик керак, болаларнинг ўзлари ўйлаб, эсларига туширишга ҳаракат қилсинлар.

Болаларга ўзлари ўйлаб расм чизиш ёки шаклларни ёпиштириш имконияти берилганда, улар одатда, ўзлаштириб олган тасвирларини такрорлайдилар.

Навбатдаги тема — чиройли кўйлак кийган қўғирчоқ расмини чизиш. Группага олдиндан чиройли қўғирчоқни олиб келиб қўйиш тавсия этилади. Болалар янги ўйинчоқни кўриб жуда хурсанд бўладилар, у билан ўйнайдилар, унга хона ясайдилар. Шундан сўнг тарбиячи қўғирчоқ расмини чизишни уларга таклиф этади.

Машғулот вақтида ўйинчоқ яхшилаб кўриб чиқилади: кўйлагининг шакли аниқланади (болалар ҳавода қўллари билан унинг кўриниш шаклини кўрсатадилар); қўғирчоқнинг оёқлари

борлигига биринчи марта эътибор билан қаралади, қўллари ва бошининг катта-кичиклиги ва жойланиши аниқланади. Бу расмни болалар рангли қаламлар билан чизадилар, чунки шундай қилинганда уларга тасвирланаётган қисмларни, элементар мутаносибликларни аниқроқ ифодалаш, қаламларнинг қаттиқлиги эса қўлнинг шакл ҳосил қилиш ҳаракатларини аниқроқ ҳис этиш имконини беради.

Болаларни катта, аниқ тасвирлар чизишга ўргатиш керак (бунга машғулот бошланишидаёқ эътибор бериш керак). Аммо қалам билан расм чизиш учун бўёқлар билан расм чизиладигандек катта варақ бермаслик керак; агар у ёзув қоғозининг ярми катталигида бўлса, шунинг ўзи етарли. Топшириқнинг техник жиҳатдан яхши ижро этилиши тасвирнинг муваффақиятли чиқишига ёрдам беради. Шунинг учун машғулот давомида қўғирчоқнинг кўйлаги чиройли чиқиши учун уни болалар қандай безашлари кераклигини аниқлаб бориш лозим. Агар болалар ўзлари эсларига тушира олмасалар уларга чизиқдан четга чиқмаслик, шошилмаслик, қўл билан кенг ҳаракат қилмаслик ва қаламни қаттиқ босмаслик кераклигини, акс ҳолда қўл тез чарчаши ва расм ёмон чизилиши мумкинлигини, бир текис бўялмаган қўғирчоқ кўйлаги чиройли чиқмаслигини эслатиш зарур. Расм техникасини алоҳида эмас, балки тасвирлаш вазифасини ҳал қилиш билан бирга машқ қилиш керак.

Бир неча вақт ўтгач одам образини тасвирлашга яна

«Мен севган қўғирчоқ».

«Қизча сайр қилмоқда» (аппликация).

қайтиш мумкин. Машғулот бошланишида тарбиячи болал шундай дейди: «Бугун сиз ўзингиз яхши кўрган қўғирчоқни эртакдаги одам расмини чизасиз. Бу Аленушка, тариқбой, датча, чанғи учувчи бўлиши мумкин; хуллас кимни хоҳласа ўшанинг расмини чизасиз. Қиз бола ҳам, ўғил бола ҳам, сол ча ҳам, космонавт ҳам булар одам, одам расмини қандай чиз ни эса сиз биласиз».

Шундан сўнг ҳамма қўғирчоқларда умумий бўлган бош, т қўллар, оёқлар борлиги аниқланади. Фақат кийим ҳар хил: болада кўйлак, ўғил болада иштонча билан кўйлакча. Тарб тананинг ҳамма қисмларига, уларнинг ҳолатига ва жуда о мутаносибликка, қўллар қаердан бошланишига, унинг узу гига, кўйлак, кофточка, иштонча ва оёқлар қанча жойни эга шига болалар диққатини жалб этади. Бу машғулотда тасви наётган расмга бирмунча юқорироқ талаблар қўйиш, ҳар болага унинг олдинги расмида нима яхши чиқмаган эди, нимага эътибор бериш кераклигини тушуниб олиши учун ёр бериш мумкин.

Одам тасвирини болалар аппликацияда ҳам бажаришл мумкин. Программа бўйича учинчи кварталда болаларни к ратлар ва тўғри тўртбурчаклардан юмалоқ шакллар қир олишга ўргатиш керак. Болалар бу кўникмани бир оз эгал олганларидан кейин, улар юмалоқ бошни ҳам қирқиб олад бўладилар. Қия қилиб (кўйлакча, пўстинча) қирқишни ўрганиб олдилар. Керакли узунликдаги қоғоз бўлакчалар қирқиб олиб, болалар қўл (кўйлакча ва пўстинча енгларини оёқларини ясашлари мумкин.

Ҳар бир болада пушти рангли квадрат, кўйлакча ёки пўст учун тўғри тўртбурчак ва болалар енг кесиб олишлари учун ди шу рангдаги тўғри тўртбурчак, кўз қилиш учун тўқ ра кичик қоғоз парчаси тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Ҳамма қисмларни қирқиб олиш усуллари болаларга ил яратилган тасвирлардан таниш бўлганлигини назарга о қирқиш усулини кўрсатмасдан, балки уларга фақат бошни қа ва қайси бўлак қоғоздан қирқиб олиш кераклигини эслатиб максадга мувофиқдир. Шундан кейин улардан кўйлакни, у енгларини қандай қирқиш кераклигини ҳам сўраш керак (б лар шу саволларга жавоб бера олмаган тақдирдагина тарб тушунтириб беради).

Болалар квадратдан бош қирқаётганларида қоғозни қийиб ташламасликларини, фақат бурчакларинигина айла риб қирқиб чиқишларини кузатиб бориш керак, агар шундай линмаса бош ҳаддан ташқари кичкина бўлиб қолади ва б тасвир хунук, номутаносиб бўлиб кўринади. Шунинг учун б ларга қоғозни қўл билан секин айлантириб, фақат бурчакл нигина қирқишни ва у дарров узилиб тушиши учун ҳар бур ни алоҳида-алоҳида қирқиш кераклигини айтиш зарур. Агар дай қилиш таъкидланмаса, болалар тўхтамасдан қирқади.

натижада қоғоз спирали пайдо бўлади, доира эса борган сари торайиб боради (кейинчалик ҳам болалар шу усулни ўзлаштираётган ҳар бир машғулотда бурчакни шундай қирқиш керакки, у қирқилиб тушсин, деб таъкидлаш керак). Бир мартанинг ўзида бу усулни ўзлаштира олмаган болаларга алоҳида қоғозда яна бир марта кўрсатиб бериши мумкин, тарбиячини ўзи боланинг қўли билан биргаликда иш натижасини ўзи кўриши ва унга қандай эришишни қўли билан ҳис этиши учун, қирқиб кўрсатиши мумкин. Тўғри тўртбурчаклардан доира шаклини қирқиб олиш қирқишни ўзлаштиришнинг биринчи босқичидаги энг қийин усуллардан бири, уни эгаллаб олгач бола хилма-хил тасвир учун доира қирқиш имкониятига эга бўлади[1]:

Қиз бола ёки қўғирчоқ қирқиш ва ёпиштириш учун катта қоғоз варағини бериш керак эмас. Унинг катталиги шундай бўлиши керакки, улардан қирқилган қисмлар ёзув қоғозининг ярмисига (ёки катта альбом қоғозининг ярмисига) жойлашадиган бўлсин; ҳаддан ташқари катта тасвир қўпол, бачкана бўлиб чиқади. Болалар эътиборини тасвирнинг қоғоз варағи устида жойлашувига жалб этиш керак. Педагог тегишли кўрсатмалар беришга шошилмаслиги, балки болалар олдига савол қўйиш, уларни ўйлашга ўргатиши керак. «Қўғирчоқ яхши жойлашиши ва чиройли кўриниши учун уни қоғоз устига қандай қўйиш керак?»— деб сўрайди тарбиячи.

Тасвирий фаолият соҳасида тажриба ва билим йўқ бўлганлиги сабабли қоғоз устида тасвир қандай кўринишда бўлишини тасаввур этиш бола учун қийин. Унга ёрдам бериш учун бир варақ қоғозни олинг ва уни ўйинчоқ орқасига аввал горизонтал, сўнгра вертикал ҳолатда қўйиб: «Қоғозни шундай қўйиш керакми ёки мана бундай қўйиш керакми?»— деб сўранг.

Қоғоз қандай ҳолатда турганида тасвир чиройлироқ кўринишини болалар кўрадилар. Қоғозни қандай керак бўлса шундай қўйсинлар. Машғулот процессида болалар композицион топшириқни унутмасликлари ва қоғозни бошқа томонини ағдариб қўймасликларини кузатиб туринг. Бу ҳақда ҳар бир машғулотда эслатиб ўтиш лозим. Фақат шундай қилингандагина болалар кейинчалик тасвирни мустақил равишда яхшилаб жойлаштира оладиган бўладилар.

Тасвирий фаолият машғулотларида болаларнинг материаллар тайёрлаш ва иш тугагач уларни йиғиштиришдаги мустақиллигини тарбиялаш керак. Одатда машғулот учун материални ҳар бир бола столига тарбиячи билан навбатчилар биргаликда қўядилар, қолган болалар бу вақтда ўйнаб юрадилар ёки ўз ишлари билан шуғулланадилар, агар машғулот бошланишига бирор нарса етиш-

---

[1] Қирқишнинг у ёки бу усули бола томонидан эндиғина ўрганила бошлаганида унга бир парча оддий қоғоз бериш, керакли шакл чиқа бошлагач, рангли қоғоз бериш мумкин.

маса, навбатчига мурожаат қилинади. Навбатчининг тарбиячи билан биргаликда барча керакли нарсаларини алоҳида стол устига қўйиш тартибини мақсадга бирмунча мувофиқ тартиб деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, расм чизиш учун ўқитувчи тайёрлаб қўйган бўёқ солинган идишлар, сув учун банкалар қўйилади (тарбиячи эса уларга сув қуяди); мўйқаламлар, уларни қўйиш учун идиш, мўйқаламларни артиш учун салфеткалар ёзиб қўйилади. Сўнгра ҳар бир бола ўқитувчи таклифига кўра ҳамма керакли нарсаларни олади ва ўз иш жойига қўяди. Агар болалар олти ўринли стол атрофида ўтирган бўлсалар, унда ҳар қайси бола ўзи учун мўйқалам, салфетка тайёрлайди, бўёқ ва сув солинган банкаларни эса болалар навбатма-навбат олиб келадилар ёки биттаси олиб келса, бошқалари машғулот тугагач йиғиштирадилар. Ишни тугатгач ҳар бир бола ўз иш жойини йиғиштириб, ҳамма нарсани ўзи олган умумий стол устига олиб бориб қўяди. Бундай тартиб болаларни мустақилликка, машғулотга нима керак бўлса, ҳаммасини ўйлаб қўйишга, иш ўрнини йиғиштириб қўйишга ўргатади.

Ўрта группа тасвирий фаолият программасида декоратив расм чизиш ва декоратив аппликация машғулотлари назарда тутилади. Декоратив расмлар чизишга йил давомида 8—10 га яқин машғулот ажратилиши мумкин. Бундан қолган 30 машғулот нарсалар расмини ва сюжетли расмларни чизишта, шунингдек болаларнинг ўзлари ижод қилиб расм чизишларига ажратилади; аппликация бўйича 20 машғулотдан 5—6 таси декоратив аппликация учун ажратилиши мумкин.

Расм чизиш ва аппликация орқали декоратив тасвирни яратишда умумий бўлган вазифалар мавжуд, яъни, у ёки бу шаклдаги безакни қоғоз устига жойлаштириш, нақш элементларини мазкур шаклда тақсимлашга ўргатишдир. Шунинг учун декоратив расмлар чизиш ва декоратив аппликация машғулотлари ўзаро бир-бири билан боғланган бўлиши шарт.

Декоратив аппликацияда болалар нақш элементларини тайёр ҳолда оладилар ва қисман ўзлари ясайдилар. Масалан, тўғри тўртбурчак қоғозни иккига буклаб ва уни букланган жойидан қирқиб иккита квадрат, квадратни диагональ бўйича қирқиб— икки учбурчак, доирани иккига бўлиб—икки ярим доира ҳосил қиладилар. Бу элементларни ёйиб қўйиш, сўнгра, агар чиройли чиқмаган бўлса, жойларини алмаштириш, у ёқ бу ёққа суриш, шаклни ўзгартириш, бошқа рангдагиларини олиб алмаштириш, хуллас ўз олдига қўйган вазифага мос келадиган ва болани қониқтирадиган қилиб ҳал этиш томонини излаш керак. Шунинг учун ҳам аппликацияда нақш тузишни болалар тезроқ ўзлаштириб оладилар.

Бинобарин, янги шаклда нақш тузиш кўникмасининг ўзлаштирилишини аппликациядан бошлаш керак, шунда декоратив расм чизишда болалар диққати асосан нақш элементларини тасвирлашга жалб қилинади.

Энг аввало болалар нарсани нақш билан безатиш нима ва бу нима учун кераклиги ҳақидаги тасаввурга эга булишлари керак. Буни болалар кийими: фартуклар, свитерлар, қалпоқчалар, шарфлар ва шу кабилар асосида курсатиш ва тушунтириш жуда маъқул булади. Бунинг учун куннинг иккинчи ярмида 10—15 минут вақт ажратиб, нарсани нақш билан безатиш ҳақида суҳбат утказиш лозим. Ҳар бир нарсани алоҳида куриб чиқиб диққатни нақш композициясига ва уни ҳосил қилувчи элементларига жалб этиш керак. Агар шундан сунг декоратив расм чизиш машғулоти утказилса, болалар топшириққа онгли ёндошадилар.

Декоратив расм чизишдан биринчи машғулот утказиш учун ҳар хил қалин рангли қоғоздан спорт қалпоқчалари (уларни контур чизиғи буйича қирқиб олиб) тайёрлаш мумкин. Болалар қоғоздан қирқиб олинган йул орасини нақшлар билан тулдиришлари керак, сунгра ҳар бир бола шу нақшлар билан уз қалпоқчасини безатади.

Болалар вертикал ва горизонтал жойлашган чизиқлар бирикмасидан иборат булган нақшнинг турли хил вариантларини, горизонтал ва вертикал жойлаштирса ҳам чиройли чиқадиган буёқ доғчаларини; хилма-хил нуқталарни куришлари учун биринчи машғулотга йул ичига чизилган нақшлардан бир неча намуналарни тайёрлаб қуйиш мақсадга мувофиқдир. Йул ичига чизиладиган нақшнинг оддий элементлари композициясини болаларнинг узлари уйлаб ишлашлари учун қуйилган намуналар куриб булингач, олиб қуйилиши керак.

Тарбиячи болаларга қалпоқча рангига контраст рангларни танлаб олишни тавсия этади: агар қалпоқча оч рангда булса, унда нақш туқ рангдаги буёқ билан бажарилгани маъқул ва аксинча агар қалпоқчанинг ранги қизил, сариқ булса нақш кук, яшил ранг билан ишланиши керак ва ҳоказолар. Шундай қилиб болаларда рангни ҳис этиш туйғуси усиб боради.

Йул ичига нақш ишлаш куникмасини мустаҳкамлаш учун шу машғулотдан кейин яна бир-икки машғулот утказилса яхши булади. Биринчи машғулотда қилинганидек, йул ичига нақш ишлашни бирор нарсани, масалан, свитерни (свитер хар хил рангли қалин қоғоздан қирқиб олинади) безатиш билан қушиб олиб бориш мумкин. Болаларга свитернинг енгларини, олдини ёки пастки қисмини йул-йул нақшлар билан безатиш таклиф қилинади. Бу машғулотга намуналар тайёрламасдан, балки, машғулот бошланишида нақш ´учун фойдаланмоқчи булган элементларни курсатиб беришлари учун доскага 2—3 бола чиқарилади. Свитернинг енглари ва пастки қисми бир хил нақшлар билан безатилиши кераклигини болаларга эслатиб қуйиш керак.

Декоратив аппликацияга ургатишни ҳам квадратни безатишдан бошлаш мумкин. Бу машғулотларда болаларни нақшни квадрат ичига жойлаштириш принциплари билан таништириш керак. Биринчи машғулотда болаларни нақш элементларини квадрат бурчаклари ва ён томонларига жойлаштиришга

ўргатиш лозим. Квадратни безаш вазифаси болалар олдига биринчи марта қўйилаётганлиги сабабли (йўл ичини улар кичик группадаёқ безатганлар), шаклни батафсил таҳлил қилиш: бурчакларини кўрсатиб санаб чиқиш, томонларини қўл билан айланиб чиқиш, уларни санаш, сўнгра болаларга тарбиячи томонидан тайёрлаб қўйилган турли рангли қоғоз бўлакларидан унча катта бўлмаган квадратчалар (3×3 см) кесишни ва бурчакларни безатиш учун бир хил рангдаги квадратчаларни танлаб олишни таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу биринчи машғулот бўлишига қарамай нақш элементларини квадрат томонларига жойлаштиришда болаларга эркинлик бериш мумкин. Бунда ҳамма томонларни бир хил безатиш кераклигини фақат эслатиб туриш лозим. Машғулот ўтказишнинг болаларга бирор вазифа топшириб, унинг бир қисмини ўз хоҳлаганларича ҳал қилишларига имконият берадиган бундай методикаси ижодий фаолият ва мустақилликни ўстиришга ёрдам беради.

Баъзи тарбиячилар декоратив расм чизиш ва аппликация бўйича ўтказиладиган машғулотларнинг ҳар бирига намуналар тайёрлайдилар ва уларни худди шундай қилиб бажаришларини болалардан талаб қиладилар. Намуна қандай бўлса, уни шундайлигича аниқ кўчириб олиш натижасида болалар ҳар хил шаклларга нақшлар тайёрлашни ўрганиб оладилар, деган фикр бор. Аммо бу шундай эмас. Кўрсатилган нақшнигина аниқ бажаришга ўрганиб қолиб, бола кўпинча декоратив композицияни яратиш усулларини, олинган билим ва кўникмаларни фаолиятнинг бошқа шароитларига олиб ўтиш малакасини кўпинча эгаллаб олмайди. Нақш элементлари бир хил жойлашганида турлича бўлиши мумкинлигини болалар тушунмайдилар. Болага нақшнинг турли элементларини фаол равишда излаш ва топа билиш, ўз дидига кўра рангларни танлаш, у ёки бу шаклдаги қоғоз устига нақшни жойлаштириш имконияти берилган ҳолларда ҳам эгалланаётган кўникмалар англанган кўникмага айланади ва шароит ўзгарганида ундан осонлик билан фойдаланилади. Бу боланинг эстетик ривожланишига, тасвирий фаолиятнинг ўсишига ёрдам беради. Масалан, квадрат ичида аппликатив нақш ясашни ўзлаштириб олгач, болалар кейинчалик ҳеч қийналмасдан шу шаклга нақш расмини чизадилар. Тарбиячи эса нақш элементларининг рангини ҳар қандай ҳолатда ҳам чиройли чиқадиган қилиб танлаши керак, масалан, баъзиларининг столи устига ҳаво ранг, тўқ қизил, жигар ранг қоғоз бўлаклари, бошқаларига эса — кул ранг, тўқ ҳаво ранг, тўқ сариқ ва шу кабиларни қўйиш керак.

Агар тарбиячи материални рангига қараб танлашни ҳамма вақт ўйлаб амалга оширадиган бўлса, унда биринчи дарснинг ўзидаёқ болаларга нақш учун мустақил равишда элемент танлаш имконини бериш мумкин. Агар бирор нарса муваффақиятли чиқмаса, ишни таҳлил қилиш процессида болалар диққатини ана шунга қаратиш лозим.

Декоратив расм чизиш ва декоратив аппликация машғулотлари циклининг амалга оширса бўладиган вариантини келтирамиз.

1. Қалпоқча учун йўл ичини безаш.
2. Свитер учун йўл ичини безаш.
3. Қўлқопни безаш.
4. Квадрат ичига декоратив расм чизиш.
5. Квадрат ичидаги декоратив аппликация.

Бу машғулотда янги элементлар киритилиши муносабати билан вазифа мураккаблашади: квадратни диагональ бўйича қирқиб, болалар учбурчаклар ҳосил қиладилар, бу учбурчаклар ҳам нақшда ишлатилади; бундан ташқари, ўртани безатиш ўргатилади. Машғулот учун тайёрланган бир неча намуналарда тарбиячи бурчаклар ва ўрта қандай тўлдирилганлиги (элементлар бир хил рангда бўлиши муҳимдир), нақшда учбурчаклар қандай жойлаштирилиши мумкинлигини кўрсатади.

6. Квадрат ичига нақш чизиш.

Болалар нақшда чизиқлар, доғлар, нуқталардан (бир неча намуналар асосида) қандай фойдаланиш мумкинлигини билиб оладилар. Бунда элементлар жойлашишининг ритмлилигига — бир-биридан бир хил узоқликда жойлашганлигига, бурчаклардаги ва томонлардаги нақшларнинг ранги ҳар хил эканлигига уларнинг диққатини жалб этиш лозим. Айни бир вақтда шу машғулотда квадратни нақш билан тўлдириш усуллари мустаҳкамланади.

7. Квадрат ичига ҳалқачалардан, доиралардан ва доғчалардан нақш чизиш (конспектга қаранг).
8. Кўпбурчак ичида декоратив аппликация.

Бу машғулотда болаларни кўпбурчак шакли билан таништириш (бурчак ва томонлари кўп) лозим ва улардан бу шакл қандай безатилади, нақш элементлари қаерларига жойлаштирилади, деб сўраш керак. Агар болалар жавоб бера олмаса, улардан кўпбурчак ва квадратда бир-бирига қандай ўхшашлик бор, деб сўраш ва сўнгра бурчак шаклидаги нақш билан безатишнинг умумий қоидаларига ўтиш керак.

9. Кўпбурчакда декоратив аппликация.

Машғулот кўпбурчак шаклини безатиш кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилади. Бунда нақш элементларини танлашда ва тайёрлашда болаларга кўпроқ эркинлик бериш тавсия этилади.

10. Кўпбурчак ичига қор парчаси расмини чизиш.

Бу топшириқни бажариш учун нақшни ясашда қандай изчиллик бўлиши кераклиги ҳақида аниқ кўрсатмалар бериш зарур.

11. Кўпбурчакни гул шаклидаги нақш билан безатиш (аппликация).
12. Декоратив расм чизиш. Доира ўртасини катта гул билан безатиш.

«Бугун қуёш чарақлаб турибди».

«Мушук офтобда исиняпти».

13. Идишчага нақш чизиш.

Бу машғулот учун оддий элементлар (турли катта-кичикликдаги доғчалар, нуқталар) билан безатилган 2—3 сопол идишча ёки тақсимчалар тайёрлаб қуйиш; уларни кўриб чиқиш, композицияси хусусиятини (нақш четига ва ўртасига, баъзида фақат четига жойлаштирилади, элементларнинг аниқ ритмлилиги), уларнинг бир-бирларидан бир хил масофада жойлашганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

14. Айлана ичини болаларнинг ўзи ижод этган нақшлар билан безатиш (расм чизиш).

Бирор шаклни расм ёки аппликация ёрдамида безатиш учун нақшлар тузишда болалар қийинчиликка учрасалар, машғулот сонини кўпайтириш мумкин. Баъзи бир машғулотлар ўзгартирилиши ҳам мумкин. Фақат шу нарса муҳимки, ўрта группа учун мўлжалланган декоратив расм ва декоратив аппликация бўйича қўйилган программа талаблари бажарилиши керак.

Тарбиячи топшириғига биноан ўтказиладиган машғулотлар билан бир қаторда бу группада камида ҳар ойда бир марта болаларнинг ўзлари ижод қилиши буйича машғулот ўтказилиши керак. Энг яхшиси бундай машғулот учун ҳар ойнинг охиридаги лой ёки пластилиндан нарса ясаш ва расм чизиш машғулотини ажратган маъқул. Расм чизиш ва лой ёки пластилиндан нарса ясаш темасини боланинг ўзи танлаши керак. Аммо биринчи вақтларда болалар фикри турғун бўлмаганлиги, тасодифий шароитлар таъсирида тез-тез ўзгариб туриши ва бола машғулот вақтида ўз фикрини тезда аниқлай олмаганлиги, ниманинг расмини чизишни, нима ясашни ҳал қила билмаганлиги сабабли педагог болага мазмунни ўйлаб топишда ва уни амалга оширишда ёрдам қилиши зарур.

Бола қизиқишини билиб, эҳтиётлик билан, унга ҳеч қандай фикрни зўрлаб ўтказмасдан, ўзи яхши кўрган ўйинлари, ўйинчоқлари, ўзи гувоҳи бўлган қизиқ кузатишлар, воқеаларни эслатиш мумкин. Баъзи вақтларда бола ўйлаган фикр умумий тема, масалан, «Сенинг севимли ўйинчоғинг», «Истаган расмингни чиз» ва шу кабилар билан йўналтириладиган машғулотларни ҳам ўтказиш мумкин. Кўп ҳолларда болалар билан келгусидаги машғулот ҳақида ва ким ниманинг расмини чизиши (лой ёки пластилиндан ясаши) ҳақида гаплашиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Болалар активлигини, ижодини ўстириш учун топшириқ бериш машғулотларида ҳам тасвир этиладиган нарсанинг барча моментларини келишиб олиш керак эмас: мумкин бўлган жойларини ҳар бир бола томонидан эркин ҳолда ҳал қилиниши учун қолдириш лозим.

Топшириқни аниқлаш мақсадида тарбиячи маълум миқдордаги тасвирларни талаб қиладиган ҳоллар ҳам бўлиб туради: масалан, куз дарахтларининг расмини чизишни таклиф қилиб, уларнинг сонини чегаралайди (иккита дарахт расмини чизинг)

ёки расм темасини қисқача таърифлаб, унинг мазмунига талаблар қўяди (уйнинг расмини ва унинг олдига дарахт расмини чизинг). Ҳолбуки «Кузги дарахтларнинг ва буталарнинг расмини чизинг» деб оддийгина ҳал этиш бирмунча фойдалироқдир. Ахир энг муҳими кузги кўринишлар характерини: дарахт ва буталардаги япроқлар рангининг ўзгаришини, ерга тушаётган япроқларни ифодалашдир. Майли, ҳар бир бола буни ўз билганича бажарсин. Бола нечта дарахт ва буталар расмини чизади, бунинг аҳамияти йўқ. Агар бола фақат битта дарахт расмини чизса-ю, аммо уни ифодали қилиб ишлаган бўлса ва расмда боланинг куз ҳақидаги тасаввури ифода этилган бўлса — бу яхши. Бошқаси эса иккита дарахт ва битта бута ёки битта дарахт ва кўп буталарнинг расмини чизган бўлса — бу ҳам яхши. Ахир болалар теварак-атрофдаги турли хил воқеаларни кўрадилар, улар ана шу воқеаларни акс эттиришни ўрганишлари керак.

Расм темасини сунъий торайтириш керак эмас. Битта тасвирий топшириқ қанчалик хилма-хил ҳал этилса, шунчалик яхши. Болалар бу топшириқни ўз истаганларича ҳал эта олишлари учун машғулот охирида, болалар иши таҳлил қилинаётган вақтда яхши бажарилган расм (ёки ясалган нарса)ни кўрсатиб ўтиши керак. «Қаранглар, Вася қандай ажойиб расм чизибди,— дейди тарбиячи,— уй олдида чиройли гуллар кўп, қуёш порлаб турибди. Бу уйнинг ҳовлисида сайр қилиш ҳам ёқимли.

«Мен катта уйда яшайман».

Леночка эса бутунлай бошқача расм чизибди: У чизган уйнинг атрофида дарахтлар кўп. У чизган расм ҳам яхши».

Топшириқ бўйича берилган расмга болалар томонидан қўшимчалар киритилса, уларни рағбатлантириш керакми? Уларни, шубҳасиз рағбатлантириш керак. Агар ҳар бир бола ўзидан бирор нарса қўшса, болалар бажарган иш бирмунча қизиқарлироқ, ранг-барангроқ бўлади. Бироқ қўшимчалар расм (лой ёки пластилиндан ясалган нарсалар)нинг темасига мувофиқ равишда бориши, уни бойитиши ва кенгайтириши керак.

Масалан, болалар юк машинаси расмини чизиш топшириғини олдилар. Расмни муваффақиятли бажарган болаларга машина кетаётган йўл расмини, у ортиб кетаётган юкни, кабина ичидаги шофёрни, худди шу кўчадан юриши мумкин бўлган бошқа машиналар расмини чизишни таклиф қилиши мумкин. Ҳар бир бола мана шу хилма-хил таклифлардан ўзини кўпроқ қизиқтирадиганини ва ўзига кўпроқ ёқадиганини танлаб олсин. Аммо у шунингдек, педагог айтмаган, лекин расм темасига мос келадиган бирор бошқа нарсани ўзи қўшиши ҳам мумкин.

Беш ёшга қадам қўйган болалар учун бирмунча юқори эмоционал илтифот, катта тажриба хос хусусият бўлганлиги сабабли, болаларнинг нарсалар ва теварак-атрофдаги воқелик ҳақидаги тасаввурини аниқлашда китоблардаги суратлардан фойдаланиш имконияти берилади. Расм чизишдан машғулотлар ўтказиш мазмунига биноан тарбиячи керакли нарсалар тасвирланган китобдаги суратлар ёки бадиий откриткаларни танлаб олиши ва машғулотлардан бир-икки кун олдин группа хонасидаги стендга қўйиши, болалар диққатини уларга жалб этиши ва уларга шу нарса қандай тасвирланганлигини кўриб чиқишни таклиф қилиши мумкин. Муҳими шундаки тасвир бадиий ва аниқ қилиб ишланган бўлиши керак (мураккаб ракурсда ифода этилган нарса ярамайди). Масалан, болалар ўзлари севган қўғирчоқларининг расмини чизишлари керак бўлган машғулотдан олдин турли қўғирчоқлар ёки одамлар расмини танлаб олиш, уларни болалар билан биргаликда кўриб чиқиш ва шу расмларни болаларнинг ўзлари яхшилаб кўриб чиқишлари учун уларни бир неча вақтга группада қолдириш мақсадга мувофиқдир.

Бошқа вақтда машиналар расмини чизиш ёки аппликациядан олдин тегишли суратларни танлаб қўйиш мумкин. Албатта, бу суратлар ҳаддан ташқари мураккаб бўлмаслиги, болалар тасвирлай олмайдиган, асосий нарсадан болалар диққатини четга тортадиган кўп деталлар бўлмаслиги керак. Суратлар кўп бўлмаслиги керак, 3—4 сурат бемалол етади. Ўхшаш тематикага эга бўлган бошқа машғулотларда қисман таниш бўлган, қисман эса янги суратлардан фойдаланиш мумкин. Бу болалар тажрибасининг ортишига, теварак-атроф ҳақидаги тасаввурининг бойишига, бадиий дидининг ўсишига ёрдам беради.

Ёз вақтида болалар билан қандай ишлаш керак?

«Машина ғишт олиб кетяпти».

Ёз вақтида тасвирий санъат бўйича янги вазифалар қўйилмайди ва машғулотлар мунтазам ўтказилмайди. Аммо, шу нарсани унутмаслик керакки, ёзда болалар жуда кўп янги таассуротлар оладилар, уларни ўйинда, ҳикоя қилишда, тасвирий фаолиятда ифода этишга интиладилар. Шунинг учун болалар олган таассуротларининг қайсиларини аппликацияда, қайсиларини лой ёки пластилиндан нарсалар ясашда ифодалашлари мумкинлигини ва нима ҳақида расм чизишни уларга тасвия қилишни тарбиячи яхши билиб олиши керак. Бунда йил давомида болалар маълум кўникма ва малакаларни эгаллаб олишларини назарда тутиш керак ва бу уларга ҳосил қилинган таассуротларни тасвирлаш усулларини тарбиячининг кўрсатмасисиз ифодалаш имконини беради.

Ёзда бажариладиган ишнинг асосий вазифаларидан бири кузатувчанликни, қизиқ нарсаларни кўра олиш кўникмасини ўстириш, бола эътиборини жалб этган нарсани бирмунча диққат билан қараб чиқишдир. Кичкина болалар ўз диққатини бирор нарса (ҳодиса) устида узоқ кутиб тура олмаганликлари сабабли, худди шу нарсанинг ўзини 2—3 марта кўздан кечириб чиқиш, кузатиш процессини бир неча босқичга бўлиш зарур. Бунда шундай қилиш керакки, ҳар гал нарсани умуман кўздан ўтказиб, унинг олдинги кузатишларда кўзга ташланмаган янги сифатлари, хусусиятларини ажратиб кўрсатиш керак. Масалан, болалар билан ёзги гулларни кўриб чиқаётганда бошланишда бу гуллар қандай чиройли эканлигини айтиш, болаларга гулларни қўлларига олиб томоша қилишлари учун имкон бериш, кейинги галда эса боланинг диққатини гулнинг шаклига, унинг рангига қаратиш лозим.

Йил давомида тасвирий фаолият машғулотларида кенг қўлланилган, нарсани тасвирлашдан олдин уни синчиклаб кўриб чиқиш методини ёзги машғулотларда қўллаш керак, аммо энди

атафсил шаклда текширилмайди. Болалар ўзлари учун ўлган нарсалар ва воқеалар билан тўқнашадилар, ана улар ҳақида аниқ тасаввур шаклланиши жуда муҳим ятга эга, акс ҳолда бола уларни тўғри акс эттира олмайди. а болалар қўзиқоринлар, мевалар, дарахтлар, гулларни нингдек болалар боғчаси участкасида яшовчи қушлар, ларни лой ёки пластилиндан ясайдилар, аппликация ёрда-епиштирадилар, расмини чизадилар. Улар ранг-баранг очилиб ётган гулзор; кўп дарахтлар ўсиб ётган ўрмон; омонга олиб борадиган йўл ва шу кабиларнинг расмини лари мумкин.

и ҳаётнинг баъзи кўринишлари коллектив бўлиб бажа-ишларда ифода этилиши мумкин. Масалан, ҳамма бола-илан биргаликда «Чиройли гуллар очилди» (расм) ёки хтларга турли хил қушлар учиб келишди» (аппликация) тив фризни яратиш мумкин.

а ўтказиладиган машғулотларда болалар томонидан йил ида эгалланган тажрибани активлаштириш муҳим аҳа-эга. Шу мақсадда болалардан улар бирор ҳодиса ёки нарсани қандай тасвирлашларини сўраш зарур.

и давомида ҳам, ёзда ҳам машғулотларни планлашти-тарбиячи мазкур вақт оралиғида болалар билан қандай и-тарбиявий ишлар ўтказилиши кераклигини назарда и керак. Бу ишнинг хамма бўлимларини бир-бирига боғ-лишини амалга оширишда ва тасвирий фаолият бўйича ладиган машғулотларга тематик мазмун танлашда, бо-нинг нутқ ўстириш ва теварак-атроф билан танишиш лотларида, музика машғулотлари ҳамда бадиий адабиёт рини ўқишда олган билимлари ва тасаввурларига таяниш Болаларнинг қандай қўшиқларни айтаётганлари, қан-еърларни ёд олаётганларини эътиборга олиш муҳим аҳа-эга, агар шуларда таъсирли образлар бўлса, унда бу р, масалан, Е. Серованинг «Қоқигул» («Одуванчик»), ума» («Колокольчик»), А. Бартонинг «Кемача», Е. Трут-нг «Арча» каби шеърлари болалар чизадиган расмнинг, и пластилиндан ясайдиган нарсаларнинг, аппликацияла-мазмунига айланиши мумкин.

ъзи бир шеър ва музика асарларидан эмоционал кайфи-ужудга келтириш, бирор нарсанинг расмини чизиш, лой астилиндан ясаш истагини туғдириш мақсадида фойда-мумкин, масалан, М. Старокадомскийнинг «Қуёнча» ик») асари музикасини, И. Кишко ёзган «Куз» («Осень») ини тинглаш.

вирий фаолият машғулотлари тематикасини ўйлаб чи-тарбиячи фақат шу бўлимгагина тааллуқли бўлган про-а вазифаларини билиб қолмасдан, балки у ёки бу группа ги болалар билан барча бўлимлар бўйича олиб борила-тарбиявий ишнинг мазмунини билиши керак.

Расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш, аппликация бўйича ўтказиладиган машғулотларни планлаштиришга бундай ёндашиш берилган намунавий планда амалга оширилади. Октябрь ойи планидаги биринчи машғулотга эътибор беринг: «Тарбиявий ишнинг бошқа томонлари билан боғланиши» бўлимида белгиланган барча ишлар ўрта группа «Программаси»нинг «Табиат билан танишиш ва нутқни ўстириш», «Музика тарбияси» бўлимларида назарда тутилади.

Тасвирий фаолиятдан иш олиб бораётганда тарбиячи ҳар бир машғулот эстетик тарбияга хизмат қилиши кераклигини назарда тутиши керак: болаларда эстетик ҳис (шаклни, рангни, композицияни сезиш)ни тарбиялаш керак.

Бу агар болалар программада белгиланган рангларни яхши билсаларгина, тарбиячи машғулотларга ранги жиҳатидан мос келадиган материалларни яхши ўйлаб топсагина амалга ошиши мумкин бўлади. Расмнинг чиройли ва ифодали чиқиши болалар томонидан шакл ҳосил қилиш ҳаракатлари ва расмда, лой ёки пластилиндан ясалган нарсада, аппликацияда нарсалар шаклини тасвирлаш кўникмасини қанчалик эгаллаб олинганлигига боғлиқдир.

Равшан тасвирланган шакл болада яхши кайфият, ижобий эмоцияни вужудга келтиради. У педагог диққатини бир неча марта жалб этишни унутмайди: «Қаранг, мен қандай расм чиздим!» ёки «Мен яхши ясадим (расм чиздим), тўғрими?»— деб сўрайди бола, педагог мақташини кутиб.

Муваффақиятли чиққан композиция ҳам эстетик эмоцияни пайдо қилади. Агар расм, аппликация қоғоз бетида яхши жойлаштирилган бўлса (унчалик катта ва ҳаддан ташқари кичик тасвирланган нарса шакли ва мутаносиблиги ҳисобга олинган; асоссиз бўш қолдирилган жойлар йўқ, тасвир четга чиқиб кетмаган), бу ҳам болани қувонтиради (яхши натижага эришиш учун тарбиячининг ёрдам кўрсатиши нимадан иборат бўлиши юқорида айтиб ўтилган).

Машғулотларнинг болаларга эстетик таъсир кўрсатиши тасвирлаш учун қандай нарса ва ҳодисалар танлаб олинишига ҳам боғлиқдир (булар болаларга яхши таниш бўлган нарсалар, ўйинчоқлар, табиат ва ижтимоий ҳаётдаги ҳодисаларгина эмас, балки чиройли, болани ажаблантирувчи, завқлантирувчилар ҳамдир). Топшириқни тарбиячи тушунтира билиши ҳамда болаларда нарсани тасвирлаш истагини пайдо қилиш учун уни биргаликда кўриб чиқиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунинг учун энг аввало диққатни нарса ёки воқеа гўзаллигига жалб этиш, образли, ифодали сўзлар топиш керак. Машғулотга шеър, қўшиқ текстларини киритиш эстетик таассуротни ҳамма вақт кучайтиради.

Машғулотларнинг тахминий плани

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбиявий ишнинг бошқа томонлари билан боғланиши
			Октябрь		
1	„Куз, барглар дарахтлардан учиб тушмоқда“ темасида расм чизиш	Кузни тасвирлашга ўргатиш. Дарахтлар расмини чизишга ўргатишни давом эттириш: шохлари йўғон ва ингичка. Бўёқ билан расм чизиш усулини мустаҳкамлаш: бошқа бўёққа ботиришдан олдин мўйқаламни яхшилаб ювиш ва қуритиш, бўёқ қуригунча кутиб тура олиш ва бошқалар	Хиёбонга қилинган экскурсияни болалар билан биргаликда эсга тушириш, ҳозир йилнинг қайси фасли, дарахтлар қандай, барглар қанақа рангда, шамол эсганда улар дарахтлардан қандай тўкилишини сўраш. Дарахтнинг нимасини: танаси, шохлари, баргларининг расмини чизишни айтиб беришларини сўраш. Расм чизишни нимадан бошлаш кераклигини сўраш. Болалардан бироргасини дарахт расмини қандай чизишни кўрсатиб бериши учун доскага чақириш	Гуашь бўёғи, қоғоз, мўйқалам	„Куз“, „Хазонрезги“ шеърларини ёд олиш. Хиёбонга экскурсия қилиш. „Куз,“ „Шамол эсади“ қўшиқларини айтиш
2	„Афсонавий дарахт“ темасида расм чизиш	Болаларни афсонавий образ ўйлаб топишга ўргатиш. Реал нарсага оид ажойиб деталлар (гуллар, мевалар, ажойиб шакл ва рангга эга бўлган барглар) ўйлаб топиш. Дарахт тузилишини тўғри тасвирлаш кўникмасини мустаҳкамлаш. Рангли қаламлар билан расм чизишга ўргатиш	Афсонавий боғларда афсонавий дарахтлар ўсиши ҳақида болалар билан суҳбатлашиш. Оддий дарахтларда бўлганидек уларда ҳам тана, шохлар бор, бироқ барглари, мевалари, гуллари сеҳрлидир. Болаларга ўйлаб кўришни ва қандай дарахтлар расмини чизмоқчи эканликларини айтишни таклиф қилиш. Машғулот давомида қаламни тўғри ушлашлари ва улар билан тўғри расм чизишларини эслатиб туриш. Ҳамма расмларни кўриб чиқиш, энг ифодали чиққанларини танлаб олиш.	Рангли қаламлар	Эртакларни ўқиш ва сузлаб бериш, китобдаги расмларни томоша қилиш. Эртаклар темасидаги диафильмларни кўриш
3	Квадрат шаклидаги „Румолчани безатиш“	Нақш композициясини яратиш кўникмасини ўстириш: бурчаклари, томонларини ажратиш. Квадрат ҳақидаги би-	Квадратни кўриб чиқиш, шакл номини аниқлаш. Болаларга бурчакларни, томонларни топишни, уларни санаб чиқишни таклиф қилиш ва уларнинг номини яхши билиб	15×15 *см* ли квадрат қоғоз, ёпиштириш учун	Кундалик ҳаётида эътиборини чиройли материалларга жалб этиш

Давоми

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбиявий ишнинг бошқа томонлари билан боғланиши
	аппликацияси	лимни мустаҳкамлаш. Рангларини чиройли қилиб бир-бирига қўшишни ўргатиш	олиш. Қвадратнинг бурчакларини ва томонларини безаш мумкинлигини айтиш. Биронта болага доскага чиқиб квадрат бурчакларини безашни таклиф қилиш (контекстга қаранг)	тайер шакллар	
4	Бодринг ва лавлагини пластилиндан ясаш	Бодринг мисолида болаларни овал шакл билан таништириш. Ясашда бодринг ва лавлаги шакллари хусусиятини тасвирлашга ўргатиш. Лойни кафтлар орасида тўғри ва айлана ҳаракатлар билан эшиш, бармоқлар билан керакли қисмларини чўзиб чиқариш кўникмаларини мустаҳкамлаш	Бодринг ва лавлагини текшириб чиқиш, шаклини таърифлаш, таққослаш. Болалардан лавлагини пластилиндан қандай ясаш кераклигини сўраш. Думини чўзиб чиқариш, бодринг ясаш усулини кўрсатиш. Ясаш усулларини ҳавода қилиб кўрсатишни болаларга таклиф қилиш. Ясалган сабзавотларни кўздан кечириб чиқиш, болаларга шулардан энг чиройлиларини танлаб олишларини таклиф қилиш (шакли аниқ ифодаланганларини, ўзига хос хусусиятга эгаларини)	Бодринг, лавлаги, пластилин	Ўйин бурчагида ўйинлар ўйнаш. „Ажойиб халтача" дидактик ўйини, „сабзавотлар" лотоси ва бошқалар
5	Рангли шарларнинг расмини чизиш	Болаларни овал шаклни аниқлашга, уни расмда тасвирлашга ўргатиш. Эстетик идрокни (чиройли ҳаво шарлари) ўстириш	Икки ҳаво шари: юмалоқ ва чўзинчоқ шарларни текшириб чиқиш. Уларнинг шаклини аниқлаш. Шарлар шаклини қўл билан ҳавода чизиб кўрсатиш. Овал шаклини чизиш усулини кўрсатиш (педагог). Доскада кўрсатиб бериш учун болаларни чақириш Шарлар расмини чизиб бўлганларидан сўнг энг чиройлисини танлаб олишлари ва бўяшларини таклиф қилиш (бўяш усулларини эслатиб туриш)	Рангли қаламлар, альбом варағидек қоғоз	
6	„Сичқонбой югурди, думини қимирлатди, тухум тушиб кетди ва ёрилди" темасида лойдан нарсалар ясаш	Лойдан нарсалар ясаш билан эртакдаги образларни яратишга ўргатиш. Нарсалар ва ҳайвонларни тасвирлашда овал шаклини ясаш кўникмасидан қўлланишга болаларни ўргатиш. Бармоқлар билан чўзиб ва силлиқлаб шакл характерини тасвирлаш кўникмасини мустаҳкамлаш	«Чипор товуқча» эртаги мазмунини болалар билан эслаш. Тухум ва сичқон гавдаси шаклини аниқлаш. Овал шакли қандай ясалишини сўраш. Танани ясаш усулларини кўрсатиш. Сичқоннинг тумшуғи ва думини қандай ясашларини болалардан сўраш. Лойдан нарсалар ясаш процессида шаклни аниқроқ ифодалашга эришиш	Лой, дум учун ингичка қоғоз, сичқоннинг оёғини ясаш учун гугурт чўплари	„Чипор товуқча" эртагини ўқиш, диафильмини томоша қилиш
7	„Уйни қирқиб (истаган уйни) ёпиштиринг" аппликацияси	Уйнинг асосий қисмларини ифодалаш, деталларни мустақил равишда қирқиб олиш, уларни қоғоз устига жойлаштириш кўникмаларини мустаҳкамлаш. Тасвирни ўз хоҳишига кўра баъзи бир деталлар билан тўлдириш	Тарбиячи томонидан ёпиштирилган бир неча уйлар (бир қаватли, икки қаватли) нинг тасвирини кўриб чиқиб, уй қисмларининг тузилишини ва шаклини аниқлаш. Қирқиш усулларини аниқлаш. Болалар қайчилардан тўғри фойдаланаётганларини кузатиб туриш. Асосий тасвирни бошқалардан олдин тамомлаганларга уй олдига нимани хоҳласа ўшани қирқиб ёпиштиришни таклиф қилиш	Квадрат, тўғри тўртбурчак, йўл шаклидаги рангли қоғозлар	Сайр ва экскурсия вақтларида турли хил уйларни кўздан кечириш
8	„Кофтани безаш" темасида декоратив расм чизиш	Болаларни йўл ичини доғчалар, йўл-йўл чизиқлар, нуқталар, айланачалар билан безатишга ўргатиш. Йўл ичига элементларни ҳар хил (вертикал, горизонтал, қия) жойлаштиришга ўргатиш	Турли хил безатилган бир неча декоратив йўлчаларни кўриб чиқиш. Кофтани безатишда улардан қандай фойдаланишни кўрсатиш. Намуналарни олиб қўйиш ва болаларга йўл ичини мустақил безатишларини таклиф қилиш	Бир неча намуналар. гуашь бўёғи, эни 5 *см* ли қоғоз варағи	Нақшлар билан безатилган кофталарни кўриб чиқиш
9	Пластилиндан балиқча ясаш	Тана шакли номини (овал) мустаҳкамлаш, овал шаклига эга бўлган нарсаларни пластилиндан ясашни машқ қилдириш. Чўзиш, улаш усулларини (бош, дум) ўргатишни давом эттириш	Балиқча (ўйинчоқ)ни текшириб чиқиш. Овал шаклидаги таначани пластилиндан қандай ясаш, бош, дум, сузғич қанотлар ясаш учун нима қилиш кераклигини болалардан сўраш	Пластилин ўйинчоқ	Аквариумдаги балиқчаларни кузатиш

Давоми

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбиявий ишнинг бошқа томонлари билан боғланиши
10	Лой ёки пластилиндан ўзи ижод қилиб нарсалар ясаш	Болаларни мазмунни ўйлаб топишга, ўйлаганларини охиригача етказишга ўргатиш. Илгари эгалланган малака ва кўникмалардан фойдаланиш	Болаларга улар нимани истасалар шуни лой ёки пластилиндан ясашларини айтиш. Ким нимани ясамоқчи бўлса, ўшани ўйлаб кўришни, номини аташни таклиф қилиш. Уни қандай ясашларини сўраш. Уч-тўрт боладан сўраш, бирмунча қизиқ фикрларни таъкидлаб ўтиш, бошқа болалар фикрини лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш процессида аниқлаш	Лой ёки пластилин ясаш учун тахтача	
			Март		
1	Онамга совға учун „Чиройли гул" аппликацияси	Болаларни бурчакларини айлантириб қирқиш усулидан фойдаланиб, чиройли гул қирқиб олиш ва ёпиштиришга ўргатиш. Қоғоз бетига тасвирни чиройли қилиб жойлаштиришга ўргатиш	Болаларга қандай чиройли гулларни кўрганликларини эслатиш, гулнинг қисмлари (банди, гул ўрни, япроқчалари) ҳақидаги билимларини аниқлаш. Қирқиш усулларини кўрсатиш учун болаларни доскага чақириб доира шаклини улар эсига тушириш	Оқ ва рангли қоғозлар	8-Март байрамига тайёргарлик
2	„Чиройли гуллар очилди" темасида расм чизиш (айрим ишлардан чиройли гулдаста тузиш)	Мўйқаламнинг бутун мўйи ва унинг учи билан доира ва овал шакллар расмини чизиш кўникмасидан фойдаланиб, болаларни чиройли гуллар расмини чизишга ўргатиш. Рангни ҳис этишни ўстириш, фонга мувофиқ равишда расм чизиш учун бўёқни ўйлаб ишлатишга ўргатиш	Откриткалардаги чиройли, аммо мураккаб бўлмаган гулларни кўриб чиқиш. Болалар диққатини ҳамма гуллар ҳам чиройли, уларнинг япроқчалари турли шаклга эга эканлигига жалб этиш. Турли хил япроқчаларнинг расмини қандай чизиш кераклигини кўрсатиб бериш. Расмни олдин тугатган болаларга расм чизиш учун яна бир варақ қоғоз бериш мумкин	Альбом варағининг ярми катталигидаги оч яшил ва оч сариқ рангли қоғоз откриткалар	Гуллар тасвирланган суратларни, группа хонасидаги гуллайдиган ўсимликларни кўриб чиқиш
3	Пластилиндан эчкича ясаш (ўйинчоққа қараб)	Эчкича танасини тўғри тасвирлашга, баъзи қисмларини горизонтал ҳолатда, баъзиларини вертикал ҳолатда тасвирлашга ўргатиш	Эчкича — ўйинчоғини текшириб чиқиш. Болалардан сўраб, пластилиндан эчкичани ясаш усулини аниқлаш. Машғулот давомида тана шаклини, қисмларининг мутаносиблиги ва жойлашишини тўғри тасвирланишини кузатиб туриш	Пластилин	Болалар турли ҳайвонлар билан танишадилар, улардан баъзиларини боқишни ўрганадилар ҳайвонлар турли хил бўлишини билиб оладилар
4	Аппликация. Қурилиш (болаларнинг ижоди бўйича)	Болаларни ўзлари ижод этган қурилишни (тўғри тўртбурчакни квадратга, квадратни учбурчакка бўлиб) қоғоздан қирқиб олишга ва ёпиштиришга ўргатиш. Қурилиш безагини ўйлаб топишга ўргатиш. Қайчидан фойдаланиш кўникмасини мустаҳкамлаш	Болаларга, улар яқиндагина қурилишларни ўзлари қирқиб олиб ёпиштирганликларини эслатиш, бугун эса уларнинг ҳар қайсиси қандай қурилишни истаса, ўшани қирқиб олиши ва уни ёпиштириши, сўнгра истаганича безатишини айтиш. Қоғоз шаклларининг номини, улардан ҳосил қилиш мумкин бўлган шаклларни аниқлаш. Тасвирнинг яхши композициясига эътиборни жалб қилиш	Оқ ва рангли қоғоз, қайчилар ва елим	Қурилиш материаллари билан ўйинлар ўйнаш. Катта болалар қурган қурилишларни кўриб чиқиш
5	Декоратив расм чизиш. Доира ичидаги гул	Доира ўртасини топиб унга гул чизишга, гул япроқларини симметрияга риоя қилган ҳолда чизишга ва сўнгра ўртадан япроқни катталаштириб катта гул ҳосил қилишга ўргатиш	Доира шаклини аниқлаш, ўртани топишга ўргатиш (нуқта қўйиш). Симметрияга риоя қилган ҳолда, япроқчаларни ўртадан қандай жойлаштириш кераклигини кўрсатиш. Ўртадан япроқларни катталаштириб қандай қилиб катта гул ҳосил қилишни тушунтириш ва кўрсатиш. Расм чизиш процессида ушбу усулни ўзлаштиришларига ёрдам бериш. Машғулот охирида болалар ишлаган расмларни таҳлил қилишда гулни катталаштириб беришни ким яхши бажарганлигини ва бу қандай чиройли чиққанини айтиб ўтиш	Диаметри 12 *см* ли доира шаклидаги қоғоз	Машғулотлардан бўш вақтда болалар билан биргаликда япроқчалари марказдан ҳар томонга тарқалган чаройли гуллар тасвирини кўриб чиқиш

Давоми

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбиявий ишнинг бошқа томонлари билан боғланиши
6	Лойдан „Уч айиқча" эртаги учун товоқчалар ясаш	Болаларни товоқчалар шаклини (лойни эшиш, бармоқлар билан эзиш усулларидан фойдаланиб) ва, шунингдек эртак мазмунига мослаштириб товоқчаларнинг нисбий катталигини тасвирлашга ўргатиш	Эртакдаги бирор эпизодни эслаш. Товоқчани кўриб чиқиш, унинг шакли ва катта-кичиклигини аниқлаш. Болаларга лойдан нарса ясаш усулларини ўйлаб, уни эсга туширишларини таклиф этиш. Ясалган нарсага нисбатан эмоционал муносабат пайдо қилиш. Машғулот охирида барча товоқчаларни кўриб чиқиш, болалар билан биргаликда энг чиройлиларини танлаб олиш	Лой	
7	Яхши кўрган қўғирчоғининг расмини чизиш	Болаларни расм орқали яхши кўрган ўйинчоқлари образини ифода этишга; одам гавдасини, унинг асосий қисмлари, уларнинг шакли ва жойлашувини ифодалаб тасвирлашга ўргатиш. Қаламлар билан расм чизиш усулларини мустаҳкамлаш	Қўғирчоқни текшириб чиқиш асосида унинг шакли, катта-кичиклиги ва қисмларининг жойлашувини аниқлаш. Ўзлари ёқтирган қўғирчоқ расмини чизишни таклиф қилиш. Болалардан сўраб қаламлар билан расм чизиш усулларини уларнинг эсига тушириш; чиройли қўғирчоқ расмини чизишлари кераклигини айтиш. Машғулот тамом бўлгач, ҳамма расмларни доскага қўйиш, болаларни расмларни томоша қилишга таклиф қилиш ва сўнгра икки-уч болага улар қандай қўғирчоқ расмини чизганликларини сўзлаб беришни ва энг яхши тасвирланган расмларни танлаб олишни айтиш	Ёзув қоғозининг ярми катталигидаги оқ қоғоз. Рангли қаламлар	Ўйинлар ўйнаш процессида болаларнинг яхши кўрган қўғирчоқлари ҳақида сузлашиш, қўғирчоқ кийими, шакли ва қисмлари тўғрисидаги билимни аниқлаш
8	„Кушча идиш чадан чўқиб дон емоқда" темасида лойдан нарса ясаш	Лойдан нарса ясаш усулларини (эшиш, босиш, чўзиш), таниш нарсаларнинг шакли, катта-кичиклиги ва қисмларнинг жойлашувини ифодалаб ясаш кўникмаларини мустаҳкамлаш	Қушчани кўриб чиқиш, танаси, бошининг шакли ва катта-кичиклигини болалардан сўраш. Болалардан лойдан ясаш усулларини сўраш. Лойдан нарса ясаш процессида унинг тўғри усулларини эслатиб туриш	Лой	Группада ва болалар боғчасида яшовчи қушларни кузатиш
9	Ўзи ижод этиб (нимани истаса) расм чизиш	Ўзи чизадиган расмнинг темасини танлаш, ижодини охирига етказишга эришиш кўникмаларини машқ қилдириш. Қаламлар билан расм чизиш кўникмаларини мустаҳкамлаш	Ўйинчоклар ва китобларнинг кўплиги ҳақида болалар билан сўзлашиш. Ўйинчоқлар ҳақида ҳам, уларга ўқиб берилганлар ҳақида ҳам кўп қизиқ расмлар чизиш мумкинлигини уларга айтиш. Уларга истаган нарсасининг расмини чизишни таклиф этиш. Расм чизиш процессида ижодини амалга ошириб боришини, қаламлар билан расм чизишнинг тўғри усулларидан фойдаланишларини кузатиб туриш	Рангли қаламлар	Сайр вақтида кузатишлар, китоблар ўқиш диафильмлар кўрсатиш, болалар қушиқларини айтиш
10	„Истаган ҳайвонларингизни пластилиндан ясанг" деган темада ижод қилиб нарса ясаш	Таниш ҳайвонларнинг танаси, уларнинг қисмлари катта-кичиклиги ва жойлашувини тасвирлаб ясаш кўникмасини мустаҳкамлаш. Илгари ўзлаштирилган ясаш усулларини мустаҳкамлаш	Аста-секин ҳайвонларни ифодаловчи илгари ясалган ўйинчоқларни қўйиш. Янгилари (балиқчалар, қушчалар, эчкича, кучук, қуёнча)ни эса, болаларга ҳайвонларнинг номини, улар танасининг шакли қандай эканлигини айтишни таклиф қилиб қўйиш. Ўйинчоқларни улар ҳаммага кўринадиган жойга қўйиш керак. Болаларга истаган ҳайвонларини пластилиндан ясашни таклиф қилиш (намунага қўйилганларидан бирини ёки бошқаларини)	Пластилин	Ўйинлар ўйнаётган вақтда ҳайвонлар, уларнинг тана қисмлари, шакллари ҳақидаги билимларини аниқлаш

Октябрь ойи планида овал шаклидаги нарсаларни тасвирлашни ўзлаштиришга катта эътибор берилган: болаларга шу нарсаларни чизиш ва лой ёки пластилиндан ясаш топширилади. Шу билан бирга тажрибада баъзи вақтларда учраб турадигандек, бир хил нарсаларни такрорлаш булмайди. Теварак-атрофни қуршаб турган олам хилма-хилдир, шунинг учун ҳам қандайдир бир нарсанинг тасвирини лой ёки пластилиндан ясашда ҳам, расм чизишда ҳам такрорлашнинг ҳожати йўқ. Тасвирлаш кўникмаси ва малакасининг ўсиши турли хил мазмунда боради. Бу тасвирлашнинг умумлашган усулларини шакллантиришга ёрдам беради: болалар секин-аста шаклан бир-бирига яқин бўлган турли хил нарсаларни бир хил усул билан тасвирлашни ўзлаштира борадилар.

Овал шаклига эга бўлган нарсаларни тасвирлашни ўзлаштириш юзасидан олиб бориладиган биринчи машғулотлар уларни юмалоқ шаклга эга бўлган нарсалар билан таққослаш асосига қурилган. Бундай таққослаш болаларга нарсаларнинг бир-бирига ўхшашлиги ва фарқини ҳамда тасвирлаш усулларидаги тафовутни тушунишга ёрдам беради.

Аппликация машғулотларида болаларга овал шаклга эга нарсалар берилмайди. Бу болаларнинг юмалоқ шаклни ҳали мустақил қирқа олмасликлари билан боғлиқ, тайёр шаклларни бериш эса мақсадга мувофиқ эмас: болалар қоғоз қирқиш кўникмаларини ўзлаштириб олишлари керак.

Мазмуни педагог томонидан белгиланадиган машғулотлар билан бир қаторда, планга болалар ижоди бўйича машғулотлар ўтказиш ҳам киритилган. Бир қатор машғулотларда болаларга тарбиячи топшириғи билан бажарилган тасвирга ўз хоҳишига кўра қўшимчалар киритиш имконияти берилади. «Куз, япроқлар тўкилмоқда» ва бошқа тема бўйича расм чизиш машғулотлари шулар жумласидандир. Болалар асосий мазмунини уддалай олганларидан сўнг расмини ўз хоҳишларича тўлдиришларини таклиф қилиш мумкин.

Расм чизишда, лой ёки пластилиндан нарса ясашда тасвирлаш учун эртак образларини (афсонавий дарахт расмини чизиш, «Чипор товуқча» эртагидан бирор эпизодни лой ёки пластилиндан ясаш) таклиф қилинади.

Буларнинг барчаси болаларнинг ижодий қобилиятини ўстиришга, уларни эстетик жиҳатдан тарбиялашга ёрдам беради.

Учинчи квартал бошида ўрта группа болалари бир неча қисмлардан иборат бўлган турли шаклдаги нарсаларни лой ёки пластилиндан ясаш ва расмини чизиш кўникмаларини эгаллаган бўладилар.

Март ойи планида эчкичани (у болаларга ўйинчоқлар ҳамда ўзлари севган эртаклар персонажи сифатида таниш) лой ёки пластилиндан ясаш берилади. Одатда эчкича шакли муваффа-

киятли чиқади, болалар уларни катта қизиқиш билан ясайдилар. Бирок бирор бошқа ҳайвонни, масалан, кучук ясашни таклиф этиш мумкин. Бу ҳайвонларни ясашда болалар олдинги ва кейинги оёқларини жойлаштиришга ўрганадилар ва шу билан бирга уларнинг номини ҳам билиб оладилар. Улар тўрт оёқли ҳайвоннинг гавдаси горизонтал ҳолатда («худди скамейкадек»), боши гавданинг олдинги қисмида жойлашганлигини билиб оладилар.

Қўғирчоқ ясашни тавсия қилиб, тарбиячи, одамнинг гавдаси вертикал ҳолатда, оёқлари пастда, қўллари эса юқорида, елкадан чиққанлигини таъкидлайди.

Қўғирчоқнинг расмини чизишда болалар уни кўйлак ёки костюм кийган ҳолда тасвирлайдилар ва гавда шакли шу билан ифодаланади: кофточка ёки кўйлакнинг юқори қисми шаклан тўғри тўртбурчакка яқин, юбка ёки пальто эса паст томонга қараб кенгайиб боради. Гавданинг юқори ва пастки қисмларга бўлиниши мутаносибликка риоя қилишни осонлаштиради ҳамда қўл ва оёқларни бириктириш жойларини тўғрироқ топишга ёрдам беради. Гавдани овал шаклида чизишга болаларни ўргатмаслик керак: бу на тана тузилишига, на кийим-бош шаклига тўғри келади.

Аппликация машғулотларининг мазмуни болалар қоғозни тўғри чизиқ бўйлаб қирқа олишларини, бурчакларини қирқа билишларини (тайёр шакллар, яхшиси, умуман берилмагани маъқул) назарга олиб тузилган. Тўғри тўртбурчакни турли йўналишда қирқиб, болалар турли хил шакллар ҳосил қилишлари мумкин. Машғулотларнинг бирида қурилиш қисмларини қирқиш ва ёпиштириш топширилади. Бу болалар кўрган ва биладиган минора, дарвозали деворча, участкада ўйнаш учун шийпонча, баланд бино ва кўпгина бошқа нарсалар бўлиши мумкин.

Тасвирий фаолиятнинг ҳар хил турлари бўйича вақт-вақти билан болалар ижоди бўйича машғулотлар ўтказиш, педагог топшириғи бўйича ўтказиладиган машғулотларга ўйлаб элементлар киритиш (ўз истаги бўйича қурилишни безатиш, уй олдига чиройли гуллар расмини чизиш ва ҳоказолар) жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бола тасвирий ижодининг ўсиб боришини ҳамма вақт эсда сақлаш зарур, чунки расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясаш, аппликация билими, малака ва кўникмалари бола томонидан эгалланмасдан ва, шунингдек, хаёлни ўстирмасдан туриб уни ривожлантириб бўлмайди.

Ҳар бир машғулот болаларнинг нарсалар ва воқеалар ҳақидаги аниқ тасаввурига таяниши керак. Тасаввурнинг шаклланишига болалар билан биргаликда ташкил қилинадиган китоблар ўқиш, суратларни кўриб чиқиш, кузатиш процессида нарса ва воқеаларнинг образли характеристикаси ёрдам беради.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Маржонлар» темаси бўйича аппликация

Программа мазмуни. Доира ва овални фарқ қилишга («юмалоқ-қина», «чўзинчоққина»), шакл номини тўғри айтишга («овал») ўргатиш. Квадрат ва тўғри тўртбурчакнинг бурчакларини айлантириб, доира ва овал шаклларини ҳосил қилишда қирқишга ўргатиш.

Турли шакл ва рангдаги маржонларни навбат билан ёпиштириш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Доира ва овал шакли ёпиштирилган таблицани кўрсатиш (доира диаметри 12 см, овал узунлиги 16 см). Доирани кўрсатиб, болалардан «Бу нима?» деб сўраш. Жавобларни «Бу доира, доирача» деб аниқлаштириш. Овал шаклини кўрсатиб, «Бу қандай шакл?» деб сўраш. Болалар жавобидан сўнг «Доира юм-юмалоқ, бу шакл эса юм-юмалоқ эмас, бир оз чўзиқроқ. Бундай шакл нима деб аталади?» Агар ҳеч ким эслай олмаса, унинг номи айтилади.

Қоғоздан ясалган маржонларни «Мана қаранг, қандай чиройли маржонлар! Қаранглар-чи, ҳамма маржон доналари бир хилми? Йўқ, баъзилари юмалоқ, бошқалари чўзиқроқ. Улар ана шундай қилиб ипга ўтказилган — бир гал юмалоғи, бир гал чўзиқроғи. Сизлар мана шундай маржонларни қирқиб, ёпиштирасиз. Ҳар бир бола олдидаги конверт ичида квадрат ва тўғри тўртбурчак қоғозлар бор. Квадратлардан юмалоқ маржонларни, тўғри тўртбурчаклардан эса овал шаклларни қирқиш керак». Буни қандай қилиш кўрсатиб берилади. Сўнгра ҳаммага квадратларни, қайчиларни олиш таклиф қилинади ва педагог тушунтириши бўйича («Битта бурчакни қирқамиз, айлантирамиз, энди иккинчи бурчакни қирқамиз...») юмалоқ маржонча қирқилади. Шундан кейин болаларнинг ўзлари ҳамма маржонларни қирқадилар.

Тарбиячи қоғозга ипнинг расми чизилганини, унга маржонларни ёпиштириш, аммо унга бир гал юмалоқ, бир гал овал шакллар ёпиштирилиши кераклигини айтади. Иш процессида болаларнинг тўғри қиркиши ва ёпиштириши кузатиб борилади, унутиб қўймасликлари учун улардан қандай ёпиштириш кераклиги сўралади. Машғулот охирида ҳамма ишлар кўриб чиқилади ва энг яхшилари таъкидлаб ўтилади.

Машғулотга тайёрланиш. Доира ва овал шакллар ёпиштирилган таблица ясаш. Рангли қоғоздан квадрат ва овал шакллар қирқиш. Маржонларни навбатма-навбат ипга териб ёпиштириш (ҳар бир «маржон» икки доира ёки овалдан иборат бўлиб, ип уларнинг ўртасидан ўтади). «Маржон» шодасини кўрсатиб бўлгандан сўнг қаерга илиб қўйишни ўйлаб кўриш.

Ёзув қоғозининг ярми ҳажмида қоғоз тайёрлаш. Хар бир вараққа ёй расмини чизиш. Наборлар тайёрлаш: бир хил рангли квадратдан учта ва бошқа рангли туғри туртбурчакдан туртта (квадрат — 2,5×2,5 см, туғри тўртбурчак — 2,5×4 см).

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Иккита кичкина одамчалар» темасида расм чизиш.

Программа мазмуни. Нарсанинг асосий қисмларини ажратиб курсата билиш, уларни туғри жойлаштириш малакасини мустаҳкамлаш. Доира ва овал шаклларини чизиш, юмалоқ шаклни муйқаламда чизиш ва буёқлардан туғри фойдаланиш малакаларини машқ қилдириш.

Машғулот утказиш методикаси. Болаларга «Иккита кичкина одамча яшаган эди. Улар иноқ ва хушчақчақ эдилар. Уларнинг иккаласи ҳам рангли қалпоқча кийиб юришган. Келинглар, мана шу одамчалар расмини чизамиз» деб айтиш.

Болалардан одамчанинг нималарини чизиш кераклигини сураш. Бош, гавда, оёқлар, қуллар шаклини қуллар билан ҳавода курсатиб аниқлаш. «Бетига нима. р расмини чизиш керак?» («Кузларни, бурунни, оғизни»). «Хар бир одамчанинг бошига яна ниманинг расмини чизиш керак? Туғри, қалпоқча расмини! Қани, уйлаб куринг-чи, биттасидаги қалпоқнинг ранги қанақа булади-ю, иккинчисиники қандай рангда булади? Хар ким узи истаган рангга буяши мумкин».

Тарбиячи болаларга қулларини кутариб муйқаламни қандай ушлашларини курсатишни, буёқ танлаб олиб одамча бошини чиза бошлашни таклиф қилади, қоғоз бетига одамча расми сиғиши учун унинг боши қоғознинг юқорироғига чизилиши кераклигини эслатади. Иккинчи одамчага қоғоз бетида жой қолиши учун биринчисини қоғознинг бир томонига чизиш керак.

Машғулот охирида барча расмларни стендга қуйиш ва болалар ишини баҳолаш. Энг хушчақчақ, қизиқарли чиққан одамчаларни танлаб олиш. Бирмунча муваффақиятли ишларни курсатиб, болаларни уларга қайси расмлар ёққанини айтишлари учун чақириш.

Машғулотга тайёрланиш. Ёзув дафтари ҳажмидаги қоғозни, турт хил рангли буёқларни: иккита оч ва иккита туқ (контур учун) тайёрлаб қуйиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Аппликация. Квадрат шакли учун нақш тузиш ва уни ёпиштириш

Программа мазмуни. Туғри қирқишни, йул шаклидаги қоғозни квадратларга булиб қирқишни ва квадрат шакли учун нақш тузишни ургатиш.

Машғулот утказиш методикаси. Болаларга йул шаклидаги қоғоздан квадратларни қирқиб, сунгра улардан чиройли нақш тузишларини айтиш. Ана шундай нақшларнинг бир нечта намунасини курсатиш ва уларни яшириб қуйиш.

Болаларга қандай қилиб қирқишни курсатиш: йул шаклидаги қоғозни олиб, уни иккига буклаш ва букланган ерини бармоқ билан текислаб чиқиш, қайчи жағини букланган қоғоз орасига киритиш, чап қўл билан қоғоз учини ушлаб туриш; унг қул билан эса қирқиб чиқиш.

Болалар қандай ҳаракат қилаётганларини диққат билан кузатиб туриш, агар керак булса ҳаракатнинг ҳаммасини ёки айрим жойларини яна бир марта курсатиб бериш.

Туғри туртбурчак қоғозни ҳамма болалар ўртасидан қирқиб булганларидан сунг қоғознинг ҳар бир ярмини яна иккига буклаб уни ҳам худди шу усул билан ўртасидан қирқиб чиқишни айтиш. Бир хил рангда туртта квадрат ҳосил булганига болалар эътиборини жалб қилиш.

Болаларга бошқа рангдаги қоғозни олиб, уни мустақил равишда буклаб квадратларга булиб қирқишни таклиф қилиш.

Машғулотга тайёрланиш. Ҳар бир бола учун қирқилганда иккита ёки тўрттадан квадрат (қоғознинг эни 2—3 см) ҳосил буладиган йул шаклидаги иккита ёки туртта рангли қоғозлар ва биттадан нейтрал рангли квадрат қоғоз тайёрлаб қуйиш. Болалардан қайси бири қайчи билан қирқишни билишини олдиндан текшириб куриш. Қулига қайчи олмаган болаларга буш вақтда қайчи ушлашни алоҳида-алоҳида ургатиш. Қайчини бармоқлари билан қандай ушлашни, қайчи жағини қандай очиб-ёпишни, қоғозни чап қул билан қайчининг қиядиган жойига нисбатан қандай ушлаб туришни курсатиш ва тушунтириш.

Илова. Агар қирқиш куникмаси болаларнинг купчилиги томонидан яхши ўзлаштирилмаган ва унга катта қийинчилик билан эришилаётган булса, унда иккита қоғозни қирқиш билан чекланиш мумкин. Бундай ҳолларда 10×10 см ли кичкина квадрат нақш билан безатилади. Агар туртта йул шаклидаги қоғоз квадратларга булиб қирқилган булса, нақшлар билан безаш учун катта хажмдаги квадрат берилади ва бирмунча мураккаб нақш тузилади.

Нақш ёпиштириладиган йул ва квадрат шакли учун қоғоз рангини яхши танлай билиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Болаларнинг ҳаммаси бир ҳаракатдан иккинчисига бир вақтда утишлари учун уларнинг ҳаракатини ва унинг изчиллигини синчиклаб текшириб туриш керак. Агар баъзи болалар қилинадиган ишни билмасалар уларнинг эсига тушуриш, агар лозим булса ҳаракат усулини курсатиб бериш ҳам керак. Хамма болалар мустақил ҳаракат қилаётганларида ҳам бу нарса зарур. Агар нақшни ёпиштиришга ҳамма болалар улгурмасалар, уларга қирқилган квадратчаларни солиб қўйиш учун конвертлар бериш ва қолган ишни буш вақтларида тугатиб қуйишларини айтиш керак. Тугалланган аппликацияларни стендга қуйиш ва улардан қайсилари энг чиройли чиққанини айтиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Икки кичкина уйча» темасида расм чизиш

Программа мазмуни. Болаларнинг учбурчак шаклини ва унинг номини билишларини аниқлаш. Квадрат ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш. Учбурчак шакли расмини мумкин қадар туғрироқ чизишни ургатиш.

чизиқларни чизишда ва бўяшда қаламдан тўғри фойдаланишни машқ қилиш. Тасвирни қоғоз юзасига жойлаштиришни ўргатиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Учбурчаклар ёпиштирилган таблицани кўрсатиш. Бу қандай шакл эканлигини болалардан сўраш. Шу саволга жавоб бериш учун бир неча болани чақириш.

Квадратлар ёпиштирилган иккинчи таблицани кўрсатиш. Бу шакл қандай аталишини сўраш. Бир неча болани чақириш. «Сизлар энди учбурчакни ҳам, квадратни ҳам яхши биласизлар ва эҳтимол уларнинг расмини яхши чиза оларсизлар,— дейди тарбиячи.— Эсингиздами, сизлар кичкина одамчалар расмини чизган эдингизлар? Бугун эса ана ўша одамчалар учун иккита кичкина уйча расмини чизасизлар. Хўш Лена, сен уйча расмини чиза оласанми? Сен-чи, Серёжа, уйча расмини қандай чизасан? Яхши, тўғри тўртбурчакли девор ва учбурчакли томнинг расмини чизинглар». Расм чизиш усулини кўрсатиш учун икки болани чақириш мумкин. «Кейин эса уйчаларни бўяш керак: битта одамча учун бир хил рангда, иккинчиси учун бошқа рангда. Қалам ушлаган қўлингизни кўтаринг ва қаламни қандай ушлашингизни менга кўрсатинг. Қаламни қоғоз устига қўйинг. Яхши? (Қаламни нотўғри ушлаганларни тўғрилаш: «Юқорироғидан ушла... Қаттиқ сиқма...) Чиройли, текис уйчалар расмини чиза бошланг. Иккинчи уй учун ҳам жой қолдириш эсларингизда бўлсин».

Тугалланган расмларни стендга қўйиш ва болаларга уларни кўриб чиқишни таклиф этиш. Уйчалар ўртасидан катта-кичиклик, қаватлар сони, томлар, деразалар шакли, девор ва бошқа қисмлар ранги ўртасидаги фарқларни баҳолашда саволлар билан ёрдам бериш. Муҳокамани нима учун баъзи уйчалар чиройли чиққанлигини айтиш билан тугаллаш.

Машғулотга тайёрланиш. Ёзув қоғози катталигидаги қоғозни, рангли қаламларни (олти рангли), учбурчаклар ва квадратлар ёпиштирилган таблицаларни тайёрлаш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Квадратга бўёқлар билан расм чизиш

Программа мазмуни. Болаларда шакли ва ранги бир хил бўлган элементларни бурчакларга жойлаштириш, ўртасини ва томонларини безаш йўли билан квадратга нақшни симметрик ҳолатда жойлаштириш ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Нақш элементларини безатилаётган шаклга қараб жойлаштиришни ўргатиш. Бўёқлар билан расм чизиш кўникмасини мустаҳкамлаш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Мольбертни қўйиш ва болаларга намуналарнинг ҳамма серияларини кўрсатиш. Ҳар ким квадратга чиройли нақш чизиши кераклигини айтиш. Нақш чизишни нимадан бошлаш кераклигини ким айтиб бера олади, деб сўраш. Нимани ўртадан ёки нимани бурчаклардан бошлаш мумкинлигини аниқлаш. Бурчакларни (бир хил қилиб) қандай безатиш кераклигини, нақш ичига нимани (доирачалар, ҳалқачалар, доғлар, йўл-йўл чизиқлар, нуқталар) чизиш мумкинлигини сўраш.

Намуналарни олиб қўйиш ва болаларга мустақил нақш тузишни таклиф қилиш. Уларни қўли билан чизилган нақшни суркатиб юбормасликлари ҳақида огоҳлантириш. Нақшнинг бир қисми кўпчилик болалар томонидан бажа-

рилгач, нақш чиройли чиқяптими-йуқми, яна нима қўшиш мумкинлигини кўриб чиқишларини айтиш. Нақшни бойитиш юзасидан маслаҳатга муҳтож бўлган болаларга йул-йуриқ курсатиш.

Тугалланган ишларни қуритиш ва стендга қуйиш. Машғулот охирида эътиборни нақшларнинг турли-туманлигига жалб этиш. Ўзига кўпроқ ёққан бир ёки бир неча нақшларни курсатишни болаларга таклиф қилиш. Машғулот охирида битта квадратни танлаб олиш ва мазкур нақш нима учун чиройли чиққанлигини тушунтириш.

Машғулотга тайёрланиш. Группа хонасига оддий элементлардан тузилган симметрик нақшлар билан безатилган квадратларнинг бир нечта намуналарини териб қуйиш. Болалар диққатини уларга жалб қилиш, нақшларда қайси элементлар бир хил-у, қайсилари ҳар хил эканлигини сураш.

Лозим булиб қолганда алмаштириб бериш учун етарли миқдорда квадратлар (15×15)ни; турт-беш хил рангли буёқларни, катта муйқаламларни тайёрлаб қуйиш. Бир стол устида бир хил рангли квадратлар, қолганларида бошқа ранглилари булиши мумкин. Буёқ наборлари ҳам худди ана шундай қуйилади.

Илова. Ана шундай ишлардан гиламча тузиш ва уни группа хонасига маълум муддатгача илиб қўйиш мумкин. Буни тарбиячи қилиши керак, бироқ бунга болаларни ҳам жалб этиш мумкин. Қандай рангли нечта квадратларни болаларга тарқатиш, уларни гиламча ичига кейин қандай жойлаштириш ҳақида тарбиячи олдин уйлаб куради. Квадратларни рангига қараб (шахмат тартибида ёки марказдан бошлаб ва ҳоказо) бир варақ қоғоз устига ёпиштиргач, унинг четига рангли қоғоздан ҳошия қирқиб ёпиштириш. Агар бу ишда болалар иштирок этаётган булсалар нима учун нақшларни худди шундай жойлаштирилаётганини, хошия нима учун қилинаётганини тушунтириш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Бизнинг участкамиз қишда» темасида буёқлар билан расм чизиш

Программа мазмуни. Расмда дарахтлар, буталар шаклининг хусусиятларини, уларнинг нисбатан катта-кичиклиги ва жойланишини акс эттириш. Тасвирни қоғоз юзасига чиройли жойлаштиришга, муйқалам ва буёқлардан тўғри фойдаланишга ургатиш.

Машғулот утказиш методикаси. Боғча участкасининг қишки кўриниши расмини чизишларини болаларга айтиш. Сайр қилиб юрган вақтларида участкада нималарни курганликларини улардан сўраш. Қор билан қопланган дарахтлар қандай чиройли эканлигини таъкидлаб ўтиш. Ҳамма асосий нарсалар (агар лозим бўлса тарбиячи томонидан айтиб берилганни ҳам) айтиб ўтилгач, бир болани дарахт расми қандай чизилиши кераклигини курсатиб бериш учун чақириш. Агар бола яхши курсатиб бера олмаса, иккинчисини чақириш. Энди ҳамма ҳам дарахт расмини яхши чиза биладими, деб сураш. Болаларга мустақил расм чизишлари учун имконият бериш. Расм чизишда қийналаётганлар ёнига келиш, эсига тушуриш, қулни шохлар йунали

шига қарата ҳаракатлантириш, бирорта боланинг яхши чиққан расмини кўрсатиш.

Тугалланган расмларни (улар бўялмаган ёки бир оз бўялган бўлиши мумкин) стендга қўйиш. Болалар диққатини тасвирланган нарсалардаги тафовутга, уларнинг нисбий катта-кичиклигига, дарахт шохларининг чизилганлигига, девор тахталарнинг бир текислигига, нарсаларнинг турли ҳолатда жойлашганлигига жалб этиш.

Машғулотга тайёрланиш. Участкада болалар билан сайр қилиб юриб, улар диққатини дарахтларга, уларнинг тузилишига, шохчаларининг жойлашувига, дарахтлардан паст бўлган деворга, скамейкаларга (суянчиқсиз), ўйинлар ўтказиладиган уйчага ёки тирмашиб чиқиладиган нарвончага, сирпанчиқ учадиган тепачага, қор кўтармаларига қаратиб, улардан тузилиши оддий бўлган бир нечтасини танлаш.

Оч ҳаво рангдаги қоғоз варақларини; оқ, қора ёки тўқ жигар ранг, девор, нарвонча, скамейка ва бошқаларга мос келадиган яна икки-уч хил рангдаги бўёқларни, ўртача катталикдаги муйқаламни тайёрлаш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Учта шардан тузилган қорбобо расмини бўёқлар билан чизиш

Программа мазмуни. Нарсалар қисмини катта-кичиклигига қараб фарқлаш ва энг каттаси, энг кичкинаси, каттароғи, кичикроғи деб айтиш. Расмда нарса тузилишини — қисмларининг жойлашиши ва уларнинг нисбатан катта-кичиклигини тасвирлай олиш. Бир текисда бўяшни машқ қилдириш. Ишни айрим ҳаракатларга бўлишга ва уларни изчиллик билан бажаришга ўргатиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Лой ёки пластилиндан қорбобони қандай ясаганликларини эслатиш: «Биз аввал нимани ясаган эдик? Ундан кейин-чи? Шарларни қандай қўйган эдик?» ва ҳоказолар деб сўраш. Пахтадан ясалган қўғирчоқни кўрсатиш ва «Қаранг, бизнинг олдимизга қандай кичкина қорбобо келибди» дейиш. Уни болалар мустақил кўриб бўлишгач, қўғирчоқни ҳар бир қисмини, уларнинг шакли ва нисбий катта-кичиклигини бармоқ билан айлантириб чиқишларини таклиф қилиш. Расм чизишни қайси қисмдан бошлаш кераклигини бир-икки боладан сўраш. «Аввал пастга катта шар расмини чизамиз» деб ҳаммадан такрорлатиш. Шар контурини бирданига енгил, эркин ҳаракат қилиб чизиш кераклигини эслатиш, бундай ҳаракатни ҳавода қилиб кўрсатиш. Биринчи доира расми ҳосил бўлгач, кейин ҳақиқий қорбобо чиқиши учун яна қандай расм чизиш лозимлигини ўйлаб кўришларини таклиф қилиш. Болаларнинг жавобларини тинглаш ва тўғри жавобларни такрорлаш. Учала шарча расмини чизиб бўлган болаларга қорбобо турадиган оқ йўлкани чизишга ва шарчаларни бўяшга рухсат бериш. Болаларга муйқалам ушлаган қўлларини юқори кўтариб, доираларни қандай бўямоқчи эканликларини кўрсатишларини айтиш. Ҳаракатни: бир текис, юқоридан пастга ва шу каби сўзлар билан тушунтириб бориш. Қорбобо бўяб бўлингач, унинг бошига шапка ёки челакчани кийгизиб қўйишни, унинг қўлига супурги, белкурак ёки

таёқчани беришни таклиф қилиш. Кўзлари ва бурун расмини оқ бўёқ қуригандан сўнг бўяш кераклигини эслатиш.

Бошқалардан олдин расм чизишни тугатган болаларга уни деталлар билан тўлдиришга рухсат бериш. Машғулот охирида расмларни стендга қўйиш, болалардан бирортасини чақириб қорбобо ҳақида шеър айттириш.

М а ш ғ у л о т г а   т а й ё р л а н и ш. Машғулот ўтказилишидан бир неча кун олдин (агар об-ҳаво шунга имконият берса, боғча майдончасида болалар билан биргаликда қорбобо ясаш, бунда шарчаларнинг катта-кичиклигини таъкидлаш. Қорбобога бағишланган шеърларни ёд олиш.

Машғулот учун юмшоқ қоғоз ёки пахтадан ясалиб, сирач (крахмал ёки ундан тайёрланган елим) билан ёпиштирилган қорбобо шаклини тайёрлаш; дафтар варағи катталигидаги рангли қоғозлар; оқ, қора, қизил, яшил бўёқлар, мўйқаламлар.

И л о в а. Бир неча қисмдан тузилган нарсани тасвирлаш топшириладиган ҳар қандай машғулотлар ҳам ана шундай ўтказилиши мумкин.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Безатилган арча расмини бўёқлар билан чизиш

П р о г р а м м а   м а з м у н и. Илгари ўзлаштирилган тузилишни тасвирлаш, янги талабни — шохчалар узунлигини ошириш ва уларни бўяшни (байрам таассуротларига асосланиб) бажариш.

М а ш ғ у л о т   ў т к а з и ш   м е т о д и к а с и. Катта чиройли арча расмини чизишни таклиф қилиш. Қоғоз варағини кўтариш (вертикал ҳолатда) ва унда арчани қандай жойлаштириш кераклигини қўл билан кўрсатиш.

Расм чизишни нимадан бошлаш кераклигини сўраш. Бир-икки болани мольбертда арча танаси ва унинг асосий шохлари расмини чизиб кўрсатиш учун чақириш. Болалардан арча расмини чизишни ҳаммаларингиз яхши биласизларми, деб сўраш. Қоғоз варағини шундай қўйиш керакки, арча баланд чиқсин, ҳамма болалар шундай қилдиларми-йўқми, текшириб кўриш. Болалар расм чизишни бошлаганларида аввал танасини — тўғри, баланд қилиб, ундан кейин шохчаларини — юқориси қисқа, пастга тушган сари эса узун қилиб чизиш кераклигини эслатиш.

Арча расмини чизиб тугатган болаларга уни безатишга — аввал шохчаларини чироқчалар, шарчалар билан, кейин арча учини безатишга рухсат бериш. Маржон шодалари расмини қандай чизишни (ёй, унга мўйқалам учи билан нуқталар қўйилган) кўрсатиб бериш мумкин.

Тайёр бўлган расмларни стендга қўйиш. Энг яхши расмларга баҳо бериш, уларнинг нимаси муваффақиятли чиққанини тушунтириб бериш. Болаларга арча ҳақида қўшиқ айтишларини ёки шеърлар ўқиб беришларини таклиф қилиш.

М а ш ғ у л о т г а   т а й ё р л а н и ш. Безатилган арчани томоша қилиш (залда ёки группа хонасида). Болалардан ясатилган арчани яна қаерда кўрганликларини, улар қандай ўйинчоқлар билан ясатилганлигини сўраш, янги йил қўшиқлари ва шеърларини эслаш.

Ёзув қоғози катталигидаги қоғозни, тўқ-яшил, қора, қизил, сариқ, ҳаво ранг, оқ бўёқларни; катта мўйқаламларни тайёрлаш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Лой ёки пластилиндан балиқчалар ясаш

Программа мазмуни. Болаларни икки нарса ўртасидаги ўхшашликни ва фарқни ажрата билишга ўргатиш. Лой ёки пластилиндан балиқчалар ясашда иккита турли хил балиқчалар шакли хусусиятларини ифодалаш. Лойни кафтлар орасида эшиш кўникмасини мустаҳкамлаш, чўзиш ва чимдиб олиш усулларини такомиллаштириш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Болалар билан биргаликда иккита (мутаносиблиги турли хил бўлган) ўйинчоқ балиқчаларни кўриб чиқиш. Балиқчалар танаси шаклининг номини (овал) айтиш. Лой ёки пластилиндан балиқчаларни, уларнинг дум ва сузгичларини қандай ясаш кераклигини эслашлари ва айтиб беришларини сўраш.

Болалар кўздан кечирган ўша икки балиқчага ўхшаган балиқларни лой ёки пластилиндан ясашни таклиф қилиш. Иш давомида болалар диққатини (турли) балиқчаларнинг овал шаклдаги танасини тасвирлашга йўналтириш.

Машғулот охирида шаклнинг характерли хусусиятларини ким тасвирлай олганлигини айтиб ўтиш.

Машғулотга тайёрланиш. Икки балиқча (ўйинчоқ)ни танлаб олиш: бирининг танаси овал шаклда, япалоқ, бошқасиники—анча чўзиқ, аммо у ҳам овал шаклда. Балиқча ранги қандай бўлса, худди ана шундай рангдаги лой ёки пластилинни тайёрлаб қўйиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Минорача» темасида аппликация

Программа мазмуни. Бинолар қандай элементлардан ташкил топишини кўрсатиш, улар ўзаро қандай муносабатда эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Ана шу тасаввурни аппликацияда акс эттириш. Йўл шаклидаги қоғоз бўлакларини квадрат ва учбурчакларга бўлиш кўникмасини татбиқ қилиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Тарбиячи минорача қуради ва болаларга улар қандай шакллардан қурилаётгани, уни қандай қўяётганини (аввал катта кубик, кейин кичикроғи ва яна кичикроғи, тепасига эса учбурчак пирамидани) диққат билан кузатиб туришларини айтади. Кейин минорачани бузади ва худди ана шундай минорачани қайта қуриш учун бир болани чақиради. Агар қурилиш тўғри бажарилган бўлса бошқа бир болани чақиради, у бола шаклларнинг номини, уларнинг рангини ва миқдорини айтиб беради. Шундан сўнг болалар мустақил равишда квадратлар ва учбурчакларни қирқиб оладилар ва қоғоз устида минорача қура бошлайдилар. Хатога йўл қўяётганларга тарбиячи қурилишга қарашларини ва ўз хатоларини тўғрилашларини таклиф қилади. Ёпиштириш процессида тарбиячи ишнинг батартиб ва аниқ бажарилишини кузатиб боради, баъзи болаларга ишни қайта бажаришни таклиф қилади.

Ҳамма ишлар стендга қўйилади ва қурилиш билан таққослаб чиқилади. Энг яхши ишлар аниқланади. Сўнгра ишнинг чиройли чиқмаслигига сабаб бўлган нотўғри қирқиш ва ёпиштиришлар айтиб ўтилади.

Машғулот болаларнинг қуриш-ясаш фаолияти ва қурилиш ўйинлари билан боғлиқдир. Унда болаларнинг ҳисоблаш бўйича билимлари қўлланилган. Топшириқларни бажаришда намунага аниқ тақлид қилиш, уни қисмларга ажратиш, унинг конструкциясини англаб етиш қобилияти ўсади.

Машғулотга тайёрланиш. Стол устида ўйналадиган қурилиш материаллари билан ўйнашда ва машғулотлар ўтказилганда болаларга тарбиячи намунасига қараб олдиндан бир нечта турли хил минорачалар қуриш имкониятини бериш; қайси шакллардан қуриш кераклигини, қайси шакллардан нечта олиш, уларни қандай жойлаштириш кераклигини айтиш.

Оқ ёки очиқроқ рангли қоғозлар варағини, шакллар наборини шундай ҳисоб билан тайёрлаш керакки, болалар йўл шаклидаги қоғоз варағидан керакли миқдорда квадратлар қирқиб оладиган бўлсинлар; минорани тугаллаш учун учбурчакни улар тайёр ҳолда оладилар.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Расмлар чизиш

Программа мазмуни. Болаларни расмлар чизиш учун мазмун ўйлаб топишга ва ўз ўйлаганларини амалга оширишга ўргатиш. Нарсалар шаклини, уларнинг тузилишини тасвирлаш, бўёқлар билан расм чизиш кўникмасини мустаҳкамлаш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Тарбиячи бирин-кетин, болалар кўришлари учун, доскага айрим нарсалар тасвирланган расмларни қўяди ва ким ниманинг расмини чизишини ўйлаб кўришини таклиф қилади.

Топшириқ бажарилиши билан расмлар доскага қўйилади. Ишни ҳамма тамомлагач, тарбиячи тайёр бўлган расмларни кўриб чиқишни, энг қизиқарлиларини танлаб олишни ва нима учун айни мана шулар танлаб олинганлигини гапириб беришни таклиф қилади. Чақирилган болаларга ўзлари чизган расмлари ҳақида сўзлаб беришни таклиф қилиш ҳам мумкин.

Машғулотга тайёрланиш. Айрим нарсалар тасвирланган расмларни танлаб олиш, уларнинг ичида болалар илгари расмини чизмаган, аммо шакли ва тузилиши болаларга тушунарли бўлган расмлар ҳам бўлади. 5—6 рангли гуашь бўёқларини тайёрлаш.

Илова. Болалардан, улар ниманинг расмини чизмоқчи бўлганликларини сўраб ўтириш шарт эмас; бу кўп вақтни олади. Яхшиси, болалар расм чизишни бошлашлари биланоқ уларнинг ёнига келиб, расм мазмунини мустақил ўйлаб топа олмайдиганларга ёрдам бериш керак. Бироқ бунда тема номини айтмасдан, балки болани ўз фикрини айтишга ундаш лозим. Агар бола ўзи тасвирлай олмайдиган нарсанинг номини айтса, тарбиячи ётиғи билан унга яна ўйлаб кўришни ва бошқа, бирмунча оддийроқ мазмунни ўйлаб топишни таклиф қилиши керак.

Машғулотни мураккаблаштириброқ, нарса тасвирланган расмлар ўрнига оддий мазмунли расмлар бериб, такрорлаш мумкин. Шундай қилинганда мазмунни ўйлаб топиш ва тасвирлашни рағбатлантириш лозим.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Пластилиндан нарсалар ясаш
(болаларнинг ўзлари танлаб оладилар)

Программа мазмуни. Текшириб чиқиш ва пластилиндан нарсалар ясашнинг илгари ўзлаштирилган усулларидан фойдаланиб мустақил равишда буюмларни тасвирлаш. Нарса ясашнинг тўғри усулларини мустаҳкамлаш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Тарбиячи: «Бугун ҳаммангиз хоҳлаган нарсангизни пластилиндан ясайсиз. Мен сизларга баъзи ўйинчоқларни кўрсатаман, сиз эса уларни пластилиндан ясайсиз, аммо ўзингиз ҳам бирор нарса ўйлаб топсангиз янада яхши бўлади», дейди.

Тахта токча устига фонда яхши ажралиб турадиган қилиб (орқа томонига ранги мос келадиган қоғоз қўйиш мумкин) ўйинчоқларни териб қўйиш. Болаларга ҳар бир қўйилган фигурани кўриб чиқиш, ўйлаб кўриш ва нима ясашни танлаб олишига имкон яратиш. Баъзи болалардан нарса ясашни нимадан бошламоқчи эканликларини сўраш. Иш процессида қийналаётган болаларгагина маслаҳатлар бериб туриш керак. Белгилаган ишларини бажаришга болалар қодир бўлсалар, уни охирига етказишларини кузатиб бориш. Агар ўйлаганларини амалга оширишга кучлари етмаса, бирорта оддийроқ тема бериш ва уларни бу иш ҳам қизиқарли чиқади, деб ишонтириш. Илгари бажарган ишларини такрорлаётган болаларга, бу гал уларнинг иши жуда ҳам яхши чиқишини, чунки улар уни қандай қилиб пластилиндан ясашни билишларини айтиш.

Ҳайвон ёки одамнинг ҳаракатдаги ҳолатини тасвирлаш мумкинлигини айтиб қўйиш, баъзи ҳолларда тана қисмлари ҳолатини ўзгартиришни таклиф қилиш. Болалар пластилиндан нима ясаётганларини кузата бориб, тарбиячи қоғоздан ит учун тасмача билан бўйинбоғ, қизча учун байроқча ёки белкурак, кичкина одамча учун қалпоқча ва ҳоказоларни қирқиб ясаши мумкин. Бундай қўшимчалар фигурачаларни жонлантиради, аниқ мазмун ўйлаб топишга ёрдам беради.

Машғулот тугашида болаларга улар нимани ясаганликлари ҳақида сўзлаб беришни таклиф қилиш.

Машғулотга тайёрланиш. Болалар илгари ўзига қараб ясаган ўйинчоқларни (баландлиги 15—20 *см*) ёки шакли ва тузилиши жиҳатдан мураккаб бўлмаган (ҳаммаси бўлиб 6—8 дона) бошқа ўйинчоқларни танлаб олиш. Лой ёки пластилин тайёрлаш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Қушлар» темасида аппликация

Программа мазмуни. Болаларни нарсанинг асосий қисмлари шаклини аниқлашга ўргатиш. Шу қисмлар учун қоғоздан қирқилган шаклларни мустақил суратда топиш. Уларни жойлаштириб қуш тасвирини ёпиштириш.

Батартиб ёпиштириш кўникмаларини мустаҳкамлаш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Қушларнинг йирик тасвирларини турли ҳолатларда кўрсатиш. Икки-учта болани чақириб улардан қушнинг тана қисмлари номини айтишларини, уларнинг шаклини, рангини ва нисбатан катта-кичиклигини аниқлашларини сўраш. Шундан сўнг конверт ичидан тайёрлаб қўйилган шаклни олиш, улардан қайси бири танага мос келишини, қайси бири бош эканлигини топиш ва иккита қушни ёпиштириш (болалар бу қушларни истаган ҳолатда тасвирлашлари мумкин). Қушларнинг тумшуғи ва кўзлари учун тайёрланган майда шаклларни болаларга қушларнинг асосий қисмларини ёпиштириб бўлганларидан кейин бериш.

Машғулот охирида ишларни стендга қўйиш ва қушлар қандай чиройли чиққанини кўздан кечириш. Қушларнинг тузилишидаги қўпол хатоларни, баъзи расмларда қисмларнинг нотўғри жойлаштирилганлигини ҳам айтиб ўтиш.

Машғулотга тайёрланиш. Машғулот бошланишидан олдин болалар билан ҳар хил қушлар тасвирланган расмларни кўриб чиқиш. Тегишли расмлари бор китобларни, болалар машғулот вақтида томоша қиладиган катта расмни тайёрлаб қўйиш. Ёзув қоғози ҳажмидаги қоғозни (рангли бўлиши ҳам мумкин), наборларни: иккита доира, иккита овал, думлар учун икки шаклни, қанотларни қирқиб олиш учун иккита тўғри тўртбурчак, иккита тумшуқ учун квадратча, кўзлар учун иккита доирача (жами 11 шакл)ни тайёрлаб қўйиш.

Илова. Мазкур тема бўйича коллектив иш ўтказиш мумкин. Агар шундай қилинадиган бўлса тарбиячи олдиндан тайёрлаб қўйган катта қоғоз варағидаги умумий шохга болалар қушларнинг тайёр тасвирини ёпиштирадилар. «Шохдаги қушлар» деган коллектив композиция ҳосил бўлади.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Баҳор келди» темасида бўёқлар билан расм чизиш

Программа мазмуни. Баҳор ҳақидаги ўз тасаввурини ифодалашга, умумий мазмунга эга бўлган айрим тасвирларни боғлашга ўргатиш. Мўйқалам ва бўёқлар билан расм чизиш кўникмасини мустаҳкамлаш. Баҳор белгилари — кўм-кўк ўтларни, дарахтлардаги япроқларни, қушларнинг учиб келишини ва бошқаларни кузатиш. Баҳор ҳақидаги суратларни томоша қилиш. Шеър ва қўшиқларни ўрганиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Машғулот бошланишида тарбиячи болаларга: «Биз сизлар билан биргаликда баҳор тўғрисидаги ҳикояларни кўп ўқидик, шеърлар ва қўшиқларни ўргандик. Сайр қилиб юрган вақтларимизда сизлар кўп нарсаларни кўрдингиз. Келинглар, энди баҳор ҳақида расмлар чизамиз. Ҳар ким нимանинг расмини чизишини ўзи ўйлаб топади. Мен сизларга бўёқлар тайёрлаб қўйдим. У билан сизлар кўп расмлар чизишингиз мумкин. Агар бирортангизга яна қандайдир бўёқ керак бўлиб қолса, айтинглар. Мен сизларга ўша бўёқни бераман», дейди.

Болалар мустақил равишда расм чизадилар. Баъзида маслаҳат сўраб мурожаат қиладилар. Педагог ҳамманинг бўш ўтирмай расм чизишини ёки ўйлаши, эслашини кузатиб боради. Кам расм чизган болаларга расмни тўлдиришда ёрдам беради, сайр вақтида кўрганларини эслатади.

Машғулот охирида расмлар стендга териб қуйилади. Болалар хилма-хил расмларни завқ билан томоша қиладилар. Тарбиячи айрим болаларга баҳор ҳақида шеър ўқишни, ҳамма биргалашиб музика машғулотларида ўрганилган қўшиқни айтишларини таклиф қилади.

Машғулотга тайёрланиш. Ҳаво рангли катта қоғоз варақларини, оч яшил, оч сариқ ,тўқ сариқ, тўқ жигар ранг, оқ бўёқларни (бошқалари ҳам бўлиши мумкин) тайёрлаш.

ҚАТТА ГРУППА

Болалар нарсаларнинг асосий шаклини ўзлаштириб, катта группага ўтадилар. Юмалоқ ва тўғри тўртбурчак, учбурчак шаклларнинг расмини чизиш, шарлар, овал, цилиндр шаклларни лой ёки пластилиндан ясаш улар учун қийин эмас. Турли мутаносибликдаги тўғри тўртбурчак ва овал шаклидаги нарсаларни улар бемалол қирқиб оладилар. Эгалланган кўникмалар жуда кўп нарсаларни тасвирлашга ва турли воқеаларни акс эттиришга имконият беради.

Катта группада кузатиш ва сенсор тарбия таъсирида болаларда нарсаларнинг ранг, шакл каби хусусиятлари тўғрисида тасаввурнинг маълум системалари пайдо бўлади. Бу тасаввурлар болага теварак-атрофни яхшироқ тушунишга, идрок этилаётган нарсалар ва воқеалар хусусиятларини бирмунча аниқ ажрата билиш ва баҳолашга ёрдам беради. «Болалар боғчасида тарбия программаси»да олти ёшли болаларда идрок этилаётган нарса ва воқеаларни таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш, уларнинг белгилари (масалан, узунлиги, баландлиги, кенглиги, шакли, давом этиш муддати) ни ажрата олиш ва таққослаб кўриш, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаш қобилияти ўсиб боради. Ана шулар асосида болаларни нарсаларнинг ўзаро катта-кичиклиги, баландлиги, қалинлиги нисбатини ва, шунингдек нарсалар қисмларининг ҳам баландлигига, ҳам шаклига ва бир-бирига нисбатан жойлашувига қараб нисбатини ифодалашга ўргатиш мумкин бўлади. Нарсаларнинг ана шу хусусиятларини лой ёки пластилиндан нарсалар ясашда, расмда, аппликацияда ифода этиш учун болалар уларнинг бўшлиқдаги ҳолати (юқорида, пастда, ён томонларда, ўртасида, ўнг томонида, чап томонида), баландлигига қараб бўлиниши (юқорироқ, яна юқорироқ, энг юқори), узунлиги (узунроқ, энг узун), қалинлиги (қалин, юпқа, энг юпқа) ва ҳоказолар ҳақидаги янги билимларни эгаллаб олишлари зарур.

Шу мақсадда болаларни тасвирлашдан олдин нарсаларни текширганда уларни ўзаро хусусиятларига кўра таққослашга ва, шунингдек айни бир нарса қисмларини солиштириб кўришга ўргатиладилар.

Айни бир нарсанинг қисмларини таққослашдан кўра бир нарсани бошқа нарса билан таққослаш болалар учун осондир, шунинг учун энг аввал турли баландликка ёки кенгликка, узунликка эга бўлган бир турдаги нарсаларни масалан, бир неча дарахтларни (турли баландликдаги), бир неча бино ёки бир қанча одамлар (катталар ва болалар) ни лой ёки пластилиндан ясашни, расмини чизишни, қирқиб ёпиштиришни тавсия қилиш лозим ва ҳоказолар.

Бундай вазифани ҳал қилишни мураккаб бўлмаган мазмунни тасвирлаш вақтида амалга ошириш мумкин. Болалар баланд дарахтлар орасидаги кичкина арча расмини; болани боғчага олиб кетаётган, балки биттасини, каттароғини — мактабга, бошқасини болалар боғчасига олиб кетаётган ота ёки онанинг расмини катта қизиқиш билан чизадилар; лой ёки пластилиндан катта ҳайвонларни ва уларнинг болаларини ясайдилар. Шундай қилиб, айни бир топшириқнинг ўзи — нарсалар нисбатини баландлигига қараб тасвирлаш — турли маънода ҳал қилиниши мумкин, шу билан бирга ҳар бир бола уни ўзи билганича ифода этади.

Машғулот олдидан текшириб чиқиш учун нарсалар танлаётганида тарбиячи катта ўйинчоқ итни ва кичкина кучукчани, катта ва кичкина қуённи, катта ва кичкина қўғирчоқни олиши мумкин. Кўп нарсаларни — дарахтларни ҳам, биноларни ҳам, турли хил қушларни ҳам, кишиларни ҳам болалар боғчаси участкасида, сайр қилиб юрган вақтда кўчада кўриш осон. Болаларни нарсалар ўртасидаги фарқни ўзлари сезишга, уларни таққослаб кўришга ўргатиш керак.

Нарсалар ўртасида баландлиги, кенглиги, узунлиги жиҳатдан тафовут борлиги ҳақидаги билим пухта ўзлаштирилиши, болаларга тушунарли бўлиши керак, шунинг учун узоқ муддат давомида бу билимларни болалар осонлик билан ифода этадиган

«Биз баланд уйда яшаймиз».

«Биз онамиз билан сайр қилмоқдамиз».

темаларга қайтиш лозим. Болаларга таниш бўлган ҳаётий воқеалардан ташқари эртаклар ва таниш адабий асарлар образларидан, масалан «Теремок» ва «Уч айиқча» эртакларидаги уч айиқча, С. Михалков шеъридаги Стёпа тоға образларидан фойдаланилса яхши бўлади.

Ўрта группада бўлган вақтларидаёқ болалар одамни, тўрт оёқли ҳайвонларни, қушларни, балиқларни, биноларни, баъзи транспортларни, дарахтларни ва бошқа нарсаларни тасвирлашнинг энг оддий усулларини ўзлаштириб олганлар. Катта группада бу нарсаларни тасвирлаш усуллари ойдинлаштирилади.

Агар илгари болалар одам расмини юмалоқ бошли, кўйлаги ёки пўстинини бир қилиб чизган бўлсалар, энди боши овал шаклда, танаси эса юқори ва пастки қисмлардан ажратилиб чизилади. Болани физкультура кийимида—майка ёки футболкада, юбка ёки трусикда тасвирлаганда бунга жуда яхши эришиш мумкин. Бошнинг катталиги майка, кофточка узунлигига нисбатан, қўллари ва оёқлари эса — танага нисбатан (қўллар трусикнинг пастигача, оёқлар ҳам тана қанчалик узун бўлса ана шундай узунликка эга бўлади) олинади. Агар қўлларнинг тирсакдан букилган ҳолатдаги расмини чизиш ёки лой, пластилиндан ясаш керак бўлса, унда болалар диққатини тирсак кўйлакнинг белбоғигача ёки кофточка (кўйлакча) тугайдиган ва юбка (иштон) бошланадиган жойда бўлишига жалб этиш керак. Бундай таққослашни болалар яхши тушунадилар ва бу уларнинг вазифани амалий ҳал этишларини енгиллаштиради. Тўғри тўртбурчак шаклга яқин бўлган майка шакли елкаларни яққол кўрсатишга ва қўллар бириктирилган жойни топишга ёрдам беради.

«Бу ўша, бу ўша, ленинградлик почтальон».

«Қизча сайр қилмоқда».

Юбка расми пастга қараб, бирмунча кенгайган ҳолда чизилади ва қирқиб олинади. Агар болаларга кўйлак кийган қўғирчоқ ёки қизча расмини чизиш топширилган бўлса, унда улар гавданинг эмас, балки кўйлакчанинг шаклини ифодалайдилар.

Ўғил ёки киз бола гавдасини «янгича» чизишдан олдин қисмларни турли хил қоғозлардан қирқиб олиш, уларни бир-бирига ўлчаб кўриш, кераклигича жойлаштириш ва ёпиштириш фойдалидир. Машғулот вақтида ҳар бир бола ўз шаклини алоҳида ёпиштираётган бўлса, бу индивидуал иш ҳисобланади, бироқ «Биз зарядка қилишга тайёрландик» темасида коллектив фриз ҳам бўлиши мумкин. Бундай ишлар олдин йўл қўйган хатоларни тузатиш имконини беради.

Расмни чизаётганда аппликациядан кейин топилган катта-кичиклик ва шакл бўйича нисбатлар мустаҳкамланади. Бунда энди расмда бошқа персонаж тасвирланади. Агар биринчи галда модель хизматини қўғирчоқ ўтаса, иккинчи галда физкультура машғулотидаги болалар ёки бувисини кўргани кетаётган Қизил Шапкача ёки байрам куни чиройли костюмлар кийиб олган болалар намуна вазифасини бажаради.

Болалар ўз персонажларига дарров кўз ва оғиз расмини чизишга интиладилар, шунинг учун уларга қўғирчоқларни (ва шунингдек ўзингизда ва болаларнинг ўзида) кўрсатиб, бет қисмларини қандай жойлаштириш кераклигини тушунтириш лозим.

Кўзлар бетнинг ўртасида жойлашади ва остида нуқтачалари бор горизонтал чизиқчалар ёки ўртасида нуқтачалари бор кичкинагина оваллар билан тасвирланади. Уларнинг остига унчалик узоқ бўлмаган оралиқда бурун (кичкинагина горизонтал чизиқча) ва оғиз (бир оз узунроқ чизиқча) расми чизилади. Бетнинг юқори қисмининг ҳаммасини пешона эгаллайди. Сочлар расми пешона юқорисига чизилади ёки уни қисман қоплайди; агар соч калта бўлса, бошдан бир оз пастда ёйсимон қулоқлар расми чизилади.

Болаларнинг бет қисмлари ва уларни тасвирлаш ҳақидаги тасаввурини аниқлаш учун китоблардаги суратларни кўриб чиқишга ва рассомлар кўзларни, сочларни хилма-хил чизишга, аммо уларнинг жойлашуви ҳамма вақт бир хил эканлигига улар эътиборини жалб этиш фойдалидир.

Суратларни туплаб ва уларни болалар билан биргаликда кўриб чиқиб, тарбиячи расм чизиш усулларини доскада чизиб кўрсатмаслиги, балки болалар билимини аниқлаш учун улардан бет, гавда ва бошқа қисмларнинг жойлашуви ҳақида сураши мумкин.

Болалар лой ёки пластилиндан ҳайвонларни тасвирлаганларида уларнинг қисмлари ўртасидаги нисбатларни яхшироқ ифодалашга эришадилар. Катта группа тарбияланувчилари тўрт оёқли ҳайвонларда оёқлар бир жуфт-бир жуфтдан, яъни иккита олдинги ва иккита кейинги оёқлардан иборат эканлигини осонлик билан ўзлаштирадилар. Танаси олдинги ва кейинги оёқлар устида «ётади». Боши танадан юқорироқ бўлиб, у билан бўйин

орқали бирлашади (бир хил ҳайвонларда бўйин калта, баъзиларида узунроқ бўлади). Тўрт оёқли ҳайвонларда бош овал шаклида, чўзиқроқ, чунки уларнинг тумшуғи чўзилган бўлади. Болалар аста-секин турли хил ҳайвонлар: қуён, ит, тулки, айиқ ва бошқаларнинг тумшуқларини лой ёки пластилиндан ясаш усулларини ўрганиб оладилар.

Ўргатиш процессида тарбиячи болалар диққатини турли ҳайвонлар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлашга йўналтириши керак. Шундай қилинганда, битта оёқли ҳайвонни тасвирлаш усулларини ўзлаштириб олиб, болалар истаган бошқа ҳайвонни лой ёки пластилиндан ясашлари, уларни суратлардаги ва ўйинчоқлардаги тасвирларига таққослаб расмини чизишлари мумкин. Масалан, болалар итни лой ёки пластилиндан ясаб, сўнгра «Мен ит билан сайр қилмоқдаман» ёки шунга ўхшаган тема бўйича расм чизганларидан кейин, уларга ўзлари хоҳлаган ҳайвонларини лой ёки пластилиндан ясашларини таклиф қилинг. Тегишли ўйинчоқларни, ҳар хил ҳайвонлар тасвирланган расмларни танлаб олинг. Уларни стол устига ҳаммага кўринадиган қилиб қўйинг. Уларни яхшилаб кўриб чиқишни таклиф қилинг, сўнгра бу ҳайвонлар нимаси билан бир-бирига ўхшаш эканлигини сўранг. Болалар гавда шаклининг ўхшашлигини ва тана қисмларидаги бир хилликни айтиб ўтганларидан сўнг уларнинг бир-биридан фарқи нимада эканлигини сўранг. Болалар тана мутаносиблигидаги тафовутни, бош шаклидаги фарқни, қўллари, думлари, қулоқларининг узунлиги ва йўғонлигини пайқаб оладилар.

Ўйинчоқларни кўриб бўлгач, болаларга итни лой ёки пластилиндан ясаганликларини ва ҳайвонларни қандай ясаш уларга маълум эканлигини эслатинг. Энди фақат ким нима қилмоқчи бўлганлигини эсида сақлаши ва ясамоқчи бўлган нарсаси ўхшаш бўлиб чиқиши учун унинг хусусиятларини ифода этишга ҳаракат қилиш керак. Болалар ўзлаштириб олган техник усуллари (эшиш, чўзиш, чимдиб олиш)дан фойдаланадилар.

Мазкур методика бўйича ўтказилган машғулот йил давомида такрорланиши мумкин, аммо тасвирлаш учун тарбиячи бошқа ҳайвонларни танлаб олади. Табиат ҳақидаги ҳикоялар, ҳайвонлар ҳақидаги шеърлар, эртаклар, сайр — экскурсия вақтидаги кузатишлар уй ва ёввойи ҳайвонларни тасвирлаш учун, уларнинг хусусиятларини аниқлаш учун бой материал беради.

Лой ёки пластилиндан ясаш ёки расм чизиш учун бирор темани таклиф қилишда, суҳбат ва тушунтириш вақтида қисмларнинг катта-кичиклигидаги, тузилишдаги, шаклидаги тафовутларни бир неча марта таъкидлаб ўтиш лозим, бундай қилиш болалар бажараётган ишларга мазмун ва ҳаққонийлик бахш этади. Расм чизиш ёки лой, пластилиндан нарса ясаш процессида болалар бу нисбатларни ифода этишга уринишлари, тарбиячи эса маълум талабчанлик курсатиши керак; бунда баъзи болаларга эҳтимол индивидуал ёрдам (маслаҳат бериш, тасаввурни, образ-

ли характеристикани аниқлаш учун суратларни кўрсатиш) керак бўлиб қолар.

Тирик жониворларни тасвирлашда болалар кўпинча юмалоқ шаклларни ифодалайдилар. Тўғри тўртбурчак шакллар — бинолар, мебеллар, машиналар, турли хил транспортларнинг асосидир. Сайр қилиб юрганда кўчани, биноларни ва машиналарни кузатишдан ташқари тасвирий фаолиятни қуриш — ясаш билан қўшиб олиб бориш жуда фойдалидир. Аввал болаларга кубиклардан, ғиштчалардан ва бошқа қурилиш материалларидан оддий қурилишлар бунёд қилиш, сўнгра уларни аппликацияда, ундан кейин эса расмда ифодалаш учун имкон берилади. Бундай иш болаларга шаҳар биноларини бирмунча онгли кузатишга. уларнинг конструктив хусусиятларини билиб олиш имконини беради. Шундан кейин болалар томонидан чизилган бинолар расми мутаносиблиги ва конструкциясига кўра бирмунча хилма-хил бўла бошлайди.

Машиналарни, транспорт турларини болалар кўчаларда кузатадилар, ўйинчоқларда, расмларда ва фотосуратларда кўздан кечирадилар. Тарбиячи болаларга автомобилнинг асосий қисмлари — олдинги (моторни ўз ичига олувчи) қисмини, шофёр ёки ҳайдовчининг кабинасини ва кузови (юк ташувчи машинада) ёки салони (пассажирлар ташувчи енгил ва жамоат транспортида)ни ажрата олишларида ёрдам беради. Кейин болалар юк ташувчи турли хил машиналарнинг кузовлари тузилишидаги хилма-хилликни, енгил машина, автобусларнинг хусусиятларини, поезд вагонларининг автомобиллардан фарқини ажратадилар. Қуруқликда юрадиган транспортнинг турли хилларини болалар аппликацияда ва расм чизиш орқали яратадилар. Машиналар, вагонлар шакли ва тузилишини аппликацияда ифодалаш осонроқ, шунинг учун олдин болаларга поезд, автобус, троллейбус ёки юк машинасини қоғоздан қирқиб ёпиштиришни таклиф қилиш мумкин.

«Машинист поездни бошқаряпти».

Яхши ўйинчоқ ёки расмни топинг, уни тасвирлашдан олдин кўриб чиқиш сайр вақтида болалар олган тушунчаларни аниқлашда ёрдам беради. Бунда шундай нарсаларни танлаб олиш керакки, улар болаларга ўзларини қуршаб турган ҳаётда учрайдиган нарсалар бўлсин. Масалан, агар болалар троллейбусни кўрмаган бўлсалар, уларга трамвай ёки автобусни қоғоздан қирқиб ёпиштиришни таклиф қилиш мумкин. Болалар билан биргаликда ўйинчоқни, суратни кўриб чиқиб, унинг қисмларининг жойланишини, уларнинг шакли ва катта-кичиклигини аниқлаб, машинанинг у ёки бу қисмини қоғоздан қандай қирқиб олиш кераклигини ўйлаб кўришларини таклиф қилинг. Ахир ўрта группада болалар тўғри тўртбурчак ёки квадратнинг бурчакларини айлантириб, тўғри йўналишда қирқишни, овал ва юмалоқ шаклларни қирқиб олишни ўрганиб олганлар — демак, бирор қисмларни қирқиб олиш усулини тўғридан-тўғри кўрсатиш керак эмас, балки эслатиш зарур.

Агар кўпчилик болалар машина (автобус, троллейбус, вагон ва бошқалар)нинг айрим қисмларини қандай қирқишни аниқ тасаввур қила олмасалар, болалардан биронтасига (кимга ишонч билдира олсангиз) бу иш қандай бажарилишини кўрсатиб беришини таклиф қилинг. Агар бундай болалар бўлмаса, педагогнинг ўзи кўрсатиб бериши керак. Бола кўрсатувини тушунтириб бориши зарур. Агар бола бу ишни етарли даражада аниқ бажара олмаса, унга ёрдам беринг: сўз кўрсатилаётган нарсани яхшироқ идрок этишга, тасвирлаш усулларининг онгли ўзлаштирилишига имкон беради.

Топшириқ болалар томонидан бажарилаётганда педагог диққатни шакл ва қисмларнинг аниқ бажарилишига, уларнинг асосий қисмга нисбатан тўғри жойлашувига жалб этиши керак. Эҳтимол болаларнинг биронтасига ёрдам: эслатиш, маслаҳат бериш, қилган хатосини кўрсатиб бериш ҳам керак бўлиб қолар.

Болаларга транспорт ҳақидаги ўз тасаввурларини ифода этишга имкон берувчи кейинги тема: «Машиналар шаҳар (қишлоқ) кўчаси бўйлаб юрмоқда», «Машиналар дон (ёки сабзавот ва мевалар) ортиб кетмоқда» темалари коллектив равишда бажарилиши мумкин. Ҳар бир бола ўз нарсасини қоғоздан қирқиб олиш, унинг қисмларини ёпиштириш (бир қисмни бошқа қисм устига) ва кейин умумий қоғозга ёпиштириш каби иш турлари билан болалар ўрта группадаёқ танишганлар. Аммо умумий ишнинг яхши чиқиши ҳар бир бола бажарган ишнинг сифатига боғлиқ эканлигини эслатиб қўйиш керак. Машғулот олдидан педагог томонидан танлаб олинган машиналар ҳар бир болага тасвирламоқчи бўлган нарсаси ҳақидаги тасаввурни аниқлашга ёрдам беради. Машғулот вақтида болаларга бирор қисмни яхшироқ кўриб олиш учун машиналар ёнига келишга рухсат бериш керак. Катта, горизонтал чўзилган коллектив фриз ишланадиган қоғоз юзасида пиёдалар ўтадиган жойларни, светофорлар ва кўчанинг ўзига хос белгиларини болалар билан биргаликда

аниқлаб олиш мумкин. Умумий композициянинг бу қисмлари ўз машинасини тезроқ тугатган болалар томонидан машғулот вақтида ҳам, машғулотдан бўш вақтларда ҳам яратилиши мумкин. Тугалланган композицияни маълум вақт давомида группа хонасига ёки вестибюлга жойлаштириб қўйинг.

Самолётлар, ракеталар тузилиши болаларда алоҳида қизиқиш пайдо қилади. Болалар ерда, ҳавода ва сувда ҳаракат қиладиган машиналар конструкциясидаги фарқни тушуна оладилар. Самолётда қушга ўхшашлик, қайиқда, кемада эса балиққа ўхшашлик борлигини болаларга айтиш мумкин.

Аста-секин болаларни у ёки бу группага тааллуқли нарсалар — бинолар, ерда ҳаракат қиладиган машиналар, транспортлар учун хос бўлган характерли хусусиятлар бор эканлиги ҳақидаги тушунчага олиб келиш керак. Бироқ бу нарсаларнинг ҳар бир группасида фарқ ҳам бор. Бундай билимлар болаларда кўп марталаб кузатишлар ўтказилиши ва кўрилган нарсалар ҳақида ўтказилган суҳбатлар натижасида йиғилиб боради.

Тарбиячи болаларнинг кузатувчанлигини ва билишга қизиқувчанлигини ўстиради ва уларни илгари расмини чизмаган ва лой ёки пластилиндан ясалмаган нарсаларни тасвирлаш усулларини мустақил излашга ундайди. Бундай мустақил изланишларда педагогнинг болаларга кўрсатадиган ёрдами энг аввало ёрдамчи саволлар беришдан, бир хил нарсани бошқа бир нарсалар билан (камроқ таниш бўлган нарсаларни, таниш бўлган нарсалар билан) таққослашни таклиф қилишдан иборатдир. Катта группада болалар турли шакл ва катта-кичикликка эга бўлган бир неча қисмлардан иборат нарсаларнинг расмини чизадилар ва аппликацияда бажарадилар. Шунинг учун ҳам уларни нарсани ҳам яхлит тарзда, ҳам уни ташкил этувчи қисмларини, ҳам уларнинг жойлашиш имкониятларини аниқ тасаввур этишларига ўргатиш жуда муҳимдир. Тасвирнинг ҳажми қоғознинг катталигига мос бўлиши; катта қоғоз сатҳида бўш жой қолмаслиги учун тасвирларни катта қилиб чизиш керак. Болалар олдига қандай вазифа қўйилишига қараб, расм чизиш ва аппликация учун турли катталикдаги қоғоз варағини бериш фойдалидир. Бироқ та нарсанинг тасвирини 20—30 *см* гача катталаштириш мақсадга мувофиқ эмас; агар тасвир 15 *см* дан ошмаса, бутун расмни эгаллаш ва унинг тузилишини тушуниб олиш осонроқ бўлади.

Катта расмлар билан бир қаторда болалар кичик расмлар чизишни ҳам яхши кўрадилар. Бир варақ қоғоз бетида бир неча бир хил нарсалар (балиқлар, капалаклар, қушлар, гуллар ва бошқалар)ни тасвирлаш топширилган ҳолларда бу мақсадга мувофиқдир.

Катта группа болаларининг катта қилиб чизган расмлари декоратив характер касб этади. Уларнинг деталлашуви одатда нақш билан безатишдан иборат ва унинг қисмлари ранг билан ажратилади.

Беш ёшда болалар кўпгина ранглар билан танишадилар, ле-



«Балиқчалар аквариумда сузишмоқда».

кин ҳаммасининг номини ҳам тўғри айта олмайдилар, аммо расм чизишда ва аппликацияда улардан мамнуният билан ҳамда турлича фойдаланадилар. Катта группада, ранг номларини аниқлашдан ва ранглар ҳақидаги тушунчани бойитишдан ташқари яна янги вазифа — рангларни группаларга ажратиш ва бу группаларни ўзаро таққослашга ўргатиш вазифаси ҳам қўйилади. Болалар ёрқин (спектрал) рангларни ва тўқ ранглар — қора, кул ранг, жигар рангни фарқ қиладилар; оч ранглар — пушти, ҳаво ранг, оч сариқ, оқ ранглар борлигини биладилар; кўп ранглар ёрқин (тўйинган) ва оч бўлиши мумкинлигини тушуна бошлайдилар. Йил охирига келиб болаларга оқ рангга (гуашь билан расм чизишда) бирорта ёрқин рангли бўёқни қўшиб ёки сув қўшиб (акварел билан расм чизганда) оч тусдаги рангларни ҳосил қилишни кўрсатиб бериш мумкин.

Расм чизиш ёки аппликацияни бажаришда болалар нима оч рангда, нима тўқ рангда, нима ёрқин рангда бўлишини энди аниқлай оладилар; масалан, кузги дарахтларни тасвирлашда ёрқин ранглар — қизил, сариқ, тўқ сариқ; арчаларнинг қишдаги кўринишини тасвирлаш учун оч яшил рангни эмас, балки тўқ яшил рангни олиш керак, барглари тўкилган дарахтлар учун ёрқин ёки оч жигар ранг эмас, балки қора ёки тўқ жигар ранг тўғри келади. Болалар керакли ранг тусини танлашга ўрганишлари учун улар акварель қутисидаги, палитрадаги гуашь бўёқ-

ларни, рангли қаламлар ёки рангли қоғозлар наборидаги ранг-ларни яхши билишлари керак.

Тарбиячи аппликация вақтида, расм чизишда болалар ранг-лардан қандай фойдаланаётганликларининг пассив кузатувчиси бўлиб қолмайди, керак бўлиб қолганида болани тасвирни ранг жиҳатидан қандай ҳал қилинишига йўналтириб боради, ҳар бир конкрет ҳолда қайси рангдаги бўёқни, қоғозни танлаб олиш ях-широқ бўлиши устида ўйлаб кўришга ундайди.

Тарбиячи қутидаги рангли қаламларни, акварель бўёқлари плиткаларини ёки идишчага қўйилган гуашь бўёғини маълум тартибда жойлаштиришни таклиф қилади. Болалар ҳамма маш-ғулотларда рангларнинг тўлиқ наборига эга бўлишлари керак. Рангли қаламлар набори қутисида одатда тўқ қизил, оч қизил, тўқ сариқ, оч сариқ, хира сариқ, тўқ яшил, кўк, ҳаво ранг, бинаф-ша ранг, тўқ жигар ранг қаламлар бўлади. Акварель бўёқлар яшигида ҳам, гуашь бўёқлари шишачаларида ҳам тахминан ана шундай ранглар бўлади. Рангнинг керакли тусини танлаш учун машғулотда маълум вақт ажратиш, у ёки бу бола қайси рангни олмоқчи бўлганлигини текшириш керак. Агар ранг нотўғри олин-ган бўлса, диққат билан қарашни, ўйлаб кўришни ва бошқа ке-ракли тусни олишни таклиф қилиш зарур.

Баъзи машғулотларда болалар олдига ранг ҳақида махсус топшириқ, улар бажаришлари керак бўлган у ёки бу шарт қўйилиши мумкин. Планда тавсия этилаётган бундай машғулот «Кўк ва қизил қушчалар»дир. Бу машғулот Япония шоири Ки-тахара Хакусюнинг «Птица, птица красная» шеъри бўйича ўтка-зилади:

Қушча, қушча
қизил қушча,
Нима учун қизилсан?
— Қизил мева еганман.
Қушча, қушча
Оқ қушча,
Нима учун оқсан?
— Оқ мева еганман.
Қушча, қушча
Кўк қушча,
Нима учун кўксан?
— Кўк мева еганман.

Ранг танлашни чеклашга «Рангли саҳифалар»[1] ёки «Рангли қаламлар» (расм чизиш ёки аппликация) сингари машғулотлар ҳам қаратилган бўлади. Ҳар бир бола бирор рангга эга бўлган квадратни олади ва у шу квадрат устига худди ана шундай, ам-мо очроқ рангни (масалан, қизил устига — пушти, кўк устига — ҳаво ранг ва шу кабиларни) тасвирлаши ёки яхши ажралиб ту-радиган рангларни (масалан, қора, жигар ранг, тўқ кўк, тўқ қи-зил учун — оч ёки ёрқин ранглар) танлаши керак. Баъзи вақт-ларда бошқача шартлар қўйилади. Масалан, оқ ва кўк ёки тўқ жигар ранг квадратлар шахмат тартибида жойлаштириладилар. Тўқ квадратларга оч ранг билан расм чизилади, оч рангли квад-

[1] «Рангли саҳифалар» машғулоти бошқачароқ ўтказилиши ҳам мумкин (конспектларга қаранг).

устига — тўқ кўк билан) кичкина доирача чизилади. Ёй шакли оқ бўёқ билан ёки доирача рангига ўхшаш тўқ ранг билан чизилади. Бир ғунчада турли ранглардан, масалан, ҳаво ранг ва тўқ қизил ёки сариқ ранглардан фойдаланилмайди. Барглар жуфт-жуфт ҳолда ғунчалар ўртасида жойлашадилар. Уларни яшил ранг билан, ундаги томирчаларни эса ингичка қора чизиқлар билан чизилади.

Болаларнинг жуда кўпчилиги ранг беришнинг бу хусусиятини дарров ўзлаштириб оладилар. Ғунчалар ва барглар расмини чизиш усулларини эгаллаб бўлгач, болалар уларнинг жойлашуви ва бўёқ берилишидаги мумкин вариантлар билан танишадилар. Болалар ранг танлашдаги, жойлашишдаги ва деталлар билан бойитилишдаги асосий шартларни бузмасдан уларнинг бажарилишига ўзгаришлар киритадилар. Кейинги машғулотларда йўл шаклидаги қоғозга умумий нақш чизилади.

Сўнгра болаларга гул, ғунчалар, (уларнинг расмини чизиш билан болалар танишиб бўлганлар) ишланиши бирмунча мураккаб ва бошқача жойлашишда тасвирланадиган барглар тасвирини ўз ичига олган нақшлар кўрсатилади. Диққатни йирик гул ўртада эканлигига, ундан ўнг ва чап томонларга қараб барглар ва ғунчалар тарқалганлигига жалб этиш керак. Гул ҳам ўртадаги доғдан бошланиб, маълум изчилликда чизилади. Сўнгра унинг атрофига ёйлар, ўртага эса доирача (ён томондан), атрофига ярим доирача шаклида баргчалар ва ҳоказолар расми чизилади. Болалар гул тузилишининг бир неча вариантларини, уни безовчи турли хил безакларни кўриб чиқадилар. Шундан кейин улар ўртасида йирик гули бор нақшни кўрсатилган изчилликда чизадилар. Гулни безовчи деталларда болалар ўзларининг дид ва ижодкорликларини намоён қиладилар. Бўёқлар ғунчалар расмини чизишда қандай қўлланилган бўлса, ўша шартга риоя қилинган ҳолда танланади: бутун гул қизил, кўк ёки тўқ сариқ, бинафша ранг тонларида бажарилади; майда деталлари оқ ва қора рангда ишланади.

Кейинги машғулотларда болалар нақшнинг мураккаброқ тузилиши билан ва гул, барг ҳамда ғунчанинг бирмунча турли-туман ишланиши билан танишадилар. Улар бажарилиш вариантларини мустақил излаш борасида борган сари кўпроқ материал оладилар.

Халқ нақшлари намуна сифатида кўрсатилган тўрт машғулотдан сўнг, уларга тўғри тўртбурчак тахтача (орқасида нон кесиш учун) учун нақш ишлаш таклиф қилинади.

Олтинчи машғулотда болалар городецк нақши усулида коллектив композициянинг қисмларини бажарадилар.

Машғулотларнинг бутун цикли ўқув йилининг ярмини, январдан майгача бўлган вақтни эгаллайди. Охирги ишни болалар группа хонасини 1 Майга безатиш учун бажарадилар.

Мамлакатимизнинг ҳар бир областида халқ амалий санъатининг севимли турлари бор. Уларнинг асарларидан болалар билан

ўтказиладиган машғулотларда фойдаланиш мумкин. Халқ ўйинчоқлари болалар учун энг яқин ўйинчоқлардир. У болаларнинг лой ёки пластилиндан ясаган нарсаларида, чизган расмларида ўз ифодасини топиши мумкин. Мураккаб бўлмаган мотивларни сопол (идиш)даги, ёғочдаги, қайин пўстлоғидаги ва бошқалардаги нақшларда топиш мумкин. Мата тўқиш, кашта тикиш, ўймакорлик, тўр тўқишдаги мотивлар мураккаброқдир, улардаги ранглар гармонияси бошқача, улар энди оқ фонга эмас, балки рангли фонга нақш ишланади.

Теварак-атроф ҳаётидаги кийим, турмушда ишлатиладиган буюмлар, бинолар, машиналар биз ўрганиб қолган ранглар билан бўялган. Бўяшда болалар катта хилма-хилликка йўл қўядилар, уларни жарангдор, шўх ранглар қизиқтиради. Ҳамма вақт фақат анъанавий рангларга риоя қилишга болаларни мажбур қилмаслик лозим: болалар чизган кемалар, самолётлар, автомобиллар, бинолар ёрқин ва хилма-хил рангга бўялиши мумкин.

Табиат билан танишар эканлар, ҳодисалар учун у ёки бу ранг хос эканлигини болалар кўрадилар, аммо шу билан бирга бу рангларнинг ўзгариб туришини ҳам сезадилар: турли хил обҳавода осмон ва сувнинг ранги ўзгаради, ўтнинг ва баргларнинг ранги йилнинг турли фаслида ўзгариб туради; ҳатто қуёш ҳам кундузи ва кечқурун ўз рангини ўзгартиради. Беш ёшдан ошгач, болалар нарса ва ҳодисаларнинг фақат доимий хусусиятларинигина эмас, балки улардаги баъзи ўзгарувчанликни ҳам сезиш, англаш ва ўз ижодида акс эттиришга қодир бўладилар. Энг аввало бу рангга, катта-кичикликка ва шунингдек қисмларнинг жойлашишига тааллуқлидир. Педагог боланинг кузатувчанлигини рағбатлантириши, уларнинг диққатини об-ҳавога қараб, йил фасллари ва бошқа сабабларга кўра осмон, сув, ўсимликлар рангининг ўзгаришига жалб этиши керак.

Расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясаш, аппликация машғулотлари мазмунини, болалар ҳаётнинг турли ҳодисалари ва томонларини ифодалай оладиган ва шу билан бирга бир хил нарсалар — бинолар, дарахтлар ва шунингдек ҳайвонлар, одамлар тасвирини такрорлай оладиган қилиб танлаши керак (декабрь ва январь ойлари планларига қаранг). Шундай қилиб, куз ойларида куз табиатини тасвирлаш бўйича, берилган юмалоқ ва овал шакллар (мевалар, сабзавотлар)ни, тўғри тўртбурчак ва учбурчак шаклларни тасвирлашни аниқлаш бўйича, ранглар, бинолар, транспорт воситалари ҳақидаги билимларни кенгайтириш бўйича машғулотлар ўтказилади.

Қишки ойлар циклига қушларни тасвирлаш киритилади. Ҳамма қушларнинг тузилишидаги умумийлик — чўзиқ гавда, бошнинг ўрнашуви, гавдадан думга ўтиши, ҳаракат қилиш вақтида бош, дум ҳолатининг ўзгариши, учиш вақтида қанотларнинг ёзилишидан иборат эканлигини болалар ўзлаштириб оладилар. Уларнинг тасвирини лой ёки пластилиндан ясашда, апплика-



Афсонавий қуш.

цияда ва расм чизишда такрорлаш учун турли хил мазмунлар
чумчуқлар, каптарлар, снегирлар ва читтаклар, куркалар, хуроз
лар ва щунингдек эртаклардаги қушлар таклиф қилинади. Бу
кушлар бир-бирларидан катта-кичиклиги, тузилиши, ранги би
лан фарқ қилади.

Курка образи димкова уйинчоқларига ухшаш қилиб: елпи
ғичдек очилган думи ва кукраги ола-була нақшлар билан беза
тилади. Бу иш болалар бундай нақшлар учун хос булган ранг
баранглик билан танишиб чиқиб, шунга ухшаш нақшлар расми
ни чизганларидан кейин бажарилади. Лой ёки пластилиндан
куркани ясаганларидан кейин болалар уни димкова нақшлари
билан безатадилар.

Чумчуқ, читтак, снегир, хурозларни болалар уларнинг ҳақи
қий рангига мос қилиб буяйдилар. Бу темалар февраль ойида
тавсия қилиниши мумкин.

Болалар декабрь ойида турт оёкли ҳайвонлардан айиқча-
ларни лой ёки пластилиндан ясайдилар ва расмини чизадилар
Бундай тасвирларга асос қилиб болаларга маълум булган қул-
лари билан ҳаракат қиладиган ўйинчоқ — айиқча образи оли-
нади. Бундай айиқчани болалар урта группада тасвирлаган
эдилар. Энди улар бу айиқчани унчалик мураккаб булмаган
ҳаракатда лой ёки пластилиндан ясайдилар: «Бизнинг Мишка
физкультура қилмоқда», «Икки очкуз айиқча пишлоқ кетидан
югурмоқда» (бошқа мазмунни, масалан, «Винни—Пух» китоби-
даги мазмунни ҳам олиш мумкин). Ўйинчоқ айиқчанинг тузили-

ши одам гавдаси тузилишига, олдинги ва кейинги оёқлари ҳаракати эса одамнинг қўл ва оёқ ҳаракатларига ўхшашдир.

Баъзи тарбиячилар ҳаракатдаги айиқчалар расмини чизишдан олдин аппликация бўйича машғулот ўтказадилар: катта ёшдаги киши томонидан тайёрланган қисмлар (бош, гавда ва оёқлар)дан болалар турли ҳолатдаги тасвирни ясайдилар ва ёпиштирадилар. Бизнинг фикримизча, катта группада тайёр (тарбиячи томонидан қирқиб тайёрланган) қисмларни бериш керак эмас, агар уларни болаларнинг ўзлари қирқиб тайёрласалар, бу кўп вақтни эгаллайди ва асосий топшириқ — ҳаракатни ифодалаш кам қизиқиш билан ҳал этилади. Шунинг учун яхшиси ишни лой ёки пластилиндан ясашдан бошлаш керак, яна шуниси яхшики, юмшоқ, хом лойдан ёки пластилиндан бирор ҳолатни танлаб олгунча унга турли ҳолатни бериб кўриш қийин эмас: айиқча оёқлари ҳолатини ўзгартириб, болалар у билан биргаликда физкультура қиладилар. Баъзи бир болалар турли ҳаракатдаги иккита фигурани бажаришга улгурадилар ва бу уларга катта хурсандчилик бахш этади.

Декабрь охирида болалар биринчи марта лой ёки пластилиннинг яхлит бўлагидан тўрт оёқли ҳайвонни ясайдилар. Материал тайёрлаш учун болалар диққатини четга бурмасдан уларни лой ёки пластилиндан ясашнинг янги усулини идрок этишга дарров жалб қилиш мақсадида керакли узунлик ва баландликка эга бўлган, олдиндан тайёрлаб қўйилган ғиштча стол устига қўйилади. Бу усулнинг болалар томонидан ўзлаштирилиб борилишига қараб уларга шу шаклнинг ўзини лой ёки пластилиннинг оддий бўлагидан қайта ясашни вазифа қилиб топшириш мумкин.

Тарбиячининг тушунтириши ва кўрсатмасидан сўнг болалар ўз ғиштчаларининг, қайси томонидан бошни, қайси томонидан думни ясашларини кўрсатадилар. Дум ясаш учун бир бўлак лой узиб олиниб четга қўйилади. Бош ясаладиган жойдан лой юқорига қараб чўзилади. Ғўлача ёй шаклида эгилади. Олдинги оёқлари бўладиган жойда ғўлача стек билан пастга қараб тилиниб, иккига ажратилади; орқа оёқлар ҳам худди шундай тилинади. Шундан сўнг болалар фигурачани қўл билан ясайдилар, бош, тумшуқ шаклларини аниқлайдилар, қулоқларини ясайдилар, олдинги ва орқа оёқларига керакли шакл ва ҳолат берадилар. Итнинг танаси ҳамма ерда ҳам бир хил эмаслигини тарбиячи эслатиб ўтади: унда кўкрак, қорин, елка бор: кўкрак олд томондан юмалоқланади, тана орқа оёқлар

Димкова услубида ўйинчоқлар ясаш («кийикчалар»).

томонга қараб торайиб кўкрак томон кенгайиб боради; ит оёқларида туради. Охири дум ёпиштирилади, унга хонаки ит учун характерли бўлган ҳолат берилади.

Тарбиячи болалардан: «Сенинг итинг югуришни биладими?», «Унинг югуриб кетиши учун оёқлари ҳолатини қандай ўзгартириш керак?», «Сенинг итинг олдинги оёғини беришни биладими? У оёғини қандай беради?», «Кимнинг ити вовуллашни билади? Унинг вовиллаётгани билиниши учун нима қилиш керак?» (Тумшуғини стек билан кесиб, «уни очиш») деб сўрайди. Бундай саволлардан кейин болалар фигураларига турлича ҳолатлар берадилар.

Январда итни расмда тасвирлаш машғулотлари цикли ўтказилади ва унинг мазмуни турли-туман бўлиши мумкин.

Лой ёки пластилиндан итни ясагандан сўнг тулкини ясаш болаларга қийинлик туғдирмайди. Фақат бу ҳайвоннинг характерли хусусиятларини аниқ кўриб чиқиш керак.

Тўрт оёқли ҳайвонларни лой ёки пластилиндан ясашнинг техник усулларини болалар истаган нарсани ясаш машғулотларида мустаҳкамлайдилар. Болалар ўзларига таниш бўлган образларни такрорламасликлари учун группа хонасига турли ҳайвонларнинг скульптурадаги, ўйинчоқлардаги, суратлардаги тасвирларини кўргазма шаклида қўйиш фойдалидир. Бироқ жуда кўп тасвирларни қўйиш керак эмас: кўпроқ кўзга яққол ташланиб, фарқ қилувчи белгилари аниқ кўриниб турадиган, ўйинчоқларни қўйишга ҳаракат қилиш керак.

Йил давомида болалар одам расмини чизишни бир неча марта такрорлайдилар ва ҳар гал уни фаолиятда, масалан, янги йил арчаси байрамида болалар қандай ўйинга тушишлари каби ҳаракатдаги ҳолатини тасвирлашга уринадилар. Бу темани лой ёки пластилиндан ясашда, расмда тасвирлаш ҳақида болалар билан суҳбатлашаётганда ўйинга тушишнинг оддий ҳаракатларини эсга солиш учун, машғулот бошланишида бу ҳаракатларни ҳаммага кўрсатиб беришларини илтимос қилиб 2—3 болани чақириш мақсадга мувофиқдир. Педагог қўллар ва оёқлар ҳолатига эътибор бериши керак — бу болаларнинг ҳаракатларни ифодалашини енгиллаштиради.

Янги йил байрами персонажлари ичида Қорқизлар, Қорбобо (унинг бўйи болалардан бирмунча баланд) бўлиши мумкин. Лой ёки пластилиндан нарса ясашда (агар болаларга Қорқизни, Қорбобони ясаш топширилган бўлса), расм солишда, аппликацияда ифода этилиши лозим бўлган характерли хусусиятларга болалар диққатини жалб этиш зарур.

Катта группада тарбияланувчилар лой ёки пластилиндан узун кенг юбка ва калта кофточка кийган димкова қўғирчоғини ясашлари мумкин. Бундай қўғирчоқнинг фигураси тўрт қисмдан: гавданинг юқори қисми ва бош, пастки томони кенг қўнғироқсимон юбка ва қўллар(ҳар иккаласи ҳам бир бўлакдан) ясалади. Болалар лойдан ўйинчоқлар ясовчи усталар томонидан

ишлаб чиқилган лой ёки пластилиндан нарса ясашнинг ҳамма усулларини ва уларнинг изчиллигини ўзлаштириб олишлари керак.

Ҳар бир бола олган лой бўлагининг ярмидан кўпроғини узиб олгач, ишни юбка ясашдан бошлайди. Лойни кафтлар орасига олиб цилиндр шаклида эшадилар, сўнгра унинг юқори қисмини қўллар билан эзадилар ва лойни пастга сурадилар, бунинг натижасида юбканинг пастки қисми кенгроқ, тепаси эса торроқ бўлади. Ясалган юбканинг этагини юқорига қаратиб қўядилар ва чап қўлларида ушлаб туриб стек билан аста-секин, чеккаларига шикаст етказмай етарли қалинликда қолдириб ортиқча лойни сидириб оладилар.

Болалар, кичикроқ лой парчасидан чўзиб ясаш усули билан қўғирчоқнинг бошини, бўйнини, елкаларини, кўкрагини, орқасини белга қадар ясайдилар. Юбкани ясашда олиб қолинган лойдан икки қўл учун «таёқча» ясайдилар ва уни елкага ёпиштирадилар. Ясалган юбкани бола чап қўлида ушлайди· қўллар ёпиштирилган тананинг юқори қисмини ўнг қўлида ушлаб улар бир-бирига мос келиш-келмаслигини ўлчаб кўради, кейин секингина қисмларни бирлаштиради ва қўғирчоқни стол устига қўйиб, уланган жойини силлиқлаб чиқади. Шундан сўнг қўғирчоқнинг қўллари маълум ҳолатга келтирилади, бошига шляпа ёки бошқа бош кийим ўрнатилади. Ясашнинг бундай усулидан фойдаланилганда юбка ўзининг қўнғироқсимон шаклини йўқотмайди ва гавданинг юқори қисми катталиги бўйича унга мос келади. Шундай усулда ясалган қўғирчоқ хушқомат ва чиройли чиқади·

Ясалган фигуралар қуригач, уларни оқлайдилар ва бўяйдилар. Юбкани димкова нақшлари усулида гуллар билан безатадилар, кофта ва бош кийимни эса ёрқин ранг билан бўяйдилар. Учи ингичка мўйқалам билан кўзларини, қошларини ва оғзини чизадилар.

III кварталда болаларни икки букланган қоғоздан симметрик шаклдаги нарсаларни қирқишга ўргатиш керак. Бу усулни ўргатиб бориш болаларда маълум қийинчиликларни туғдиради: бола фақат яхлит нарса ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиб қолмасдан, балки хаёлан уни симметрик бўлиши ва унинг ярминигина тасаввур этиб қирқиши керак. Худди мана шу нарса қийинчилик туғдиради. Кўп болалар қоғозни икки буклаб нарсанинг яхлит тасвирини қирқиб оладилар. Болаларни қийналаётганини ва йўл қўяётган хатоларини эътиборга олиб биринчи машғулотнинг ўзидаёқ икки букланган қоғоздан симметрик шаклдаги нарсаларни қандай қирқиш кераклигини тушунтиришга ва уни кўрсатиб беришга алоҳида диққат бериш керак. Тушунтириш аниқ, ўйлаб чиқилган ва қисқа бўлиши керак. Қирқишнинг бу усулига болаларни ўргатиш учун олинадиган энг оддий нарсалар турли хил вазалар ва кўзачалардир.

Энг аввал тўғри тўртбурчак шаклидаги қоғозни қандай қилиб иккига буклаш ва уни букланган еридан ушлаб туриб кўзача

ярмининг контурини қирқиб олишни тушунтириш ва кўрсатиш керак. Болалар нарсанинг ярмисини тасаввур қила олишлари учун уни кўриб чиқаётганда қўл билан ушлаб атрофини текшириб чиқиш ва сўнгра нарсанинг ярмисини бекитиб нарса ярмисининг ташқи томонини (бўлинадиган чизиқ томонидан эмас) қўл билан ушлаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Худди мана шу томонини қирқиш кераклигини таъкидлаб, ҳаракатни бир неча марта такрорлаш керак. Кейин қоғозни букланган чизиғидан ушлаш кераклигига диққатни жалб этиб, қирқиш процессини кўрсатиш лозим. Қирқиш процесси қўллар ҳаракатини синчиклаб кузатиб туришни талаб этади. Болаларга қирқиш пайтида қайчини диққат билан кузатиб туришларини эслатиб қўйинг. Агар керакли шакл чиқмаган бўлса, бола нимани нотўғри қилганини у билан биргаликда таҳлил қилиб чиқинг ва яна бир марта қирқиб кўришини таклиф қилинг.

Биринчи машғулот учун ортиқча қоғоз варақлари (оддий оқ қоғоз)ни тайёрлаб қўйинг: болалар икки букланган қоғоздан симметрик шаклдаги нарсаларни қирқиб олишни машқ қилсинлар. Бошқа шаклдаги идишларни танлаб олиб, аппликация бўйича ўтказиладиган кейинги машғулотни ҳам шу кўникмаларни мустаҳкамлаш учун бағишлаш мақсадга мувофиқдир. Болаларга бир эмас, балки иккита ҳар хил масалан, баланд ва паст бўйли (деярли юмалоқ) кўзачаларни қирқишни вазифа қилиб топшириш мумкин. Қирқиш усули болаларга таниш бўлгани учун уларга, бундай кўзачалар қандай қирқиб олиниши кераклигини тушунтириб ва кўрсатиб беришларини таклиф қилинг. Қирқишнинг янги усулини етарли даражада яхши ўзлаштирмаган ёки олдинги машғулотларда бўлмаган болаларга алоҳида эътибор беринг: агар лозим бўлса машғулот процессида алоҳида қоғозда бу қандай бажарилиши кераклигини кўрсатиб беринг. Бундай болаларга олдин оддий қоғоз, кейинчалик эса рангли қоғоз бериш керак. Олдинги машғулотда қилинганидек, болалар бажарган иш чиройли чиқиши учун, кўзаларни қирқиш учун турли хил рангдаги қоғозларни тайёрлаб қўйиш тавсия қилинади. Иккинчи машғулотда шаклнинг бирмунча аниқ чиқишига эътибор бериш лозим. Қирқиб олинган кўзачаларни, болалар биринчи машғулотда олган ва унинг ичида битта қирқилган кўзача ётган конвертча ичига солиб қўйишларини болаларга таклиф қилинг.

Бу циклни ҳар бир болага ўйлаб кўриб вазалар ҳамда кўзачалардан декоратив композиция тузиш таклиф қилинадиган машғулот билан тугатиш мумкин. Бунинг учун болалар ўзларининг нарсалари учун фон танлаб оладилар (тарбиячи майин тусдаги қоғоздан 3—4 варағини тайёрлаб қўйиши керак), қоғоз бетига кўзачалар ва вазаларни қандай жойлаштириш керклигини аниқлайдилар, композицияни ёпиштирадилар ва шундан сўнг унинг учун қўшимча деталлар: гуллар, шохчалар, меваларни (ҳар ким ўзи истаган нарсасини) қирқадилар. Бу, сўнгги машғулотда тасвирнинг рангига мувофиқ фон танлашга, кўзачалар-

нинг шаклига, рангига қараб чиройли қилиб жойлаштиришга эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга.

Тарбиячининг ранг, фон, композиция танлашдаги ёрдами боланинг меъдасига тегмаслиги керак. Яхшиси бола ўз иши қандай чиқаётганлигига диққат билан қарашига, қандай қилса бу иш яхши чиқиши мумкинлигини ўзи ҳал қилишига ундовчи савол билан унга мурожаат қилингани маъқул. Масалан, агар бола танланган фонда вазалар чиройли кўринмаётганлигини тарбиячи кўриб турган бўлса, у бошқа рангдаги қоғозни олиб, болага вазаларни шу варақ устига териб қўйишни ва қайси бири чиройлироқ чиқаётганини ўйлаб кўришни таклиф қилиши керак. Болалардан бири вазаларни қоғоз бетига чиройли қилиб жойлаштирмагани сабабли композиция умуман ёмон чиққанлигини сезиб қолган ҳолларда, тарбиячи унга бу ишнинг чиройли чиқиши учун уни бошқачароқ жойлаштиришни таклиф қилади, аммо қандай жойлаштиришни айтиб бермайди. Тасвирий топшириқни ҳал қилишнинг энг яхши вариантини излашга болани мунтазам равишда йўналтириб туриш уларнинг ижодий активлиги ва мустақиллигини тарбиялашга ёрдам беради.

Болалар томонидан яратилган декоратив композицияларни ҳамма билан биргаликда томоша қилиш, улар ичидан болалар

Ижодий аппликация.

«Турли-туман, ҳаво ранг, қизил, сариқ, яшил ранг, менинг ҳаво шарларим».

боғчаси вестибюлини, группа хонасини безатиб турадиганларини танлаб олиш керак.

Болалар оддий симметрик шаклдаги нарсаларни қирқиб олишни ўзлаштириб олганларидан сўнг, уларга мураккаброқ тасвирларни: капалакларни, қўнғизчаларни ва шу кабиларни қирқиб олишни таклиф қилиш мумкин. Икки букланган қоғоздан симметрик шаклдаги нарсаларни қирқиб олишга болаларни ўргатиш мактабга тайёрлов группада ҳам давом этади, бироқ унда тематик мазмун мураккаблашади ва шаклнинг аниқ ифодаланишига қўйиладиган талаб ошади.

Турли хил нарсаларни, одамлар ва ҳайвонларни тасвирлаш бўйича эгалланган кўникмалар болаларга кўп эртаклар, қўшиқлар, шеърлар ва ҳикояларнинг мазмунини акс эттириш имконини беради. Бунда ҳар гал болалар билан ўтказилган суҳбатда персонажлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва шунингдек уларнинг нисбатан катта-кичиклигини ва бир-бирига нисбатан жойлашишини аниқлаш керак. Агар бунга эътибор берилмаса, болалар сюжетни ифодалашга интилиб, персонажларнинг катталик нисбатини унутадилар ва мазкур сюжетни, фаолиятни ифодалаш усуллари ҳақида ўйламайдилар. Кичик ва ўрта ёшда буни расм чизиш ва лой ёки пластилиндан нарса ясаш воситалари билан ифодалашни билмаганлари учун, улар тасвирни ҳикоя қилиш, мазмунини сўз билан тушунтириб беришга ўрганиб қолганлар. Катта группада эса расмга, ясалган нар-

сага, аппликацияга қараб ҳаммасини тушуниш мумкин бўлиши учун образларни ифодали қилиб тасвирлашга эришиш лозим.

Машғулот охирида болалар ишларини биргаликда муҳокама қилиш ҳаммадан ҳам кўпроқ аҳамият касб этади. Болалар ишини таҳлил қилишни машғулот тугаш олдидан эсга туширмай, балки машғулотларни планлаштирилаётган вақтдаёқ уни назарда тутиш керак. Болаларга «Бу ерда ниманинг расми чизилган?», «Сенга ҳаммадан кўпроқ нима ёқади?» каби сийқаси чиқиб кетган саволларни беришнинг ҳеч фойдаси йўқ. Тарбиячи таҳлил қилишнинг аниқ мақсадига эга бўлиши ва болаларнинг баён қилаётган фикрларига раҳбарлик қилиб уни амалга оширишга уриниши керак. Гап баъзи болаларни уларнинг иши учун койишда, бошқаларини мақташда эмас. Болаларни ишнинг сифати ва уни тўлиқ бажарилганлиги ҳақида фикр юргизишга ва уларнинг фикрича қандай камчиликлар борлигини кўрсатиб беришга (бунда ҳамма вақт ҳам болалар исмини атайвермаслик керак) ўргатиш лозим. Бир нечта ишларни бир йўла айтиб ўтиш ва улардаги яхши ёки ёмон чиққан жойларини кўрсатиш мумкин. Тарбиячи топшириғини бажаришда янгича ҳал қилинган ишни ҳамма вақт катта муваффақият сифатида айтиб ўтиш ва бу қувончни болалар билан биргаликда қабул қилиш керак. Расм чизишда, лой ёки пластилиндан нарса ясашда образнинг ифодали чиққанлигини таъкидлаш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Агар бунга жиддий эътибор берилса, ифодали элементларни болаларнинг ўзлари топа бошлайдилар.

Болалар ишига фақат машғулот бошланишида, нима қилиш ва қандай қилиш тушунтирилаётгандагина эмас, балки бутун машғулот давомида раҳбарлик қилиб борилади. Шу билан бирга ҳаддан ташқари восийликка, ҳамма ҳаракатларни регламентлашга йўл қўймаслик керак. Турли хил машғулотларда тарбиячи ўзини турлича тутади, у бир четкада туриб кузатувчи бўлиб қолмасдан, балки ҳамма вақт тасвирлаш процессининг фаол иштирокчиси бўлиши керак.

Шунақаси ҳам бўладики, машғулот вақтида болалардан бирортаси ўз тасвирига киритган нарса қандай кўринишга эга эканлигини унутиб қўяди. Шунда тарбиячи шу нарсага мос келадиган расмни ёки ўйинчоқни кўриб чиқишни маслаҳат бериши мумкин. Бўёқнинг керакли туси йўқлиги кимнидир хижолатга солади—бу тусни тайёрлашни унга таклиф қилиш лозим, агар бола бу ишда қийналса бошқа болани ёрдамга жалб этиш керак. Кимдир тасвирни жуда кичик ишлай бошлади, унга ўз вақтида тузатиш киритиш керак. Шундай қилиб, муҳими фақат болаларга топшириқ бериш бўлибгина қолмай, балки турли усулларни қўлланиб ҳар бир бола фаолиятига раҳбарлик қилиш ва топшириқнинг ҳамма болалар томонидан бажарилишига эришишдир.

Ҳар бир машғулотда икки вазифа қўйилади: болаларни бирор янги нарсага ўргатиш ва илгари эгалланган билимлар, кўникмаларни мустаҳкамлаш ва шунингдек мустақиллик ҳамда

ташаббус кўрсатиш учун шароит яратишдир. Шундай машғулотлар ҳам ўтказиладики, уларда тарбиячи болаларни янги нарсага ўргатмайди, фақат мавжуд кўникма ва малакалар асосида теварак-атрофни тасвирлашни ёки декоратив ишни вазифа қилиб топширади. Бунда болалардан илгари ўзлаштирилганларнинг ҳаммасини ижодий татбиқ этиш талаб қилинади.

Топшириқларнинг айтиб ўтилган вариантларни ҳал этишда тарбиячи турлича ҳаракат қилади. Агар педагог болаларни бирор янги нарсага ўргатаётган бўлса уни қилиб кўрсатади ва тасвирлаш усулларини тушунтириб беради. Болалар томонидан эгалланган кўникмалар мустаҳкамланаётган вақтда у болалар тажрибасини ишга солади, кўрсатиб ва тушунтириб бериш учун уларни доскага чақириб, уларда активлик уйғотади. Агар болалар олдига ижод қилиш вазифаси қўйилса, тарбиячи тасвирлаш усулларини эсга туширмайди ва кўрсатмайди, аммо агар зарур бўлиб қолса, машғулот процессида айрим болаларга ёрдам беради.

Тарбиячи томонидан қўйилган бир хил вазифани турлича ҳал қилиш мумкин, бунда болаларга ҳал қилиш ўртасидаги фарқ нимадан иборат бўлиши мумкинлигини ва қайси шароитларда аниқ риоя қилиш зарурлигини тушунтириш керак. Масалан, димкова қўғирчоғини лой ёки пластилиндан ясашда болалар тарбиячининг кўрсатмасига қараб қисмларни ясаш ва уларни бириктириш усулларини, қисмларнинг нисбий катта-кичиклигини ўзлаштириб оладилар. Бош кийимни, кийимни безаш деталларини, қўллар ҳолатини, қўғирчоқ қўлидаги нарсани ҳар бир бола ўзича ясайди. Шунингдек ранг беришда ҳам ҳамма риоя қилиши керак бўлган шартлар ҳамда ҳар ким ўзича ҳал қиладиган ранг танлаш вариантлари бор.

Натурага қараб расм чизишда аниқ риоя қилиниши лозим бўлган катта шарт бор, аммо бу ерда ҳам ранг тусларини танлаш, расм композициясини мустақил равишда излаш, ўзига хос деталларни ва бошқаларни ифодалаш усуллари мавжуд.

Ойида камида бир марта болаларнинг ижоди бўйича машғулот ўтказиш керак. Бу машғулотда қандай нарсани, сюжетни лой ёки пластилиндан ясашлари, расмини чизишларини ҳал этишлари учун бундай машғулот қачон ўтказилишини олдиндан билишлари керак. Ўйлаб ижод этиш кўникмасини болалар бирданига эгаллай олмайдилар. Баъзи болалар активроқ, кузатувчан, бой тасаввурга эга, тема танлашда дадил бўладилар, баъзи болалар эса бирмунча пассив бўлиб, расм чизиш учун мазмун ўйлаб топа олмайдилар. Бундай болаларга, уларнинг имкониятлари ва малакаларини, энг барқарор қизиқишларини ҳисобга олиб, маслаҳатлар ҳамда эсга тушириш билан ёрдамлашиш керак. Кўпчилик болалар улар илгари ишлаган расмлари, ниманинг расмини яхши сола билишларини эсларида яхши сақлайдилар. Шунинг учун айниқса йилнинг биринчи ярмида кўп болалар педагог топшириғи бўйича чизилган расм-

лар мазмунини такрорлайдилар. Уларга илгари бажарган тасвирни ўзгартириш ёки тўлдиришни маслаҳат бериш мумкин: масалан, агар бола қизча тасвирини такрорлаётган бўлса, у қўлида бирор нарса, масалан, гулдаста ёки мевалар, қўзиқоринлар солинган саватча кўтариб кетаётганини тасвирлаб чизишни тавсия қилиш мумкин. Агар боланинг ўзи тасвирни нима билан тўлдиришни ўйлаб топа олмаётган бўлсагина ана шундай йўлланма бериш керак. Кейинги галда такрорлашда: «Сен қанақа қизчанинг расмини чизяпсан? Эҳтимол бу сен чизаётган қизча Қизил Шапочка ёки кўк сочли қиз — Мальвинадир? Уни шундай ишлагинки, у унинг ўзига ўхшаган бўлсин» деб айтиш мумкин. Шундай қилиб бола чизаётган расмда янги образ пайдо бўлади. Бошқа бир бола машина расмини бир неча марта такрорлайди. Машина нима ортиб кетаётганини сўраш билан тарбиячи болани расмни тўлдиришга ундайди: битта машинани эмас, балки бир нечта ва турли хил машиналар расмини чизишни таклиф қилиш мумкин.

Баъзи болаларда расм чизишнинг ўзи ёқтирган тематикаси: ўғил болаларда бу кўпинча самолётлар, автомобиллар, кемалар; қиз болаларда — жиҳозланган хоналар, сайр қилиб юрган болалар ва бошқалар бўлади. Бундай расмларда кўп нарса жуда аниқлик билан такрорланади. Бундай ҳолларда баъзи бир қўшимчалар киритишни таклиф қилиш, шу воситалар ёрдамида бошқа мазмунни қирқиб тайёрлашни маслаҳат бериш мумкин. Агар шеърларда, ҳикояларда, эртакларда таниш нарсалар ва персонажлар бўлса, болалар уларнинг мазмунини зўр иштиёқ билан тасвирлайдилар.

Болаларнинг ўзи ижод қилиб чизадиган расмлар таассуротларнинг тўпланиб бориши, расм чизиш кўникмасини эгалланиб бориши билан аста-секин бойиб ва хилма-хиллашиб боради. Болалардан ижодкорликни ва мустақилликни талаб қилмаслик, бировга тақлид қилганлиги ва ишларининг бир хил бўлганлиги учун уларни койимаслик керак. Мустақиллик ва ижодкорликни болалар билан биргаликда кузатиш олиб бориш, уларга китоблар ўқиб бериш, расмларни томоша қилиш, шахсий таассуротлар ҳақида суҳбатлашиш жараёнида аста-секин тарбиялаб бориш керак. Ижод қилиб бажарилган расмнинг нотўғри бўлганлиги учун ҳам, агар бу пала-партиш қилинган иш натижаси бўлмаса, койимаслик лозим: майли, болалар нимани истаган бўлсалар ўшани билганларича дадил, фаол ифодаласинлар.

Болаларга турли катталикдаги қоғоз ва шаклларни таклиф қилиш, ранг тусларини ҳосил қилиш учун оқ гуашни бериш фойдалидир. Машғулот охирида, расмларни муҳокама қилишда ҳар қандай, ҳатто кичкинагина муваффақиятни ҳам, ҳар қандай ташаббус кўрсатилишини ҳам таъкидлаб ўтиш керак.

Катта группада барча кўникмаларни янада такомиллаштириб бориш давом этади. Асосан расм чизишнинг турли усулларида қаламни ва мўйқаламни турли ҳолатда ушлаш кўникмаси

«Кучуклар копток уйнамоқда».

мустаҳкамланиши керак; масалан, кенг сатҳга эга расмни буяётганда қалам қоғозга нисбатан ётиқ ҳолатда бўлиши мумкин, бундай ҳолатда ушланган қалам кенг штрихлар ҳосил қилади, натижада расмни тезроқ бўяш имконини беради. Майда деталлар расмини чизишда қаламни деярли вертикал, одатдагидан кура учига яқинроқ ҳолатда ушлаш қулайроқдир. Мўйқалам билан кенг йўллар чизишда ва доғчалар ҳосил қилишда уни қоғозга нисбатан ётиқ ушлаш, ингичка чизиқлар чизиш ва нуқталар қўйишда эса мўйқаламни тик ҳолда ушлаш керак. Расм чизишда мўйқалам ва қалам ушлашнинг хилма-хил усулларини машқ қилиш ҳаракатнинг енгил, эркин бўлишини, керак бўлганда уни бемалол ўзгартириш малакасини ҳосил қилишга имкон беради.

5—6 яшар болалар фақат рангли қаламлар ва гуашь бўёқлари билан ишлашга ўрганибгина қолмайдилар балки янги материаллар акварель, рангли мум бўрчалар, оддий графит қалам («Орион», «Комсомолец» етарли даражада юмшоқ бўлиши керак)лар ҳам киритилади.

Акварель бўёқлар билан расм чизиш махсус усулларни ўзлаштириб олишни талаб қилади: ишни бошлашдан олдин бўёқ устига мўйқалам учидан тоза сув томчисини тушириб уларни ҳўллайдилар, бунда болалар мўйқалам мўйини бўёққа тегизмасликларини кузатиб туриш керак, чунки юмшоқ бўёқлар биридан иккинчисига ўтиб, аралашиб кетиши мумкин. Кейин расм чизганда ранг тоза чиқмайди.

Болаларни мўйқалам учига бўёқни эҳтиётлик билан олишга, бошқа бўёққа ботиришдан олдин мўйқаламни яхшилаб ювиб ташлашга ўргатиш керак. Акварель билан ишлаш расм чизишдан олдин рангни синаб кўриш (қуюқлиги етарли даражадами,

ҳаддан ташқари оч ёки аксинча тўқ эмаслигини), бўёқ ёки сув қўшиш ва фақат шундан кейин қоғозга расм чизиш билан боғлиқдир. Бунинг учун палитралар (бўёқ қорадиган идишча) талаб қилинади, улар янги рангни, керакли тусни тайёрлаш учун ҳам зарур. Палитралар ўрнига кафель плиталари, оч пластик парчаси ёки оддий оқ ликобча ёки кичкина тарелкачадан фойдаланиш мумкин. Расмдаги ранглар ҳамма вақт аниқ, тоза бўлиши учун болаларни машғулот давомида заруратга қараб сувни тез-тез алмаштириб туришга ўргатиш лозим. Айни бир вақтда, агар болалар расмни худди ўша рангнинг ўзи билан чизишда давом этсалар, унда мўйқаламни ювмасликларини кузатиб туриш керак.

Катта группада қаламни бир меъёрда босиб расм чизиш ҳаракатларини машқ қилиш давом эттирилади. Шунингдек енгил чизиқлар ўтказишга ўргатишни ҳам бошлаш керак: бу расм чизишда бирмунча аниқроқ чизиқни, керакли шаклни (айниқса расм чизишни бошлаш даврида) излаш имконини беради. Билинар-билинмас чизиқ, шунингдек, расмдаги ноаниқликни тўғрилашга ёрдам беради. Айни замонда интенсивлиги жиҳатидан керак бўлган рангни олиш воситаси бўлган қаламни меъёрида босиб чизиш кўникмасини машқ қилдириш керак.

Болаларни расм чизишга ўргата бориб, расмларни бўяш кераклигини унутманг. Йил охирига келиб болалар шакл контури ичида, орасини очиқ қолдирмасдан, контур чизиғидан четга чиқмасдан (бўёқлар билан бўягандаги чизиқлар) тасвирлаш вазифасига қараб қаламни меъёрида босиб штрихлар чизишни ўрганиб олишлари керак (расмни ёки унда тасвирланган айрим нарсани бўяш керак, аниқроқ чиқиши учун қаламни қаттиқроқ босиш лозим, очроқ тон ҳосил қилиш учун эса қаламни салгина босиш керак). Катта ва кичик тасвирлар расмини чизишда ва бўяшда ҳаракат амплитудаси (ҳаракат кенглиги)ни ўзгартириш кўникмаси мустаҳкамланади. Ҳаракат тезлигини эркин ўзгартириш кўникмасини машқ қилиш давом этади. Бўяш вақтида штрихлар контурдан чиқиб кетмаслиги учун болаларни қалам ушлаган қўли билан бирмунча секинроқ ҳаракат қилишга ўргатинг, майда расмларни ва йирик тасвирларнинг контур четини бўяшда, унинг ўртасини тез, кенг ҳаракатлар қилиб бўяш мумкин.

Катта группада болалар олдига олдинги группалардагидан кўра бирмунча мураккаб контурга эга бўлган нарсаларни тасвирлаш вазифаси қўйилади. Бу тасвирлаётган нарса контур чизиғи йўналишининг ўзгаришини ифодалаш учун қўл ҳаракати йўналишини ўзгартириш кўникмасини талаб қилади. Масалан, бола оддий — оғзи тўғри ва қорни бир оз ташқарига эгилиб чиққан кўзача расмини чизади. Унинг шаклини тасвирлаш учун кўзача оғзини тўғри чизиқ чизишдан бошлаб, кейин пастки томонини кенгайтириб боради ва тўғри чизиқ ўтказиб, тагини чизади, сўнгра ҳаракатларни шу зайлда давом эттириб кўзача-

Муйқалам билан йуғон чизиқлар чизиш усули.



Муйқалам билан ингичка чизиқлар чизиш усули.

нинг иккинчи томонини чизади. Кўпинча болалар, ҳар гал қалам ёки муйқалам ушлаган қўлини эмас, балки қоғоз варағини айлантириб, айрим чизиқлар чизадилар. Бундай расм чизишда қўл ҳаракати яхши ривожланмайди. Ҳаракатни кўз билан кузатиб бориш шаклнинг аниқ тасвирланишини таъминлайди, чунки бола ҳар гал тасвирни бошқа томонидан, тескарисига кўради.

Тасвирни ифодалаш процессида қўлни ҳар томонга буриб ҳаракат қилишга болалар бирданига эриша олмайдилар ва уларнинг фикрича осони қоғозни айлантириб қўя қолишдир. Агар педагог қўл ҳаракати ривожланишини кузатиб борса, бола қўлини ҳар томонга буриб, енгил ва эркин ҳаракат қилишга ўрганади.

Катта группада турли характердаги юмалоқ ва тўғри чизиқли шаклларни тасвирлашга қаратилган ҳаракатлар тўла-тўкис ишлаб чиқилган бўлиши керак: турли катта-кичикликдаги доиралар; мутаносиблиги турлича бўлган оваллар; катта-кичиклиги ҳар хил бўлган квадратлар, учбурчаклар; мутаносиблиги ҳар хил бўлган тўғри тўртбурчаклар, трапециялар. Нарсаларнинг энг оддий тузилишини, қисмларининг жойлашишини ифодалаш аввал ҳаракатни шаклларнинг бўшлиқдаги ҳар хил ҳолатини чизишга бўйсундириш кўникмаларини машқ қилишни талаб этади. Масалан, юк машинаси расмини чизишда қисмларни турлича: кузовни горизонтал ҳолатда, кабинани эса вертикал ҳолатда жойлаштириш керак; ҳайвонларни тасвирлашда гавдасини горизонтал, оёқларини эса вертикал ҳолатда тасвирлаш керак ва ҳоказолар. Буларнинг ҳаммаси расм чизаётганда қўлни ҳар томонга буришни талаб қилади, бунда шакл ҳосил қилиш ҳаракатлари аввалдагича қолади. Қўлнинг ўрганилмаган ҳолатда бўлиши аввалига ҳаракатнинг ўзига ҳам, унинг сифатига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ шаклни фазодаги турли ҳолатда тасвирлаб, болалар қўлни машқ қилдирадилар ва у бирмунча ҳаракатчан бўла бошлайди; кейин бола мураккаб шаклга эга бўлган нарсаларни декоратив расм элементларини чизишда қўлини ҳар хил томонга осонлик билан бура олади.

Машғулот бошланишида акварель буёқларни сув билан эритиш.

Акварель буёқ билан дарахт танаси расмини чизиш.

Турли мутаносибликдаги нарсалар (ва уларнинг қисмлари) ни тасвирлаш ҳаракатнинг давомийлигини, уни ўз вақтида тўхтатишни ва унинг йўналишини ўзгартиришни тартибга солиш кўникмаларини мустаҳкамлашни талаб қилади.

Катта ва тайёрлов группаларида болалар қисмлари яхлит бир бутунни, масалан, вазалар, сопол фигуралар, димкова ўйинчоқлари ва бошқаларни ташкил қиладиган нарсанинг тўғри чизиқли контурини тасвирлайдилар. Агар илгари болалар ҳар бир қисмни алоҳида-алоҳида, масалан, ҳайвон танасини алоҳида, бошини, оёқларини алоҳида олиб, уларга бирмунча оддий шакл бериб, мураккаб шаклдаги нарсалар расмини чизган бўлсалар, энди уларни контурни бутунлигича чизишга, яъни унинг қисмларини ўз ичига олувчи бир чизиқ билан чизишга ўргатиш мумкин. Аммо бунинг учун тасвирланаётган нарсанинг контури йўналишига қараб, расм чизиш процессида қўлни ҳар томонга эркин буришни машқ қилиш зарур. Бундай кўникма нарса расмини чизишда ва декоратив расмда (турли йўналишда ёйларнинг расмини чизишда, тўлқинли чизиқларни, турли хил ўрамларни чизишда) аста-секин шаклланиб боради. Катта группада болаларни ўз ҳаракатларини шаклларни мутаносиблик (турли катта-кичикликдаги қисмлар ва нарсаларнинг расмини чизишда ҳаракатни бошқариш) бўйича ўлчаб кўришга бўйсундиришга ўргатиш керак.

Доира ва овал расмини (ўрта группада) чизишда бу малака маълум даражада шакллана бошлаган. Катта группада бўлакларнинг узунлиги ва шаклларнинг катта-кичиклигидаги тафовутларни ўлчаб кўриш ва ифодалаш кўникмаси нарсалар мутаносиблиги ҳақидаги баъзи билимларни ўзлаштириш билан боғланади. Шакл ҳосил қилиш ҳаракатини бажара олмасдан туриб, бола бу ҳаракатнинг давомийлигини тартибга сола олмайди. Мана шунинг учун ҳаракатни тасвир бўлаклари ва

қисмларини ўлчаб кўришга бўйсундириш кўникмаси катта группада шакл ҳосил қилиш ҳаракатининг қатор усуллари ўзлаштирилиб бўлингач, шакллантириб борилади.

Ёзда болалар бой таассуротларга эга бўладилар. Илгари эгалланган малака ва кўникмалардан фойдаланиб, улар ўзларини қизиқтирган, хаяжонга солган нарсаларнинг расмларини чизишлари, лой ёки пластилиндан ясашлари, қирқиб олишлари ва ёпиштиришлари мумкин, бунинг учун эса тарбиячи барча шароитларни яратиши зарур. Шу билан бирга, болалар диққатини ёз манзарасининг ўзига хос хусусиятига, табиатнинг ранг-баранглигига, қушлар, ўсимликлар ҳаётига ва бошқаларга йўналтира бориб, болалар тажрибасини янги билимлар ва таассуротлар билан бойитиш лозим.

Ёз ҳақидаги қўшиқлардан, мазмуни ўтказилаётган машғулотлар темасига мос келадиган шеърлардан хам фойдаланиш лозим. Бадиий сўз, музика асарларидан фойдаланиш болаларда жонли тасаввурни ҳосил қилади, уларнинг эмоционал таъсирчанлигини оширади ва чуқурлаштиради, маълум кайфиятнинг юзага келишига шароит яратади.

Болалар шаклан мураккаб бўлмаган айрим гулларни, кичик гулдасталар, масалан, мойчечакни, ўтлоқдаги гулларни ёки болаларнинг гуллар, қўзиқоринлар теришини, кўкатзорда қандай ўйнаётганларини ва шунингдек ола-була капалакчалар ва қўнғизчалар расмини чизишлари мумкин. Ёзги дам олиш охирида «Ёз ҳақида» ёки «Далада менга нималар ёқди» темасида расм чизишни таклиф қилиш мумкин.

Болаларга хар хил қўзиқоринлар, хилма-хил сабзавотлар, мевалар ва шунингдек дала шароитида кичкинтойлар танишган ҳайвонларни лой ёки пластилиндан ясаш топширилса янада яхши бўлади.

Болалар гулларни, қўзиқоринларни, меваларни, қурт-қумурсқаларни ва бошқаларни қоғоздан қирқишлари мумкин. Катта қилиб қирқилганларидан коллектив панно ёки полоса (фриз) тузиш ва улар билан даладаги айвонни, хонани безатиш мумкин. Коллектив гиламларни турли шаклларда (квадратлар, доираларда ва бошқаларда) бажарилган декоратив аппликациялардан тузиш мумкин.

Машғулотларнинг конкрет мазмуни болалар қандай шароитларда яшаётганига ва уларда бевосита қандай таассуротлар тўпланганлигига қараб ўзгариши мумкин: баъзи болалар боғчалари ёзни катта шаҳарнинг чеккаларида, бошқалари қишлоқ жойларда ўтказадилар, қолганлари эса бутунлай бошқа областларда (масалан, шимолий областлардан жанубга) ўтказадилар. Бу тафовутларни эътиборга олмаслик катта хато бўлади. Мана шунинг учун ҳам бизнинг тавсияларимиз намунадир, холос.

Машғулотларнинг тахминий плани

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот утказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғланиши
			Декабрь		
1	Шаҳар транспорти (турли машиналар) расмини чизиш	Турли катта-кичикликдаги ва мутаносибликдаги туғри турт-бурчак шаклларининг расмини чизиш, турли хил машиналар тузилишининг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш	Сайр вақтида болаларни бир машинани иккинчисидан фарқ қилишга, ўзига хос белгиларини ажрата билишга ўргатиш. Группа хонасида ўйинчоқлар (машиналар); фото ва суратларни кўргазмага қўйиш. Бу кўргазмаларга болалар диққатини жалб этиш. Турли машиналардан бир нечтасини танлаб расмини чизиш учун қўйиш, тасвирлаш изчиллигини аниқлаш	Оқ қогоз, графит қалам, рангли қаламлар ёки акварель буёқлар	Сайр вақтида шаҳар транспорти билан танишиш
2	Катта ва кичик арча расмини чизиш (И. Токмакова шеъри асосида)	Қоғознинг кўп қисмини эгаллаган ҳолда яқин ва узоқдаги дарахтларнинг жойлашувини расмда ифодалаш; кекса ва ёш дарахтларнинг баланд-пастлигига қараб фарқлаш, уларнинг ўзига хос тузилиши ва ранги	Баланд ва паст дарахтларни сайр вақтида, деразадан қараб, суратларга қараб томоша қилиш. Шеър ўқиш (уни ёд олинса яхши бўлади). Қаерда, қандай дарахтлар расмини чизишни аниқлаб олиш учун болаларни чақириш. Расм чизиш вақтида шеър текстини эслатиб туриш	Кул ранг ёки кўк қоғоз, гуашь ёки акварель буёқ	Кекса ва ёш дарахтларни кўздан кечириш
3	„Донхўракдаги қушлар" темасида лойдан (чумчуқлар ва каптарлар) ясаш	Қисмларга бўлиб ясаш, тана ва бошнинг шакли, ранги, катталигини ифодалаш. Бошни тўғри ўрнатиш, қанотларнинг, думнинг ҳолатини ифодалаш, қушларнинг катта-кичиклигига қараб турини аниқлаш	Қушларни сайр вақтида, дераза олдида туриб кузатиш. Уларни суратлардан томоша қилиш. Машғулотларда қушларнинг нисбий катта-кичиклигини, қисмлари (гавдаси, боши, думи)нинг шакли ва катта-кичиклигини белгилаш, ясашдаги изчиллик ва усулларни аниқлаш	Лой	Табиат билан, шаҳарда қишлаб қолувчи қушлар билан танишиш

Давоми

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғланиши
4	„Болалар зарядка қил-яптилар“ темасида расм чизиш	Одамнинг тана қисмларининг нисбий катта-кичиклигини, қадди-қоматининг умумий тузилишини, физкультура машқларини бажариш вақтида қўллар ҳолатининг ўзгаришини ифодалаш	Жисмоний тарбия машғулотлари вақтида болаларни (бошқа группа болаларини) кузатиш. Чиқарилган болани кўриб чиқиб, бошини, танасини белигача, пастки қисмларини, оёқ ва қўлларини, узатилган ва тирсакдан букилган қўлларнинг турли ҳолатини аниқлаш. Тасвирлашдаги изчилликни кўрсатиб бериш	Оқ қоғоз қалам, рангли қаламлар	Зарядка, физкультура ва спорт билан нима учун шуғулланиш кераклиги ҳақида суҳбат. Зарядка қилаётган болаларни кузатиш
5	Коллектив бўлиб „Шох даги қушлар“ (снегирлар, читтаклар) темасида аппликация	Ёпиштириш орқали қиш кўринишини тасвирлаш. У ёки бу турдаги қушнинг боши, танаси, думи (рангли қоғоздан қисмларга бўлиб қирқиш) нинг нисбатан катта-кичиклигини, шаклини, рангини ифодалаш. Болаларнинг эстетик дидини ўстириш	Сайр вақтида қушларни кузатиш, группа хонасига 1—2 ҳафта давомида илиб қўйилган расмлардаги қушларни кўриб чиқиш. Тўғри тўртбурчакдан юмалоқ шаклларни қирқиб олиш усулларини эслатиш. Керакли рангдаги қоғозни танлаб олишга, қушларни қирқиб олишга, шох расми солинган катта қоғоз бетига (бу қоғозларни тарбиячи олдиндан тайёрлаб қўяди) ёпиштиришни ўргатиш	Дарахт шохлари ёпиштирилган катта қоғоз варағи ёки картон. Рангли қоғозлар набори, мўйқаламлар, қайчилар, елим	Табиат билан бизда қишловчи қушлар билан таништириш машғулотлари. Сайр вақтида қушларни кузатиш. Расмларни томоша қилиш
6	„Қизча онаси (ёки отаси) билан шарлар сотиб олмоқда“ темасида расм чизиш	Одам гавдаси тузилишини, катта одам ва боланинг баланд-пастлиги нисбатини, юмалоқ шар ва «колбасалар» шаклини ифодалаш	Болалар тажрибаси ва уларнинг мустақил кузатишларидан фойдаланиш, тасвирни расмда ифодалаш. Одам гавдаси тузилишини эслатиш. Бўёқларни қориштиришни ўргатиш	Очиқ, рангдор қоғоз. Гуашь бўёқлар	Оила ҳаёти ҳақида суҳбат. Боғчага болаларни қандай олиб келишларини кузатиш
7	„Айиқчамиз зарядка қилмоқда“ темасида лой ёки пластилиндан шакл ясаш	Ўйинчоқ айиқча гавда қисмларининг шаклини, уларнинг нисбий катта-кичиклигини ифодалаш. Олдинги оёқлари ҳолатини ўзгартириш	Ўйинчоқ айиқчани кўриб чиқиш; у зарядка қилишини билишини болаларга кўрсатиш. Унинг қисмлари шаклини ва нисбий катта-кичиклигини аниқлаш учун икки-уч болани чақириш. Керак бўлиб қолса, айиқча бошини, тумшуғи ва қулоқларини лой ёки пластилиндан қандай ясаш усулларини кўрсатиб бериш	Лой ёки пластилин	
8	„Шаҳардаги уйлар“ темасида расм чизиш	Янги уйлар белгиларини, баъзи уйларнинг бошқа уйлар (турар жой, болалар боғчаси, кинотеатр) дан фарқини ажратиш. Буларни расмда ифодалаш. Композицияни (тасвирнинг варақда жойлашишини) ҳис этишни ўстириш	Сайр қилиб юрганда ёки махсус экскурсия вақтида турли биноларни кўздан кечириш. Расмда ифодаланадиган катта-кичиклик, шакл ва тузилишларни белгилаш. Улар ҳақида машғулотларда суҳбатлашиш, тўғри тўртбурчак шаклларни тасвирлашдаги изчилликни ва расм чизишнинг техник усулларини белгилаш	Графит қалам ва рангли бўрлар ёки пастель. Очиқ рангли қоғоз, катта хажмдаги варақлар	Биз яшаётган шаҳар ҳақида суҳбат. Сайр ва экскурсия вақтида кузатишлар
9	„Икки очкўз айиқча“ ёки „Уч айиқ“ эртаги асосида расм чизиш	Воқеа ўрнини аниқлаш ва кенг бўшлиқни (бутун қоғоз бетини тўлдириш ҳам мумкин) дарахтлар билан тўлдириш. Воқеа мазмунига қараб шакллар қаерда жойлашишини ва уларнинг расмини қайси ҳолатда чизиш кераклигини аниқлаш	Таниш эртакни ўқиш ва сўзлаб бериш. Расмини чизиш мумкин бўлган нарсаларни ажратиш. Қоғоз юзасининг қаерига ва нима чизишни ва ҳаммага тушунарли бўлиши учун нимани тасвирлаш кераклигини белгилаш. Иш тамом бўлгач, ҳамма расмларни доскага қўйиш, уларни болалар билан биргаликда кўриб чиқиш. Энг чиройлиларини, ифодали тасвирланганларини танлаб олиш	Яшил ёки сарикроқ, қоғоз, қоғоз, гуашь бўёқ	Эртаклар билан танишиш
10	Аппликация. Қурилиш материалларидан бино қуриш	Болалар барпо қилган қурилишни унинг элементлари шакли ва нисбий катта-кичиклигини ифодалаш, шакл ва композицияни ҳис этишни ўстириш	Машғулотга қадар болаларга бир неча бинолар қуришни таклиф қилиш. Уларнинг ичидан аппликация учун мосини танлаб олиш. Шаклини ва ундаги элементларни аниқлаш учун болаларни чақириб, уни анализ қилиш. Тўғри тўртбурчаклардан керакли шаклларни қирқиб, хоҳлаган қурилишни ёпиштиришни таклиф қилиш	„Қурувчи“ комплекти, танлаб олинган қурилиш. Тўғри тўртбурчак шаклидаги рангли қо-	Мамлакатимиздаги қурилишлар билан танишиш. „Қурилиш қандай барпо қилинади?“ те-

Давоми

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғланиши
				ғозлар набори. Ёпиштириш учун оқ ёки очиқ рангдаги қоғоз	масида суҳбат ўтказиш
11	„Кўк ва қизил қушлар" (шеъри асосида) темасида расм чизиш	Узлуксиз чизиқлар ёрдамида қушлар контурини акс эттириш. Кўк ва қизил қушларни расмда чиройли жойлаштириш. Рангни идрок этишни ўстириш	Шеърни ўқиб бериш. Унинг мазмунидаги ҳазилни тушунишга ёрдам бериш. Алоҳида қоғозга бўёқ билан қушлар контурларини чизишни машқ қилиш, кейин композицияни ўйлаб топиш ва уни бажариш	Кул ранг ёки бошқа очиқ рангли қоғоз. Гуашь ёки акварель	
12	Лойдан кучук ва кучук бола ясаш	Яхлит бўлакдан уч томонини қирқиш усулини қўллаб, лойдан нарса ясашга ўргатишни давом эттириш. Ҳайвоннинг тузилишини, катта-кичиклигига қараб катта ҳайвонни унинг боласидан фарқлаш	Ўйинчоқ кучукни кўриб чиқиш. Болалар билан унинг тузилиши ҳақида, бўйни, боши ва оёқларининг ҳолати ҳақида суҳбатлашиш. Лой бўлагидан горизонтал чўзилган гавдани ясаш, лойни кесиш йўли билан оёқларини ажратиш усулини кўрсатиб бериш. Кучук боласини ясашда шу усулларнинг ҳаммасини такрорлаш. Ҳамма ишларни кўриб чиқиш, болалар билан энг ифодали чиққанларини танлаб олиш.	Ариқдан олинган лой. Ўйинчоқ кучук	Туртоёқли ҳайвоннинг тузилиши билан танишиш
13	Ижод қилиб расм чизиш	Мазмунни мустақил ўйлаб топишга, қоғоз ҳажми ва рангини, бўёқ ёки қаламларни танлашга ўргатиш. Эстетик идрок этишни: ранг, шакл, композицияни ҳис этишни ўстириш	Ҳар бир болага нимани, қандай ва қаерга чизиши, ишни нимадан бошлаши кераклигини белгилашда саволлар ва маслаҳатлар билан ёрдамлашиш. Ҳамма расмларни доскага қўйиш. Болаларга энг қизиқларини танлаб олишни таклиф қилиш, танлаб олинган расмларнинг эгаларидан эса ниманинг расмини чизганликлари ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилиш	Ҳажми ва ранги ҳар хил бўлган қоғозлар, қаламлар, бўёқлар	

14	Димкова ўйинчоғига қараб лойдан нарсалар ясаш	Нарса ясашда сопол ўйинчоқлар образини акс эттиришга ўргатиш. Қуш қисмларининг ўзига хос тузилишини ифодалашга ўргатиш. Бу қушни яхлит лой бўлагидан қандай ясашни, қайси қисмларини алоҳида ясаб кейин бирлаштириш мумкинлигини мустақил ҳал қилиш	Машғулотдан бир ҳафта олдин группа хонасига димкова ўйинчоқларини, шу жумладан куркани териб қўйиш. Машғулот бошланишида, ясашдан олдин уни кўриб чиқиш. Болалардан лойдан нарса ясашнинг мавжуд усулларини сўраб чиқиш. Машғулот охирида ясалган қушларнинг ҳаммасини кўриб чиқиш, болаларга чиройлиларини танлаб олишларини таклиф қилиш	Димкова ўйинчоқлари лой	Халқ амалий декоратив санъати билан танишиш

Январь

1	„Жучка исмли кучук" темасида расм чизиш	Тўрт оёқли ҳайвоннинг тузилишини ва маълум зотдаги кучукнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалашга ўргатиш	Ҳар хил зотдаги кучуклар тасвирланган суратларни томоша қилиш. Расмни чизиш учун бирор зотдаги кучукни танлаб олиш	Оқ қоғоз, графит қалам, акварель	„Кучук-кишига дуст", „Кучуклар одамларга қандай ёрдам беради" темасида суҳбат ўтказиш
2	„Болалар боғчасида арча байрами" темасида расм чизиш	Расм мазмунини белгилашга ўргатиш. Ўйинга тушаётган болалар фигурасига алоҳида эътибор бериш. Тасвирнинг турли вариантларини—арча билан ёки арчасиз, Қорбобо билан ёки болалар билан бажариш.	Байрам ҳақида суҳбат. Расмни бажаришнинг турли вариантларини танлаш. Фигуранинг ўйин вақтидаги ҳолатини кўрсатиб бериш учун болаларни чақириш. Расм чизишда рангларни танлаш ҳақидаги маслаҳатлар	Сариқроқ рангдаги катта қоғоз варақлари Гуашь бўёғи	Болалар боғчасида байрамлар ўтказиш

	дан тулки ясаш	тулкининг фарқ қилувчи белгиларини ифодалашга ўргатиш. Яхлит бўлакдан нарса ясаш усулларидан фойдаланиш	лишидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш. Лой ёки пластилиннинг яхлит бўлагидан нарса ясаш усулини эсга тушириш учун болаларни чақириш	стеклар	китобларни ўқиш
4.	Димкова ўйинчоғига декоратив расмлар чизиш	Болаларни декабрь ойининг охирида лой ёки пластилиндан ясаган куркаларини бўяш ва безашга ўргатиш	Курка (димкова ўйинчоғи) қандай безатилганлигини кўрсатиб ва сўзлаб беришлари учун болаларни чақириш. Ишни нимадан бошлашни ва ясалган нарсани қандай изчилликда безаш кераклигини тушунтириб беришни таклиф қилиш	Курка— димкова ўйинчоғи. Болаларнинг лой ёки пластилиндан ясаган нарсалари. Гуашь бўёғи	Халқ декоратив санъати билан танишиш
5.	Коллектив аппликация „Рангли саҳифалар“	Кўрсатилган рангда нарса ўйлаб топишга, унинг тасвирини қирқиб олишга ва квадратга ёпиштиришга ўргатиш	Нарсалар ҳар хил рангда бўлиши ҳақида суҳбатлашиш. Қизил, тўқ сариқ ва бошқа рангли нарсаларни аташларини таклиф қилиш. Очиқ тусдаги қоғоздан қирқилган квадратларни тарқатиш, болаларга уларни ёпиштиришни, сўнгра унга яшил, сариқ ва ҳоказо рангли нарсаларни қирқиб ёпиштиришни айтиш. Камалакнинг ҳамма рангларидан фойдаланиш. Квадратларни чиройли қилиб жойлаштириб, умумий гиламча хосил қилиш	Оч рангдаги қоғоздан (икки рангни олиш мумкин) қирқилган квадратлар, турли рангдаги қоғоздан қирқиб олинган тўғри тўртбурчаклар набори	
6	„Болалар майдонда сайр қилишмоқда“ темасида расм чизиш	Расм мазмунини аниқлаш, болалар фигураларини ва нарсалар — дарахтлар, деворларни жойлаштириш. Фигураларнинг ҳаракатдаги ва ўтирган (чаналар устида) ҳолатини, болаларнинг хилма-хил қишки кийимларини тасвирлаш	Сайр вақтида кузатиш, китоблардаги суратларни томоша қилиш. Машғулот бошланишида — расм мазмуни ва фигураларнинг жойлашиши ҳақида суҳбат. Фигураларни ҳаракатдаги (чанғи устидаги, чана тортаётгандаги ва бошқаларни) ҳолатини кўрсатиб бериш учун болаларни чақириш	Кул ранг ва бўз ҳаво ранг катта қоғоз варағи. Гуашь бўёғи, йўғон ва ингичка мўйқаламлар. Китобдаги расмлар	Болалар меҳнати ва қишки ўйинлар. Ўзаро дўстона муносабатларни тарбиялаш
7	Тўрт оёқли ҳайвонни (ким нимани хоҳласа) лойдан ясаш	Қандай ҳайвонни ясашларини танлаб олиш, унинг тўғрисида сўзлаб бериш. Яхлит бўлак, лойдан нарса ясаш усулларини эслатиш. Майда қисмларни ясаш усулини мустаҳкамлаш	Турли ҳайвонлар ҳақида суҳбатлашиш, китоблардаги суратларни кўриб чиқиш. Болалардан қандай ҳайвонни ясашларини ва қандай ҳаракат қилишларини сўраш. Лойнинг яхлит бўлагидан нарса ясаш усулларини кўрсатиб бериш учун болаларни чақириш	Лой, стеклар, ҳар хил ҳайвонларнинг суратлари ёки скульптуралари	Ҳайвонлар (ёввойи ёки уй ҳайвонлари) нинг ташқи қиёфаси, ҳаёти ва хулқи ҳақидаги билимлар
8	„Томка“— ҳикояси асосида расм чизиш	Тасвирламоқчи бўлган эпизодни танлаб олиш. Ит нима қилаётганини аниқлаш, сўнгра бу ҳаракатни расмда тасвирлаш. Расмларга баҳо беришга ўргатиш	Болаларни расм чизиш учун танлаб олинган ҳикоя билан таништириш. Ундаги тасвирлаш учун қизиқ бўлган моментларни ажратиб кўрсатиш. Болалардан ниманинг расми ва уни қаерга чизиш кераклигини сўраш. Ҳамма расмларни кўриб чиқиш	Альбомдан олинган оқ қоғоз, қора ва рангли қаламлар	Ҳайвонлар ҳақида суҳбат

Давоми

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғланиши
9	„Кемалар денгизда“ темасида коллектив булиб аппликация тузиш	Маълум вазифаларни бажарадиган кемалар (крейсер, музёрар ва бошқалар) ни ажрата билишга ва қисмларининг номини айтишга ургатиш. Ранги ва ҳажми жиҳатидан туғри келадиган қоғоз парчаларини олиш. Қирқиш ва қисм кетидан қисмни ёпиштириш. Умумий варақ устига «денгиз»ни жойлаштириш.	Суратлар ва ҳикоялар асосида бирор кеманинг ташқи куриниши ва узига хос қисмлари билан таништириш. Машғулотда унинг тасвирини (фото ёки суратини) курсатиш қисмларининг катта-кичиклиги, шакли ва ранги қанақа, уларни қандай изчилликда қирқиш ва ёпиштириш кераклигини муҳокама қилиш	Оқ ва кулранг қоғоз. Тарбиячи тайёрлаган „денгиз“ Болалар учун рангли қоғоз қийтимлари	Теварак-атроф билан танишиш (одамлар кемаларда кетмоқдалар . Қурилиш материалидан кема қуриш
10	Хона усимлигининг расмини чизиш	Вазон шаклини, вазон ва усимликнинг нисбий катта-кичиклигини, усимлик қисмларининг жойлашувини, вазон ва усимликнинг асосий рангини ифодалаш куникмасини мустаҳкамлаш	Оддий гул туваги ёки бир рангли вазондаги тузилиши мураккаб булмаган, узига хос хусусиятларга (баргларининг шакли, ранглари, туси) эга булган усимликни танлаб олиш. Натурани текшириб чиқиш, расмни қалам ва акварель буёғи билан бажаришдаги изчилликни белгилаш	Қалин оқ қоғоз, қора қалам, акварель натура	Ўсимликнинг тузилиши ва усиши билан танишиш. Группадаги усимликларни парвариш қилиш
11	Димкова қуғирчоғига қараб уни лойдан ясаш	Яхлит лой булагидан бошни, тананинг юқори қисмини, қуңғироқсимон юбкани алоҳида-алоҳида ва бошқа лой бўлагидан икки қулни ясаш усулини ўргатиш. Қисмларнинг нисбий катта-кичиклигига риоя қилиш. Қисмларни пухта бирлаштириш, устки томонини силлиқлаш	Қугирчоқни қараб чиқиш. Алоҳида ясалаган қисмларни ажратиш. Ясаш усуллари ва унинг изчиллигини курсатиш. Кейинчалик буяш учун устки томонни силлиқлашнинг аҳамиятини тушунтириш	Димкова қуғирчоғи. Лой. Гуашь буёқлари	Халқ санъати билан танишиш
12	Декоратив расм чизиш. Ясалган қуғирчоқларни буяш ва нақшлар билан безатиш	Ўз истагича, аммо қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда қуғирчоқни буяш: кофтаси бир рангда, юбкаси нақшли; нақшга кофтанинг ранги ҳам киритилади. Бош кийим кофта рангидан бошқача, бироқ бу ранг юбка нақшига киради. Ўз диди билан рангларни танлаш ва уларни қушиш	Олдиндан, машғулотга қадар, қуриган қуғирчоқларни белила ёки елим билан аралаштириб қорилган тиш порошоги билан буяш. Қуғирчоқларнинг кийими қандай буялганини, улардаги умумийлик ва хилма-хиллик нимадан иборат эканлигини куриб чиқиш. Умумий булган белгини ажратиб курсатиш ва бу хусусиятларга (шартларга) албатта риоя қилиш кераклигини тушунтириш. Буяшдаги изчилликни белгилаш	Димкова қуғирчоқлари. Болалар томонидан ясалган фигурачалар. Гуашь буёғи	Халқ амалий санъати билан танишиш.
13	Лойдан хуроз ясаш	Хурознинг тузилиши хусусиятларини, қисмларининг катта-кичиклигига қараб жойлашишини, умумий, узига хос танани ифодалаш. Яхлит лой парчасидан ясашни машқ қилдириш	Ўйинчоқ суратлардаги бир неча хурозларни куриб чиқиш. Ўзига хос булган орқани, кукракни, бош урнашувини, думининг шаклини ясаш. Бир булак лойдан хуроз ясашдаги изчилликни курсатиш. Тагликни алоҳида ясаш, унинг устига хуроз оёқларини ясаш	Ўйинчоқ, скульптура, расмда тасвирланган хуроз. Лой	Хонаки қушларнинг узига хос белгилари билан танишиш
14	Ҳайвонлар ҳақидаги рус эртаклари асосида расм чизиш	Эртак эпизодларидан бирини тасвирлаш. Асосий персонажлар, уларнинг узига хос хусусиятларини уйлаб куриш ва ифодалаш, воқеа юз берган жойни ва вақтини курсатиш	Болаларга таниш булган эртаклардан бирини танлаб олиш, суҳбат вақтида унга қандай расмлар чизиш мумкинлигини белгилаб олиш. Ким қайси эпизоднинг расмини чизмоқчи эканлигини сураш. Нимадан бошлашни, қаерга нимани жойлаштиришни, содир булаётган воқеани қандай тасвирлашни уйлаб куришларини таклиф қилиш	Оч рангли катта қоғоз варақлари, 8 рангли гуашь буёқлари. Белила билан қориштириш учун идишчалар	Рус халқ эртаклари билан танишиш

Декабрь ва январь машғулотларининг намунавий планларини кўриб чиқиб, айни бир нарса турли темаларда — қушлар, тўрт оёқли ҳайвонлар, одам темаларида бир неча марталаб тасвирланишини кўриш мумкин. Расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясаш мазмунининг ўзгариши билан тасвирлаш характерини ўзгартириш зарурати ҳам юзага келади. Болалар донхўракдаги чумчуқларни лой ёки пластилиндан ясаб бўлганларидан кейин, улар шохлар устидаги қушларни қоғоздан қирқиб ёпиштирадилар.

Кучукни лой ёки пластилиндан ясашни ўрганиб ва унинг тузилишини ўзлаштириб олгач, болалар ўзига хос белгига эга бўлган ҳар хил зотли итларнинг расмини чизадилар. Машғулотларни кушлар, итлар, ҳаракатдаги одам ва бошқалар ҳақида алоҳида циклларга бўлиб тақсимлаш бу группадаги нарсаларнинг асосий тузилиши ва хусусиятларини яхши англаб олиш имкониятини беради. Айни бир вақтда ҳар бир машғулотга бирор янги нарса киритилади. Болалар бу янги нарсани илгари ўзлари расмини чизган, лой ёки пластилиндан ясаган нарсалари билан таққослайдилар ва уни ўзлаштириб оладилар. Қатор машғулотларда болалар олдига нарсаларнинг катта-кичиклигига қараб катта ва кичкина арчалар, чумчуқлар ва каптарлар, кучук ва кучук бола кабилар нисбатини ифодалаш вазифаси қўйилади. Бу мисолларнинг барчасида нарсаларнинг катта-кичиклигидаги фарқи зотнинг ёши ва хусусиятларига боғлиқдир. Тарбиячи тушунтиришидан сўнг болалар нима учун бир хил нарсаларни катта, бошқаларини кичик қилиб расмини чизиш, лой ёки пластилиндан ясаш кераклигини тушуна бошлайдилар.

Аппликация тузиш коллектив иш тарзида берилади. Ҳар бир бола тасвирни қирқиб олади ва ёпиштиради, шундан сўнг эса унга умумий композициядан ўрин топади.

Декоратив расм чизиш ва лой ёки пластилиндан нарса ясаш машғулотининг бир қисми димкова ўйинчоғи билан таништиришга бағишланган. Тарбиячи лой ёки пластилиндан курка ясашга, (ундан сўнг лой билан ишлашнинг тегишли усулларини кўрсатиб бериб) узун юбка кийган қўғирчоқни ясашга ўргатади. Болалар ўзлари ясаган нарсаларини нақшлар билан безайдилар ва шунингдек қўғирчоқ кўйлагига нақшлар чизадилар.

Турли хил ранглар ҳақидаги билимларни ва оч ҳамда ёрқин рангларни таққослаш кўникмаларини мустаҳкамлаш учун «Рангли саҳифалар» темасида коллектив аппликация берилади: ёрқин рангдаги фигурачалар оч рангдаги квадратлар устига ёпиштирилади (бу машғулотни турлича ўтказиш мумкин).

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Федора буви» темасида расм чизиш

Программа мазмуни. Расмда Федора буви образини акс эттиришга ўргатиш.

Овал шакли ҳақидаги билимни, унинг номини аташ кўникмасини мустаҳкамлаш. Нарсалар шаклини, қисмларининг нисбий катта-кичиклигини аниқлашга, буни расмда ифода этишга ўргатиш. Одам фигурасини тасвирлашни машқ қилдириш. Деталларни ва рангларни ўйлаб топиш кўникмасини ўстириш. Контур чизишни ва расм қисмларини бўяшда мўйқаламдан тўғри фойдаланишни машқ қилдириш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Қоғоз ва картондан тайёрланган буви фигурасини кўринадиган жойга қўйиш, болаларга унинг номидан: «Салом болалар, мен сизларда мўйқаламлар, бўёқлар борлигини кўраяпман. Сизлар расм чизмоқчисиз. Қани, менинг расмимни чизиб кўринглар-чи. Қаранглар: менинг юбкам кенг, узун, енгларим ҳам кенг, бошимда рўмол. Аммо мен янги кўйлак сотиб олмоқчиман. Менга турли хил чиройли кўйлаклар расмини чизиб беринг. Менга қайси кўйлак ҳаммасидан кўпроқ ёқса, ўзимга ана ўшандай кўйлак тикиб оламан», деб мурожаат қилиш.

Тарбиячи 3—4 болани чақиради: «Серёжа, қани яқин келиб қара-чи, буви бошининг шакли қанақа ва уни ҳамма болаларга айтгин. Сен эса Вова келиб қарагин-да, гавдасининг юқори қисми қандай шаклга эга эканлигини ҳаммага айт. Саша, сен қўлинг билан юбкаси атрофидан айлантириб чиқ ва у қандай шаклда эканлигини бизларга айт. Биз ҳаммамиз яхшилаб кўриб чиқдик, энди расмини чизамиз. Катя, бошнинг расмини қаерга чизиш кераклигини қоғозда кўрсат-чи. Тўғри, буви ўзининг кенг ва узун юбкаси билан қоғоз бетига сиғиши учун юқоридан бошлаш керак. Аввал ҳаммаларингиз фақат жигар ранг бўёқ билан расм чизинг, кейин эса бўяйсиз. Буви учун чиройли кўйлак ўйлаб топишни унутманг».

Расмлар тугаллангач, улар ҳақида қўғирчоқ — буви иштирокида гаплашиб олиш мумкин: у болалардан, қайси кўйлак энг чиройли эканлигини сўрайди (бундай муҳокама кеч-тушки овқат билан, кечки овқат ўртасида 8—10 минут давомида, ўтказилгани яхши).

Машғулотга тайёрланиш. Гофрировка қоғоздан кенг ва узун юбкали, ҳажмли ёки ярим ҳажмли қўғирчоқ ясаш (чойнак устига кийғазиладиган қўғирчоқ — ёпғичдан ҳам фойдаланса бўлади). Расм чизиш учун ёзув дафтари ҳажмидаги қоғозни (рангли бўлиши ҳам мумкин); контур учун тўқ жигар ранг ва кийим учун бир-бирига мос келадиган уч хил бўёқларни

(столлар устига турли хил бўёқларни қўйиш тавсия этилади) тайёрлаш. Агар болалар акварель билан расм чизишга ўтган бўлсалар, бундай бўёқларни бериш мумкин.

Эс латма. Қўғирчоқнинг боши ва танасининг юқори қисми қалин қоғоз ёки картондан қирқилади ва бўялади. Юбка бурмаланган ёки қалин қоғоздан, лампанинг абажури сингари ўралади, юбканинг юқори қисми бел атрофига елимлаб ёпиштирилади. Бундай ярим ҳажмли юбка жойида яхши ўрнашиб туради.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Кема расмини чизиш

Программа мазмуни. Нарсанинг асосий қисмларини ажрата билишга, улар шаклини геометрик шакл билан ўхшашлигини айтишга ва аниқлашга ўргатиш; расмда қисмларнинг шаклини, нисбий катта-кичиклигини ва жойлашишини ифодалашга ўргатиш.

Расм чизиқларини чизишда ва уни бўяшда қаламдан тўғри фойдаланиш усулларини ўзлаштириш: қаламни, унинг учидан 5—6 *см* юқорироқ жойидан ушлаш, бармоқлар билан уни қаттиқ сиқмаслик, кўрсаткич бармоқни букмаслик; нарса контурини оддий графит қалам билан чизишга, чизиқларни бир текис, билинар-билинмас, қўлни узмасдан чизиб боришга ўргатиш. Бирор йўналишда у ёки бу томонга бир текисда ҳаракат қилиб бўяш, расмнинг мазкур қисми шаклига қараб штрихлар йўналишини ўзгартириш. Шошилмаслик, қўлни кенг ҳаракат қилдирмаслик, қаламни ҳаддан ташқари қаттиқ босмаслик керак.

Машғулот ўтказиш методикаси. Кема расмини кўрсатиш. Болаларни чақириш ва улардан қисмларни: корпусни, каютали юқори қаватни, капитан кўприкчасини, трубанинг номини айтишларини сўраш. Труба, капитан кўприкчаси, каютали қават, корпус шаклини аниқлашни; қуйруқ томонига қараганда олдинги томони қисмлари кўтарилганроқ эканлигига эътибор беришни таклиф қилиш. Майдароқ қисм ва деталларни болалар мустақил равишда ўзлари кўриб чиқишлари мумкин.

Тушунтириш олиб борилган намуна болалар расм чизишни бошлаганларида олиб қўйилади: кема образини улар хотирадан ясашлари керак. Олдин кема корпуси ва сўнгра барча бошқа қисмларининг расми чизилади. Пароход тайёр бўлгач, уни бўяш ва сув расмини чизиш.

Машғулот охирида расмларни кўриб чиқиш ва пароходнинг ҳамма қисмларининг расми тўғри чизилган-чизилмаганлиги, қандай чиққан ва қандай бўялганлигини баҳолаш.

Машғулотга тайёрланиш. Машғулотга қадар болаларга китоблардаги пароходлар расмини кўрсатиш, уларни мустақил кўриб чиқиш учун китобни қолдириш. Ҳамма болаларга кўринарли бўлиши учун пароход тасвири етарли даражада катта қилиб чизилган расмни топиб қўйиш. Ёзув дафтари ҳажмидаги қоғозни, рангли қаламларни тайёрлаб қўйиш.

Эслатма. Болаларга суратларни кўриб чиққанларидан сўнг «Аврора» крейсери расмини чизишларини топшириш мумкин. Порт шаҳарларининг болалар боғчасида «Кемалар рейдда» темасида расм чиздириш мумкин: болаларда турли хил кемалар ҳақида етарли даражада тўлиқ ва аниқ тасаввурлар мавжуд.

Бундай машғулот тайёрлов группасида хам ўтказилиши мумкин. Унда кема шакли ва тузилишини аниқ акс эттиришга ва шунингдек; агар кемаларнинг портда ёки рейдда тургани тасвирланса, расм композициясига кўпроқ эътибор берилади.

Кема расми бўёқлар билан ҳам чизилиши мумкин.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Лой ёки пластилиндан кучук ясаш

Программа мазмуни. Лой ёки пластилиндан нарса ясашда нарса шаклини ўзлаштириш, айрим қисмларининг катта-кичиклигини ажратиш.

Кучукча тузилишини ифодалаш: овал шаклидаги тана, олдинги ва кейинги оёқлар, чўзилган тумшуқ ва осилиб турган қулоқларга эга бўлган овал шаклидаги бош.

Машғулот ўтказиш методикаси. Кучук (ўйинчоқ)ни кўриб чиқиш. Овал шаклидаги йўғон танани, чўзилган тумшуқли юмалоқ бошни, япроқдек қулоқларни, калта йўғон оёқларни аниқлаш. Кўриб чиқиш вақтида ҳамма вақт болаларни сўраб туриш. Боши кучукнинг бошига ухшаш бўлган қайси ҳайвонни илгари лой ёки пластилиндан ясаганликларини (айиқни) эслатиш.

Кучукни қисмларга бўлиб ясаш кераклигини айтиш. Ясаш усулларини кўрсатмаслик керак: болалар энди зарур бўлган тажрибага эга. Болаларга аввал лой ёки пластилинни иккига бўлишни ва унинг бир бўлагидан йўғон, чўзиқроқ тана ясашни таклиф қилиш. Кейин иккинчи қисмини иккига бўлиш ва унинг бир қисмидан итнинг бошини ясаш. Дўнг пешона ва чўзиқ тумшуқни, узун, юпқа қулоқларни, калта оёқларни аниқ ифодаланишини талаб этиш. Тананинг ҳамма қисмлари яхшилаб силлиқланган бўлиши керак.

Машғулот охирида болалар топшириқни уддалай олганларини, ҳаммаларн кучукларни яхши ясаганликларини айтиб ўтиш. Ясалган кучуклардан ўйинчоққа бирмунча ўхшаганларини танлаб олиш ва нима учун баъзи болалар ясаган кучуклар унчалик чиқмаганини тушунтириб бериш. Болалардан, улар лой ёки пластилиндан қандай кучукни ясаганликларини: жаҳлдор кучукними ёки яхши кучукними, у қаерда яшайди: уйда ёки ҳовлида яшайдими, деб сўраш.

Машғулотга тайёрланиш. Ўйинчоқ кучукни танлаб олиш, лой (пластилин), болалар сонига қараб тахтачалар тайёрлаш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Кучуклар ҳақида бўёқлар билан расм чизиш

Программа мазмуни. Мураккаб булмаган сюжетни уйлаб топишга ва уни расмда тасвирлашга; тўрт оёқли ҳайвон тузилишини ифодалашга; тасвирни катта қоғоз юзасига турлича жойлаштиришга ургатиш.

Машғулот утказиш методикаси. Ҳар хил зотли итларнинг бир неча расмларини қуйиш, кучуклар катта-кичиклигига, тузилишига қараб ҳар хил булишига: баъзиларининг танаси ва оёқлари узун, тумшуғи чўзилган ва узун қулоқлари осилиб туради, баъзиларининг эса тумшуғи уткир, оёқлари калта ва боши юмалоқ, думи тепага қайрилган булади ва шу кабиларга болалар диққатини жалб этиш.

Болаларга икки-уч кучукнинг, яхшиси ҳар хил кучукнинг, расмини чизишни, итлар нима қилаётганини, қаерда эканлигини уйлаб куришни айтиш. Тасвирлар қоғознинг бутун юзасига жойланиши кераклиги ҳақида болаларга курсатма бериш.

Расмлар мустақил яратилиши учун болалар куриб чиққан суратларни олиб қуйиш.

Машғулот охирида ҳамма расмларни доскага қуйиш ва болалардан мазмун яхши акс эттирилган, кучуклар расми яхши чизилган, энг яхши чиққан расмларни айтиб беришларини сўраш. Баъзи болалардан узлари чизган расмлари ҳақида сузлаб беришларини илтимос қилиш.

Машғулотга тайёрланиш. Очиқ рангли—оч яшил ёки оч жигар ранг қоғозни, беш-олти хил, шу жумладан, оқ, кора, жигар ранг бўёқларни тайёрлаб қуйиш. Гуашь буёғи наборини қутидаги акварель бўёқ билан алмаштириш мумкин, шунда болаларнинг узлари керакли рангларни танлаб оладилар.

Турли зотдаги кучуклар тасвирланган сюжетли расмларни танлаб олиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Рангли қаламлар билан «Уч чўчқача уйчаси» темасида расм чизиш

Программа мазмуни. Расмда мураккаб булмаган сюжетни акс эттиришга, нарсаларнинг узига хос хусусиятларини ифодалашга, уларни қоғоз юзасига чиройли қилиб жойлаштиришга ўргатиш. Расмда турли хил материаллардан: графит қалам, рангли қаламлар ёки рангли мум бурчалардан (уларнинг ифодалаш имкониятларига қараб) фойдаланиш. Турли йуналишларда тўғри чизиқлар чизиш, контур чизиғидан ташқари чикмай, орасини очиқ колдирмай, расмларни бир йуналишда буяш, уйни қуришда ишлатилган шохчалар, ғиштлар, қамишларни штрихлар билан тасвирлаш куникмаларини мустаҳкамлаш; чизиқларни енгил тортишни машқ қилдириш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Машғулот бошланишида уч чучқача ҳақидаги эртакни эслаш, улар ўзлари учун қишга қандай уй қурганликлари, уйни нимадан қурганликлари ҳақида болалардан сўраш. Энг мустаҳкам уй Наф-Нафники бўлганлигини эслатиш: у уй қуришни қиш келишидан анча аввал бошлади, ҳамма нарсани батартиб, шошилмасдан бажарди, ғиштларни бир текис тахлади, уй ҳам мустаҳкам бўлди — унинг ичида яшовчи ҳар қандай совуқ ва бўридан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам текис, тўғри, мустаҳкам, чиройли уйнинг расмини чизишга ҳаракат қилиш керак. Кейин иккинчи чучқача уйни нимадан, учинчиси нимадан қурганини эслатиб ўтиш. Шундан сўнг ҳамма уйлар бир варақ қоғоз юзасига сиғиши учун уларнинг расмини қандай чизиш кераклигини ўйлаб кўришларини таклиф қилиш.

Ҳаммалари қаламни тўғри ушлашларини кузатиб бориш. Машғулот процессида болалар қаламни тўғри ушлаяптиларми, чизиқлар чизиш, расмини бўяшнинг машғулотларда ўрганган усулларини қўллаяптиларми — ана шуларни текшириш. Қамишли уйчани тасвирлашда қандай усуллардан фойдаланишларини кузатиб бориш. Ишни олдин тамомлаган болаларга уйча олдига япроқлар, дарахт ёки яна бир нарсалар расмини чизишни топшириш мумкин. Хоҳловчилар чўчқачалар расмини чизсинлар.

Машғулот охирида ҳамма расмларни болалар билан бирга кўриб чиқиш, ким у ёки бу уй қайси материалдан ясалганини яхши кўрсата олишга муваффақ бўлганлигини айтиш; уйнинг биттаси пухта, иккинчиси омонат эканлиги кўриниб турибдими ёки йўқми, буни нима учун осонгина билиб олиш мумкинлигини сўраш.

Машғулотга тайёрланиш. Машғулот арафасида ёки бир кун олдин болаларга «Уч чучқача» ҳақидаги китобни ўқиб бериш, чучқачалар ўзларига қандай уйчалар қурганликлари ҳақида сўзлашиб олиш, суратларни томоша қилиш. Қайси уй мустаҳкам бўлиб чиқди, нима учун деб сўраш. Болаларга, улар келгусида чўчқачалар ўзлари учун қурган уйчалар расмини чизишларини айтиш, уйларнинг ўзига хос хусусиятларини қандай ифодалаш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришни таклиф қилиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Зебра расмини чизиш

Программа мазмуни. Ўйинчоқнинг ўзига қараб расмини чизишга, унинг танаси, ундаги қисмлар шаклини, уларнинг катта-кичиклигини ва бир-бирига нисбатан жойлашишини аниқ тасвирлашга ўргатиш.

Нарса расмини енгил, бир текис чизиқ билан (графит қалам билан) чизиш кўникмасини мустаҳкамлаш, штрихларни бир йўналишда тортиб, контур чизиқдан ташқари чиқмай, қаламни ҳаддан ташқари қаттиқ босмай расмни батартиб бўяш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Машғулот бошланишида болаларга ўйинчоқни кўрсатиш, уни диққат билан кўздан кечириб чиқишни таклиф қилиш ва айни бир вақтда зебранинг танаси қандай шаклда, боши, қулоқларининг шакли қанақа, оёқлари, бўйни қанақа, улар қандай жойлаш-

ган, зебра қандай безатилганлигини айтиш. Қоғоз юзасига расм яхши жойлашиши учун чизишни нимадан бошлаш қулайроқлигини болалардан сураш. Сунгра овал шаклни чизиш (олдин чизиқни буриб олиш, кейин бир оз туғри чизиш, яна буриш ва бир оз туғри олиб бориш) усулини, расмни бояш қоидасини эсга олишларини айтиш. Расмни бўяшда барча қоидалар туғри бажарилса, расм чиройли чиқишини таъкидлаш.

Иш процессида болалар диққатини нарса ва унинг қисмлари шаклини акс эттиришга, батартиб бояшга жалб этиш, қаламни эркин ва енгил ушлаш куникмасини мустаҳкамлаш.

Машғулот охирида расмларни стендга қўйиш. Болаларга ўйинчоққа купрок ухшаган ва чиройли буялганларини танлаб олишларини таклиф қилиш. У ёки бу расмни нима учун танлаб олганликларини болалар тушунтириб беришлари керак.

Машғулотга тайёрланиш. Ёғочдан йўниб ишланган содда шаклдаги ўйинчоқ, ёзув қоғозининг ярми ҳажмидаги қоғоз ва қаламларни тайёрлаб қўйиш.

Эслатма. Ҳар қандай уйинчоқ олиниши мумкин, аммо танаси ва унинг қисмлари шакли аниқ кузга ташланадиган булиши шарт.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Янги уй қурилиши» темасида рангли қаламлар билан расм чизиш

Программа мазмуни. Болаларни теварак-атрофдаги ҳаётдан олган таассуротларини расмда ифодалашга, тасвирлар мутаносиблигини ва нисбий катта-кичиклигини сақлаган ҳолда, уларни (уйлар, одамлар, техникани) қоғоз бетига туғри жойлаштиришга ўргатиш. Қаламни туғри ушлаш, чизиқларни бир текисда чизиш, туғри туртбурчак шаклни чизишда узлаштирилган усулларидан фойдаланиш куникмасини мустаҳкамлаш. Қалам билан расм чизишда ҳаракатларнинг енгил, эркин булишини машқ қилиш. Нарсаларнинг контурини, каламни қаттиқ босмасдан, тасвир деталларини қуюқ чизиб юбормасдан битта графит қалам билан чизишга ургатиш; расмларни батартиб бўяшга ўргатиш.

Машғулот утказиш методикаси. Сайр вақтида уй қандай қурилаётганини, кран қандай ишлаётганини курганликларини болалар билан биргаликда эслаш. Ҳамманинг яхши яшаши учун бизнинг мамлакатимизда куп уйлар қурилаётганини, уй мустаҳкам, чиройли бўлиши, у одамларга узоқ вақт хизмат қилиши ва унинг ичида яшаш қулай булиши учун қурувчилар деворларни текис, туғри қилиб қурадилар; уйлардаги деразалар ҳам бир текис жойлаштирилади, деб айтиш. Болаларга чизиқлар юқоридан пастга ва чапдан унгга қандай чизилишини эслашларини таклиф қилиш. Нима учун бундай чизиш керак (улар қандай қоидани биладилар)лигини сураш. Расм чизишни уйнинг қайси қисмидан бошлаш, ундан кейин ниманинг расмини чизиш керак-

лигини аниқлаб олиш. Уйнинг каерда булиши, кутарма кран қаерда туришини белгилаш. Бир болани расмни қандай чизмоқчи эканлигини кўрсатиб бериш учуп чақириш, қолганларига, бу бола деворлар, деразалар ўрни расмини чизиш усулларини туғри қуллайдими, ана шуларга қараб туришни таклиф қилади. Шундан сунг ҳамма болаларга қалам олишни, уни қандай ушлаганларини кўрсатишни ва расм чиза бошлашни таклиф қилиш керак. «Расм чизишни қоғознинг пастидан бошланг, аммо варақ пастида ер сатҳи учун жой қолдиринг»,— деб таъкидлайди тарбиячи. Қурилаётган уй, кран ва нимаики истасангиз ҳаммасининг расмини чизишингиз мумкин».

Расм чизиш процессида расмнинг жойлашишини, калам билан расм чизишнинг илгари курсатилган усулларидан фойдаланишни кузатиб бориш зарур. Нотуғри расм чизаётган болаларга қандай чизиш кераклигини эслатиш. Чизиклар чизишда ва расмларни буяшда болалар каламни туғри ва эркин ушлашларини кузатиш, лозим бўлганда қўлини туғрилаб қуйиш.

Машғулот охирида расмларни куриб чиқиш, деворларнинг туғрилигига ва курилишидаги фарқига диққатни жалб этиш керак. Баъзи болаларга энг чиройли расмларни танлаб олишни ва шунингдек уларнинг узлари қандай бинонинг расмини чизаётганларини, уни қаерга қураётганларини, у қачон тайёр булишини сузлаб беришларини айтиш.

Машғулотга тайёрланиш. Олдиндан болаларга «Уй кечкурун» темасида аппликация бажаришни таклиф қилиш. Уйнинг деворлари текис, туғри, деразалари бир қатор қилиб жойлаштирилганлигини курсатиб бериш. Болалар билан биргаликда уй қурилишига бориш, кран қандай ишлаётганини, қурилиш майдончасига қандай машиналар келаётгани ва улар нима ташиб келтираётганини куриш. Бизнинг мамлакатимизда катта қурилиш олиб борилаётганини, шаҳарда (кишлоқда) кўплаб янги уйлар курилаётгани, болалар боғчаси қаерда жойлашгани ҳақида суҳбатлашиш.

Машғулот учун ёзув қоғози катталигидаги қоғоз, рангли қаламлар (камида 12 рангли), оддий графит қалам тайёрлаш.

Эслатма. Болалар қурилишларни, масалан, болалар боғчаси, янги мактаб, кинотеатр, клублар, паррандачилик фермалари ва шу кабиларни куп учратиш имконига эга булганликлари сабабли, бу темани бир неча марталаб катта группада хам, тайёрлов группасида хам (болалар сайр қилиб юрган вақтларида нимани курганликларига қараб) утказиш тавсия этилади.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Лой ёки пластилиндан қушча ясаш

Программа мазмуни. Бир булак лой ёки пластилиндан қисмларни чузиб ясаб ва уларга керакли шакл бериб, қуш ясашга, устини силлиқлашга ургатиш.

Машғулот утказиш методикаси. Болалар билан биргаликда димкова уйинчоги—қушчани кўриб чиқиш, унинг танаси, буйни, бошининг шакли, қуш турган таглик ҳақидаги болалар тасаввурини аниқлаш.

Қуш танаси шаклини айтишларини, унинг атрофини қул билан айлантириб чиқишни таклиф қилиш.

Болаларга яхлит лой ёки пластилин булагидан унинг буйнини, думчасини чўзиш билан қушча ясаш усулини курсатиб бериш, айни бир вақтда буйни ясаш учун лойни анча чўзиш керакми, яна нимани ясаш кераклигини, думчасини қандай чўзиш керак ва шу кабиларни сўраш. Сунгра уларнинг диққатини ҳар бир бола учун икки юмалоқ лой: бири кичикроқ — таглик учун, бошқаси каттароқ — қушча ясаш учун тайёрлаб қўйилганига жалб этиш. Болаларга ишни қушчани ясашдан бошлашни таклиф этиш. Иш процессида бармоқлари билан ишлашларини кузатиб бориш, образни мумкин қадар аниқроқ тасвирлашларини талаб қилиш.

Машғулот охирида ясалган қушчаларни кўриб чиқиш, болаларга энг муваффақиятли чиққанларини танлаб олишни таклиф этиш, қушчалар қуригандан кейин уларни бўяш мумкинлигини айтиш.

Машғулотга тайёрланиш. Димкова ўйинчоғини — мураккаб безаги булмаган оддий қушча шаклини танлаб олиш. Лойни, фигурачаларнинг устини силлиқлаш учун сув ёки сувга ҳўлланган губкаларни тайёрлаш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Болалар ўйинга тушмоқдалар» темасида расм чизиш

Программа мазмуни. Расмда одам фигураси қисмларининг шакли ва нисбий катта-кичиклигини ва, шунингдек, уларнинг ҳаракат вақтида ўзгаришини ифодалашга; бир неча нарса тасвирланишини эътиборга олиб, расмларни қоғоз юзасига тўғри жойлаштиришга ўргатиш. Қалам билан расм чизиш ва муйқалам билан бўяш куникмаларини машқ қилдириш. Бўёқларни мустақил танлашга ўргатиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Болаларга, улар илгари кичкинтойлар қандай зарядка қилаётганлари расмини чизганликларини эслатиб ўтиш, бугун эса болалар ва қизлар қандай ўйинга тушаётганлари расмини чизишларини айтиш. Байрам либосини кийган болалар тасвирланган расмни илиб қуйиш. Бир болани, кейин бошқасини, учинчисини чақириб, улардан расмда ўйинга тушаётган болалардан бирининг турган ҳолатини қилиб курсатишини айтиш; қолганлари диққат билан қараб турадилар.

Ўйинга тушаётган болалардан бир нечтасининг расмини чизишни таклиф қилиш; фигуралар йирик булиши ва қоғоз сатҳида яхши жойлашиши кераклигини тушунтириш. Энг аввало бошни белгилаб олишни, ундан сунг фигуранинг тўлиқ расмини чизишни маслаҳат бериш. Расм қалам билан бажарилади, сунгра бўёқлар билан бўялади. Шу муносабат билан фақат асосийсини, деталларсиз, қаламни босмасдан енгил чизиқ чизилишини эслатиб ўтиш керак.

Болалар расмни бўяшни бошлаганларида, уларга ўйинга тушаётган қизлар ва ўғил болаларни чиройлироқ кийинтиришга ҳаракат қилиш кераклигини, кийим учун қайси ранглар тўғри келишини ўйлаб кўришларини айтиш.

Энг яхши чиққан расмлардан фриз тузиш ва группа хонасига илиб қўйиш мумкин. Агар бирорта бола ўз расмини тўғрилашни ёки қайта расм чизиш истагини билдирса, бундай болаларга бўш вақтда имконият яратиш керак.

Машғулотга тайёрланиш. Машғулотга қадар хоҳловчи болаларга улар байрамга тайёрлаётган ўйинларни кўрсатиб боришларини таклиф қилиш. Ҳамманинг диққатини ўйин вақтида қўл ва оёқлар ҳолати ҳар хил бўлиши мумкинлигига қаратиш.

Ўйинга тушаётган болалар тасвирланган суратни (ҳаракатлар мураккаб бўлмаслиги керак — қўллар белда, қўллар юқорида, битта қўл рўмолча билан юқорига кўтарилган ва шу кабилар) танлаш ёки тайёрлаб қўйиш.

Альбом варағи ҳажмидаги қоғозни (рангли бўлса ҳам бўлади), оддий қалам, оқ, қизил, сариқ, қора, ҳаво ранг бўёқларни тайёрлаб қўйиш.

Эслатма. Ҳар бир столга бўёқ учун биттадан бўш идишча бериш, болаларга оқ бўёқни олишни ва унга бир оз тўқ сариқ бўёқ қўшишни таклиф қилиш мумкин. Улардан қандай ранг ҳосил бўлганлигини сўраш. Бу ранг (пушти) билан бетларни, қўлларни, оёқларни (болалар кийимини бўяшда ҳам пушти рангдан фойдаланиш мумкин) бўяш кераклигини айтиш. Акварель ва оқ гуашь бериш мумкин; янги рангни болалар палитра устида, оқ бўёққа бошқа бўёқ қўшиб ҳосил қиладилар.

Шунга ўхшаш, бироқ бундан мураккаброқ машғулот тайёрлов группасида ўтказилиши мумкин: «Карнавал кийимлари кийган болалар янги йил байрамида ўйинга тушмоқдалар», «СССРнинг турли халклари кийимларидаги болалар Май байрамида ўйинга тушмоқдалар» ва ҳоказо.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Лой ёки пластилиндан гул учун тувакча ясаш

Программа мазмуни. Болаларни лой ёки пластилиндан юқорига қараб бир оз кенгайиб борувчи тўлиқ шаклни ясашга ўргатиш. Лойни кафтлар орасида эзиш ва бармоқлар билан босиш (керакли шаклга киритиб) кўникмасини мустаҳкамлаш: бармоқлар билан ясашда буюм четкасини, унинг сиртини силлиқлаш. Нарса ясашда стекдан фойдаланиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Гултувакни кўрсатиш, болаларга икки қўллари билан унинг шаклини тасвирлаб беришларини таклиф қилиш, кейин тувакча ясашга қулай бўлиши учун лой парчасига қандай шакл бериш кераклигини сўраш. Болалар жавобини аниқлаш: йўғон устунча ясаш керак. Ҳамма болалар ана шундай устунча ясаганларидан сўнг, кафтлар орасида айлантириб ва пастга бир оз босиб, қандай қилиб тувакча шаклига келтиришни кўрсатиш.

Тувакчани туптариб, унинг устини тахтачага босиб текислаш, шундан кейин четларини текис қолдириб, стек билан ичидаги лойларни эҳтиётлик билан чиқариш. Машғулот процессида болалар қўлланаётган усулларни аниқлаш, эслатиш ва алоҳида олинган лой парчасида кўрсатиш.

Тайёр буюмларни тарбиячи столи устига ёки алоҳида столга қўйиш, уларни кўриб чиқиш, энг яхшиларини ва яхши чиқмаганларини айтиб ўтиш.

Машғулотга тайёрланиш. Оддий лойдан ясалган ёки сирланган тувакчани танлаб олиш. Лой ва стекни тайёрлаб қўйиш.

Илова. Агар болалардан биронтаси тувакчани бошқалардан олдин ясаб тугатган ва уни тўғри бажарган бўлса, унга яна битта тувакча ясашни таклиф қилиш мумкин.

Бўш вақтда истаган болаларга лой ёки пластилиндан ҳар хил катта-кичикликдаги тувакчалар ясашни машқ қилиш учун имкон бериш керак.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Кўчадаги турли бинолар» темасида расм чизиш

Программа мазмуни. Шаҳар ёки қишлоқдаги, кўчанинг бир томонида ёнма-ён жойлашган турли биноларни расмда тасвирлашга ўргатиш. Турли хил тўғри тўртбурчак шакллар — кенг ва тор, баланд ва паст шакллар ҳақидаги тасаввурни кенгайтириш. Қалам билан расм чизишнинг техник усулларини ўстириш: қаламни унинг учидан тахминан 5—6 *см* юқорироғидан ушлаш, уни бармоқлар билан қаттиқ сиқмаслик, кўрсатгич бармоқни букмаслик. Чизиқни бир текис, қаттиқ босмай, қўлни узмасдан ўтказиш, бир йўналишда у ёқдан бу ёққа бир текис ҳаракатлар қилиб бўяш; расмдаги муайян қисмнинг шаклига қараб йўналишни ўзгартириш, шошилмаслик, кенг ҳаракат қилмаслик, қаттиқ босмаслик кўникмаларини машқ қилиш. Биноларни бўяшда рангларни чиройли қилиб танлаш, деворларни бўяш учун биринчи навбатда очиқ ранглардан фойдаланиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Тарбиячи болаларга, улар кўчадаги ҳар хил уйлар расмини чизишларини маълум қилади. Улар бирмунча баланд ва паст, кенг ва тор уйларни кўрганлар, ана шу уйларни эсга олишларини айтади. Ясли, болалар боғчаси, ошхона, кино, магазин ва шу кабилар жойлашган уйлар бор. Кўп уйларда одамлар яшайди. Қаламни қандай ушлаш ва расмни қандай чизиш кераклигини эслатиш: аввал баландлиги ва кенглиги ҳар хил бўлган бир нечта уйларни (фақат деворлари ва томларини), ундан сўнг деразалари ва бошқа деталларини тасвирлаш. Уйларни қоғоз варағи четидан кўча учун жой қолдириб чизиш керак.

Машғулот охирида расмларни кўриб чиқиш, бу уйлар мазкур шаҳардаги (қишлоқдаги) уйларга ўхшаш-ўхшамаслигини болалар билан муҳокама қилиш, қайси уйда кинотеатр, бош магазин, мактаб ва ҳоказо жойлашганлигини сўраш. Ҳар хил мақсадда қурилган бинолар бир-биридан фарқ қилиши, турли кўринишга эга бўлиши ҳақидаги тушунчани болалар онгига етказиш.

Машғулотга тайёрланиш. Эскурсия ўтказиш. Олдиндан шундай жойни танлаб қўйиш керакки, у ердан болалар турли катта-кичикликдаги ва вазифаси турлича бўлган бир неча биноларни кўра олсинлар. Болаларни улар

нима курганлари ҳақида гапиртириш. Уйларнинг баландлиги ва кенглигидаги фарқни, биноларнинг турли хил мақсадда қурилганлиги ва у билан боғлик булган узига хос белгиларни аниқлаш. Китоб бурчагига турли баландликда ва мақсадда қурилган шаҳар ва кишлоқ уйларининг расмини илиб қуйиш.

Ёзув қоғоз катталигидаги қоғозни, оддий графит қаламларни тайёрлаш.

Эслатма. Болаларга, ҳеч нарсани графит калам билан штрихламасликларини эслатиш; буш вактда хоҳиш билдирилган болаларга узлари чизган расмларини рангли қаламлар билан бояш учун бериш. Уйларнинг деворлари ва томлари очиқ рангда чиқиши учун қандай енгил ҳаракатлар қилиш кераклигини курсатиш. Буяб булгач, болалар ўз хоҳишларига кура расмларига бирор қушимча киритишлари мумкин.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Рангли саҳифалар» темасида расм чизиш

Программа мазмуни. Болаларни образ яратиш вазифасига мувофиқ расмнинг ранглар гаммасини чеклашга ургатиш. Расм мазмунини педагог томонидан таклиф қилинган тема чегарасида белгилаш. Унинг образли ҳал этилишига эришиш. Буёқ билан расм чизиш усулларини мустахкамлаш, палитрадаги буёққа сув қушиш йули билан ранг тусини тайёрлашга ургатиш.

Машғулот утказиш методикаси. Машғулот бошланишида болаларга С. Я. Маршакнинг «Ранг-баранг китоблар» («Разноцветные книги») асарини эслатиш; шу китобдан айрим шеърларни эсга тушириш. Кейин болаларга ким қайси рангли саҳифани чизиши, унга нимашинг расмини жойлаштириш ва қоғоз варағига уни қандай жойлаштиришини уйлаб куришни айтиш.

Топшириқни бажариш процессида узи танлаган рангни ҳосил қилиш қоидасига риоя қилиш ҳакида, бир рангнинг турли тусларидан фойдаланиш, уларни палитра устида тайёрлаш мумкинлиги ҳақида эслатиб туриш. Бошқа ранглардан ҳам, аммо жуда ҳам оз миқдорда фойдаланишга ижозат бериш мумкин (масалан, денгиздаги қандайдир ранг-баранг баликча ёки қор босган майдончада қушча).

Расм чизиш тугагач, ҳамма расмларни, уларнинг рангларига караб, стендга қуйиш керак. Ранги бир хил саҳифаларда турли хил темаларда расмлар чизилганлигига диққатни жалб этиш. Расмларнинг ифодали элементларини (масалан, бир рангнинг турли хил тусларидан фойдаланиш ва шу кабиларни) таъкидлаб утиш. Қизиқарли расмларни болалар билан биргаликда танлаб олиш ва рангдор китоб тайёрлаш.

Машғулотга тайёрланиш. С. Я. Маршак китобини укиб бериш, суратларини куриб чиқиш. Яна қандай рангда саҳифалар расми чизиш мумкинлиги ҳақида сузлашиш.

Акварель буёқ, оқ қоғоз тайёрлаб қуйиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Гул ёки новда солинган ваза расмини натурадан чизиш

Программа мазмуни. Нарса ва унинг қисмлари шаклини аниқлаш, расмда қисмларининг жойлашувини ва уларнинг нисбий катта-кичиклигини тасвирлаш кўникмаларини такомиллаштириш. Болаларни қоғоз юзасига расмни жойлаштириш ва ингичка чизиқлар билан унинг контурини белгилашни ўйлаб чиқишга; йўл қўйилган хатоларни тўғрилашга ўргатиш. Расм чизиш процессида контурга мурожаат қилиш, натурага қараб рангларни мустақил танлаш.

Чизиқлар ўтказишда ва бўяшда мўйқаламдан тўғри фойдаланиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Бир нечта катта гуллар (лолақизғалдоқ, гуллола, калужница, купальница) солинган оддий (юмалоқ, овал, цилиндр) шаклдаги вазани кўринадиган жойга қўйиш. Болалар диққатини унга жалб этиш. Вазани жим кўриб чиқиш ва таассуротларини ўртоқлашиш учун уларга имкон бериш. Болаларни чақириш ва улардан ваза шаклини айтиб беришларини сўраш: шаклни қўллар билан ҳавода «тасвирлаш», гуллар, барглар шаклини, гуллар, барглар қандай жойлашганини, шохчалари қайси томонга энгашганлигини кўриб чиқиш. Ваза ва гулдастани қоғознинг қаерига жойлаштиришни қўл билан кўрсатиб беришларини сўраш. Расм чизишда ваза ва гулдастанинг катта-кичиклигини тўғри ифодалашларини кузатиб бориш. Керакли тусдаги рангларни танлаш бўйича маслаҳатлар бериш. Тасвирнинг катта қилиб чизилишига эришиш.

Машғулот охирида расмларни кўриб чиқиш ва энг чиройли ваза, гуллар бўлган расмларни завқ билан томоша қилиш.

Машғулотга тайёрланиш. Оддий шаклдаги (нақшсиз ва расмсиз) катта вазани танлаб олиш. Жонли гуллар ёки бужурли, ливали бутани йиғиш.

Альбом варағи катталигидаги қоғозни (рангли — ҳаво ранг, кул ранг, сарғишроқ қоғозни ҳам олса бўлади), 8—10 хил бўёқ, оқ бўёққа очиқ рангларни қўшиш билан баъзи (пуштироқ, оч сариқ, оч яшил) рангларни мустақил ҳосил қилиш учун бўш идишчаларни тайёрлаб қўйиш. Гуашь ўрнига акварель бўёғини бериш мумкин: болалар палитрада бўёқларни қориштириб янги ранг ҳосил қиладилар.

Эслатма. Натура бўйича чизиладиган бошқа машғулотлар худди шундай методика асосида ўтказилиши мумкин: мазмуни ўзгаради, аммо натурани анализ қилиш, вазифанинг қўйилиши ҳамда тасвирлашга қўйиладиган талаблар асосан худди илгаригидек қолади.

МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ГРУППАСИ

Болалар боғчасида болалар ўзлаштирадиган билимлар, кўникма ва малакалар программаси 4—5 йилга тақсимланган. Мактабга тайёрлов группасида илгари ўзлаштирилганлар мустахкамланади ва баъзи бир мураккаблаштириш юз беради, бундан ташқари, мактаб таълими учун жуда муҳим бўлган янги вазифалар ҳал қилинади.

Афсуски, олти ёшли болалар ҳамма вақт ҳам етарли даражада тайёрланган бўлмайди ва тарбиячи болаларни ўрта ва юқори группаларда ўзлаштиришлари керак бўлган нарсаларга ўргатишга мажбур бўлади. Аммо шундай бўлишига қарамай машғулотлар мактаб бўсағасида турган, етти ёшга қадам қўйган болалар билан ўтказилаётганлигини назарда тутиш керак: ўргатиш характери, қўлланилаётган усуллар шу ёшдаги болаларнинг ўсиши ва қизиқишига мос келиши керак. Болалар билан суҳбатлашганда нима учун бундай ёки бошқача ҳаракат қилиш кераклигини, нима учун у ёки бу кўникмалар, билимлар муҳим эканлигини тушунтириб бериш керак. Болаларда билиб олаётганлари ва ўзлаштираётганларига қизиқиш уйғотиб, яхши ишлар қилишга уриниб кўриш истагини юзага келтириш осон.

Бу ёшдаги болалар ривожланиши билиш фаолиятининг анча мураккаб шаклларининг ташкил топиши билан характерланади. Идрок этиш мақсадга қаратилган бўлади. Маълум вазифага бўйсундирилган кузатувчанлик ўсиб боради. Идрок этишнинг ўсишига махсус раҳбарлик қилинганда мактабгача тарбия ёшининг охирига келиб муҳим сенсор қобилиятлар: кўз билан аниқ чамалаш, мутаносибликни кўз билан баҳолаш қобилиятлари шаклланган бўлиши мумкин.

Шунга асосланиб тасвирий фаолият вазифаларини мураккаблаштириш мумкин бўлади. Шунинг учун тарбиячи болалар билан олиб бориладиган ишларни тасвирий фаолиятдаги ўзига хос вазифаларни ҳал этадиган ва шу билан бирга болаларни мактабга тайёрлашга ёрдам берадиган қилиб ташкил қилиши зарур. Болаларни улар теварак-атрофдаги воқеалар ва ҳодисаларни кенгроқ ва эркинроқ акс эттиришга имкон берадиган билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантириши лозим.

Болалар расмини чизаётган, лой ёки пластилиндан ясаётган ва қирқаётган нарсалар турли хил шакл, ранг, тузилишга

эга, фазода турлича жойлашган. Олдинги группаларда болалар нарсаларнинг тўғри тўрт бурчакли, юмалоқ, овал ва бошқа геометрик шаклларга эга эканлигини билиб олганлар. Агар нарсалар бир неча қисмлардан иборат бўлса, унда ҳар бир қисмнинг шаклини аниқлаш ва тасвирлаш ҳамда яхлит буюмни қисмлари бўйича тиклаш лозим.

Тайёрлов группасида болаларни мураккаб, кўп қисмдан тузилган шаклни яхлитлигича идрок этишга ва эслашга олиб келиш керак. Биринчи навбатда бу одам ва ҳайвонлар фигурасига тааллуқлидир. Болалар бутун шаклни, аввал унинг умумий шаклини, сўнгра деталларини белгилаб олиб, битта яхлит лой бўлагидан ясашга ўрганадилар. Яхлит лой бўлагидан нарса ясашда ортиқча лойни ажратиб олиш ва, шунингдек, шаклнинг бирор қисми учун етмаётган лойни қўшиш ҳам керак бўлиб қолиши мумкин. Барча асосий иш бармоқлар ҳаракати билан, баъзида қўлнинг ҳамма бармоқлари иштирокида бажарилади. Олдинги группаларда оддий шаклнинг айрим қисмларини лой ёки пластилиндан ясашда қўлланилган кафтлар орасида эзишдан энди камдан-кам фойдаланилади. Катта болалар стекдан фойдаланадилар — яхлит лой бўлагидан қисмларни тиладилар, ажратиб оладилар. Болалар ясалаётган нарсани гоҳ бир томондан, гоҳ бошқа томондан кўришлари учун уларга тахтачани айлантириб туриш усули кўрсатилади.

Мураккаб шаклга эга бўлган нарса расмини чизишда ҳам бутундан деталларга «қуриш» усули қўлланилади. Бундай усул қалам билан хомаки, яъни шаклни деталларсиз чизиб олиш, сунгра уни аниқлаб олиш ва чизиб тугатиш кўникмасини талаб қилади. Шу мақсадда графит қаламдан, бўр ёки акварелдан фойдаланилади. Расмни тузатиш, тўлдириш мумкин бўлиши учун хомаки расм чизишда оч кул ранг, ҳаво рангроқ ёки оч жигар ранг бўёқлар танлаб олинади. Хомаки расмлар алохида олинган қоғозларда нисбатан тез ҳаракатлар, енгил узлуксиз чизиқлар билан бажарилиши мумкин; айни бир нарсанинг хомаки расмини бир неча марта чизиб кўриш фойдалидир.

Айрим ҳолларда болаларга нарсани яхшилаб кўздан кечириш ва унинг контурини бармоқлар билан айлантириб чиқиш ва сўнгра ҳар бир қисмнинг контурини алоҳида эмас, балки нарсани бутунлигича, қўлни узмасдан, битта чизиқ билан расмини чизиш тавсия этилади. Бундай усул билан сополдан қилинган ҳайвонларнинг соддалаштирилган фигуралари, лойдан ясалган халқ ўйинчоқлари расми чизилади.

Катта группада болалар лойдан ясалган димкова ўйинчоқлари мотивида лой ёки пластилиндан нарсалар ясаганлар, нақшлар ва декоратив расмлар чизганлар. Шунга ўхшаш машғулотлар тайёрлов группасида ҳам ўтказилади, аммо иш мазмуни мураккаблашади; болаларга «Боярлар», «Буғулар» ва бошқа темалар юзасидан декоратив композициялар яратишни таклиф қилиш мумкин.

Димкова уйинчоқлари тасвирини болалар илгаригидек қисмлар бўйича эмас, балки яхлит чизиқлар билан чизадилар. Бу топшириқни ҳал қилишда узлуксиз ҳаракатни кўз билан кузатиб боришни амалга оширишдаги, уни ўз вақтида тўхтатиш ва ҳаракат йўналишини ўзгартириш, тасвирлашнинг кўриш ва ҳаракатлантириш компонентларини мувофиқлаш, расми чизиб бўлинган қисмни ҳозир расми чизилаётган қисм билан таққослаб кўриш каби қийинчиликларга дуч келадилар. Бундай қийинчиликларга қарамасдан ҳамма болалар ўзлари олдига қуйилган топшириқларнинг уддасидан чиқадилар.

«Тойчалар» темаси бўйича биринчи машғулот қуйидагича ўтказилиши мумкин. Ҳар бир бола шакл контурини излаб топиш учун бир варақдан оқ қоғоз олади. Бола қўли билан ҳаракат қилиб, ўйинчоқ контурини текшириб чиққач, шаклчани оддий қалам билан чизиб чиқиш топширилади. Чизиш муваффақиятли чиққанидан сўнг рангли қоғоз варағини танлаб олишга ва унга оддий қалам билан бир нечта отлар расмини чизишга рухсат бериш мумкин. Сўнгра уларга Димкова усталари қиладиганга ўхшатиб безаклар чизадилар: ҳаммаси оқ гуашь билан қопланади, бўёқ қуригач, нақш элементлари чизилади. Композиция учун турли хил очиқ рангдаги қоғозлар танлаб олингани маъқул: бу димкова ўйинчоқлар характерига мос келадиган декоративликни ифода этади.

Тарбиячи кўп болаларда контур бирданига чиройли чиқмаслигини, балки баъзи изланишлардан сўнг улар бунга эришишлари мумкинлигини назарда тутиши керак. Муваффақиятли чиқмаган расмни бола билан биргаликда таҳлил қилиш, баъзида шаклни қўл билан яна бошқатдан айлантириб чиқишни таклиф қилиш керак, бунда бармоқ гавданинг қайси қисмини (бўйин, елка, бир оёқ, иккинчи оёқ, бош) айланиб чиқаётганини аниқлайди. Ҳаракатни сўз билан бундай аниқлаб бориш унинг йўналишини англаб етишга ва сўнгра бу йўналишни расм чизишда кузатиб боришга ёрдам беради. Бу вақтга келиб болалар қўлнинг нарса контури бўйлаб ҳаракат қилиши, шу нарса расмини чизаётган қўл ҳаракатига мос эканлигини, шунинг учун қўлни нарса бўйлаб қандай юргизса, расм чизишда ҳам қўлни худди ана шундай юргазиш кераклигини билишлари керак.

Ҳосил бўлган тасвир таҳлил қилингандан ва тушунтириш билан бир вақтда нарса контури бўйлаб қайтадан қўл юргизиб чиқилгандан сўнг расмлар, одатда яхшироқ чиқади. Баъзи болаларнинг муваффақиятсизликка учраши ҳозир чизаётган расмни чизиб бўлинган расмга таққослай олмаслиги билан боғлиқ. Фигурача контурини қўл билан айлантириб чиқишни таклиф қилишда болалар диққатини бир қисмнинг иккинчи қисмига нисбатан қандай жойлашганлигига жалб этинг, масалан: тойчанинг олдинги оёқлари бўйни қаршисида жойлашган ва ҳоказолар. Агар болалар ўйинчоқ контурини қўлни узмасдан

чизишга бирданига эриша олмасалар, яна бир марта уриниб кўришга ундаш, бунинг учун қўшимча қоғоз варағини бериш лозим.

Кўп вақт талаб қилувчи бу машғулотни икки босқичга бўлиш ва ҳар бир босқични айрим машғулот тарзида ўтказиш мумкин. Агар ҳар иккала машғулот бир кунда (танаффус билан) ўтказилса, янада яхши бўлади. Шундай қилинса болалар ўзларининг зўр бериб қилган меҳнатлари самарасини ўша куниёқ кўрадилар ва иш уларга зерикарли бўлиб туюлмайди.

Нарса контурини қўлни узмасдан чизиш усулини мустаҳкамлаш учун, шу машғулотдан сўнг тез орада худди ана шу методика асосида, болаларга «Димкова буғучалари» декоратив композициясини яратишни таклиф қилиб, машғулот ўтказиш керак.

Агар сиз олдинги машғулотда фигурани қўлни узмасдан чизиш усулини эгаллашга етарли эътибор берган бўлсангиз, энди бунинг учун махсус вақт ажратишнинг зарурати бўлмайди: болалар топшириқни тезда уддасидан чиқиб, декоратив композиция яратишга бирданига кириша оладилар. Мазкур усулни қийинчилик билан ўзлаштираётган ёки олдинги машғулотда қатнашмаган болаларга индивидуал ёрдам бериш лозим. Уларга худди ана шу усул билан сайр вақтида таёқча билан ерга, бўр билан асфальтга группада грифель тахтачага бошқа фигуралар (масалан, димкова қушчаси, эчкичаси) расмини чизиб кўришни тавсия этинг. Бу индивидуал ишни иккинчи машғулотгача ўтказиш керак, ана шунда болалар керакли кўникмалар бўлмаганлиги сабабли ўзларини камситилгандек ҳис этмайдилар.

Нарсалар расмини қўлни узмасдан чизишда, шунингдек ҳайвонларни тасвирловчи Балтика бўйи ва Украина сопол ўйинчоқларидан фойдаланиш мумкин.

Аппликация шаклни худди ана шундай умумлашган яхлит усул билан ифодалаш — силуэт қирқиш, яъни бир бўлак қоғоздан яхлит фигурани қирқиб олишдир. Бунда болалар нарсанинг бир қисмидан иккинчи қисмига ўтишда қайчини қоидаси билан буришга ўрганадилар. Бунинг учун улар яхлит билан унинг қисмларини яхши тасаввур эта олишлари зарур, масалан: қайчи қушнинг дум томонидан белига қараб, белидан бош томонга, ундан сўнг кўкрагига, қорнига ва яна думига қараб ҳаракат қилади. Силуэт қирқиш кўрсатма усулини ва қирқилаётган нарса қисмлари номини айтиб туришни талаб қилади. Бундай малака болалар томонидан бирданига эгалланмайди, уни кўп марта такрорлашни талаб қилади. Шунинг учун машғулотда бир нечта ўхшаш фигуралар қирқишни тавсия этиш керак (машқ қилиш учун яхшиси рангли эмас, балки оддий оқ қалин буялмаган қоғоз берилгани маъқул). Натижада болалар нарса шакли ҳақида аниқ тасаввурга эга бўладилар, қўл турли то-

монга йўналган ҳаракатларни бир текис, енгил ёки қиррали бурилишларни бажаришни машқ қилади (болалар қирққан силуэтларидан соя театри ёки декоратив аппликацияларда фойдаланишлари мумкин).

Лой ёки пластилиндан нарса ясашнинг, расм чизиш ва қирқишнинг янги усуллари билан бир қаторда болалар қисмлардан бир бутун, яхлитни ясашдан ҳам фойдаланишни давом эттирадилар. Бунда уларнинг энг муҳимини, асосий қисмларини (одатда шу қисмлари энг йирик қисмлар ҳамдир) белгилашлари ва ажратиб кўрсатишлари, сўнгра деталларига ўтишлари муҳим аҳамиятга эга.

Мураккаб шаклга эга бўлган нарсаларни тасвирлашда тўғри мутаносибликка — қисмларнинг катта-кичиклиги ва жойланиши бўйича нисбатига риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Агар бирмунча кичикроқ ёшдаги болалар нарса ҳақидаги ўз тасаввурларидан фойдаланиб расм чизсалар, лой ёки пластилиндан нарса ясасалар, шакллар қирқсалар, тайёрлов группасида эса болаларни тез-тез ва нарсага кўпроқ синчиклаб қарашга, у ҳақидаги ўз билимларини узлуксиз аниқлаб боришга, нарсаларни ўзаро у ёки бу хусусиятларига кўра таққослашга, бир группа нарсаларнинг ўхшашлиги, уларнинг асосий тузилиши, шакли тўғрисида борган сари кўпроқ тасаввур ва билимларни туплашга ўргатиш керак. Масалан, болалар юк ташувчи ва енгил машина, реактив самолёт ва вертолёт, теплоход ва моторли катерлар шакли ва тузилишидаги ўхшашлик ва тафовутни аниқлайдилар. Уларга ракета ёки муз ёрар кема расмини чизиш таклиф қилинса, улар ракетани самолёт билан, муз ёрар кемани эса пассажир теплоход билан ўхшашлиги ва фарқини мустақил равишда белгилайдилар ва ўзлари илгари расмини чизмаган ана шу нарсаларнинг ўзига хос хусусиятларини расмда акс эттирадилар. Ҳар хил дарахт турлари ҳақида, турли мақсадларга мўлжаллаб қурилган бинолар тўғрисида, ҳайвонлар ва қушларнинг турлари ҳақида ҳам ана шу нарсани айтиш мумкин.

Агар ўрта ва катта группаларда тарбиячи болаларга нарсалардаги ўхшашлик ва тафовутни ҳар гал кўрсатиб бориб, уларни саволлар бериш йўли билан фарқ қилишга йўллаган бўлса, тайёрлов группада эса болаларга айрим нарсаларни эмас, балки бир группа нарсаларнинг ўхшашлигини ва фарқини кузатиш, таққослаш ва аниқлашда катта мустақиллик берилади. Масалан, оқ қайин дарахти бошқа япроқли дарахтлардан нимаси билан фарқ қилади? Олмахон бошқа тўрт оёқли ҳайвонлардан нимаси билан фарқ қилади? Имкони бор бўлган ҳамма нарсанинг ўзини болалар билан биргаликда сайр вақтида табиатан кузатиб бориш лозим. Фотография ва суратларни кўриб чиқиш эса болалар томонидан олинган таассуротларни аниқловчи ва мустаҳкамловчи қўшимча материал бўлиб ҳисобланади. Теварак-атрофни кузатишга ўргатилган болалар сурат-

«Қорбобо совға келтирди»
(аппликация).

«Мен хоккей ўйнаяпман»
(аппликация).

ларни ҳам бошқача кўздан кечирадилар, натижада кўп маълумотлар ва кўрсатма тасаввурларга эга бўладилар.

Етти ёшга қадам қўйган болаларга улар кўздан кечираётган нарсалар ҳақида тегишли маълумотлар бериб, уларда теварак-атрофга, ижтимоий ҳаётга бирмунча чуқур қизиқиш тарбиялаш мумкин ва керак. Бу ёшдаги болалар мамлакатимизда ва чет элларда содир бўлаётган воқеалар билан жуда қизиқадилар. Улар кўп нарсаларни катталардан эшитадилар, кино, телевизор орқали билиб оладилар. Уларни спорт мусобақалари, бизнинг космик кемаларимиз ва ер йўлдошларимиз, кит овловчи флотилияларнинг рейслардан қайтиб келишлари, байрамларимиз ва бошқа кўп нарсалар ҳаяжонлантиради. Шуларнинг ҳаммасини улар мамнуният билан расмда, ясаган нарсаларида, аппликацияларда, тасвирланаётган воқеаларни яна қайтадан бошдан кечириб, ифодалайдилар. Машғулотларга ижтимоий тематикани киритиб, ҳаётимизнинг турли хил воқеалари билан болаларни таништириб, уларга ана шу имкониятни бериш керак.

Илгариги тажрибадан бирмунча маълум бўлган нарсалардан тарбиячи болаларни улар илгари билмаган, сезмаган янгиликка бошлайди. Масалан, айрим биноларни кузатишдан, тарбиячи ўз вазифаси бўйича бир-биридан фарқ қилувчи биноларни аниқлашга ўтади, одамлар яшайдиган уй мактабдан фарқ қилишини, фабрика болалар боғчаси биносига ўхшамайдиган кўринишга эга эканлигини кўрсатади ва тушунтиради, сўнгра

«Бизнинг шаҳар» (аппликация).

жуда кўп одамлар яшайдиган, ишлайдиган, ўқийдиган шаҳарлар ҳақида гапиради, мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари номини айтади ва Ватанимиз пойтахти — Москва ҳақида батафсил сўзлаб беради.

Тарбиячи болалар диққатини янги уйлар, кварталлар, бутун шаҳарлар қурилишига, улар архитектурасининг ўзига хос хусусиятига жалб этади. Совет давлати кишилар ҳақида қандай катта ғамхўрлик кўрсатаётганини, қурувчилар меҳнати қанчалик муҳим эканлигини таъкидлаб ўтади.

Болалар билан дарахтларни томоша қилаётганда, тарбиячи шаҳарларни кўкаламзорлаштириш ҳақида, мамлакатимиздаги дарахт ўтқазишлар ҳақида, одамлар ҳаётида ўрмонларнинг аҳамияти ва уларни эхтиётлик билан парвариш қилиш зарур эканлиги ҳақида сўзлаб беради. Тайга, қарағайзор, эманзор, қайинзор ва ҳоказолар ҳақида тушунча беради. Рассомлар И. Шишкин, И. Левитан, совет пейзажистлари И. Грабар, К. Юон, А. Рилов ва бошқалар ишлаган суратларни кўрсатади.

Тарбиячи Ватанимиз табиати қанчалик бой эканлигини, унинг гўзаллигини уқтириб ўтади. Шунда у болаларнинг шахсий тажрибаларини ҳам қўшиб кетишга ҳаракат қилади: уларнинг баъзилари турли шаҳарларда бўлганлар, бошқалари кенг далаларни, баланд тоғларни, бепоён денгизларни кўрганлар. Она Ватан ҳақида, унинг табиати ҳақида, совет кишиларининг ҳаёти ҳақида бой билимларга эга бўлган болалар, шу тема

«Ким эшигимни қоқяпти».

буйича расм ва аппликацияларни зўр қизиқиш билан бажарадилар. Уларда Ватанга муҳаббат, унинг бойлиги ва эришган ютуқлари билан ғурурланиш туйғуси тарбияланади.

Олти ёшли болалар катталар меҳнатига зўр қизиқиш билан қарайдилар. Китоблар, радио ва телевизион эшиттиришлар орқали улар турли касбдаги кишилар ҳақида, уларнинг кундалик меҳнатлари ва қаҳрамонона ишлари ҳақида хабардор бўладилар. Болаларнинг ўзлари ҳам катта бўлганларида ким бўлиб ишлашларини кўпинча гапирадилар. Мана шунинг учун ҳам тарбиячининг ким бўлишни исташингиз ҳақида расм чизинг, деган таклифини болалар хурсандлик билан қабул қиладилар. Она тили программаси болалар билан катталар меҳнати ҳақида суҳбат ўтказишни ва мазмуни шунга мос келадиган шеърларни ёдлашни назарда тутади. Шунинг учун ҳамма ишни шундай планлаштириш зарурки, расм чизиш буйича ўтказиладиган машғулотлар болалар эгаллаган билимларга таянган бўлсин, мана шундагина болаларда ниманинг расмини чизиш-

лари кераклиги ҳақида бой тасаввур ҳосил бўлади. Машғулот йилнинг иккинчи ярмида ўтказилиши мумкин. Болалар олдига ўз меҳнати билан боғлиқ бўлган одамнинг ҳаракатдаги ҳолатини тасвирлаш вазифаси қўйилади: врач беморнинг каравоти устида энгашиб турибди, шофёр машинани юргизяпти ва ҳоказолар. Болаларга шунингдек у ёки бу касбдаги кишилар учун хос бўлган, масалан, учувчининг, космонавтнинг ва бошқаларнинг кийими хусусиятларини тушунтириш керак.

Топшириқнинг болалар томонидан муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун турли касбдаги кишиларни тасвирловчи суратларни танлаб олиш ва ҳаракат, кийим, меҳнат қуроли характерига алоҳида эътиборни жалб этиб, машғулотдан бир кун олдин кўриб чиқиш керак. Машғулот бошланишида мамлакатимизда кишилар қандай ишлашлари ҳақида қисқагина суҳбат ўтказилади, сўнгра тарбиячи бир нечта болалардан, улар ким бўлишни исташларини сўрайди ва ҳар бир болага шу ҳақда расм чизишни таклиф қилади. Тугалланган расмларни кўриб чиқаётганда тарбиячи энг қизиқарлиларини кўрсатиб, болалардан уларнинг фикрича шу расмни эгаси ким бўлмоқчи эканлигини айтишларини сўрайди. Болалар расмларни рангли қаламлар билан ҳам, бўёқлар билан ҳам бажаришлари мумкин. Агар расм бўёқлар билан ишланса, контур расмини чизишда болалар одам шакли тузилишини излаб кўришлари, унинг ҳаракатини аниқроқ ифодалай олишлари учун уларга оддий қалам берилиши лозим.

«Шанбаликда».

Натурага қараб расм чизиш.

Идрокни ўстириш ва тасаввурни аниқлашда расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясаш ва натурага қараб қирқиш катта аҳамиятга эга.

Мактабга тайёрлов группасига натурадан бирданига бир неча нарсанинг расмини чизиш машғулотларини ҳам киритиш мумкин. Кўринарли жойга бир эмас, балки турли катта-кичиклик ва шаклга эга бўлган икки-уч нарсаларни қўйиш фойдалидир. Бир нарсани бошқа бир нарса билан таққослаш йўли орқали болалар улар ўртасидаги ўхшашликни, фарқни яхшироқ англайдилар ва ўз тасаввурларини расмда ифода этадилар. Лой ёки пластилиндан нарса ясашда ва аппликацияда бошқача усул қўлланилади: болалар ҳар бир нарсани лой ёки пластилиндан алоҳида ясашлари ёки қоғоздан қирқишлари, шундан сўнг уларни ўз хоҳишларича жойлаштиришлари мумкин. Масалан, болаларга натурага қараб қирқиш учун турли баландлик, кенглик ва шаклга эга бир нечта вазалар берилади. Болалар қоғозни икки буклаш усулидан фойдаланиб, уларни қирқадилар, сўнгра қирқиб олинган вазаларни қоғоз бетига ким қандай хоҳласа шундай қилиб қўядилар ва уларни ёпиштирадилар. Икки-уч вазага қўшимча қилиб мевалар, шохчалар, гуллар ва бошқаларни киритишни болаларга таклиф қилиш мумкин. Бундай машғулотларда натура билан танишиш биринчи босқич бўлади, сўнгра болалар ўз дидлари ва тасаввурлари бўйича композиция яратадилар.

Баъзи вақтларда расм чизиш машғулотларида тасвирлашнинг бутун процесси натурага мувофиқ олиб борилиши мумкин:

ҳар бир нарсанинг фақат шаклигина эмас, балки уларнинг нисбатан катта-кичиклиги ва ўзаро жойлашиши (ўнг томонда нима турибди, чап томонда, ўртада нима турибди, яқинми ёки узоқми) ҳам тасвирланади. Бунда болалар группа нарсалар турли жойдан ҳар хил кўринишини, баъзи нарсалар бошқаларини қисман тўсиб турганини билиб оладилар. Болаларнинг бир қисми тезда, биринчи машғулотдаёқ группа нарсаларнинг бир-бирига муносабатини бир қарашда кўра олиш қобилиятини ўзлаштирадилар ва кўрганларини бутунлигича қоғозга кўчирадилар. Бошқалари эса бир нечта машғулот давомида нарсаларни айрим-айрим ҳолда, бутун қоғоз юзасига чизадилар, уларнинг катта-кичиклик ва бўшлиққа оид муносабатларини бузиб юборадилар. Бироқ бундай машғулотлар бошланганидан бир неча ой ўтгач, барча болалар бир қанча нарсаларнинг оддий ҳажмий тасвирини натурага қараб чизиш усулларини эгаллаб оладилар. Эришилган янги ютуқ болаларга зўр мамнуният бахш этади. Баъзи нарсаларнинг бошқа нарсалар томонидан қисман тўсилишини улар кейинчалик ўз тасаввурлари асосида чизган мазмунли расмларида тасвирлайдилар.

Болаларни натурага қараб расм чизишга ўргатишда асосий эътиборни нарсаларнинг катта-кичиклик нисбатига қаратиш ло-

Оддий графит қаламда натурага қараб расм чизиш (узамбар бинафшаси).

Оддий графит қаламда натурага қараб расм чизиш (сансевъера).

зим, ҳар бир нарса шаклининг расмини эса болалар унчалик кўп қийналмасдан чизишлари керак. Расмларни графит қаламда чизиб акварель билан бўяш мумкин. Тарбиячи контурнинг ноаниқ жойларини тузатиш мумкин бўлиши учун болаларни контур чизиғини енгил ингичка чизиқлар билан чизишга ўргатади. Контурнинг тўғри чизиғи топилгач, бола тарбиячидан барча ортиқча, керак бўлмаган чизиқларни ўчириб ташлашни илтимос қилади (биз болалар қўлига ўчирғич беришни тавсия қилмаймиз: кўп ҳолларда улар ўчирғичдан етарли даражада оқилона фойдаланмайдилар ва бошлаб қўйилган расмни бузадилар). Баъзи ҳолларда болаларга фақат юмшоқ графит қалам билан расм чизишни таклиф қилиш мумкин. Шу мақсадда гулламайдиган хона ўсимликларини танлаб олиш ва уларда яшил рангнинг туслари аниқ кўзга ташланиб туриши лозим.

Болаларни натуранинг барча қисмлари шаклинигина акс эттиришга эмас, балки бўёқлар нисбатини ҳам ифодалашга: тўқ япроқларни қуюқроқ штриховка билан қоплашга, оч япроқларни бўяшда қаламни оҳиста босишга ўргатиш керак. Бу техник усул болаларга таниш бўлиб қолган. Мазкур машғулотда шу усулни эслатиб ўтиш керак. Болалар олдига нарсанинг соя томонини ифодалаш вазифаси қўйиляпти, деб ўйламаслик керак. Ўсимликни анализ қилишда унинг баъзи қисмлари оч рангда, бошқа қисмлари тўқ рангда эканлигига диққатни жалб этиш ва мана шуларни расмда тасвирлаш етарлидир.



«Хлорофитум чизяпмиз».

Натурага қараб расм чизиш бир ойда бир марта планлаштирилади, қолган машғулотлар сюжетли расмлар чизишга, декоратив ва ижодий расм чизиш учун ажратилади.

Катта группадаёқ болалар лой ёки пластилиндан нарса ясашда ва расм чизишда одам ва ҳайвонларнинг унча мураккаб бўлмаган ҳаракатларини акс эттира оладилар. Мактабга тайёрлов группасида болалар одам фигураси тузилишини, ҳаракат пайтида фақат оёқ ва қўлларнинггина ҳолати эмас, балки бош ва гавда ҳолати ҳам ўзгариши ҳақида бирмунча аниқ тасаввурга эга бўладилар. Тарбиячи ҳаракатни болаларга энг аввало лой ёки пластилиндан ясаб, масалан, спортсменларнинг қўллари тирсакдан, оёқлари тиззадан букилган ҳолатини ясаб кўрсатади ва тушунтиради.

6—7 яшар болалар томонидан оёқларни тиззагача ва ундан пастини, қўлларнинг юқори ва пастки қисмларини тасвирлашда мутаносибликни бузиш ҳоллари тез-тез учраб туради, аммо ҳаракатларни ифодалаш борган сари хилма-хилроқ ва жонлироқ бўла бошлайди; югуриб, бирор нарса кўтариб кетаётган, коньки учаётган фигуралар пайдо бўла бошлайди. Ҳаракатни тасвирлашни ўзлаштириб олгач, болалар эртак персонажларини ёки ҳаёт кўринишларини тасвирлай оладилар.

Сюжетли расмлар ҳам нарсаларнинг фазода тўғри жойлаштирилишини талаб қилади. Сайр вақтида ва экскурсияга борганда болалар тарбиячи бошчилигида нарсаларнинг бир-бирларига нисбатан қандай жойлашганлигини кузатадилар, баъзи нарсалар бошқаларини тўсиб турганини ёки бошқаларининг орқасидан кўриниб турганини кўрадилар. Натурага қараб расм чизишда болалар ўрганган, бир қарашда группа нарсаларни кўра олиш кўникмаси уларга шаҳар кўчалари, ҳовли ва бошқаларнинг расмини чизишда ёрдам беради. Ҳар бир шаҳарда янги кварталлар қад кўтармоқда, кўп қаватли бинолар қурилмоқда ва улар эски кўчаларда жойлашгандек жойлашмаган. Янги кварталнн кўздан кечириш ва унинг расмини чизиш, биноларни кенг бўшлиқда бемалол жойлаштириш имконини беради.

Тайёрлов группасида ранг ҳақидаги тасаввур бирмунча бойийди. Болалар рангларни камалакда, яъни спектрал товланишда бўлиши ва состави ҳақидаги билимга эга бўладилар. Камалак тасвирини суратлардан топиш ва уларни намуна сифатида болаларга кўрсатиш мумкин. Камалакнинг образли тасвири шеърларда ҳам ёритилади.

Тарбиячи болаларга яшил камалак расмини, ундаги ранглар изчиллигига қараб чизишни топширади. Бундай ишларга акварель бўёқ кўпроқ тўғри келади. Уларнинг намлиги ранг қаторларининг яхлит чиқишига ва бирндан иккинчисига ўтишга имкон яратади. Аввал алоҳида қоғоз варағида болаларни бўёқ билан тез, қўлни узмай ҳаракат қилиб ёй чизишни машқ қилдириш керак. Шундан сўнг керак бўлган бўёқлар аниқлаб олинади ва расм чизиш учун тайёрланади. Ишни камалакнинг юқори қисмини

«Хоровод».

чизишдан бошлаш керак. Мўйқалам намланади ва бўёққа тўла ботирилади. Қамалакнинг ер билан туташадиган жойлари нуқталар билан белгиланади. Тез, бир текис ҳаракат қилиб қизил рангли камалак чизилади. Мўйқалам ювилади. Тўқ сариқ бўёқ олинади ва қизил бўёққа шундай зичлаштириб йўл тортиладики, бу икки ранг бир-бирига бир оз қўшилиб кетиши ҳам мумкин. Бошқа ранглар ҳам навбати билан худди ана шундай қилиб чизиб чиқилади. Қамалак расми чизиб бўлингач, унинг тагидаги ерни яшил (ўтлоқдаги ўт) ранг билан бўяш, осмонга эса оқ булутлар орасидан ҳаво ранг шуъла бериш мумкин. Агар болалар денгиз камалагини кузатишга ёки суратда кўришга муяссар бўлган бўлсалар, унинг расмини чизишлари мумкин: пейзажи қандай кўринишда бўлишини болаларнинг ўзлари танласинлар.

Агар болаларга В. Қатаевнинг эртагида эслатиб ўтилган ранг-баранг яшил камалак расмини чизиш ёки уни рангли қоғозлардан қирқиб ёпиштириш топширилса ҳам улар спектр доира (камалак рангларини доира бўйлаб жойлаштириш) ҳақида тасаввурга эга бўлишлари мумкин. Ҳар бир япроқча алоҳида қирқиб олинади ёки бўялади; болалар рангларни танлаб олишни ва уларни кетма-кет жойлаштиришни машқ қиладилар.

Тарбиячи болаларни спектр доирани қисмларга ажратишга, илиқ ва совуқ, шунингдек контраст (қарама-қарши): қизил-яшил, кўк-тўқ сариқ ва ҳоказо рангларни бир-биридан фарқ қилишга ўргатади. Болаларга фақат совуқ ёки фақат илиқ рангли гулдасталар расмини чизишни ёки қирқиб ёпиштиришни топшириш мумкин. Болалар билан олдиндан ўтказиладиган суҳбатда уларга турли хил ранг ва тусларнинг, илиқ рангларнинг ҳам, совуқ рангларнинг ҳам, масалан, ҳаво ранг ва кўк, оч бинафша ва тўқ бинафша ёки тўқ қизил, пушти, оч қизил, зарғалдоғ ранг

«Самолёт юк олиб келди».

«Ракеталар стартда».

ва бошқа рангларнинг номини айтишларини таклиф қилиш мумкин. Гулларнинг япроқ ва бандларини яшил ранг билан чизишга рухсат этилади, аммо илиқ рангли гулдаста расмини чизганда яшил бўёққа оч жигар ранг бўёқ қўшиш, совуқ рангли гулдастага — ҳаво ранг бўёғини қўшиш керак. Бир машғулотда ҳамма болалар «илиқ» рангли гулдаста расмини чизишлари, бошқа машғулотда эса «совуқ» рангли гулдаста расмини солишлари ёки бўлмаса бир машғулотнинг ўзида баъзи болалар илиқ ранглар билан, бошқалари совуқ ранглар билан расм чизишлари мумкин.

Расм ёки аппликацияга бир жуфт контраст рангларни киритиш топшириғини бериш керак. Масалан, «Цирк» ёки «Петрушка болалар боғчасидаги байрамда» темасини бериш. Бу тема бўйича расм чизишда персонажлар костюмларига ранг беришда контраст бирикмалардан фойдаланиш назарда тутилади.

Атрофдаги нарсаларга қараб болалар ҳар бир ранглинг хилма-хил тусга эга эканлигини кўрадилар. Улар ранг туси кўпинча нарса рангига қараб номланишини билиб оладилар. Масалан, лимон, малина, салат, қум ва кўпгина бошқа ранглар бўлади. Теварак-атрофдаги рангларнинг болалар томонидан идрок этилиши кескинлашади, уларнинг ўзлари нарса рангига кўра ранг тусларини излайдилар.

Тарбиячи болалар эътиборини рангларнинг фақат турли хиллигига эмас, балки нарса ва воқеалар ўз рангини ўзгартириб туришига ҳам жалб этади. Болалар кузда дарахт баргининг ранги ўзгаришини билиб оладилар. Энди бу тасаввурлар аниқланади: турли дарахтлар кузда турлича рангга киради. Об-ҳаво ўзгариши билан осмон ранги ўзгаради. Булутлар ранги, туси тез ўзгарувчан ва хилма-хил бўлади. Гуллар очилаётиб ва сўлиётиб ўз рангини ўзгартиради. Кечқурун шаҳарни кузатиб, болалар кеч кира бошлаши билан нарсаларнинг ранги қандай ўзгаришини кўрадилар.

Болалар нейтрал ранглар билан илгари танишганлар. Энди улар ранг ёрқин, тоза ва хира бўлиши мумкинлигини билиб оладилар. Болаларга рангларни ўзгартиришнинг янгидан-янги имкониятлари, тусларнинг хилма-хиллиги борган сари маълум бўла бошлайди. Теварак-атрофда кўрганларининг ҳаммасини болалар ўз расмларида ва аппликацияларида акс эттира олмайдилар: албатта уларнинг ишларида ранглар анчагина соддалашган, оз миқдордаги тусларга эга бўлган ҳолда қолади, бироқ ҳар ҳолда баъзи ўзгаришлар юз беради.

Афсуски, баъзи тарбиячилар рангларга бефарқ қарайдилар, болаларни тусларни аниқ ифода этишга ундамайдилар, тасвирга сийқа, тахминий бўёқ берилиши билан бўёқлар ва рангли қаламлар наборидаги фақат биргина қандайдир яшил, битта қизил рангдан фойдаланиш билан чекланиб қоладилар.

Баъзи вақтларда болалар мазкур нарсани тасвирлаш учун мос келмайдиган бўёқ рангидан фойдаланадилар, тарбиячи эса

бунга эътибор бермайди. Масалан, арчанинг ўзига қараб шохча расмини чизаётганларида болалар тўқ яшил рангни эмас, балки оч яшил рангни оладилар, тарбиячи эса болаларни мумкин қадар аниқроқ тусни излашга ундамайди ва бу расмга баҳо бераётганда рангнинг аниқ эмаслигини айтиб ўтмайди. Бундай тарбиячиларнинг болалари чизган расмлар ола-була, ёрқин, хунукроқ чиқади: бу расмлар болаларнинг на кузатишларини ифодалайди ва на уларнинг дид ва қизиқишларини акс эттиради.

Ҳар бир боланинг ўзи севадиган ва севмайдиган ранглари бор. Рангларни ёқтириш ва ёқтирмаслик мактабгача тарбия ёшидаги катта болаларда аниқ ифодаланган. Бироқ, агарда болаларга ҳамма вақт бир хил бўёқ наборлари берилаверса ва қайси нарсани қайси бўёқ билан бўяшни белгилаб берувчи қатъий қоидалар ўрнатилса улардаги бу хусусият сўниб қолиши мумкин. Шартли бўяшнинг бу қоидалари мустаҳкам ўрнашиб қолади ва бадиий диднинг пайдо бўлиши ва ўсишига халақит беради: болалар расм чизишда рангларни танлашга бефарқ қарайдиган бўлиб қоладилар.

Болаларга ранг беришни актив ҳал этиш, ранглар ва ранг бирикмаларини онгли равишда танлаш заруратини талаб қиладиган топшириқларни бериш тавсия этилади. Бундай топшириқларнинг баъзиларини биз айтиб ўтдик. Болалар турли шаклдаги учта вазани қирқиб, сўнгра уни чиройли группалар ҳосил қилиб ёпиштириладиган аппликация машғулоти рангларни онгли танлаш билан бирлаштирилиши мумкин: ҳар бир бола ўз дидига қараб ваза учун, ундан кейин фон учун қоғоз рангини танлаб олади. Вазани ёпиштириб бўлгач, болалар қўшимча равишда

«Қақнус».

мевалар, гуллар, шохчалар қирқиб ёпиштирадилар, бунда улар чиройли ранг бирикмаларини ҳосил қилиш ҳақида ўйлаб курадилар.

Болаларга рангли саҳифалар ясашни таклиф қилиш мумкин. Бунда, масалан, биринчи қаторда ўтирган болалар фақат қизил ранг ва унинг тусларидан фойдаланиш, бошқалари (иккинчи қатордагилар) фақат тўқ сариқ, учинчи қатордагилар фақат сариқ рангдан фойдаланиш тўғрисида кўрсатма оладилар ва ҳоказо. Спектр рангларига фақатгина оқ, қора ва кул рангларни қўшишга рухсат этилади. Расм мазмунини ҳар бир боланинг ўзи ўйлаб топади. Расмлар бир-бирларига уланади ва узун йўлча қилиб группа хонасига илиб қўйилади ёки улардан «Рангли саҳифалар» альбоми тузилади. Йилнинг охирига келиб ранглар бўйича якуний машғулот, масалан, «Камалак ранглар» (конспектга қаранг) темаси бўйича машғулот ўтказилади.

«Кеч куз», «Ўрмонда қиш», «Эрта баҳор» ва бошқа темалар бўйича расм чизишдан олдин тарбиячи қандай ранглардан фойдаланиш мумкинлиги, қандай тусларни ўзлари тайёрлашлари кераклиги ҳақида болалар билан суҳбат ўтказади. «Октябрь байрами» расмини чизаётганларида болалар хушчақчақ, байрамга мос, тантанали рангларни танлайдилар, Кремль миноралари ва деворлари учун, байрам байроқлари, минорадаги юлдузлар учун қизил рангнинг хилма-хил тусларини танлайдилар. «Ватанимиз шимоли» ёки «Олтин олма шохидаги Қақнус» аппликациялари рангли қоғозларни яхшилаб танлашни талаб қилади.

Натурага қараб расм чизиш рангларга нисбатан алоҳида диққатни талаб қилади. Ҳар бир нарса ўз тусига эга: у фақатгина сариқ ёки яшил эмас, балки маълум тусга эга бўлган сариқ ёки яшилдир. Бундан ташқари, бир хил нарсалар тўқроқ, бошқалари очроқ бўлади. Тарбиячининг вазифаси болаларни мана шу тусларни кўра олишга ва ифода этишга ўргатишдир. Кўпчилик болалар натурадаги ранг тусларини яхши фаҳмлайдилар ва баъзан уларга жуда аниқ ном берадилар, аммо уларга мос келадиган бўёқни топишда ва уни ҳосил қилишда қийналадилар. Тарбиячининг ўзи олдиндан акварель бўёқларнинг керакли рангларини топишга ва бир неча хил бўёқлардан уларни ҳосил қилишга ҳаракат қилиб кўради[1]. Қандай бўёқларни танлаш ва уларни қандай аралаштириш кераклигини кўрсатиб, тарбиячи болаларга саволлар беради. Натижада болалар керакли тонларни мустақил равишда ёки баъзи бир ёрдам билан ҳосил қилишга ҳаракат қиладилар. Баъзи вақтларда болалар бўёқларни аралаштиришни алоҳида қизиқарли машғулотга айлантириб жуда кўп бўёқ тайёрлайдилар. Айни вақтда эса расм учун жуда оз

[1] Бўёқларни қориштириш учун палитра бўлиши (кафелдан, плексигласдан ёки бошқа материаллардан ясалган плиткаларга эга бўлиш керак), қутичадаги бўёқлар тозалигича қолиши керак.

буёқ талаб қилинади. Болаларни қанча буёқ талаб қилинса, ана шунча буёқ кориштиришга ургатиш керак: купинча бирмунча оч буёққа озгина-озгинадан бир оз туқроқ буёқ кушилади, масалан, сариқ ёки оч яшил буёққа — туқ яшил рангли буёқ ҳосил қилиш учун ҳаво ранг ёки жигар ранг буёқ қушилади.

Буёқларни аралаштириш, янги ранг ва тус топа олиш куникмаси тасаввур этиб расм чизишда, масалан, кузги япроқлардаги бой рангларни, янги йил байрами арчаси ва бошқалардаги турли-туман рангларни ифодалашда ҳам керак булади.

Болаларнинг рангни ҳис этишини устириш учун декоратив расм чизиш ва декоратив характерга эга булган турли хил ишлар (аппликация, лой ёки пластилиндан ясалган нарсаларни буяш)да катта имкониятлар мавжуд. Болаларни бадиий тарбиялаш учун халқ, хусусан рус, декоратив ижоди бой материал беради. Катта группадаёқ болалар Димкова уйинчоқлари ва уларни безатадиган нақшлар билан танишиб чиқдилар. Энди болалар Городецк ва хохломаликларнинг ёғочга уйиб ишлаган нақшларини, Жостованинг тунука патнисларидаги расмларни ва бошқаларни куриб чиқадилар. Давлатимиз составига кирадиган турли республикалар ва областларда турли-туман сопол, газмол буюмлар, гиламлар, кашта ва бошқалар борки, улардан болалар билан ишлашда фойдаланиш мумкин.

Улкашунослик ва бадиий буюм музейларида, шунингдек халқ санъати буйича тузилган китоб ва альбомларда бор булган нарса бойликларидан болалар билан бирга курса буладиганларини танлаб олиш зарур[1]. Болаларнинг декоратив ишлари учун намуналарни анча синчиклаб танлаб олиш керак. Альбомлар билан бир қаторда боқчада нақшлар билан безатилган буюмлар, халқ усталари ишлари булиши керак. Болаларнинг декоратив ижод ҳақидаги тасаввурини бойитиш учун боқчада аста-секин бадиий фонд яратиш мақсадга мувофиқдир.

Халқ бадиий ҳунармандчилигининг бирор тури билан таништиришга алоҳида машғулотлар ажратилади. Таништириш процесси асосан суҳбат тарзида утказилиб, бунда болалар янги билимларга эга буладилар, шунингдек уларнинг луғати аниқланади ва бойитилади. Шу куни бир оз танаффусдан сунг болалар ҳозиргина олган таассуротларини ишга солишлари учун декоратив расм чизиш машғулоти утказилса яхши булади.

Бундай суҳбатлар қандай утиши мумкин? Хохлома бадиий буюмлари билан танишиш машғулоти таърифини келтирамиз.

Хохлома нақшлари билан безатилган банка, тарелка, ваза, патнис ва бошқа нарсаларни тарбиячи хар бир столга қўяди ва болалар диққатини бу буюмларнинг чиройли қилиб безатилганлигига жалб этади. Кейин у бу буюмлар ёғочдан йуниб ясалганлиги ва сунгра хохломалик халқ усталари томонидан

---

[1] Қаранг: Максимов Ю. В., Чуракова В. Н. Русское народное декоративно-прикладное искусство в детском саду (болалар боғчаларининг тарбиячилари учун қулланма) М., «Советский художник», 1973.

безатилганлиги ҳақида гапиради. Шунинг учун ҳам бу буюмлар хохлома ўйинчоқлари деб аталади. Болалар бу сўзни такрорлайдилар. Тарбиячи болалардан расмда ва стол устида турган буюмларда қандай ранглар ишлатилганлигини айтиб беришларини сўрайди. Болалар ўз олдиларида турган нарсаларни кўриб чиқадилар.

Аста-секин кўпчилик болалар қўл кўтара бошлайдилар. Тарбиячи бир боладан нарсада у қандай рангларни топганлигини сўрайди. Бола санаб чиқади. «Сенда-чи?» — сўрайди тарбиячи иккинчи боладан. «Сенда-чи?» деб сўрайди учинчисидан. Учаласи ҳам бир хил рангларни: қора, қизил, тилла рангларни айтадилар. «Энди нарсасида қизил ранг бўлган болалар қўлини кўтарсин». Ҳамма болалар қўлларини кўтарадилар. «Энди эса нарсасида тилла ранг бўлган болалар қўлини кўтарсин». Яна ҳамма қўл кўтаради. «Кимникида қора ранг бор экан?» Қора ранг ҳам ҳаммада бор. «Демак, дейди тарбиячи, биз хохлома нақши ишланган ҳамма нарсаларда уч хил ранг — қизил, қора ва тилла ранг бор деб айтишимиз мумкин. Хўш, кимда яна бошқа бирор ранг бор?» Болалар қўл кўтарадилар ва сариқ, яшил ранглар борлигини айтадилар. «Яхши,—дейди тарбиячи,— қани бирор кишида ҳаво ранг, бинафша ранг борми?» — маълум бўлишича хохлома нақшларида бундай ранглар йўқ экан. «Олдиларингизда турган нарсада нимaнинг расми чизилган экан?» — сўрайди педагог. Болалар қўлларини кўтарадилар ва шохчалар, япроқлар, мевалар, гуллар расми ишланган деб айтадилар. «Хохлома нақшлари ўсимликсимон нақшлардан тузилади, деб тушунтиради тарбиячи. Энди япроқларни яхшилаб кўриб чиқинг ва улар қанақа эканлигини айтинг». Баъзи болалар тилла ва қора ранглар қўшилиб кетган яшил ёки сариқ кенг, катта баргларни кўрадилар; бошқалари учи буралган ингичка қора япроқчаларни кўрадилар. «Энди расм буюм устида қандай жойлашганлигини кўриб чиқамиз. Бармоқларингизни асосий шохча бўйлаб юргизиб чиқинг» — таклиф қилади тарбиячи. Болалар буюм атрофини шохчалар ўраб, унинг устида буралиб турганига ишонч ҳосил қиладилар. «Мана энди биз хохлома нақшини яхшилаб кўриб чиқдик. Агар уни бирор ерда кўрсангиз таний оласизларми?» Болалар албатта танишларига ишонч билдирадилар (ҳақиқатан ҳам, мана шундай машғулотдан сўнг болалар хохлома нақшлари билан безалган нарсаларни бехато ажрата оладилар).

«Йўл шаклидаги қоғозга хохлома нақшини чиза оласизми?» деб сўрайди тарбиячи. Болаларга улар уддалайдигандек туюлади. «Ундай бўлса бир оз дам оламиз, навбатчилар эса ҳозирча расм чизиш машғулоти учун керакли ҳамма нарсаларни тайёрлайдилар»[1].

Танаффусдан сўнг болалар ўз жойларини эгаллайдилар. Тарбиячи уларга банка белидаги қоғозни кўрсатади. «Қаранг, навдача қандай буралиб-буралиб кетган, унинг устидаги баргчалар мевалар билан навбатма-навбат жойлашган. Ҳар қайсингиз навдачани ўз хоҳишингизча безатасиз, аммо рангларни шундай танлаш ва япроқ ҳамда меваларни шундай жойлаштириш керакки, нақш хохломаликлар нақшига ўхшасин. Расм чизишни навдачадан бошланг, навдача йўл орасида чиройли буралишига ҳаракат қилинг. Мўйқалам учи билан ингичка чизиқлар чизинг, шошилманг, ана шундай қилсангиз расм чиройли чиқади».

Хохлома нақшини чизиш учун сариқ олтинсимон рангли қоғоз бўлагини бериш ва унга қора, қизил, оч сариқ ва хира-яшил бўёқлар билан нақш чизишни таклиф қилиш мумкин. Қуюқ гуашь бўёқ берилса яхши бўлади: қизил, қора ва сариқ ранглар болаларга тайёр ҳолда берилади, яшил рангни эса болаларнинг ўзлари яшил рангга оқ ранг қўшиб тайёрлайдилар. Болаларга икки хил катта-кичикликдаги: йўғонроқ ва ингичкароқ мўйқаламлар берилса яхши бўлади.

[1] Амалий-декоратив санъат буюмлари билан танишишни куннинг иккинчи ярмида бамайлихотир шароитда ўтказиш мумкин.

Йул шакли ичига расм чизилгач, қоғоз стаканчаларга, талинкачаларга хохлома усулида нақшлар чизишни ёки тўғри тўртбурчак, овал шаклларидаги қогозларга нақш чизишни таклиф қилиш мумкин. Шунга ўхшаш машғулотларни халқ амалий санъатининг турли хиллари бўйича ўтказиш мумкин. Бунда болалар томонидан худди ана шу турнинг (рангларни танлаш — колорит, расмнинг мазмуни ва унинг таркибий элементларини, расмнинг тузилишини, унинг буюмлар устига жойланишини) ўзига хос хусусиятларини тушунишлари ва ўзлаштириб олишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Йил давомида халқ амалий санъатининг икки ёки уч тури билан танишиб олгач, болалар уларни ўзаро таққослаб кўришлари, уларнинг хусусиятларини белгилашлари мумкин. Тарбиячи болалардан ранглар ўртасидаги, нақшлар характери ва уларнинг жойлашуви ҳақидаги фарқларини сўраганида, болалар мустақил равишда жавоб берадилар, чунки уларда буюмларга диққат билан синчиклаб қараш кўникмаси аллақачон ҳосил бўлган. Баъзи болаларда шахсий кузатишлар тажрибаси тўпланиб боради. Болалар билан биргаликда амалий санъат музейи ёки кўргазмасига бориш жуда фойдалидир.

«Тарбия программаси»да декоратив ишлар учун зарур бўлган билимларни, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда изчиллик бўлиши ҳақида кўрсатмалар мавжуд. Халқ амалий санъати намуналари болаларга бу кўникма ва малакаларни бадиий формада ўзлаштиришларига ёрдам беради. Мисол учун Городецк (Горький обл.) усталари нақшларини кўриб чиқамиз.

Нарсаларни болаларга беришдан олдин тарбиячининг ўзи бу нақшларни диққат билан кўриб чиқади ва таҳлил қилади. Нақшлар ғунчалардан, гуллардан ва барглардан тузилган. Городецк нақши колоритининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, битта гул ёки ғунча учун икки тусдаги ранг—тўқ қизил ва пушти ранг ёки кўк ва ҳаво ранг, тўқ бинафша ва оч бинафша ранг ва шу каби ранглар ишлатилади. Бу хусусиятни болалар жуда яхши ўзлаштириб оладилар ва бўяш вақтида хатога йўл қўймайдилар. Гул расмини чизишдаги мажбурий изчиллик ҳам характерлидир: аввал танлаб олинган ранг билан доира чизилади, унинг ичига худди шу рангнинг бирмунча тўқроғи билан кичик доирача чизилади, бироқ у қоқ ўртага эмас, балки чеккасига яқинроқ жойига чизилади ва остига оқ рангда ёй чизилади. Бу — ғунча. Ғунчанинг атрофига юмалоқ гул расми чизилади: ўртага энг каттаси, атрофларига ундан майдароқлари чизилади. Гуллар, ғунчалар ва барглар, бундан ташқари жингалакчалар, доғлар билан безатилади. Нақшларнинг тузилиши жуда оддий, фақат бир неча вариантларигина бор. Ўртага энг катта гул, теварак атрофига эса майдароқ гуллар жойлаштирилади. Гулли шохча кўндаланг (горизонтал) жойлантирилиши, юқорига (вертикал) ёки ёнига (диагонал ҳолатда) йўналган бўлиши мумкин. Навда ёйсимон шаклда эгилган бўлади.

Ғунчалар, япроқлар ва гулларнинг расмини чизишни, бир рангнинг икки тусини қуллаш ҳақидаги шартларни бажаришни урганиб олгач, болалар декоратив композицияларнинг турли вариантларини уйлаб топадилар, гул ва япроқларни турлича безатадилар, уз ижодларини намоён қиладилар, айни бир вақтда халқ нақшлари хусусиятларини сақлаб қоладилар. Бу расмлар оқ ёки рангли қоғозга гуашь буёқлар билан чизилади.

Декоратив ишларни фақат қоғозга расмини чизиш билан чекланмасдан, балки бунга имкон булганида, болаларни лой, ёғоч, картон, қайин пустлоқлари ва бошқалардан ясалган нарсаларга нақшлар чизишга ургатган маъқул. Болаларга буяш учун тайёр маҳсулотларни, баъзида эса болалар томонидан лой ёки пластилиндан ясалган ёки картон, папье-маше, қайин пустлоқларидан тайёрланган нарсаларни бериш мумкин. Агар болалар боғчасида лойдан ясалган буюмларни пишириш печлари булса, болалар турли хил сопол уйинчоқлар ясайдилар.

Гилам, панно, фриз (йул шакли) типидаги катта коллектив булиб бажариладиган декоратив аппликация ёки расм чизиш ишлари қизиқарли булиши мумкин. Бундай ишлардан байрам кунлари биноларни, ёзги вақтда эса дала биносини безатиш учун фойдаланилади. Баъзи ҳолларда декоратив аппликация расм билан биргаликда олиб борилади — катта шакллар рангли қоғоздан қирқиб олинади, майдалари эса буёқ ёки рангли тушь билан чизиб чиқилади. Гуашь буёқларини ялтироқ қоғоз устига эмас, балки жилосиз қоғозга суркаш яхшироқ; олтин ва кумуш рангли қоғозлардан бир оз фойдаланиш мумкин.

Декоратив ишлар фақат машғулот вақтида эмас, балки буш вақтларда ҳам бажарилади; бундай ҳолларда болаларнинг хоҳишига қараб, баъзида унча катта булмаган группа, баъзида эса, масалан, байрамга чиқишда, зални безатишда ва шу кабиларга тайёргарлик куришда ҳамма болалар жалб этилади. Айрим болаларнинг иштирок этиши турлича булиши мумкин: баъзи бирлари композиция қисмларини қирқадилар, бошқалари нақш чизиб, кейин ёпиштирадилар. Тарбиячидан материалларни, деталларни, намуналарни, шунингдек иш бажаришнинг бутун планини уйлаб чиқиш ва пухта тайёрлаш талаб қилинади. Умумий ишга жалб этилган болалар ҳамма вақт иш билан банд булишлари ва унга қизиқишлари керак.

Тайёрлов группасида болаларни тасвир (расмлар) графика, скульптура асарлари билан таништириш керак. «Санъатни идрок этиш,— деб ёзади Б. М. Теплов,— актив процесс булиб, унга ҳаракатлантирувчи моментлар (ритм) ҳам, эмоционал кечинмалар ҳам, «фикрий ҳаракатланишлар» ҳам киради. Бу сунггиси кичик ёшда айниқса катта аҳамиятга эгадир»[1]

---

[1] Б. М. Теплов. Психологические вопросы художественного воспитания. «Известия АПН РСФСР», 1947, № 11, 13- бет.

Кўпинча болаларга расмларни фақат уларнинг нутқини ўстириш мақсадидагина кўрсатадилар. Бироқ айни бир вақтда бадиий тарбиянинг бирмунча кенгроқ вазифалари ҳам ҳал қилиниши мумкин. Тажриба ва ўтказилган текширишлар шуни кўрсатадики, агар тарбиячи болалар диққатини бўёқларни танлаш йўли билан мазмунни ифодалаш усулларига, нарсалар ва персонажларнинг жойлашишига, тўқ ва оч ранг, яқин ва узоқнинг тақсимланишига йўналтирса 6—7 ёшли болалар расм, скульптура, китобдаги суратларнинг бадиий сифатига қизиқиш билан қарайдилар.

Мактабгача ёшдаги катта болалар турли мазмундаги суратлар ва скульптураларни тушунадилар. В. И. Ленин ҳаётига оид, Москва Кремли, Қизил Майдон, Смольний каби тарихий жойлар тасвирланган расмлар сериясини танлаб олиш мумкин. Қурувчилар, ишчилар, колхозчилар меҳнатини акс эттирувчи совет рассомлари суратларини болалар қизиқиш билан томоша қиладилар. Эртаклар, шунингдек гуллар, мевалар ва шу каби мазмундаги суратлар болаларнинг диққатини доимо ўзига тортади.

Тайёрлов группаси болаларини рассомлик ҳунари билан, суратлар қандай яратилиши билан таништириш мумкин.

Бироқ болаларга нималар маълум эканлигини билиб олмасдан туриб дарров уларга ҳамма нарсани сўзлаб бериш керак эмас. Улар рассом деб кимни аташларини болалардан сўранг. Агар болалар тўғри жавоб берсалар, унда рассом — қоғозга қалам билан, матага бўёқлар билан расм чизувчи кишидир; бир хил рассомлар расм чизадилар, бошқалари китобларга сурат чизадилар, шундай рассомлар ҳам борки, улар турли хил нарсалар: ўйинчоқларга, идиш-товоқларга, газмолларга нақшлар чизадилар, деб уларнинг жавобларини якунланг ва аниқланг. Болаларга рассомнинг қўли теккан нарсаларни группа хонасидан топишларини таклиф қилинг. Ҳар бир бола бу нарсалар чиройлими, уларга қандай нақшлар чизилганлиги ҳақида сўзлаб берсин.

Машғулот охирида мазмуни жиҳатидан болаларга яқинроқ бўлган турли хил расмларнинг 3—4 репродукциясини, масалан, П. Кончаловскийнинг «Сирень», Ван Гогнинг «Белая сирень» («Оқ сирень»), «Подсолнечники» («Кунгабоқарлар), И. Грабарнинг «Февральская лазурь» («Февраль ложуард туси») асарлари кўрсатилса яхши бўлади.

Болалардан бу расмларга қандай ном қўйишганини сўранг, сўнгра уларга рассомлар қандай ном қўйганликларини айтинг. Бу расмларнинг чиройлилигига эътибор беринг. Бу репродукциялар юзасидан мазкур машғулотда суҳбат ўтказиш керак эмас.

Мактабгача ёшдаги катта болалар пейзаж тасвири, натюрмортлар, ҳаётий жанрнинг баъзи бир асарлари, айниқса болалар ҳаётидаги эпизодларни тасвирлаш билан боғлиқ бўлган асарларни тушуна оладилар.

Болалар билан натюрморт ҳақидаги суҳбат мана шундай олиб борилиши мумкин.

Энг аввало рассомларнинг расмларидан 2—3 репродукцияни, масалан: И. Машковнинг «Мевалар» ва «Москва овқати», П. Кончаловскийнинг «Шафтолилар» расмларини танлаб олиш керак.

Репродукцияларни бирданига эмас, балки биттадан кўрсатиш лозим. Болаларга уларни кўриб чиқиш, сўнгра расмдаги ҳамма нарсаларни рассом қандай чизганлиги ҳақида сўзлаб беришлари учун имкон бериш керак. Рассом нарсаларнинг сифатларини кўрсатиш мақсадида уларни жуда аниқ, тиниқ тасвирлаганини таъкидлаб ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Рассом нарсалар фактурасини: сабзавотларни, ҳўл меваларни, нонни ва шу кабиларни қандай тасвирлаганига болалар диққатини жалб этинг. Сўнгра турли хил нарсалар, сабзавотлар, мевалар, гуллар тасвирланган бундай расмлар натюрморт деб аталишини тушунтириш лозим.

Гулларни тасвирловчи расмлар юзасидан алоҳида суҳбат ўтказиш мумкин. Пейзаж расмлари бўйича бир неча суҳбат ўтказиш лозим, уларнинг ҳар бирини йил фаслларига бағишлаб ўтказган маъқул. Берилган конспектларда бундай суҳбатларнинг таърифи келтирилган.

Болаларга фақат рассомлик асарларидан репродукцияларнингина эмас, балки китоблардаги суратларни ҳам кўрсатиш керак. Уларнинг ҳар бирини махсус таглик устига қўйиб, алоҳида-алоҳида кўрсатиш лозим. Битта расм бўйича суҳбат ўтказиб бўлингач, унинг ўрнига бошқаси қўйилади ва ҳоказолар. Бир машғулот давомида болалар 3—4 расмни диққат ва қизиқиш билан кўриб чиқишлари мумкин.

Кичкина қилиб ишланган скульптура (стол устига қўйса бўладиган) болаларни ҳайвонлар образи ва кишилар фигурасининг ҳаракатдаги ҳолати билан таништиради. Скульптурани ҳам биттадан, бир машғулот давомида уч-тўрттасини кўриб чиқиш керак.

Кўриб чиқилаётган расмлар ва скульптуралар болаларнинг фақат ҳаётнинг турли хил ходисалари ва кўринишлари ҳақидаги билимини кенгайтириб, уларни санъат асарлари билан таништирибгина қолмасдан, балки кўп ҳолларда болаларнинг ижодий ишлари билан боғланган бўлиши мақсадга мувофиқ-

Охирги баргларнинг тўкилиши (кўмир қалам, гуашь).

дир. Бу боғланиш мазмун жиҳатидан боғланган бўлиши мумкин, масалан, болалар эртаклар ёки турли хил гуллар, нарсалар ва шу каби темалар бўйича расмлар чизадилар. Аммо бунда энг муҳими болалар ўзларига таниш бўлган воқеа ва табиат ҳодисаларини тасвирлашнинг турли имкониятларини ўз кўзлари билан кўришларидир; бунинг натижасида улар расмни қандай қилиб чиройли ва хилма-хил чизиш, лой ёки пластилиндан ясаш мумкинлигини тушунадилар.

Болалар билан бирга кўриш учун соддалаштирилган ёки очиқ ранглар билан бўялган нарсаларни излашнинг кераги йўқ. Болалар ҳақиқий гўзалликни, бадиий образларнинг ифодалилигини кўриш ва ҳис этишга ўрганишлари учун уста рассомларнинг расмларини (ахир болалар уларни кўчириб чизмайдилар-ку) танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Агарда болаларда, жуда оз бўлса-да, рассом кўзи билан кўриш қобилияти ўсиб борса, бу уларнинг бадиий-ижодий жиҳатдан ривожланишлари борасида эришилган катта ютуқ бўлади.



Қишда дарахтлар (кўмир қалам, сангина).

Қуюқ суртилган акварелни мўйқалам билан ювиб, оч рангга келтириш.

Группа хонасида, баъзи вақтларда эса залда ҳам вақт-вақти билан расмлар, эстамплар, китоблардаги суратлардан репродукциялар кўргазмаси ташкил қилинади; бу кўргазмага скульптурани ҳам киритиш мумкин. Болалар аввал кўргазмани уюшган ҳолда тарбиячи бошчилигида кўриб чиқадилар, ундан кейин эса энг кўп ёққан, уларни қизиқтирган расмлар ва скульптураларни мустақил кўриш имкониятига эга бўладилар.

Бундай кўргазма билан тахминан икки ҳафта давомида танишиб бўлингач, болаларга расм чизиш учун тема берилади. «Олтин куз», «Кеч куз», «Қорли қиш», «Эрта баҳор», «Дарахтлар, буталар ва ўтлар гуллади» ва ҳоказо темалардаги машғулотлар қизиқарли ўтади. Йилнинг бирор фаслидаги табиат ҳақидаги болаларнинг шахсий таассуроти санъат асарларидан олинган таассуротлар билан бирлашиб кетади. Бирор тасвир расмини чизишда болаларга расм чизишнинг турли усулларидан фойдаланишни тавсия қилиш мумкин. Масалан, «Кеч куз» темаси гуашь бўёқ ва кўмир қалам ёки бўрчалар билан; «Қорли қиш»— гуашь билан, «Эрта баҳор» эса акварелли гуашь билан бажарилади[1]. Мана шундай йўл билан баҳор вақтидаги кўм-кўк осмоннинг, қорли тоғларнинг, қор эриган жойларнинг, шарқираб оқаётган ариқчаларнинг ва тўкилган сувнинг расмини чизиш мумкин. Қорни оқ бўёқ билан чизиб ўтирмасдан, балки оқ қоғознинг ўзини бўямасдан шундай қолдириш мумкинлигини тарбиячи болаларга тушунтиради. Илгари чизилган,ҳалигача япроқлар билан қопланмаган дарахтларнинг танаси ва шохлари тўқ бўёқлар билан юргизилиб чиқилади.

Болаларнинг мазмунан мураккаб бўлмаган ва содда композицияга эга бўлган бундай расмларида баҳорги ҳавонинг тозалиги, осмоннинг кенглиги ва мовийлиги сезилиб туради.

Тайёрлов группаси болалари учун китобдаги суратлар ҳам тасвирий санъат асари бўлиб хизмат қилади, у текст мазмунини акс эттиради. Болалар китобни безатиш усулларини тушунибгина қолмасдан, балки ўзлари ҳам шунга ўхшаш топшириқларни бажара оладилар. «Эртак» темаси қизиқ ва қўлдан келадиган темадир. Йил давомида бир неча машғулотларда болалар айрим

---

[1] Қоғоз сув билан ҳўлланади ва қоғоз салфетка ёки латта билан бир оз қуритилади; нам фон бўйлаб акварель суртилади ва унинг устидан сувга ботириб олинган мўйқалам юргизиб чиқилади.

„Қорли йўлкалар".

„Майсалар ва гуллар".

„Мана, қандай ғилдиракчалар!"

„Даламиздаги гуллар".

„Бизнинг участкамиз қишда".

Кубиклардан қурилган қурилиш.

„Юк машинаси қум ортиб кетмоқда“.

„Электричка“.

„Шар ушлаган қизча“.

,,Айиқ ҳақида эртак''.

,,Бизнинг кўчамиз қишда''.

,,Қушчалар қуёш нурида яйрамоқдалар''.

,,Тулки ва бўри'' эртаги.



Чиройли новдалар ва гуллар солинган вазалар.

Тахтачаларни Городецк услубида нақш билан безатиш.

Космосни забт этиш.

Байрам салюти.

Янги йил учун табрик откриткалари.

Илиқ тонда ишланган декоратив композиция.

Совуқ тонда ишланган декоратив композиция.

Декоратив гажаклар.

„Ойдин кеча“.

„Бизнинг шаҳримиз“.

„Эрта баҳор“.

„Халқлар дўстлиги“ хороводи.

эртакларга, сўнгра ўз хоҳишлари бўйича севган эртаклари асосида расм чизадилар. Натижада кўпгина қизиқ расмлар тўпланиб қолади, улардан «эртаклар китоби»ни тузиш мумкин. Бошқа машғулотда рассомлар томонидан китобларга тайёрланган муқоваларни кўргазмага қўйиш мумкин: болалар турлича ҳал қилинган, фақат тексти бўлган, нақшлар ишланган, эртак мазмунига қараб расмлар чизилган, бирор персонажни ифодаловчи чиройли муқовали китобларни кўришсин. Қўйилган муқоваларни муҳокама қилиш, уларнинг хусусиятларини аниқлаш, муқованинг олди ва орқа томони қандай безатилганлигига эътибор бериш зарур.

Мана шу машғулотда болаларга истаган рангдаги муқова шаклида қирқилган қоғозлар берилса, гуашь бўёғи набори, бўёқни қориштириш ва янги рангларни ҳосил қилиш учун палитра тайёрлаб қўйилса болалар вазифани яхши тушунадилар ва муқовалар зўр қизиқиш билан безатилади. Муқовалар ёрқин, кўп рангли бўлиб чиқади, аммо улар бир ранг гаммасида бажарилиши ҳам мумкин, бу нарса болаларнинг фикр юритишига боғлиқ, масалан, оч ҳаво ранг фонда расмни фақат оқ, тўқ ҳаво ранг ва кўк ранг билан ишлаш мумкин («Қор маликаси» ёки «Мороз Иванович» эртакларига муқовалар) ва ҳоказолар. Ранглар муқовалардаги расмлар мазмунини акс эттириши керак.

Катта бўлмаган ҳайкал шаклидаги асарлар болаларнинг лой ёки пластилиндан нарсалар ясашлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. (Болалар яхлит бўлакдан нарса ясаш усули билан танишиб олганларидан сўнг, скульптура қандай яратилиши уларга тушунарли бўлади). Тарбиячи диққатни скульптурада ҳаракатнинг ифодаланишига, таглик устида бир неча шаклларнинг бирлаштирилишига жалб этади. Агар унчалик катта бўлмаган скульптура асарлари доимо группа хонасида турса, янада яхши бўлади, болалар уларни кўриб чиқишга, улар ҳақида сўзлаб беришга ўрганиб қоладилар. Болаларга одам ва ҳайвонлар иштирок этувчи бирор мазмунни лой ёки пластилиндан ясашни ёки ўз тажрибаларидан, шунингдек адабий асарлардан бирортасининг номини айтишни таклиф қилиш мумкин.

Архитектура ёдгорликларини томоша қилиш теварак-атрофни, она шаҳар, қишлоқ, ўз мамлакати билан танишиш машғулотларига киради. Тарбиячи болалар билан суҳбатлашганида, мазкур бино қандай мақсадда қурилганинигина кўрсатиб ўтмасдан, балки унинг конструкциясини, бошқа баъзи бир бинолардан ташқи кўриниши билан фарқ қилишини таъкидлаб ўтади. Энди болаларга уйнинг деворлари, томи, дераза ва эшиклари борлиги эслатиб ўтилмайди: уларнинг эътиборини бинонинг умумий характери — паст ёки баландлиги, оддий ёки безатилганлиги ва ҳоказоларга жалб этади.

Бинолар мутаносиблиги ва характерини болалар уларнинг нимага хизмат қилиши ҳамда кишиларнинг ҳаётий эхтиёжи билан бирлаштирадилар. Янги қурилаётган бинолар билан бир қа-

торда баъзи бир хил қадимий бинолар, масалан, Москва Кремлининг минора ва деворлари болалар эътиборини ўзига тортади. Бундай бинолар айни бир вақтнинг ўзида уларга ҳам ҳақиқий, ҳам афсонавий бўлиб кўринади.

Махсус экскурсия вақтида баъзан бинога қараб унинг расмини чизишни болаларга таклиф қилиш мумкин. Мана шу мақсадда танланган биноларни болалар тахминан эмас, балки аниқ ишлашлари учун у мураккаб бўлмаслиги керак. Бу машҳур ёзувчи, композитор, рассомлар яшаган ва улар хотираси учун сақлаб қолинган, унча катта бўлмаган уй бўлиши мумкин. Шунда уни тасвирлаш бола учун катта маъно касб этади: у фақат уйнинг расмини эмас, балки ҳаммага маълум киши яшаган ва ишлаган уйнинг расмини чизади.

Болалар боғча деразасидан қараб ёки участкада сайр қилиб юрган вақтларида расм чизишлари мумкин. Болалар боғчаси алоҳида бинода жойлашган бўлса, болалар унинг расмини бажону дил чизадилар. Очиқ ҳавода ишланган расмлар кейинчалик яхшилаб ишланадиган ва бўяладиган хомаки расм хизматини ўташи мумкин. Бинолар расмини оддий графит қалам, кўмир қалам ва сангина ёки рангли бўрлар билан ишлаш мумкин. Қиш фонидаги бино расмини қалам ва белилалар, гуашлар ёки акварель ва белилалар билан чизиш мумкин.

Шаҳар колоритида ранглар бирикмасининг ўзига хос характери мавжуд: унда ёрқин ранглар йўқ, кул ранг, сарғиш, пушти, ҳаво ранг туслар кўп. Шунинг учун биноларни кузатиш ва уларнинг расмини тушириш билан бир қаторда болалар фантазиясини уйғотувчи ва шаклларнинг ранг-баранглигига ҳамда хилма-хиллигига нисбатан муҳаббат ифодалашга имкон яратувчи темаларни бериш мумкин. Афсонавий саройлар ва қасрлар мана шулар жумласидандир. Китоблардаги суратларни томоша қилиш болалар тасаввурини активлаштиради, архитектуранинг янги ва қизиқ шаклларини топишга ёрдам беради. Болаларга Қор маликаси саройини, Кўк Соқол қасрини, Шоҳзода Елисей ёрдам сўраб борган Қуёш саройи ва Ой саройи каби образларнинг расмини чизиш ҳақида маслаҳат берилса яхши бўлади.

Саройлар архитектураси хусусиятлари ҳақида болалар тасаввурини аниқлаб, уларнинг архитектура иншоотлари ҳақидаги ҳақиқий билимларига таяниш, безакларнинг, яъни миноралар, уларнинг найзалари, арклар, часпаклар, панжаралар, балконларнинг турли-туманлигига диққатни жалб этиш фойдалидир. Архитектура ёдгорликлари альбомлари, айрим фотографиялари тўпланса янада яхши бўлади.

Мактабга тайёрлов группасида теварак-атрофдаги ҳаёт ва табиат воқеалари ва, шунингдек, тасвирий санъат асарлари билан бирмунча муфассалроқ танишиш туфайли болалар тасаввури анча бойийди. Энди болаларда ижод этиш иштиёқи пайдо бўлиши учун етарли тасаввур ва уларни бажариш учун етарли кўникма мавжуддир. Ҳар ойнинг охирида ижод этиш бўйича маш-

ғулот ўтказиш тажрибаси ўзини оқламоқда. Бундай машғулот қачон бўлишини олдиндан билишлари ва унга тайёргарлик кўришлари керак. Кўп ҳолларда болалар ўзларига материал — маълум катта-кичикликдаги ва рангдаги қоғозни, гуашь ёки акварель буёқлари наборини, рангли бўрчаларни, кўмир қалам ва бошқаларни мустақил равишда танлай ва тайёрлай оладилар. Агар йил давомида тарбиячи хилма-хил материалларни таклиф қилса, болалар улардан мустақил фойдаланишга ўрганиб қоладилар. Агар болалар ўзлари ижод этган расмларини рангли қаламлар билан чизишни афзал кўрсалар, демак, қаламлардан эркин фойдаланиш мумкин, буёқлар билан эса улар фақат тарбиячи топшириғига биноан расм чизадилар. Турли хил материаллардан мустақил фойдаланиш болалар чизган расмлар характерини ўзгартиради, уларнинг мазмунини акс эттиради.

Машғулот бошланишига ҳамма нарса ўйлаб кўрилган ва тайёрлаб қўйилган бўлиши керак. Аммо иш давомидаги маслаҳатларга кўпчилик болалар муҳтож бўладилар. Болага ҳаракатнинг изчиллигини белгилашда, асосий мазмунни унутмасликда ёрдам кўрсатиш жуда муҳим. Баъзи бир қийинчиликлар кўпчилик болаларда юз бериши мумкин, ана шундай вақтда барча болаларга бараварига маслаҳат бериш керак. Бошланган расмни тугаллашнинг ўша куни имкони бўлмаса, ўйланган мазмунни, иш ҳажмини чеклашни маслаҳат бериш лозим. Аммо баъзи вақтларда ўйлаган нарсаларини охиригача тасвирлаш учун ишни куннинг иккинчи ярмида давом эттириш учун болаларга имкон бериш жуда фойдалидир (бундай болалар группада нисбатан кам топилади, қолганлари бошқа ишлар ва ўйинлар билан машғул бўладилар).

Ижод этиш машғулотларида ҳам тарбиячи топшириғи асосида чизилган расмни такрорлашни яхши кўрадиган болалар ҳам бор. Бундай қилганлари учун уларга таъна қилмаслик, балки расм мазмунини қандай ўзгартириш мумкинлигини ҳал қилишнинг янги вариантини топишни, бирор янгилик қўшишни секингина айтиб қўйиш лозим. Ташаббус ва ўйлаб топиш рағбатлантирилганда машғулотларнинг умумий йўналиши аста-секин бу болаларга ҳам таъсир кўрсатади, гарчи баъзи қийинчилик билан бўлса-да, улар трафаретдан воз кечадилар.

Етти ёшга қадам қўйган болалар группасида расм солишга, лой ёки пластилиндан нарса ясашга, қирқишга катта қизиқиш билан қарайдиганлар борган сари кўзга яққол ташлана бошлайдилар. Умумгруппа машғулотларида бериладиган топшириқнигина бажариш уларни қониқтирмайди ва бўш вақтларида улар тасвирий фаолиятга завқ билан қайтадилар. Баъзи болаларни йирик масштабдаги ишлар қизиқтиради. Коллектив бўлиб бажариладиган ишлар учун болалар аввал эскизлар тайёрлайдилар, сўнгра эса улардан энг яхши чиққанларини танлаб оладилар ва катта вараққа кўчирадилар. Айрим қисмлар бир эскиздан, бошқалари эса бошқа эскиздан олиб фойдаланилиши

мумкин. Бу ерда бола фикрини амалга оширишда ва умумий ишнинг иштирокчилари ўртасидаги ўзаро тўғри муносабатларни ўргатишда ташкилотчи ва ёрдамчи сифатида тарбиячининг роли ниҳоятда каттадир.

Материал тайёрлашни ҳам ташкил этиш зарур. Ишни ўйлаб қўйиб, баъзида болалар ўз кучларини ҳисобга олмайдилар ва муваффақиятсизликка учрайдилар. Уларга тарбиячининг маслаҳатлари ва ёрдами зарур, бироқ бунда бола фикрини ўз фикри билан алмаштирмасдан уни сақлаб қолиш жуда муҳим.

Қўлланмада тайёрлов группаси болалари билан ўтказиладиган турли хил машғулотлар кўрсатилган. Тарбиячига бериладиган маслаҳатлар амалиётда текшириб кўрилган, белгиланган ишлар 6—7 ёшдаги болалар учун тўғри келади. Бироқ турлича конкрет шароитларда таклиф қилинган материалнинг фақат бир қисмидангина фойдаланиш, асосий эътиборни эса болалар томонидан программада кўрсатилган билимлар, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга, уларнинг умумий ўсиши ва тарбияланишига қаратиш мумкин бўлиб чиқади.

Болалар боғчасининг энг муҳим вазифаларидан бири болаларни мактабга тайёрлашдир. Бу масала бола боғчага неча йил қатнаган бўлса, шунча йил давомида ҳал қилинади, бироқ тайёрлов группасида у кучлироқ ва тўла ҳолда амалга оширилади.

Расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарсалар ясаш, аппликация машғулотларида болани мактабга тайёрлаш нима билан ифодаланиши мумкин?

Энг аввало, расм чизиш мактабнинг тасвирий санъат программасига, лой ёки пластилиндан нарса ясаш ва қоғоз билан шуғулланиш эса қўл меҳнатига ўргатиш (биринчи синфдан бошлаб) программасига киради. Фаолиятнинг бу турларини болалар боғчада ўзлаштириб олиб, расм чизишни, лой ёки пластилиндан нарса ясашни, қоғоз билан ишлашни билмайдиган болалар учун характерли бўлган уқувсизликдан халос бўлади. Бироқ расм чизишни билиш болалар учун махсус дарсларда фақат ўзларини ишончлироқ ҳис этиш учунгина керак эмас; расм чизиш заруратига бола табиатшунослик, тарих ва бошқа дарсларда дуч келади.

Тасвирий фаолият машғулотларида, шунингдек болаларни мактабга психологик жиҳатдан тайёрлаш амалга оширилади. Бу кичкинтойларда мактабда ўқишга бўлган истакни тарбиялашдан, янгиликни билишга, кўникма ва малакаларни эгаллашга, мақсадга қаратилган ҳолда ва уюшқоқлик билан шуғулланишга, катта кишиларнинг гапини диққат билан тинглаш ва талабларини бажаришга интилишдан иборатдир. Болаларни мактабга психологик жиҳатдан тайёрлаш, шунингдек хатти-ҳаракат эркинлигини, яъни ўз ҳаракатларини заруратга қараб онгли равишда бўйсундириш кўникмасини тарбиялашни шарт қилиб қўяди.

Расм чизиш, лой ёки пластилиндан нарса ясаш, аппликация

билан шуғулланиш болаларни ўз вақтларини ташкил қилишга, бошлаган ишларини охиригача етказишга, уни мумкин қадар яхшироқ бажаришларига ўргатади.

Тасвирий фаолият машғулотларида болаларни иш учун керакли бўлган ҳамма нарсаларни мустақил тайёрлашга, иш тугагач ҳамма нарсани батартиб қилиб ўз жойига йиғиштириб қўйишга ўргатилади. Булар болага мактабда ўқий бошлаганида керак бўлиб қолади: ишини ўзи ташкил қила олиши, катталарнинг ёрдамисиз иш жойини тайёрлаши жуда муҳимдир.

Мактабда муваффақиятли ўқиш, уй вазифаларини бажариш учун ўз ҳаракатини планлаштира олиш малакасини эгаллаш зарур. Мазкур малака болаларда тасвирий фаолият машғулотларида ҳам шаклланади. (Бунга тарбиячининг: «Лой ёки пластилиндан нарса ясашни нимадан бошлаш керак? Ундан сўнг нима қиламиз?» саволлари ёрдам беради).

Болаларни мактабга тайёрлашдаги муҳим момент ҳар бир машғулот охирида болалар ишига баҳо берилишидир. Ўз расмларини, лой ёки пластилиндан ясаган нарсаларини, аппликацияларини таҳлил қилаётиб, болалар нима яхши чиққани, нима яхши чиқмагани, нимани тўғрилаш, тўлдириш, яхшироқ қилиш мумкинлигини билиб оладилар. Болалар ўз ўртоқлари ишларига ҳам баҳо беришга ўрганадилар.

Шундай қилиб, болалар боғчасидаги тасвирий фаолият, бошқа фаолиятлар каби, болаларни мактабда ўқитиладиган фанларни эгаллашга фақат бир ёқлама йўналтирибгина қолмай, балки уларнинг мактабда муваффақиятли ўқишлари учун зарур бўлган ҳар томонлама ўсишларига ҳам ёрдам бериши керак.

Мактабга тайёрлов группаларига баҳорнинг икки ойи — ўқув йилини якунловчи апрель ва май ойлари учун планлар берилган. Фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича унинг ўзига хос хусусиятларига жуда мос келадиган вазифалар ҳал қилинганлиги кўриниб турибди. Масалан, лой ёки пластилиндан нарса ясаш машғулотлари ҳайвонлар ва одамларни ҳаракатда тасвирлашга бағишланган: бола бир машғулотда икки-уч фигурани ясаши ва улардан группа тузиши мумкин (икки бола ўйинга тушмоқда ўғил бола кучук билан сайр қилмоқда; қиз бола товуқларга дон бермоқда; катта бола кичкина болани чанада тортиб кетмоқда ва шу кабилар).

Натурага қараб расм чизиш мунтазам равишда ўтказилиб турилади. У мактаб талабларига яқин характер касб этади. Болалар натура сифатида фойдаланиладиган нарсалар (баҳорда вазадаги навдалар, гуллар, хона ўсимликлари)нинг тузилишини, қисмларининг шаклини, рангини кўриб чиқадилар ва таҳлил қиладилар. Болалардан натуранинг асосий ўзига хос хусусиятларини, хусусан ранг тусларини тасвирлаш талаб қилинади.

Расмни қоғоз варағига чиройли жойлаштиришга ҳам эътибор берилади (катта қоғоз варақлари берилади, унга расмлар катта қилиб чизилади).

Тарбиячи ишни умумийдан бошлаб аввал энг йирик қисмларнинг, сўнгра эса майдароқларининг расмини чизиб, уни изчил равишда бажаришга болаларни ўргатади; оддий қалам билан фақат умумий хомаки расмгина чизилади, қолганларининг ҳаммаси мўйқалам билан бажарилади.

Натурага қараб аппликация қирқишда ҳар бир нарсанинг шакли алоҳида қирқиб олинади. Қирқиб олинган ваза ёки бошқа нарсалар болаларнинг диди ва истагига қараб ёпиштирилади: ҳар бир бола ўзининг композициясини яратади.

Сюжетли расмларда ва аппликацияда персонажларни ва жиҳозларни кенг бўшлиқда жойлаштириш кўникмалари мустаҳкамланади. Ҳамма вақт ҳам узоқдаги нарсаларни кичкина қилиб чизиш керак эмас (бу масофа узоқлашганда сезилади), бироқ улар қоғоз варағининг юқорироғига, яқинроқ турган нарсаларнинг тепасига жойлаштирилади. Болалар билан биргаликда кўзатиш ўтказар экан, тарбиячи уларнинг диққатини ҳамма нарсаларнинг тўла кўриниб турмаганлигига: баъзилари бошқаларини қисман тўсиб турганлиги (масалан, шаҳардаги бинолар)га жалб этади.

Сюжетли расмлар ва аппликациялар теварак-атроф ҳақида, мамлакатимиз, она табиатимиз хусусиятлари тўғрисида, шаҳарлар ва посёлкалар, қурилиш ҳақида, совет кишилари ҳаёти тўғрисида суҳбатлар ўтказиш билан бирга олиб борилади. Тасвирий фаолият болалар боғчасидаги тарбиянинг бошқа бўлимлари билан яқиндан боғланган бўлади.

Декоратив расм чизишни болалар халқ амалий санъати намуналари асосида ўрганадилар: апрелда улар хохлома нақши гажакларини чизишни ўрганиб оладилар, май ойида эса декоратив гулдасталарни илиқ ва совуқ тонларда чизадилар.

Спектрал тонлар ҳақидаги билимни ўзлаштириб олгач, болалар рангларнинг олдиндан чекланган гаммасида композицияни бажаришга ўрганадилар. Рангларнинг ўзига хос бирикмаси масалан, эрта баҳор, кечки шаҳар, байрам салюти пейзажларини тасвирлашда талаб қилинади.

Болаларга эртаклар образларини акс эттириш имконияти бериладиган машғулотлар планда катта ўрин эгаллаган.

Машғулотларнинг бир қисми расмда ижтимоий воқеаларни акс эттириш учун ажратилган.

Берилган тахминий планларга киритилган машғулотлар болаларни ҳар томонлама тарбиялашга ва биринчи навбатда уларни эстетик жиҳатдан тарбиялашга қаратилган. Болаларда рангни, шаклни, композицияни ҳис этиш ўстирилади, уларнинг эстетик тасаввури бойитилади.

Машғулотлар ўтказиш билан бир қаторда катта группаларда асосий эътиборни машғулотдан ташқари вақтда олиб бориладиган

МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТАХМИНИЙ ПЛАНЛАРИ

Тартиб номери	Машғулот номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғланиши
			Апрель		
1	Хона ўсимлигининг (филококтус) ўзига қараб расмини чизиш	Болаларни тувакча ва ўсимликнинг нисбий катта-кичиклигини; тувак ёки кашпонинг ўзига хос шаклини; ўсимлик тузилиши: янги новдаларнинг жойлашишини, уларнинг тахминий миқдорини; тувакчанинг ва ўсимликнинг ўзига хос рангини ифодалашга ўргатиш. Расмни оддий қалам билан секин, ингичка чизиқлар ўтказиб чизишга, тасвирни акварель билан бир текис бўяшга ўргатиш	Натурани ҳаммага яхши кўринадиган қилиб қўйиш. Машғулот бошланишидан олдин уни диққат билан кўриб чиқишни таклиф қилиш. Машғулот вақтида натурани яхлит ва қисмларга ажратиб, шакли, тувак ва ўсимликнинг нисбий катта-кичиклиги ҳақида болаларга саволлар бериб кўриб чиқиш. Айрим болаларни берилган саволларга жавоб бериш ва натурага қараб шакли, тузилиши ва катта-кичиклигини айтиб беришлари учун чақириш. Енгил, ингичка чизиқлар билан расм чизиш усуларини эслатиш, болалардан қандай қилиб ва қандай изчилликда расм чизиш кераклигини сўраш. Расмни қоғоз юзасига қандай жойлаштириш лозимлигини эслатиш. Баъзи болаларга қаламда чизилган расмлардаги хатоларни тўғрилашни топшириш Тувак ва ўсимлик рангини эслатиш, қайси бўёқларни олиш ва қайсиларини бир-бирига аралаштириш кераклигини сўраш. Мўйқаламга бўёқ олиш ва уни расмга суртиш усулини кўрсатиб бериш. Расмни қандай изчилликда бўяш кераклиги ҳақида маслаҳат бериш	Натура— хона ўсимлиги филокактус (ёки расм чизиш учун қизиқроқ бошқа ўсимлик). Ёзув қоғози катталигидаги оқ қоғоз, юмшоқ графит қаламлар, акварель бўёқлар	Ўсимликлар билан, уларнинг тузилиши, хусусиятлари, ранглари билан танишиш

Давоми

Тартиб номери	Машғулот номи	Программа мазмуни	Машғулот утказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғланиши
2	Ҳаракатдаги одам фигурасини лой ёки пластилиндан ясаш	Фигуранинг нисбатан каттакичиклигига риоя қилиш. У ёки бу ҳаракат вақтида (югуряпти, кўтариб кетяпти, ўйинга тушяпти ва бошқалар) гавданинг қайси қисмлари ўз ҳолатини ўзгартиришини ўйлаб кўриш ва тасвирлаш	Ҳаракатдаги одамни тасвирловчи лой ва чиннидан ишланган скульптураларни кўриб чиқиш. Бу ҳолатни болалар қилиб кўрсатиши. Бир булак лой олиб бутун фигура ясаш учун лой булагини қандай шаклга келтириш кераклигини кўрсатиш. Болаларга ҳаракатнинг изчиллиги ҳақида сузлаб бериш ва улардан нимадан кейин нимани ясаш кераклигини такрорлашларини сўраш. Фигура ҳолатини ҳар ким ўзича белгилаши мумкин.	Ҳаракатдаги одамнинг лой ва чиннидан ясалган фигураси	Кичик скульптуралар кургазмасини ташкил қилиш
3	Хохлома нақши усулида декоратив расм чизиш	Тўлқинли чизиқлар ва калта гажаклар чизишни ўргатиш. Мўйқалам учи билан ингичка бир текис расм чизиш, йўл шакли орасига галма-галдан мева ва барглар расмини чизиш кўникмаларини мустаҳкамлаш. Эстетик идрокни ўстириш	Хохлома нақши чизилган буюмлардаги ҳошия безакларини кўриб чиқиш. Уларнинг тузилиши — бир хил элементларнинг жойлашувини таҳлил қилиш. Тўлқинли чизиқ ўтказиш ва мўйқалам учи билан гажак чизиш усулини кўрсатиш. Алоҳида қоғозда машқ қилиш, сунгра йўл шаклига ҳошия чизиш. Бажаришдаги изчилликни, хохлома нақшига мос рангларни танлашни эслатиб ўтиш	Машқ қилиш учун йўл шаклида сариқ ва оқ қоғоз вараги (ҳар бир бола учун). Қора ва қизил гуашь. Нақш ишланган буюмлар. Расм чизиш усулини курсатиш учун қоғоз	Халқ амалий санъати билан танишиш. Хохлома нақши ҳақида суҳбатлашиш ва ана шу нақш билан безатилган нарсаларни кўриб чиқиш

Тартиб номери	Машғулот номи	Программа мазмуни	Машғулот утказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғланиши
4	Аппликация. Турли шаклдаги вазалар	Икки букланган қоғозлардан симметрик шакллар қирқишга ургатиш. Натурага қараб мураккаб шаклни, унинг қисмларини кенгайиши, торайиши, баландлиги, энини белгилаш. Ўз диди билан ранг танлаш. Рангларни гармоник уйғунлаштиришга ўргатиш. Қўл ва кўзлар ҳаракати координациясини ўстириш	Турли шаклга эга бўлган учта вазани: баланд ва юза, паст ва чуқур (косага ўхшаш), ўртача баландликдаги (таги шарсимон ёки овал шаклида) вазани куриб чиқиш. Шакли жиҳатидан бир-биридан фарқини таҳлил қилиш: болалар билан суҳбатлашиш, қўллар билан ўлчаб кўриш ва шакл бўйлаб қўл юргизиб чиқиш учун болаларни чақириш. Исталган рангдаги учта тўғри тўртбурчакни танлаб олиш. Болаларга қоғозни буклаш ва шаклнинг ярмини қирқиб олиш усулини кўрсатиш, қирқиб олишни оқ қоғоздан ясалган тўғри бурчакда машқ қилиш. Қирқиб олиш усули ўзлаштирилгач, рангли қоғоздан турли шаклдаги учта вазани қирқиб олишни топшириш. Доскага вазаларни қандай жойлаштириш мумкинлигини курсатиб бериш учун болаларни чақириш, ҳар бир боланинг мустақил жойлаштиришини текшириб чиқиш. Ёпиштириш	Натура— учта ваза. Турли рангдаги тўғри туртбурчак қоғозлар. Ҳар бир бола шулардан учтасини танлаб олади. Ҳар бир болага бир нечтадан тўғри туртбурчак оқ қогоз ва ёпиштириш учун оқ қоғоз вараклари (фон) бериш	Рузгор буюмлари билан танишиш: уларни қаерда ва нимадан қилишади, идишлар қандай ясалади. Қандай қилиб идишни чиройли қилиш керак. Суҳбат ва кузатиш, болалар тажрибасини ишга солиш
5	Яхши кўрган эртагидаги персонажларни лой ёки пластилиндан ясаш	Болаларга маълум эртаклардаги персонажларнинг ўзига хос хусусиятларини кура билиш ва уларни лой ёки пластилиндан ясашни ўргатиш. Лой ёки пластилиннинг яхлит булагидан нарса ясаш ва шаклни тагликка ўрнатишнинг илгари ўзлаштирилган усулидан фойдаланиш. Қўл ва оёқларнинг у ёки бу ҳаракатини тасвирлаш	Машғулотдан бир оз олдин ва машғулот вақтида танланган эртаклар учун иллюстрацияларни, шунингдек ўйинчоқлар — эртак персонажларини кўриб чиқиш. Лой ёки пластилиннинг яхлит булагидан нарса ясаш усулини, ҳаракат изчиллигини эслатиб ўтиш. Персонажларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш усулларини излашни рағбатлантириш	Танлаб олинган эртаклар учун суратли китоблар, эртаклар персонажларини тасвирловчи ўйинчоқлар. Лой	Эртаклар мазмунини, афсонавий персонажлар характеристикасини билиш

Давоми

Тартиб номери	Машғулот номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғланиши
6	Эртак китоблари учун муқова расмини чизиш	Китобнинг олдинги ва орқа муқовасидаги расмлар ёки нақшларнинг тузилиши хусусиятларини ифодалаш. Муқова учун танланган қоғоз тонига қараб чиройли рангни топиш, расмда ва рангларни танлашда эртак мазмунини акс эттиришга ҳаракат қилиш. Эстетик идрокни ўстириш	Машғулот ўтказишдан илгари группа хонасида чиройли ва безатилиши жиҳатидан ранг-баранг бўлган китоб муқовалари кўргазмаси ташкил қилиш. Уларни болалар томонидан кўриб чиқилишини, муқова устидаги расмларнинг таққосланишини рағбатлантириш. Машғулот бошида болаларга муқоваларнинг безатилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишини, расмларнинг жойлашишини, ранглар танланишини кўрсатиб тушунтириш. Ҳар бир болага муқова учун у ёки бу рангдаги (алоҳида стол устига қўйилган) қоғозни танлаб олишни таклиф қилиш. Бир нечта болалардан улар ниманинг расмини чизмоқчи эканликларини ва уларни қандай чизишларини сўраш. Расм чизиш изчиллигида мавжуд бўлган фарқларни кўрсатиш	Кўргазма учун китоблар, турли рангдаги қоғоз варақлари. Гуашь бўёғи (6—8 ранг), бўёқларни қориштириш ва аралашган ранглар олиш учун палитра	Китоблар ҳақида суҳбат: қандай китоблар бўлади, уларни ким тайёрлайди. Ким қандай китобларни, қандай ёзувчиларни, рассомларни билади. Китобнинг иккита рассоми билан таништириш
7	„Эрта баҳор“ темасида расм чизиш	Эрта баҳорнинг ўзига хос хусусиятларини тасвирлаш: кўм-кўк осмон, ер қордан, дарё ва ариқчалар муздан холи бўлмоқда, дарахтларда куртаклар барг ёзмоқда, қушлар учиб келмоқда. Эрта баҳор учун қандай ранглар хос эканлигини аниқлаш, улардан расм чизишда фойдаланиш. Намланган қоғоз устидан акварель бериш техникасини ўргатиш; ер ва осмоннинг кенг бўшлиғини тасвирлаш	Сайр вақтида бошланаётган баҳор белгиларини — қори эриган жойларни, кўлмакларни, мовий осмонни, қушларни кузатиш. Эрта баҳорни тасвирловчи расмлардан ва китобдаги суратлардан репродукциялар танлаб олиш. Машғулот бошланишида уларни кўриб чиқиш ва баҳор белгилари ҳақида суҳбатлашиш. Қоғоз варағини сув билан намлаш, қоғозни салфетка билан қуритиш, осмонни бўяш учун бўёқ қориштириш, у билан нам қоғоздаги расм қисмларини юқоридан пастга қараб бўяш. Пастки томони — ерни оқлигича қолдириш: ҳали қор эримаган. Қори эриган жойлар учун бўёқ танлаш ва нам қоғоз устига расм чизиш. Ҳар ким истаган жойига қора ёки сарғиш — жигар ранг бўёқ билан дарахтлар, буталар расмини чизиш	Эрта баҳор тасвирланган расмлар ва китобдаги суратлар. Оқ қалин альбом қоғоз варақлари. Акварель бўёғи; ҳар бир болага биттадан катта мўйқалам	Табиат билан танишиш, сайр қилиш, суҳбат ўтказиш, болаларга китоблар ўқиб бериш, баҳор ҳақидаги шеърларни ёд олиш
8	„Ракета Ойга учиб бормоқда“ темасида аппликация	Ракета шаклини деталларисиз, агар керак бўлса икки букланган қоғоздан қирқиб олиш усулини қўллаб тасвирлаш. Ойни қирқиб олиш ва ракетани Ойга учиб кетаётганини ҳамма тушунадиган қилиб жойлаштириш. Болалар хоҳласа Ерни ва бошқа планеталарни қирқиб олиши мумкин	Машғулотдан бир оз олдин ракеталар, Ой ва Ер шари суратлари ва расмларини кўриб чиқиш. Қирқиб олиш учун шуларга мос рангдаги қоғозларни танлаш. Болалар билан уларнинг нима қилмоқчи эканликлари ҳақида суҳбатлашиши, ракета қирқиб олишнинг турли методларини кўрсатиб бериш.	Ой ва ракеталарнинг фото ва расмлардаги тасвири. Қирқиш учун тўқ ва оч рангли қоғозлар	Болаларга космоснинг забт этилиши ҳақ ида, космонавтлар ва ракеталар ҳақида сўзлаб бериш
9	Группа хонаси бурчаги расмини чизиш	Нарсаларнинг нисбий катта-кичиклигини ва уларнинг бўшлиқдаги жойлашувини (юқорида пастда, ўнгроқда чапроқда, ўртада), нарсаларнинг ўзига хос рангини, уларнинг шакли ва тузилишини тасвирлаш	Машғулотгача болалар билан группа хонасини, у ёки бу деворлардаги ҳамма нарсаларни кўриб чиқиш. Уларнинг катта-кичиклиги ҳар хил эканлигини айтиш; болалардан нима юқорида, нима пастда эканлигини сўраш ва ҳоказо. Уларнинг ҳар бирига хона (девор)нинг қайси қисмнинг расмини чизишини аниқлаб олишини айтиш. Шунга қараб стол ва стулларни жойлаштириш. Расмни нимадан бошлаш, уни қандай изчилликда бажариш кераклиги ҳақида умумий кўрсатма бериш. Бўшлиқ ва катта-кичиклик нисбатини болалар тўғри топишяптиларми, ёки йўқми, текшириш. Қаламни ҳаддан ташқари босмасдан расм чизиш усулини эслатиш.	Оқ қалин қоғоз, альбом варақлари. Графит ва рангли қаламлар	„Рўзғор буюмлари, мебель“ темасида суҳбат. Қандай мебеллар бўлади, уни қандай ясайдилар, нимадан ясайдилар. Суҳбатлашиш, болаларга китоблар ўқиб бериш, ҳаётий тажрибаларини ишга солиш

Давоми

Тартиб номери	Машғулот номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғланиши
10	Ҳайвонлар тудасини лойдан ясаш	Мавжуд кўникмалар асосида бир неча (2—3) ҳайвонларни лойдан ясаш, улардан туда ташкил қилиш. Мазмунни тажрибадан ёки китобдан олиш	Машғулотдан бирмунча илгари болалар ясай оладиган ҳайвонлар ҳақида китоб ўқиб бериш. Маълум ҳикоя ва эртакларни уларнинг эсига тушириш, қайси ҳайвонни ясашларини аниқлаб олишларини уларга айтиш. Машғулотга болалар ясайдиган ҳайвонларнинг расмларини олиб келиш	Ҳайвонлар ҳақидаги ҳикоя ва эртаклар, расмлар, лой	Ҳайвонот дунёси, бадиий образлар билан таништш
11	Болалар боғчасида яшовчи жонивор расмини чизиш	Болалар боғчасида яшовчи жонивор (қуёнча, денгиз чўчқаси, олмахон ва бошқа)ларнинг ўзига хос хусусиятларини ва тузилишини тасвирлаш	Жониворни бир ҳафта ва ундан кўпроқ вақт давомида кузатиш. Бир йўла унинг хусусиятларини, қилиқларини айтиб ўтиш, танаси ва боши шаклига, оёқларининг узунлигига ва шу кабиларга эътибор бериш. Машғулотдан олдин ҳамма жонивор олдига келади ва расм чизиш учун нима кераклигини белгилаб олади. Болалар ўз жойларига ўтиргач, саволлар бериш йўли билан расмни бажаришдаги изчилликни, қисмларнинг нисбатан катта-кичиклигини белгилаш	Оқ қалин қоғоз, графит ва рангли қаламлар ёки акварель бўёқлар	Табиат бурчагидаги ҳайвонларни кузатиш
12	Ижод қилиб лойдан нарса ясаш	Лойдан ясаладиган нарса мазмунини мустақил белгилаш. Болаларга таниш бўлган ясаш усулларидан ва фигура ясашдаги изчилликдан фойдаланиш	Машғулотдан бир-икки кун олдин болаларга лойдан ясаладиган нарса мазмунини ўйлаб кўришни ва танлашни, китоблардаги суратларни ва ўйинчоқларни кўриб чиқишни таклиф қилиш. Лойдан нарса ясашнинг баъзи усулларини эслатиш. Ҳамма ишларни кўриб чиқиш, энг яхшиларини танлаб олишни болаларга таклиф қилиш, нима учун шуни танлаганликларини тушунтириб беришларини уларга айтиш.	Лой	
13	„Шанбалик" темасида расм чизиш	У ёки бу ишни бажараётган кишилар фигурасини акс эттириш, ким нима қилаётганини ҳаммага тушунарли қилиб тасвирлаш	Ленин шанбалиги ҳақида сўзлаб бериш. Болалар боғчасидаги шанбаликда қилинаётган меҳнатни кузатиш. Унда қўлдан келганича иштирок этиш. Кўрганларини расмда акс эттириш. Ҳамма расмларни группа хонасига ёки вестибюлга илиб қўйиш	Қоғоз, оддий ва рангли қаламлар, акварель бўёқлар	А. Кононовнинг „Шанбалик" ҳикоясини ўқиш. Ўтказиладиган шанбалик ҳақида суҳбат.
14	Ижод қилиб расм чизиш	Расм мазмунини, иштирок этувчилар характерини ўйлаб кўриш	Машғулотдан бир-икки кун олдин расм мазмунини ўйлаб кўриш ва танлашни болаларга айтиш. Болаларга теварак-атрофда кўп нарсалар борлигини эслатиш. Мана шуларнинг ҳаммасини расмда акс эттириш мумкин. Тасвирлашдаги изчилликни ва иш усулларини айтиб ўтиш	Қоғоз, истаган рангдаги қалам ва бўёқларни олиш	Катталар меҳнатини кузатиш
			Май		
1	„Вазадаги баҳор гуллари" темасида натурага қараб расм чизиш	Болаларни баҳор гулларининг ўзига хос хусусиятларини: гулнинг шакли ва тузилишини, унинг катта ва кичиклигини, навдада жойланишини ва вазада туришини тасвирлашга; натура рангини акс эттиришга ўргатиш. Оддий қалам ва акварель билан расм чизиш кўникмасини мустаҳкамлаш	Болалар билан биргаликда натурани кўриб чиқиш, ўсимликни, унинг шаклини, тузилишини, рангини, вазанинг шакли ва катта-кичиклигини текшириб чиқиш. Гулларнинг вазада қандай жойлашганлигини аниқлаш, қўллар ҳаракати билан ўсимлик навдаларининг йўналишини кўрсатишларини болаларга айтиш. Ваза шаклини аниқлаш. Болаларга расм композициясини (қоғоз варағида жойлашишини) ўйлаб кўришни, аввал оддий қалам билан вазани (асосий шаклини ва ўсимлик шаклини белгилаш) чизиш, сўнгра эса ҳаммасини акварель билан чизиш	2—3 гул (нарцисслар, лолалар ёки бойчечаклар)ни, унча катта бўлмаган шакли-содда сопол вазани танлаб олиш. Оддий графит қалам, акварель, ёзув қоғози катталигидаги қоғоз	

Давоми

Тартиб номери	Машғулотлар номи	Программа мазмуни	Машғулот ўтказиш методикаси	Материал	Тарбия ишининг бошқа томонлари билан боғланиши
7	„Бола бирорта ҳайвон билан" темасидаги тасвирни лойдан ясаш	Боланинг ҳайвон билан ўйнаётганини лойдан ясаб тасвирлашга болаларни ўргатиш. Одам ва ҳайвон фигураси ҳаракатларини ифодалашга ўргатиш. Мутаносибликни ифодалаш кўникмаларини мустаҳкамлаш. Лойдан нарса ясашнинг асосий усулларидан фойдаланиш	Болалар билан ким ҳайвонлардан қайси бирини ясашни исташи ҳақида суҳбатлашиш, уни қайси ҳолатда тасвирламоқчи эканлигини ўйлаб кўришини таклиф қилиш. Лойдан ясаладиган бола фигурасининг асосий моментларини эслатиш. Ясаш процессида диққатни фигуралар мутаносиблигини ифодалашга, ясашнинг тўғри усулларидан фойдаланишга жалб этиш	Лой	Ҳайвонлар ҳақидаги, уларнинг одам билан дўстлиги ҳақидаги эртаклар ва ҳикояларни ўқиш
8	„Гулдаста" темасида илиқ тонларда декоратив расм чизиш	Болаларни маълум ранглар гаммасида декоратив композиция яратишга ўргатиш. Илиқ тонлар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш	Болаларга чиройли гулдасталарни томоша қилганликларини эслатиш. Илиқ тонларда бажарилган гулдасталарнинг бир неча суратларини кўрсатиш. Илиқ тонлар ҳақидаги билимларини аниқлаш. Ана шу тонларда гулдаста расмини чизишни таклиф қилиш.	Оқ қоғоз (альбом варағи). Акварель бўёқлар	„Украина нақшлари" альбомини кўриб чиқиш
9	Арча остидаги олмахон („Шоҳ Салтан ҳақида эртак" мотивида) темасида аппликация	Болаларни шеърлар асосида композициялар тузишга ўргатиш. Таниш усуллардан фойдаланиб, хилма-хил нарсаларни қирқиб олиш кўникмасини мустаҳкамлаш	Пушкиннинг «Шоҳ Салтан ҳақида эртаги»дан «Арча ўсар сарой олдида...» парчасини ўқиб бериш. Ана шундай тасвирни ёпиштиришни болаларга таклиф қилиш, арчани, олмахонни қандай қирқишларини улардан сўраш. Қирқиш усулларини аниқлаш. Машғулот процессида қийналаётган болаларга айрим қоғозда баъзи усулларни кўрсатиб, ёрдам бериш	Оқ ва рангли қоғоз	Тирик бурчакдаги олмахонни кузатиш, [illegible]ларни томоша қилиш
10	Гулдастанинг декоратив расмини чизиш (совуқ тонларда)	Болаларнинг рангларнинг совуқ гаммалари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш. Чекланган гаммадан фойдаланиб декоратив композиция тузишга ўргатиш	Болаларга улар илгари илиқ тонларда декоратив композиция чизганларини эслатиш, бугун эса совуқ тонларда букет расмини чизишларини айтиш. Болалар билан биргаликда совуқ тонларни аниқлаш	Рангли қоғоз	„Украина нақшлари" альбомини кўриб чиқиш
11	„Иссиқ мамлакатларнинг ҳайвонлари" тасвирини лойдан ясаш	Болаларни ўз ишларининг мазмунини аниқлашга ўргатиш. Тана ва қисмлари шаклларининг мутаносиблигини ифодалаб ҳайвонларни лойдан ясаш кўникмасини мустаҳкамлаш	Болалар билан биргаликда иссиқ мамлакатларда яшовчи ҳайвонларнинг қайсиларини билишларини эслаш. Шулардан қайси бирини лойдан ясашларини аниқлаб олиш. Лойдан ҳайвонлар ясаш усулларини аниқлаш	Лой	Ҳайвонот боғига экскурсия, китоблар ўқиш, суратларни томоша қилиш
12	„Афсонавий сарой" темасида расм чизиш (бу темага иккита машғулот ажратилади. Уларни бир куннинг ўзида ёки бошқа-бошқа кунларда ўтказиш мумкин)	Болаларни бино асосининг расмини чизиб ва уни безатувчи деталларини ўйлаб топиб, афсонавий образлар яратишга ўргатиш. Оддий қалам билан хомаки расм чизишга ва сўнгра тасвирни ранг билан безашга ўргатиш	Афсонавий саройлар қандай бўлиши, уларнинг панжаралар, балконлар, турли устунлар билан қандай безатилиши ҳақида болалар билан суҳбатлашиш, уйнинг деразалари, устунлари, эшиклари ғайри табиий, томонлари чиройли, қуббасимон бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш. Сўнгра болаларга қандай сарой чизишлари ҳақида ўйлаб кўришни ва оддий қалам билан унинг хомаки расмини чизишларини таклиф қилиш. Қалам билан фақат энг муҳимларини чизиш, деталларини чизмаслик. Иккинчи машғулотда саройни бўяшни вазифа қилиб топшириш.	Оддий варақдан бир оз катталроқ оқ қоғоз, гуашь, акварель бўёқлар	Эртакларни ўқиб бериш, суратларни томоша қилиш
13	„Шу ойда юз берган қизиқ воқеанинг расмини чиз"	Қизиқ мазмунда расм чизиш учун олдинги тажрибасидан фойдаланишга ўргатиш. Ўйлаган нарсасини расмда акс эттиришга ўргатиш. Қалам ва мўйқалам билан расм чизиш усулларини мустаҳкамлаш	Шу ойда қандай қизиқ воқеалар бўлганлигини болаларга эслатиш. Ниманинг расмини чизиш ҳақида ўйлаб кўришни таклиф қилиш	Ҳар хил рангли қоғозлар. Оддий қаламлар ва акварель бўёқлар	Болаларнинг боғчадаги ҳаёти

ган тасвирий фаолиятга ажратиш лозим. Группада куннинг иккинчи ярмида болалар расм чизишлари, лой ёки пластилиндан бирор нарса ясашлари, қоғоздан қирқишлари мумкин бўладиган вақтни аниқлаш керак. Уларнинг ихтиёрида машғулотлар вақтида қандай материаллар зарур бўлса, худди ана шундай материалларнинг ҳаммаси бўлиши керак. Машғулотдан ташқари вақтда ўтказиладиган фаолият мустақил характерга эга бўлишига қарамасдан, бу фаолиятга раҳбарлик қилиш, бироқ бу раҳбарликни моҳирлик билан, ўз фикрини мажбуран қабул қилдирмасдан амалга ошириш керак. Масалан, бола нимани тасвирламоқчи эканлигини, бунинг учун унга нима кераклигини биладими, ана шулар ҳақида тарбиячи ўзида ишонч ҳосил қилиши керак. Кўпинча болалар нима қилмоқчи эканлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмасдан ишга киришадилар. Натижада, ишни бошлашга улгурмасдан уни ташлайди, яна уринади ва яна ташлайди. Бу ёмон одатни тарбиялайди.

Агар тасвирлаш жараёнида қийинчиликлар учраб қолса, уларни қандай бартараф этиш кераклиги ҳақида маслаҳат бериш лозим. Бола ўз иши натижасининг баҳоланишини ҳам хоҳлайди. Машғулотлардан ташқари вақтларда бажарилган ишларнинг тагига кимнинг иши эканлигини ёзиш ва уни махсус папкада сақлаш керак.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Ҳаракатдаги қушлар расмини натурага қараб чизиш

Программа мазмуни. Болаларни патларни тасвирламай, асосий шакли ва асосий қисмларини ифодалаб, ҳаракатдаги қушнинг хомаки расмини чизишга ўргатиш. Биргина қалам ёки биргина бўёқ билан хомаки расм чизишни машқ қилдириш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Машғулот болалар боғчаси майдонида ёки группа хонасида ўтказилади. Шохларга қўниб ўтирган бир нечта қушларни танлаб олиб, уларни бир неча вақт давомида ёки болалар боғчасида яшовчи қушлардан бирини кузатиш. Болаларга хомаки расмни енгил чизиқлар билан чизиш кераклигини; уларни тугалламаслик, охиригача безамасликни; яхши чиқмаган шаклни қолдириб, бошқасини бошлаш мумкинлигини, мумкин қадар кўпроқ хомаки расмлар чизиш кераклигини тушунтириш. Машғулот процессида тарбиячи болалар чизаётган тасвирларни таҳлил қилади, хатоларини тушунтиради, шакл ва ҳаракатни тўғри ифодалаш учун изланишга йўналтиради.

Машғулотга тайёрланиш. Сайр қилиб юрган вақтда қушларни кузатиб, уларнинг хилма-хил ҳаракатларини таъкидлаш. Қушлар тасвирланган суратларни танлаб олиш ва группа хонасига илиб қўйиш.

Қоғоз варақлари ёпиштирилган тахтачаларни, рангли мўм бўрчаларни (етарли даражада аниқ из қолдирадиган рангни танлаш) ёки юмшоқ графит қалам (3М—4М)ни тайёрлаб қўйиш. Акварель бўёқни (қора ёки жигар ранг) идишчага солиб, очиқ тон ҳосил қилиш учун сув билан қориштириш.

Эслатма. Болалар хомаки расм чизиб бўлганларидан кейин уларга шеър ёки ашулада айтилган қушлар ҳақидаги темани таклиф қилиш. Бу расмни болалар бўёқлар билан чизишлари ва патлар рангини акс эттиришлари мумкин.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Декоратив расм чизиш
Гуллар ва қушлардан композиция тузиш

Программа мазмуни. Болаларни гуллар ва ҳайвонлардан ташкил топган декоратив композиция тузишга ўргатиш. Композицияни маълум ранг гаммасида (илиқ ёки совуқ) ҳал қилиш, мўйқаламнинг бутун мўйи ва учи билан ишлаш, ранг тусларини акс эттириш кўникмасини мустаҳкамлаш.

М а ш ғ у л о т ў т к а з и ш м е т о д и к а с и. Болалар билан биргаликда илгари кўриб чиқилган композицияларни эслаш. Рангларнинг илиқ ва совуқ тонларида декоратив расм (ким нима истаса ўшани) яратишни таклиф қилиш, болаларнинг илиқ ва совуқ тонлар ҳақидаги билимларини аниқлаш. Олдин қалам билан чизиб ўтирмасдан бирданига бўёқ билан расм чизиш кераклигини тушунтириш. Расм чизиш процессида рангдан фойдаланишни, элементларнинг тўғри жойланишини (йирикроқ гулларни ўртага яқинроқ қилиб, четларига майда гулларни жойлаштириб), композицияга навдаларни, гулларни, япроқларни, меваларни киритишни кузатиб бориш. Гулдаста ясашда қийналаётганларга қўшимча равишда китобдаги суратларни, декоратив гуллар ва гулдасталар тасвирини курсатиш, илгари кўриб чиққанларини эсларига тушириш мумкин. Ранг тусларини хосил қилишда палитрадан фойдаланиш ҳақида эслатиб туриш.

Тайёр ишларни кўриб чиқишда болалар билан биргаликда фризлар учун энг мос келадиганларини танлаб олиш, кейин улар билан группани (бирини илиқ, бошқасини совуқ гаммада) безатиш.

М а ш ғ у л о т г а т а й ё р л а н и ш. Илиқ ва совуқ гаммада бажарилган украина декоратив нақш намуналарини танлаб олиш. Альбом вараги катталигидаги оқ қогозни, акварель бўёқни, палитрани тайёрлаш.

Э с л а т м а. Бундай машғулотни болалар камалак ранглари ва уларнинг спектрда жойланиши билан танишиб бўлганларидан сўнг ўтказиш мумкин. Спектрал доиранинг бир палласида илиқ тонлар: қизил, тўқ сариқ, сариқ; бошқа ярмида совуқ тонлар: ҳаво ранг, кўк, бинафша ранг бор. Яшил ранг илиқ тусда (сарғиш-яшил) ва совуқ тусда (кукимтир-яшил) булиши мумкин; расмни илиқ ва совуқ тонларда бажараётганларида болаларга яшил рангдан фойдаланишларига рухсат бериш мумкин.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Ватанимиз ўрмонлари» темасида расм чизиш

П р о г р а м м а м а з м у н и. Дарахт турларининг ўзига хос хусусиятларини ифодалашга ўргатиш, расмда дарахтларни урмонни тасвирлайдиган қилиб жойлаштиришга ўргатиш.

М а ш ғ у л о т ў т к а з и ш м е т о д и к а с и. Ўрмонда қандай дарахтларни курганликларини болалар билан биргаликда эслаш, ниманинг расмини чизмоқчи эканлигини, турли дарахтларнинг хусусиятларини (танасининг йўғонлиги ва баландлиги, уларнинг ранги, шохларининг жойланиши, барги ёки нина баргининг рангини) болалардан сўраш. У ёки бу дарахтлар ўрмонда қандай ўсишини — баъзилари ғуж бўлиб, бир-бирига яқин (арчалар), бошқалари айрим, бир-биридан бир оз узоқликда (қайин, дуб) ўсиши ҳақида сўзлаб беришларини таклиф қилиш. Ўрмонда ялангликлар учраб туриши мумкинлигини эслаш.

Олдин дарахтлар танасини белгилаб олишни, «урмонда» уларни жойлаштириш учун жойлар топишни, сўнгра шохларини, дарахт учини ва пировардида, буталар, гуллар, ўтлар расмини чизишни айтиш. Дарахт таналарини қалам билан белгилаб олиш, қолганларини бирданига бўёқлар билан чизиш кераклигини айтиш. Расм чизаётган вақтда варақ юзасининг тўлдирилишини кузатиб бориш.

Ишлар тугатиб булингач, болаларга уз расмлари ҳақида сузлаб беришларини таклиф қилиш.

Машғулотга тайёрланиш. Болаларга рассомларнинг турли урмонларини тасвирлаган расмларини кўрсатиш. Болалар билан бизнинг мамлакатимиз урмонга бой эканлиги, урта минтақада, жанубда ва шимолда турли хил дарахтлар усиши ҳақида суҳбатлашиш. Урмонларнинг қурикланиши, янги, ёш урмонлар барпо этилиши ҳақида сузлаб бериш. Болаларнинг тажрибаси, кузатишлари ишга солинса, янада яхши булади.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Шаҳарнинг янги райони» темасида аппликация

Программа мазмуни. Болаларни аппликация ёрдамида унчалик мураккаб булмаган композиция яратишга ургатиш. Бинолар тасвирини бушлиқда турлича жойлаштириш куникмасини мустаҳкамлаш. Тасвирлар рангини чиройли қилиб танлашга, композицияни характерли деталлар (дарахтлар, скамейкалар ва бошқалар) билан тулдиришга ургатиш. Шаклларни батартиб қирқиб олишни ва ёпиштиришни машқ қилдириш.

Машғулот утказиш методикаси. Болалар билан шаҳарнинг янги райони қандай куринишга эга, у ердаги бинолар қандай эканлиги ҳақида суҳбатлашиш. Янги районни қандай тасвирламоқчи эканликларини, уйлар қандай баландликда булиши, уларни қандай қирқиб олишни, қоғоз бетида қандай жойлаштиришни уйлаб куришни болаларга таклиф қилиш. Ишнинг ранги чиройли чиқиши учун уйлар қирқиб олинадиган қоғозни танлаб олиш. Расм яратиш (уйларни қирқиб олиш ва ёпиштириш) вақтида янги районда яна нималар (дарахтлар, скамейкалар, магазинлар, автомашиналар) булиши мумкинлигини эслатиб туриш; ишни бажаришга улгураётган болаларга баъзи бир қушимча нарсаларни қирқиш ва ёпиштиришга рухсат бериш.

Машғулот тугагач ишларни доскага териб қуйиш, энг чиройлиларини танлаб олишни таклиф қилиш. Болаларни чақириш, улардан нима учун янги район расмини чизганликларини тушунтириб беришни сураш.

Ишни тамомлаб улгурмаганларга, буш вақтда ишни тугатиш учун рухсат бериш.

Машғулотга тайёрланиш. Сайр қилиб юрган вақтда ва экскурсияларда янги бинолар қурилишини кузатиш. Болаларга куп бинолар (болалар яшаётган шаҳарда, посёлкада) қурилаётгани, бутун мамлакатимиз буйлаб катта қурилиш бораётганини сузлаб бериш. Замонавий бинолар, шаҳарнинг янги райони тасвирланган суратларни танлаш ва уларни болалар билан биргаликда куриб чиқиш, бир неча вақтга группа хонасида қолдириш.

Юмшоқ тондаги (уйларни тасвирлаш учун) ва ёрқинроқ тондаги (айрим деталларни қирқиш учун) рангли қоғозлар наборини; икки ёзув қоғози катталигидаги қоғозни, қайчиларни, елимни тайёрлаш.

Эслатма. Машғулот коллектив тарзида ҳам утказилиши мумкин, унда болалар айрим тасвирларнинг деталлари (масалан, деразалар, эшиклар ва уйнинг томи)ни қирқиб оладилар ва ёпиштирадилар, сунгра эса бутун бинони катта қоғоз бетига, коллектив композиция ҳосил қилиб, жойлаштирадилар.

Болалар билан, ким турар жойни, ким магазин, болалар боғчаси ёки кинотеатрни қирқишини келишиб олиш ҳам мумкин.

Тарбиячининг вазифаси яна шундан иборатки, у болаларда коллектив композиция ясашда иштирок этиш, ўз ишига бошқалар орасидан ўрин топиш малакасини мустаҳкамлаши керак.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Аппликация (коллектив бўлиб). Гуллар ва қушлар тасвири асосида декоратив композиция

Программа мазмуни. Болаларни коллектив иш учун қисмлар қирқишга, ўз ишига коллектив композициядан ўрин топишга, бунда рангларнинг, шаклнинг, катта-кичикликнинг бир-бирига мос келишини ҳисобга олишга ўргатиш. Эстетик идрокни, композицияни, рангни ҳис этишни, бадиий дидни тарбиялаш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Болалар билан биргаликда турли хил декоратив композицияларни кўриш, айрим элементларнинг жойлашувини, мумкин бўлган вариантларни аниқлаш, болалар билан улар қайси композицияни тузмоқчи эканликларини, ким қушларни, ким гуллар, барглар ва бошқаларни қирқишини келишиб олиш. Фақат асосий шаклни қирқиш эмас, балки гулнинг ўртасини, айрим япроқларини, гажакларини, рангларини яхшилаб танлаб қирқиш ёки катта япроқларга бир оз кичикроқ, худди ана шу рангнинг тўқроқ ёки очроқ тусини қирқиб ёпиштириш кераклигини тушунтириш.

Қушларга алоҳида қанотлар, қанотлари учун алоҳида патлар, дум, тожни бошқа тусдаги қоғоздан қирқиш ва ҳоказолар. Деталлар тайёр бўлиши билан уларни ёпиштириш, ҳар бир бола билан қирқилган гуллар, барглар, қушларнинг катта-кичиклигини, шакли ва рангини эътиборга олиб, ишининг умумий композициядаги ўрни ҳақида суҳбатлашиш.

Машғулотга тайёрланиш. Умумий композиция учун очиқ тилла рангга бўялган катта қоғоз варағини тайёрлаш (қоғоз юзасининг ранг билан бир текис қопланиши муҳим аҳамиятга эга). Бунинг учун қоғоз варағини, у букланиб кетмаслиги учун, горизонтал текисликка кнопкалар билан қадаб қўйиш ва чаққон ҳаракатлар билан тепадан пастга, охиригача етказиб, бўёққа ботирилган катта тампон (дока ёки пахта) билан қоғоз бетини ранг билан қоплаш керак. Тампонни сиқиб олмаслик, у бўёқ билан тўйинган бўлиши керак; сиқиб олинган тампон қоғоз юзасида йўл-йўл из қолдириши мумкин.

Гуллар ва қушлардан ташкил топган халқ декоратив композицияларини (украина, городецк нақшлари ва бошқаларни) кўриб чиқиш учун танлаб олиш.

Эслатма. Қирқиб олинган гуллар ва қушларни қўшимча нақшлар билан безатиш мумкин (унда майда деталлар ёпиштирилмайди), масалан, қуш тасвирига пат ёпиштириш, қанотларини, думи, кўзлари, тумшуғини белгилаш; гулларнинг силлиқ фони устига япроқлар, ингичка гажакларнинг тўқроқ ёки очроқ контурларини чизиш. Бу коллектив композиция тузилгунга қадар ба-

жарилса яхши, шундай қилинса унинг ранг тузилишини аниқлаш осонроқ бўлади, ахир нақш ўзининг биринчи фонини композиция қисмларининг ёки очлашиб, ёки туқлашиб кетиши ҳисобига ўзгартириб юбориши мумкин-ку. Бир машғулотнинг ўзида болалар ҳам қирқиб, ҳам нақш чизиб улгура олмайдилар, шунинг учун бу ишга икки машғулот ажратиш мумкин: биринчи машғулотда болалар бир асосий шаклни қирқиб оладилар, иккинчисида унга нақшлар чизадилар ва сўнгра бўш вақтларида умумий вараққа ёпиштирадилар.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Шаҳар (қишлоқ) кечқурун» темасида расм чизиш

Программа мазмуни. Болаларни кечки шаҳар расмини, унинг ранг колоритини тасвирлашга ўргатиш: уйлар тунги осмондан очиқроқ рангда, деразаларда турли-туман чироқлар ёниб турибди.

Тасвирни қоғоз сатҳига мослаб жойлаштириб, ўзи ижод этган расмни композиция жиҳатидан безатиш куникмасини мустаҳкамлаш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Болаларга кечқурун шаҳар қандай бўлишини ўйлаб, қандай кўринишга эга бўлишини эсга олишларини таклиф қилиш. Уйларнинг мутаносиблигига ва кўчада жойлашишига кўра хилма-хил бўлишини эслатиш.

Машғулот охирида расмларни кўриб чиқиш, болалар билан биргаликда кеч киргани нимадан кўриниб турганини, бу нарса ким чизган расмда муваффақиятлироқ чиққанини муҳокама қилиш.

Машғулотга тайёрланиш. Ота-оналарга болалари билан кечқурун шаҳарни сайр қилишларини айтиш. Мана шундай кузатишни боғда ўтказиш. Тегишли суратларни танлаб олиш ва болалар билан биргаликда кўриб чиқиш; уларни бирмунча вақтга группа хонасида қолдириш.

Тўқ рангдаги қоғоз, акварель ва гуашь тайёрлаш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Лойдан декоратив лавҳалар ясаш

Программа мазмуни. Болаларни лойдан ясалган лавҳалар устига декоратив расмлар чизишга, улар учун янги бўлган иш техникасини эгаллашга ўргатиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Болаларга 1—2 *см* қалинликдаги лой қатламини қандай қилиб картонча ёки тахтача устига қўйишни, бармоқни сув билан ҳўллаб, лойни суваб текислашни кўрсатиш. Учи ўткирлаштирилган стек таёқча билан қандай қилиб расм чизишни тушунтириш ва кўрсатиш: расм атрофидаги фонни қисиш мумкин, ўшанда расм бўртиб чиқади. Яхши чиқмаган расмни ўчириш ва қайтадан янгисини чизиш мумкинлигини тушунтириш.

Улгурган болаларга иккита лавҳа устига расм чизиш имконини бериш. Тайёр бўлган лавҳаларни столлар устига қўйиш ва кўриб чиқиш, мазмунан ва жойланиши жиҳатидан турлича чиққанларини танлаб олиш. Уларни энди бўяш кераклиги ҳақида келишиб олиш.

Машғулотга тайёрланиш. 10×15 *см* катталикдаги картонча ёки тахтача, лой, стекни тайёрлаш. Уйлаб нақш ишланган қадимги ва тасвирланиши унчалик мураккаб булмаган бошқа декоратив композицияларнинг расмларини танлаб олиш.

Эслатма. Лой суртмасдан, балки 3×4 *см* қалинликдаги лойдан лавҳалар ясаб, унинг устини силликлаб текислаш ва уларга стек билан расм чизиш мумкин; лавҳанинг юқори бурчакларидан, улар қуриганидан сунг, деворга илиш мумкин булиши учун тешиклар очиш.

Агар болалар боғчасида сополдан ясалган нарсаларни пишириш учун печь (муфель) бор булса, лавҳаларни пишириш ва сунгра уларни буяш керак.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Букур тойчоқ» эртаги асосида расм чизиш

Программа мазмуни. Болаларни таниш эртак эпизоди мазмунини расмда ифодалашга: персонажларнинг бир-бирига муносабатини, фигуралар ҳаракатини, теварак-атрофдаги шароитни тасвирлашга ургатиш. Мазкур эпизод мазмунига қараб расмларни қоғоз юзасига жойлаштириш малакасини мустаҳкамлаш.

Машғулот утказиш методикаси. Болалар билан биргаликда эртакнинг асосий эпизодларини эслаш. Ҳар бир болага эртакдаги қайси эпизоднинг расмини чизишни уйлаб куришини ва секингина тарбиячига айтишини таклиф қилиш. Болаларга расм чиза бошлашни таклиф қилиш, расмни тугаллагач, уни доскага қуйганларида, ким нима чизганлигини топиш керак булади. Қайси эпизоднинг расмини чизишларига қараб қоғоз олиш кераклигини болаларга эслатиш. Машғулот давомида баъзи бир деталлар (масалан, Иванушка маликани кутиб турган қирғоқ буйидаги чодир ва ҳоказолар)ни эсга олишларини айтиб, эртак эпизодини бирмунча туларoқ акс эттиришга ундаш.

Расмни бажариш техникасини кузатиб бориш.

Машғулотга тайёрланиш. Ичида сеҳрли эртакларни акс эттирадиган расми бор китобларни, кит тасвирланган расмни танлаб олиш.

Машғулотдан бир кун олдин эртак мазмунини, болалар тасвирлаши мумкин булган айрим эпизодларни эслаш, уларни яна бир марта укиб чиқиш (масалан, букур тойча уз устига Иванушкани миндириб ўрмонлар, тоғлар устидан учиб кетмоқда; ёки Иванушка қозон ичига узини отмоқчи, ҳамма тик қараб турибди; ёки Иванушка Қақнуснинг думидан ушлаб олмоқда; ёки алвасти — кит денгизни тусиб ётибди, унинг устида уйлар; ёки кит оғзидан кемаларни чиқармоқда ва бошқалар).

Болаларга ким ниманинг расмини чизмоқчи эканлигини уйлаб куришларини таклиф қилиш, болалар атаган эпизодларни ёзиб қуйиш. Шундан сўнг баъзи бир болалар билан уз уйлаганларини қандай чизмоқчи эканликлари туғрисида алоҳида гаплашиб олиш. Расмни яхши тулдиришга ёрдам берадиганларини ажратиб олишда ёрдам бериш.

Акварель, белила, гуашь буёқларини, оддий графит қалам, юмшоқ рангли тондаги қоғозни тайёрлаш.

Эслатма. Бундай иш эртаклар асосида расм чизиш (ёки лой, пластилиндан нарса ясаш) тавсия қилинган барча ҳолларда мақсадга мувофик бўлиб, расм (лой ёки пластилиндан нарса ясаш) мазмунини болаларнинг ўзлари белгилайдилар. Болаларнинг ўзлари чизган расмлари юзасидан хикоя қилишларини нутқ ўстириш машғулотига кўчириш мумкин.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

Рангли қаламлар билан «Бизнинг жонажон Армия» темасида расм чизиш

Программа мазмуни. Шеърлардаги образлардан фойдаланиб теварак-атрофдаги ҳаётдан олинган таассуротларни расмда акс эттириш малакасини мустаҳкамлаш. Одамларнинг ҳаракатдаги фигураларини, қўшинларнинг маълум турларига тегишли эканлигини кўрсатувчи кийимлар хусусиятларини ифодалаш малакаларини машқ қилдириш. Расм композициясини ва уни бажаришдаги изчилликни ўйлаб кўришга ўргатиш. Совет Армияси жангчиларига ҳурмат ва муҳаббат тарбиялаш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Болалардан, бизнинг мамлакатимиз яқинда қандай байрамни (Совет Армияси куни) нишонлашини, улар армиямиз тўғрисида нима билишларини, қандай қўшин турлари борлигини, уларнинг нима билан характерланишини сўраш, Совет Армияси тинчлик кунларида нима билан машғуллигини сўзлаб беришларини уларга таклиф қилиш. Болалар билан биргаликда шеърларни эсга олиш, икки-уч боладан шу шеърларни ўқиб беришларини илтимос қилиш. Бу шеърларда нима ҳақида гап боришини аниқлаш. Болаларга Совет Армияси ҳақида, қўшинларнинг бирор тури ҳақида (ким қайси қўшинни кўпроқ билса, ўша қўшин ҳақида) расм чизишларини таклиф қилиш. Олдин қаерга ва ниманинг расмини чизишни, чизишни нимадан бошлашни ўйлаб кўриш кераклигини болаларга эслатиш. Машғулот давомида оддий қалам билан расм чизиш (қаламни қаттиқ босмаслик, майда деталлар устидан яна қалам юргизиб ўтирмаслик, расмни бўямаслик) усулларини, рангли қаламлар билан батартиб бўяш усулларини эслатиб туриш. Диққатни расмда образларнинг ўзига хос хусусиятларини: солдатлар, матросларнинг ҳаракатларини, кийим-кечакларини бирмунча аниқ акс эттириш кераклигига йўналтириш ва хоказолар.

Машғулот тугагач, ҳамма расмларни доскага қўйиш ва кўриб чиқиш. Ўз расмлари ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилиб 5—6 болани доскага чақириш мумкин.

Машғулотга тайёрланиш. Она тили машғулотларида болалар Совет Армияси ҳақидаги шеърларни ўрганадилар, парадлар тўғрисида, ёш солдатлар бизнинг Ватанимизни ҳимоя қилишга қандай ўрганаётганлари ҳақида ҳикояларни тинглайдилар. Суҳбат вақтида тарбиячи бизнинг давлатимиз бутун дунёда тинчлик бўлишига интилаётганлигини таъкидлаб ўтади.

Оқ қоғоз, рангли қаламлар, оддий графит қалам тайёрлаб қўйиш.

МАШҒУЛОТ ҚОНСПЕКТИ

«Қамалак ранглари» темасида буёқлар билан расм чизиш

П р о г р а м м а   м а з м у н и. Расмда теварак-атрофдаги ҳаёт кўринишларини тасвирлаш, шеърнинг шоирона образлари асосида у ёки бу ҳодиса характерини ранг орқали акс эттириш малакасини мустаҳкамлаш. Ўзи ўйлаган расмини чизиш учун керакли формат ва катталикдаги қоғозни танлашга, расмни бажаришдаги изчилликни ўйлаб кўришга ўргатиш.

М а ш ғ у л о т   ў т к а з и ш   м е т о д и к а с и. Тарбиячининг кўрсатмасига биноан болалардан бири ўрнидан туради ва «Цвета радуги» («Қамалак ранглари») шеърининг биринчи бандини ўқийди; ундан кейин иккинчи бола туради ва иккинчи бандни ўқийди ва ҳоказо шеър охиригача ўқилади. Сўнгра ҳаммалари расм чиза бошлайдилар. Расм мазмуни ҳар ким томонидан танлаб олинган ва олдиндан ўйлаб қўйилган. Болалар расмни мустақил чизадилар, аммо бирорта болада савол ёки шубҳа туғилиб қолса, у тарбиячи билан маслаҳатлашади; баъзи вақтларда тарбиячи группани айланиб юриб, боланинг илтимосисиз ҳам маслаҳат бериши мумкин. Бироқ, энг яхшиси болага мустақил расм чизиш, ўйлаш, эсга тушириш, уни бажариш процессида ўз ишига баҳо бериш учун имконият яратишдир. Расмни чизиб тугатдим, деб ўйлаган бола қўлини кўтаради. Тарбиячи бирор нарса қўшишни, расмни янада яхшилашни ёки стендга қўйишни маслаҳат беради.

Ҳамма болалар расм чизишни тамомлагач, яна бир-нечта болалар (машғулот бошланишида шеър ўқиган болалардан бошқалари) стенд ёнига чиқадилар ва у ёки бу рангдаги расмларни кўрсатиб, шеър бандларини бирин-кетин ўқийдилар.

М а ш ғ у л о т г а   т а й ё р л а н и ш. Бу машғулотдан олдин бир қатор бошқа машғулотлар ўтказилиб, уларда болалар камалак ранглари билан танишадилар ва расмини чизадилар. Сўнгра болалар В. Товарковнинг «Цвета радуги» («Қамалак ранглари») шеърини («Оленёнок» китобидан; «Малыш», 1965) ўрганадилар. Олдинги икки банди тушириб қолдирилади (улардан болалар камалакдаги ранглар тартибини ўзлаштириб олганларидан кейин фойдаланилса яхши бўлади).

Машғулотда болалар қуйидаги мисраларни ёд оладилар ва навбатма-навбат ўқийдилар:

Байроқдордир қизил ранг,
Ранг йўқ, ундан ёрқинроқ.
У майнинг тонгидир ва
Октябрь тутган байроқ.
    Тўқ сариқ ранг — аланга,
    Қўлинг-ла тегма унга!
Сариқ — бу ранг қўшниси,
Шу рангда ҳосил туси.
    Яшил ранг — баҳор ранги,
    Бу рангда борлиқ янги.

Бўлмаса булут зинҳор
Осмоннинг ранги зангор
    Кўк рангда кўзга равшан —
    Юксаклик, теранлик ҳам.
Бинафша ранг товланар
Тонготар пайти тоғлар.
    Оқ ранг — қиш кўрки сўзсиз
    Ва оқ қоғоз узра биз
    Чиздик мўйқалам билан —
    Юксак осмон,
    Уфқин шан...

Нутқ ўстириш машғулотларида, болалар шеърлар билан танишаётганларида ва уларни ёд олаётганларида, тарбиячи бу шеърлар мазмуни ҳақида суҳбатлашади: болаларга ҳаммаси тушунарлими, улар шеърдаги ҳамма нарсани тасаввур қила оладиларми, ана шуларни аниқлайди, расмда ҳосилни қандай ифодалаш ҳақида, кўм-кўк осмон нима эканлиги ҳақида гапиради, фақат тоғ қирраларигина эмас, балки булутлар ҳам момақалдироқ бошланиши олдидан бинафша рангида бўлишини тушунтиради.

Агар тарбиячи ранг образларини болалар аниқ кўрадиган ва уларни ҳис этадиган расмлар ва суратлардан олинган репродукцияларни танлаб олса ва болаларга кўрсатса яхши бўлади.

Ҳар бир болага у қайси рангнинг расмини чизмоқчи эканлигини танлаб олиш ҳамда нимани ва қандай қилиб тасвирламоқчи эканлигини сўзлаб бериш таклиф қилинади. Унча катта бўлмаган қоғоз варақларида болалар нимани қаерга чизишни белгилаб олишлари мумкин.

Расм чизиш машғулоти олдидан ҳар бир болада бажариши керак бўлган расм ҳақида равшан фикр ва аниқ тасаввур бўлиши керак. Шунингдек машғулот учун керак бўладиган қоғоз хажми ва шаклини олдиндан ўйлаб қўйиш ҳам мумкин.

Болалар билан расмни қандай изчилликда бажариш кераклиги ҳақида келишиб қўйилса яхши бўлади.

Акварель бўёқларни ва машғулотда расм чизиш учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни болаларнинг ўзлари тайёрлайдилар.

Э с л а т м а. Ана шундай тайёргарлик кўрилгандан сўнг машғулот муваффақиятли ўтади; болалар биринчи дақиқаданоқ иш билан банд бўладилар, нима қилишлари кераклигини биладилар, шунинг учун хам улар хотиржам, уюшган ҳолда, завқ билан расм чизадилар. Рангли расмлар уларга қувонч бахш этади. Машғулотга бу йўсинда тайёргарлик кўришни вақт-вақти билан мактабга тайёрлов группасида татбиқ қилиш мумкин.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Йил — ўн икки ой» темасида бўёқлар билан расм чизиш

П р о г р а м м а   м а з м у н и. Бирор ойнинг (истаганини) ўзига хос белгиларини тасвирлаш учун мустақил равишда мазмун топиш, тўғри келадиган рангларни танлаш, тасвирни қоғоз бетида яхши жойлаштириш, бўёқлар билан ишлашда турли техник усуллардан фойдаланиш.

М а ш ғ у л о т   ў т к а з и ш   м е т о д и к а с и. Машғулот «Йил—ўн икки ой» китобидан Маршакнинг «Январь» шеърини ўқиш билан бошланади. Сўнгра болалар тарбиячи чақириғи билан ойлар номини тартиб билан бирин-кетин атайдилар, йўлакай тегишли шеърларни эсга оладилар. Ҳар бир бола қайси ой ҳақида расм чизишини танлаб олади, бу ой ҳақида шеърда нималар дейилганини эслайди. Болалар билан суҳбат ўтказаётганда улардан у ёки бу ой учун қандай қишлоқ хўжалик меҳнати характерли эканлигини сўраш зарур. Масалан, апрелда ўрта минтақада ер ҳайдаш, экин экиш, июлда пичан ўриш бошланади, августда ғалла ўриш, сентябрда эса сабзавот ва мевалар йиғиштириш тугалланади. Буларнинг ҳаммаси болалар ўз расмларида акс эттиришлари мумкин. Иш бошланишидан олдин тарбиячи шундай дейди: «Сиз-

лар расм чизишни нимадан бошлашларингизни ва кандай изчилликда бажаришингизни, сизга кандай тусдаги қоғоз кераклигини (болалар стол устига ёйиб қўйилган қоғозлар ичида ўзлари учун кераклисини танлаб оладилар), биринчи навбатда сизларга қандай буёқлар керак булишини уйлаб куринглар». Сунгра суюқ қилиб қориштирилган буёқ билан қандай қилиб катта сатҳлар— осмонни, утларни, ерни қоплаш кераклигини эслатиб ўтади.

Расмлар чизиб булингач, уларнинг ҳаммаси стендга ойлар тартиби буйича қуйилади ва куриб чиқилади. Расмларни муҳокама қилиш қисқа булиши керак, чунки болалар мураккаб ишни бажардилар, чарчашган, бунинг устига машғулот ҳам чузилиб кетиши мумкин. Диққатни фақат ранглар қандай танланганлигига, қоғоз юзасининг тўлдирилганлигига, расмнинг умумий ифодалигига қаратиш керак. Тасвирланганларни батафсил муҳокама қилишни нутқни устириш ва теварак-атроф билан танишиш машғулотига кучириш маъқул.

М а ш ғ у л о т г а т а й ё р л а н и ш. Бутун йил давомида болалар табиатнинг турли хил кўринишлари билан, ойлар изчиллиги, уларнинг номлари ва асосий белгилари билан танишадилар, шунингдек йил фасллари ҳақидаги, ойлар ҳақидаги шеърларни ёд оладилар. Болалар билан биргаликда табиатда юз берадиган узгаришлар кузатилади. Расм чизиш машғулотидан бир неча кун олдин ҳар бир ой учун хос булган белгиларни ва унинг учун характерли бўлган қишлоқ хўжалик меҳнатини аниқловчи якуний суҳбат утказиш ва ойлар ҳақидаги шеърларни эслаш лозим. Суҳбат охирида ҳар бир болага у қайси ой ҳақида расм чизиши ва нимани тасвирлаши туғрисида уйлаб куришни таклиф қилиш керак.

Юмшоқ тусга эга булган (фон учун) рангли катта қоғоз варақларини, акварель буёқни, белила-гуашни, икки хил катталикдаги муйқаламларни тайёрлаб қуйиш.

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Қишда ўрмон» расми буйича болалар билан суҳбатлашиш

П р о г р а м м а м а з м у н и. Болаларни турли хил расмлар ва суратлардаги қишдаги урмон тасвири билан ва шеърлардаги худди ана шу таърифлар билан таништириш. Болаларни тасвирлашнинг турли усулларини ҳамда аниқ ва жонли қилиб тасвирлаш воситаларини тушунишга олиб келиш.

М а ш ғ у л о т у т к а з и ш м е т о д и к а с и. Мольберт устидаги расмларни болалар олдига биттадан қўйилади. Болалар бир неча дақиқа сукунат сақлаб уларни кўриб чиқадилар, сўнгра тарбиячи шеър укийди ва суҳбат утказади.

Биринчи навбатда «Родные картинки» («Жонажон расмлар») китобидан П. Басманов ишлаган расмлар («Детская литература», 1960) курсатилади.

Тарбиячи И. Суриковнинг шеърларини уқийди:

Момиққина оппок қор
Чарх уради ҳавода.
Замин узра беозор
Тушар уни шаббода.

Ва тонг олди далалар
Қолар оппоқ оқариб.
Хазонрез манзаралар
Куринмас энди ғариб.

Олисдаги чунг урмон
Бостирганча қалпоғин,
Уйқуга кирди чунон,
Гуё уйғонмас тағин...

«Кани курайлик-чи,— мурожаат қилади у болаларга — рассом нимани тасвирлаган экан?» Болалар майдон ва ўрмон расми чизилганлигини, бу урмон эканлигини айтадилар. «Ҳамма нарса қор билан қопланган таъкидлайди тарбиячи,— яқиндаги майдончада ҳам, йироқда ҳам — ҳамма ёқда қор, қор ва қор. Узоқда нима кўриняпти?». Болалар бу ўрмон деб, жавоб берадилар. У қор билан қопланган ва зурга кузга куриняпти». Энди осмонга каранг: у қандай ёруғ, бир оз кукроқ. Сукунат. Гуё ҳамма нарса уйқуда. Сиз бу расмда кимни сездингиз, ким ухламаяпти?» Болалар «Қуёнча, загизғон», деб жавоб берадилар. Тарбиячи давом этади: «Рассом қишда ҳам урмонда ҳаёт давом этишини курсатган. Диққат билан қаранг: қор фақат оқ буёк билан чизилганми? «Болалар қор кукишроқ ранг билан чизилганлигини айтадилар. «Бу расмда яна қандай ранглар бор?»—«Оч сариқ, оч бинафша, кукишроқ, кул ранг, оқ ранглар бор»—Курдингизми, ҳаммаси ёрқин ранглар. Зағизғон эса узининг туқ рангли патлари билан оппоқ қорда яққол ажралиб турибди».

Иккинчи расм В. Бианкининг «Сказки зверолова» («Ҳайвонлар овчиси эртаклари») китобидан, расмларни А. Рилов ишлаган («Детская литература», 1967).

«Биринчи расмда биз сизлар билан майдонда булган эдик, ўрмон эса узоқдан куринар эди. Бу расмда эса биз ўрмон ичидамиз. Бу расм ҳақида ким нима дейишни истайди?» Болалар қор босган арчани ва ердаги қорни курадилар; йул устига тулкича югуриб чиқди, хода устида олмахон утирибди. «Йул урмон ичига, қоронғи қалин урмон ичига қараб чузилиб кетган — дейди тарбиячи. Арчалар қишда қандай тусда булади?»—«Туқ яшил, туқ жигар ранг», —«Осмон эса сариқ, узоқдаги дарахтлар учи бинафшасимон пушти рангда. Қор устида туқ ҳаво ранг соялар. Чамаси, тезда кеч кирса керак,— дейди тарбиячи,— шунинг учун ҳам осмон сарғиш, қор устидаги соялар ҳам қорамтир рангда. Диққат билан қаранглар: рассом ҳамма дарахтларнинг расмини тулиқ чизганми?» Болалар рассом дарахтлар учининг расмини чизмаганлигини айтадилар. Улар шунчалик каттаки, қоғозга сиғмаган.

Учинчи расм «Снег да снег» («Қор ва қор») китобидан олинган, расмларни Г. Никольский ишлаган. («Детская литература», 1968.)

Тарбиячи С. Есениннинг шеърларини ўқийди:

Сеҳрлангандек ўрмон
Уйқуга чўмган майин.
Гуёки оппоқ рўмол
Ўраб олган ҳар қайин...

Равон елади тулпор
Ел тўшар қор пояндоз
Бир жуфт из олға чопар
Уфқларга айтиб роз.

«Қаранглар-чи, сизнингча ҳаво сокинми ёки шамол борми?»—сўрайди тарбиячи. Болалар дарахтларнинг эгилганлигидан ва қорни учираётганидан шамолнинг қанчалик кучли эсаётгани кўриниб турибди, бу қиш бўрони. Қандайдир бир киши от устида кетяпти. У юришга қийналяпти: шамол ва қор унга халақит беряпти, дейдилар. «Сездиларингизми, осмон қанчалик қора?» — «Осмонни булут қоплаган».

Тўртинчи сурат «Лесные шорохи» («Ўрмон шарпаси») китобидан, расмларни Я. Крестовский ишлаган («Детская литература», 1965). «Энди мана бу суратга қаранг. Бунда ниманинг расми чизилган? Мана бу туқ нарса нима?» Болалар, бу катта қалпоқлардек қор билан қопланган тўнкалардир, дейдилар. «Бу яна йўғон оёқли қузиқоринларга ҳам ухшайди. Қаранг қанча қор ёғипти. Қаранглар-а,— давом этади тарбиячи»— қор устига қандай оч хаворанг соялар тушиб турибди. Сизнинг фикрингизча рассом расмни қуёшли кунда чизганми ёки булутли кунда чизганми? «Болалар расм қуёш чиқиб турган вақтда чизилган дейдилар: қор ялтираб турибди, у очиқ—оқ рангда, шунинг учун соялар мана шундай, ёрқин кук рангда. «Сизнинг фикрингизча, рассом расмни узоқдан туриб чизганми ёки яқиндан туриб чизганми?— «У яқин келган ва ҳатто қор устидаги изларни ҳам курган. Бу югуриб утган қандайдир бир ҳайвоннинг қолдирган изи».—«Рассом яқин масофада туриб расм чизганлигини яна нимадан билса булади?»— «Баланд дарахтлардан, унга фақат дарахт таналарининг пастки қисмларигина куринган».

Бешинчи расм Е. Трутневанинг «Қиш, баҳор, ёз, куз» китобидан олинган, расмларни С. Куприянов чизган («Детская литература», 1969).

Тарбиячи расмни курсатади ва сурайди: «Бу расм ҳақида ким сузлаб бера олади?» Люся: «Қиш. Ўрмон. Ҳамма нарса қор билан қопланган. Яқинда қалин қор ёққан. Ҳар бир шохни қалин қор қоплаган. Ҳамма нарса қуёшда ялтирамоқда. Бу қуёш нури қор устига, қайин дарахти танасига тушиб турганидан куриниб турибди. Осмон ёруғ, баъзи жойлари сариқ, баъзи жойи кўк, баъзи жойи оч пушти рангда. Дарахтлар учи куринмайдиган даражада йўғон, ингичка дарахтлар хам бор. Узоқда арча дарахтлари, яқинда эса қайин дарахтлари».

Суҳбат охирида тарбиячи шундай дейди: «Биз сизлар билан турли рассомларнинг расмларини куриб чиқдик. Уларнинг ҳар бири ўрмонни ўзича тасвирлаган, биттаси уни узоқда туриб (биринчи расм эсларингиздами?), бошқаси ўрмонни ичига кириб борган ва у ерда, ҳайвонларни курган, учинчи рассом фақат уларнинг изинигина чизган. Баъзи расмларда ҳаво очиқ, қуёш ярқираб турибди, бошқаларида осмонни булут қоплаган ва қор ёғмоқда. Биз ҳам қишки ўрмон расмини чизамиз. Ҳар бир бола ниманинг расмини чизиш ва ўз расмида нимани тасвирлаши ҳақида уйлаб куриши мумкин».

МАШҒУЛОТ КОНСПЕКТИ

«Эрта баҳор» темасидаги расмлар (рассомларнинг чизган репродукциялари буйича суҳбат ўтказиш

Программа мазмуни. Болаларни расмларни диққат билан куриб чиқишга, уларнинг мазмунини сузлаб беришга, рассом қўллаган тасвирлаш воситаларни кўра билишга ва тушунишга, санъат асари гўзаллигини ҳис этишга ўргатиш.

Машғулот ўтказиш методикаси. Болаларга А. Саврасовнинг «Қора қарғалар учиб келишди» расмидан, И. Левитаннинг «Баҳор— катта сув» расмидан олинган репродукциялар курсатилади. Суҳбат ўтказилади: «Болалар, айтинг-чи бу расмларда йилнинг қайси фасли тасвирланган?»—«Ба-

ҳор»—«Эрта баҳорми ёки кечки баҳорми?» —«Эрта баҳор»,—«Мана бу расмни кўриб чиқайлик. Рассом ўз расмида эрта баҳорни қандай тасвирлаган?» —«Ифлос, эрий бошлаган қор ётибди. Қора қарғалар учиб келган»,—«Ҳа, қора қарғалар март охирида учиб келишади. Рассом қора қарғалар расмини қандай чизган, улар нима қиляптилар?»—«Қора қарғалар эски инларини тузатяптилар ва янгиларини қуряптилар»—«Қора қарғалар қандай дарахтларга ин қуйишни яхши кўрадилар?»—«Қайин дарахтларига»—«Тўғри. Рассом бир тўда қайин дарахтларининг расмини чизган. Бу дарахтларнинг учларида қора қарға инлари. Рассом қандай осмон расмини чизган?»—«Кук ва бир оз сарғиш»—«Рассом Саврасов шаҳарчадаги баҳор куни расмини чизган. Расмнинг ҳаммаси баҳорнинг янги нафаси билан тўлган. Биз эриб ранги хиралашган қорни кўрамиз. Ер узра енгил шарпа ётибди. Тиниб-тинчимаган қора қарғалар ўз инлари олдида учиб юрибдилар. Бу расмни қандай аташ мумкин?»—«Баҳор. Эрта баҳор. Қорлар эриб ерлар кўрина бошлади. Қор эримоқда»,—«Рассом Саврасов ўз расмини қора қарғалар учиб келишди» деб атаган. Яхши ном қуйибдими?»—«Яхши»,—«Мана бу бошқа рассом—Левитан ишлаган расм. Бу расмни у «Баҳор—катта сув» деб атаган. Нима учун уни шундай деб атаган?»—«Чунки қайин дарахтлари сув ичида турибди, дарё тошган. Қирғоқларни сув босган».—«Тўғри, Левитан сув тошқинини тасвирлаган. Расмда қандай ҳаво тасвирланган?»—«Қуёшли кун».—«Нима учун қуёшли кун деб ўйлайсиз?»—«Рассом осмонни кўм-кўк қилиб ишлаган, унда булутлар енгил учиб юрибди, сув эса, у ҳам ҳаво ранг ва тиниқ: унда қирғоқдаги ҳамма дарахтлар акс этиб турибди» — «Расмда очиқ, қуёшли кун тасвирланган. Мовий осмон акси сувда кўриниб турибди, шунинг учун у ҳаво ранг бўлиб туюляпти. Дарахтлар эса қуёш нуридан олтинсимон кўринишда бўлиб, уларнинг сояси тушиб турибди.

Сиз бугун эрта баҳор белгиларини рассомлар ўз расмларида турлича тасвирлаганларини кўрдингиз. Ҳозир эса шоир А. Плешеевнинг баҳор ҳақидаги шеърини эслаймиз:

Қорлар эрий бошлаб, ирмоқлар чопиб,
Муаттар бўйларин уфурар баҳор...
Ҳадемай булбуллар боғни уйғотиб —
Наврўз базмин бошлар,
шовуллар анҳор!

Боқсанг, кўзни олар ложуворд осмон,
Қуёш ҳам кундан-кун серишва энди
Табиат саҳнини тарк этди сурон,
Қаҳрли фаслнинг сазоси синди.

Расмларга яна бир марта диққат билан қаранг ва эрта баҳор расмини сиз қандай чизар эдингиз, ана шу ҳақда ўйлаб кўринг.

28329
Сурхандарьинская
ОБЛБИБЛИОТЕКА
им. Гоголя

МУНДАРИЖА

Авторлардан 3
Биринчи кичик группа 7
Иккинчи кичик группа 29
Ўрта группа 77
Катта группа 125
Мактабга тайёрлов группаси 176

На узбекском языке

Нина Павловна Сакулина
Тамара Семеновна Комарова

ИЗОБРАЗИТЕЛЬНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В ДЕТСКОМ САДУ

Для воспитателей детских садов

Перевод с издания «Просвещение», М., 1973.

Издательство «Ўқитувчи»
Тошкент — 1976

Таржимон *Ғ. Алиев*
Редактор *Ф. Икромова*
Муқовани рассом *Г. Н. Чернышов ишлаган*
Бадиий редактор *П. А. Бродский*
Техредактор *О. Л. Чигряева, Э. Вильданова*
Корректор *В. Абдуллаева*

Теришга берилди 26/VIII-1975 й. Босишга рухсат этилди 31/III-1976 й. Қоғоз № 3. $60\times90^1/_{16}$. Физ. б. л. 14,5+1,0 цв. вкл. Нашр. л. 16,1+1,05 цв. вкл. Тиражи 12.000.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 141-75. Баҳоси 60 т. Муқоваси 10 т.

ЎзССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг 2-босмахонаси. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44. 1976. Зак. № 34.

Типография № 2 Государственного Комитета Совета Министров УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Янгиюль, ул. Самаркандская, 44.